ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Қосимова Гулёра Ахматовна

Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш

Ўқув қўлланма

Молия-2007

Қосимова Г.А. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш. Ўқув қўлланма. Тошкент. Молия. 2007. 275 б.

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида ўтиладиган «Маҳаллий бюджетларни тузиш ва унинг ижросини таъминлаш» курси бўйича «Давлат молиясини бошқариш» йўналишидаги магистратура тингловчиларига мўлжаллаб тузилган ўқув дастурига асосан тайёрланган.

Ўқувчиларга тақдим этилаётган ушбу ўқув қўлланмада бюджет тизимида маҳаллий бюджетни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Ушбу китобда маҳаллий бюджетни бошқариш жараёнларида маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган вазифалар ва функциялар ҳамда маҳаллий бюджетларнинг ҳозирги замон муаммоларини тадқиқ этиш масалалари ёритилган.

«Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш» номли ўқув қўлланма иқтисодиёт йўналиши бўйича ўқиётган талабалар учун фойдали бўлиб, унда маҳаллий бюджетни ташкил этишнинг назарий, ҳуқуқий, ташкилий асослари ҳақида, ҳозирги кунда маҳаллий бюджетларни самарали бошқариш чора-тадбирлари тўғрисида маълумотлар берилган.

Масъул муҳаррир:
Вахабов А.В. -иқтисод фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:
Йўлдошев М. И. -Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кафедраси мудири, и. ф. д., профессор.
Жумаев Н.Х.-Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси илмий марказ бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди, доцент.
Нурматов У. Р.-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳудудлар Бошқармаси бошлиғи.

Ислоҳотлар ва ўзгаришлар йўлида фақатгина эришилган марралар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмас. Иқтисодиётдаги ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон ниҳоя билмайди. Бу, энг аввало, бюджет ва солиқ сиёсатидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш билан боғлиқдир.
И. Каримов.

Кириш

Маълумки, республикамизда иқтисодиётни эркинлашуви шароитида мустақил миллий молия, кредит тизими, бюджет ва солиқ сиёсатининг юритилишида бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос ижтимоий ҳимояланган, босқичма-босқич йўли танланди. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланишига оид туб иқтисодий ислоҳотларнинг ўтказилиши давлатнинг молия, бюджет, солиқ, пул-кредит сиёсати йўналишларини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида муҳим таркибий қисмни ташкил этади ва маҳаллий ҳокимият органларининг фаолият кўрсатишларида асосий молиявий манба бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида рўй бераётган туб ўзгаришлар ижтимоий-иқтисодий яратувчилик руҳида маҳаллий бюджетларни бошқариш, маҳаллий бюджетларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бажарилишини қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда.

Маҳаллий бюджетлар давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда давлат маблағларини қайта тақсимлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқарилган моддий неъматларни тақсимлаш ва аҳолига етказиш асосан бюджет тизими орқали амалга оширади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш асосан маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўқувчиларга тақдим этилаётган ушбу ўқув қўлланмада маҳаллий молияни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган, давлат бюджети таркибида маҳаллий бюджетнинг ўрни, маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган вазифалар ва функциялар ҳамда маҳаллий бюджетларни бошқаришда ғазначилик тизимини татбиқ этиш масалалари ифода этилган.

Мазкур ўқув қўлланма ватанимиз ва чет эл адабиётларидан, матбуотда эълон қилинган мақолалардан фойдаланган ҳолда тайёрланди, шунингдек, қўлланма интернет тармоғи орқали олинган маълумотлар билан ҳам бойитилди. Ўқув қўлланманинг ҳар бир боби сўнгида талабанинг билимини мустаҳкамлаш ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида ўзини-ўзи текшириши учун саволлар ва тестлар берилди.

Ўқув қўлланмани тайёрлашда яқиндан ёрдам берган Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ректори и.ф.д., профессор А.В. Вахабовга, тақризчилар и.ф.д., профессор М.И. Йўлдошевга, иқтисод фанлари номзоди, доцент Н.Х. Жумаевга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудлар Бошқармаси бошлиғи У.Р. Нурматовга миннатдорчилик билдирамиз.

Мазкур ўқув қўлланма бўйича барча фикр-мулоҳаза ва таклифларни Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг илмий-услубий кенгашига юборишингизни сўраймиз. Бу келгусида мазкур ўқув қўлланмани янада мукаммал тарзда ўқувчиларга дарслик сифатида тақдим этилишига ёрдам беради, деган умиддамиз.

Муаллиф

БИРИНЧИ БЎЛИМ

1-Боб. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ТЎҒРИСИДА ТУШУНЧА ВА УЛАРНИНГ УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

1.1. «Маҳаллий бюджетларни тузиш ва унинг бажарилишини таъминлаш» курсининг предмети, вазифалари бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Маҳаллий бюджетлар орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши молиявий маблағлар билан таъминланади. Республикамизда қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини аниқ тарзда қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш асосида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлиги ва аниқ тарзда молиявий қўллаб-қуватлашни кучайтиришда маҳаллий бюджетларни самарали ижросининг аҳамияти каттадир.

«Маҳаллий бюджетларни тузиш ва унинг ижросини таъминлаш» курсини ўрганишнинг мақсади - юқори малакали иқтисодчи-мутахассислар бўлиб етишадиган тингловчилар учун маҳаллий бюджетларни бошқариш тизими ҳақида назарий билимлар бериш, уларда ҳозирги даврдаги давлатнинг жойларда амалга оширилаётган молия сиёсатининг устувор йўналишлари бўйича назарий маълумотлар беришдан иборат.

«Маҳаллий бюджетларни тузиш ва унинг ижросини таъминлаш» курсини ўқитишнинг зарурлиги Давлат бюджети таркибида маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти ўсиб бораётганлигидан келиб чиқади. Маълумки, маҳаллий бюджетда асосий аҳамиятга эга бўлган харажатлар молиялаштирилади. Масалан, халқ таълими, ижтимоий таъминот, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа харажатларидан иборат. Маҳаллий бюджет харажатларини ўз вақтида молиялаштириш ҳамда қўшимча молиялаштириш маблағларини топиш, маблағларни бюджет ташкилотлари томонидан самарали ва мақсадли ишлатиши устидан назоратни амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда маҳаллий бюджетларни ўз ичига қамраб олган давлат бюджетининг маблағларини самарали ва мақсадли фойдаланишини дастлабки, жорий ва якуний назорат жараёнининг такомиллаштириш бўйича ўзгаришларни амалга ошириш зарур бўлиб қолди.

«Маҳаллий бюджетларни тузиш ва унинг ижросини таъминлаш» курсининг ҳам бошқа фанлар сингари ўзига хос предмет ва вазифалари мавжуд. «Маҳаллий бюджетларни тузиш ва унинг ижросини таъминлаш» фанидан олинган билимлар молия соҳаси мутахассисларини давлат молиясини бошқаришда бюджет амалиётига оид фаолиятда учрайдиган долзарб масалаларни ҳал қилишда ҳамда маҳаллий бюджетга доир адабиётларни ўрганишда ва ўз малакаларини оширишларида ёрдам беради.

Бугунги кундаги давлат молиясини бошқариш ислоҳотларини ўтказиш жараёни, аввало, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда улар ролини ошириш ва шу билан бир вақтда молиявий таъминлашни мустаҳкамлаш, бутунлай янги молия, бюджет ва солиқ механизмини яратиш, бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш ва маҳаллий бюджетлар ижроси самарадорлигини таъминлашнинг янги услубиёти ва тамойилларини аниқлашни ўз ичига олади.

Курснинг мақсадидан келиб чиқиб ўз предметини ўрганиш учун қуйидаги вазифаларни бажаради:

♦ маҳаллий бюджетни бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва вазифаларини ўрганиш;

♦ маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва ижросини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

♦ ҳудудлар даражасида давлат молияни бошқариш хусусиятлари ва муаммоларини ўрганиш;

♦ ҳудудлар даражасида маҳаллий бюджетни бошқаришнинг стратегик вазифаларини ўрганиш.

«Маҳаллий бюджетларни тузиш ва унинг ижросини таъминлаш» курси бозор иқтисодиётини тадқиқ қилувчи курсларнинг бири сифатида ўзида кўплаб бозор иқтисодиётининг аниқ фанлари ва хулосаларини мужассамлаштиради.

«Маҳаллий бюджетларни тузиш ва унинг ижросини таъминлаш» курси «Иқтисодий назария», «Корпоратив молия», «Давлат бюджети» каби фанлардан олинган назарий асосларга таянади. Шу билан бирга, «Ғазначилик фаолиятининг механизмлари ва уни ташкил қилиш», «Молиявий менежмент» каби курсларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қилади. Унинг серқирралиги ва аниқ ҳисоб-китобларга асосланганлиги, айниқса, математик аппаратнинг мураккаблиги, компьютерлардан фойдаланиш зарурияти ушбу курсга катта масъулият билан ёндошиш кераклигини кўрсатади.

Мазкур курсни ўрганиш жараёнида талабалар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бирга бюджет амалиётида мавжуд иқтисодий таҳлил, дастурий режалаштириш ва молиявий режалаштириш, иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланадилар.

«Маҳаллий бюджетларни тузиш ва унинг ижросини таъминлаш» курсини чуқур ўргатиш амалиётда маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари режаларини тўлиқ бажарилишига эришишда ёрдам беради. Мазкур курснинг вазифаси молия ходимларини назарий билимлар ва услубий қўлланмалар билан таъминлашдир. Шунингдек, хорижий мамлакатларнинг бюджет амалиётини ўрганиш ва таққослаш асосида тегишли хулосалар ишлаб чиқиш ҳамда республикамизда мазкур тажрибаларни амалиётга татбиқ этишни ўргатишдир.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ва жойлардаги молия органлари ходимларининг қонун ҳужжатларида кўрсатилган вазифа ва функцияларни бажариш жараёнларида маҳаллий бюджетларни бошқаришни фақат амалий жиҳатларини билибгина қолмасдан, балки маҳаллий бюджетларнинг моҳияти, зарурлиги, ўзига хос хусусиятлари, маҳаллий бюджет даромадлари, маҳаллий бюджет харажатлари, бюджетлараро муносабатлар каби назарий масалаларни билишлари лозим. Шу сабабли «Маҳаллий бюджетларни тузиш ва унинг ижросини таъминлаш» курсини чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур фан молия органи ходимлари, талабалар, тингловчилар, илмий ходимлар учун ўзларининг илмий салоҳиятларини оширишда яқиндан ёрдам беради.

1.2. Маҳаллий бюджетлар - Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий бўғинидир

Маҳаллий молия - давлат молия тизимининг муҳим звеноси ҳисобланади. Давлат бюджети республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети

ҳамда маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади. Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллий бюджетларга эътибор янада кучаймоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «бешинчи устувор йўналиш - марказий ва юқори давлат бошқарув органи идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришни таъминлаш»[1] зарурдир.

Маҳаллий бюджетларнинг мавқеини янада ошириш ҳукуматимизнинг бюджет сиёсатини самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган муҳим омил эканлиги шубҳасиздир, бу борада уларни янада қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилинмоқда. Бу бюджетларнинг режасини шакллантириш ва маблағларини харажат қилиш миқдори вилоят, туман, шаҳар ҳокимият органлари томонидан тасдиқланади. Маҳаллий бюджетлар орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини молиявий маблағлари билан таъминлаб борилади. Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тузилишининг асосий қисми сифатида ўзида 14 та мустақил бюджетни мужассамлаштиради.

Биз биламизки, бюджет иқтисодий ишлаб чиқариш ҳосиласи, у нимани ва қанча яратса шунга қараб шаклланади. Унинг мавжудлиги иқтисодий зарурат ва буни ижтимоий неъматларни такроран яратилиб турилиши юзага келтиради. Бюджет иқтисодиётга давлат томонидан таъсир этишнинг фаол воситаси ҳисобланади. У иқтисодиётни ўсишига қайта таъсир этганда, ишлаб чиқариш ресурсларини ривожлантиришни бюджетдан молиялаштириш орқали юз беради.

Макроиқтисодиётдаги реал айланишда давлат ўз товар ва хизматлари билан иштирок этса, молиявий айланишда бюджетдаги пули билан иштирок этади. Оддий қилиб айтганда, маҳаллий бюджет ишлаб чиқаришнинг якуний натижаларини аҳолига етказишнинг асосий каналларидан бири ҳисобланади. Мазкур бюджетлар орқали марказлашган жамғармалар аҳолининг айрим қатламлари ўртасида тақсимланади.

Маҳаллий бюджетлардан ишлаб чиқариш соҳасининг тармоқлари, биринчи навбатда, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат, коммунал хўжалик ва аҳолининг турмуш кечириши учун зарур бўлган аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият ва бошқарув, марказий ва маҳаллий идоралари амалга оширадиган молиявий фаолият улар олдига қўйган мақсад ва вазифаларга, берилган ваколатларга мувофиқ турли шаклда амалга оширилади. Маҳаллий хокимият идоралари ҳокимлар, халқ депутатлари кенгашлари ўз ваколатлари доирасида маҳаллий молия фаолиятини амалга оширадилар. Маҳаллий давлат ҳокимият идораларининг молиявий фаолияти молиявий масалалар соҳасидаги қарорлар, фармойишлар чиқариш, тегишли бюджетларни тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш, ўз ҳудудидаги давлат идоралари, корхоналари, ташкилотлар, молиявий фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, тегишли маъмурий-ҳудудий бирлик ижтимоий иқтисодий тараққиётни таъминловчи тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни молиялаштириш, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш каби шаклларда амалга ошади.

---

[1] Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Халқ сўзи. 2002 йил 30 август.

Молиявий фаолияти амалга оширувчи барча давлат идоралари қандай даражада бўлишидан, ваколатлари доирасидан қатъий назар мамлакат иқтисодий ва молиявий қудратини ошириш, иқтисодий барқарорликни ва ривожланишни таъминлаш, маҳаллий молияни мустаҳкамлаш йўлида ҳаракат қилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 7-моддасида айтилишича, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституция-сига ва унинг асосида чиқарилган бошқа қонунларга мувофиқ давлатнинг молиявий фаолияти унинг ҳокимият, бошқарув ҳамда маҳаллий хокимият идоралари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларга мувофиқ давлат идоралари томонидан маҳаллий молияни бошқариш давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилувчи бир қатор тамойилларга, етакчи қоидаларга мувофиқ равишда олиб борилиши лозим. Бу тамойиллар молия, кредит, солиқ ва банк соҳасидаги қонунларда белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунда маҳаллий давлат хокимият идораларининг молиявий фаолияти асослари белгилаб қуйилган. Давлат идоралари томонидан молиявий фаолиятнинг амалга оширилишида қуйидаги тамойилларга амал қилинади. Давлат молия идоралари билан ўзаро муносабатлар давомида барча корхоналар, бирлашмалар, фуқаролар ҳам қонунларга қатъий амал қилишлари лозим. Қонунийлик тамойилига амал қилиш молиявий муносабатлар барқарорлигини таъминлаш, давлат молия фаолиятидан кўзланган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига эришиш, оқибатда давлат молиявий ва иқтисодий қудратининг, қолаверса, мустақилликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Молиявий фаолият турли даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан амалга оширилади. Давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи идораларнинг ҳуқуқий ҳолатлари ва уларга юклатилган вазифалар уларга тааллуқли қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунда вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари томонидан амалга ошириладиган молиявий фаолият бу соҳада маҳаллий идораларга берилган ваколатлар ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати белгилаб қўйилган. Маҳаллий давлат идоралари таркибидаги Молия бошқармалари ва молия бўлимларининг ҳуқуқий ҳолатлари белгиланган тартибда улар тўғрисидаги тасдиқланган низомларга кўра белгиланади.

Маҳаллий бошқарув органларининг ролини ошириш бевосита уларни молия-бюджет ҳуқуқларини оширишни, уларга юкланган вазифаларни амалга оширишда етарли маблағлар билан таъминлашни талаб этади. Мамлакатимиз демократик Давлат қурилишини ўз олдига вазифа қилиб қуйган экан, бунда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш муҳим ўрин тутади. Маҳаллий бошқарув органларининг ролини ошириш бевосита уларни молия-бюджет ҳуқуқларини оширишни, уларга юкланган вазифаларни амалга оширишда етарли маблағлар билан таъминлашни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов маърузасида баён қилинган талаблардан келиб чиққан ҳолда, 2003 йил иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланди, жумладан, «солиқ-бюджет соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат харажатларини сарфлаш механизмини мақбуллаштирган ҳолда уларни қисқартириш лозим бўлади.

Республикамизда қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини аниқ тарзда қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, «Обод маҳалла йили» ва бошқа дастурларни рўёбга чиқариш асосида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлиги ва аниқ тарзда қўллаб-қуватлашни кучайтиришда»[1] маҳаллий бюджетларни ролини янада ошириш лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллий бюджетлар мустақил ҳуқуқий ташкилот ҳисобланади. Маҳаллий бюджет маблағларининг асосий қисми ижтимоий-маданий тадбирларга ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига йўналтирилади.

1.3.Маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий моҳияти

Маҳаллий бюджет маблағларнинг эгаси сифатида амалдаги меъёрий хужжатларга асосланиб, умумий ҳажми бюджет қонунчилигида белгиланган миқдорда пул маблағларини ажратади. Маҳаллий бюджет харажатларига маблағлар ажратиш давлат ҳокимияти, давлат бошқарув органлари, молия-кредит идоралари тизими орқали тегишли маблағларга эҳтиёж сезилган пайтдан (молия йилидан) бошлаб уларни сарф харажат қилгунга қадар бўлган бутун давр мобайнида юз беради.

Маҳаллий бюджет объектив иқтисодий категория бўлиб, икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, у иқтисодиёт тармоқларини молиявий таъминлашга қаратилган харажатлардан иборат. Иккинчидан, эса бу харажатлар корхоналарнинг даромадидан ташкил топади.

Ривожланган мамлакатларда маҳаллий бюджет мустақил равишда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳисобига шакллантирилади. Бизнинг республикамизда ҳам маҳаллий бюджет даромадларини маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ташкил этади. Маҳаллий бюджетлар умумдавлат иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда, ижтимоий инфраструктурани сақлаш ва ривожлантиришга давлат маблағларини тақсимлашда алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакат бюджетининг тузилиши биринчи навбатда давлат тузилишига боғлиқ бўлади. Унитар тузилишга эга бўлган мамлакатларда бюджет тизими икки босқичдан, давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлардан иборат. Федерал тузилишга эга бўлган мамлакатларда бюджет тизими уч бўғиндан иборат. Маҳаллий бюджетлар давлатнинг молия тизимини асосий таркибий қисмини ташкил этади. Маҳаллий бюджетлар харажатларида асосий ўринни ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлари эгаллайди.

Ҳаммамизга маълумки, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласининг устуворлиги Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бозор иқтисодиётига ўтиш дастурининг энг устувор йўналиш сифатида тан олинди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилидан бири - аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат юритиш ҳисобланади. Шу сабабли маҳаллий бюджетдан аҳолининг кам

[1] Ўзбекистон Республикаси Презеденти И. Каримов маърузаси. 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳотларни чукурлаштиришнинг асосий йўналишлари. // Ишонч газетаси. 2003 йил. 19 феврал.

таъминланган қатламларига тўланаётган ижтимоий тўловлар ҳажми ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасида бюджет ижросининг амалдаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий бюджетларнинг хукуматнинг иқтисодий-ижтимоий сиёсатини амалга оширишда мавқеини янада кўтаришга сабаб бўлаётган қатор омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Масалан, маҳаллий молия органларининг бюджет ижросидан манфаатдорлигини ошириш ва шунинг асосида бюджет харажатларини тўғри ва оқилона тарзда сарфланиши ва бюджет тушумларининг янги манбаларини қидириб топишга рағбатлантиришни таъминлашдир.

Бугунги кунда маҳаллий бюджетнинг ҳуқуқий асосларини қуйидагилар ташкил этади:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиі кодекси. 2004 й. ЎзР ДСҚ 80 бет.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 декабрдаги 610-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети ва асосий макроиқтисодий истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида»ги қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг «Бюджетда кўзда тутилган харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш ва бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни янада кучайтириш мақсадида» 2005 йил 2 январдаги буйруғи.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 244-сон Қарори.


Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида бюджет тизимига қуйидагича таъриф берилган. «Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди»[1]. Жамланган бюджетнинг кўрсаткичлари мамлакат марказлаштирилган молиявий фондидан фойдаланиш ва уни шакллантиришни таҳлил қилишда муҳим ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси жамланган бюджетининг кўрсаткичлари ёрдамида мамлакатда тузиладиган ва давлат молиявий балансида акс эттириладиган молиявий ресурсларни марказлаштириш даражаси аниқланади. Жамланган бюджет кўрсаткичлари ҳисобисиз молиявий режалаштиришни умумлаштириш мумкин эмас, чунки давлат молиявий балансини ва ҳудудий молиявий балансларнинг

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни. //Халқ сўзи. 2000. 14 январ. 4-модда.

1-чизма

Ўзбекистон Республикаси давлат (консолидациялаштирилган) бюджет тизими



кўпгина кўрсаткичлари жамланган бюджетдан олинади. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими икки бўғиндан иборат.

Ўзбекистонда маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларини мувофиқлаштириш ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республика ва унинг ҳудудларининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Марказлаштирилган режалаштириш тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда бошқарув тизими таркибини ўзгартиришни ва бу жараёнлар давомида маҳаллий бошқарув органларининг ролини ошириб боришни талаб этади.

Маҳаллий бошқарув органларига юклатилган вазифаларни самарали амалга оширилиши уларнинг молиявий маблағларга эга бўлишлари билан боғлиқ. Албатта, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятининг асосий молиявий негизи-маҳаллий бюджетлар ҳисобланади. Давлат бюджети таркибида Республикаси бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳри бюджетлари, шунингдек, давлат мақсадли жамғармалари жамланади.

Ўзбекистон Республикаси бюджети бир бутундир, яъни бюджет тизими барча бўғинларга давлатнинг ягона давлат бюджетига кирадиган Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлари бюджетларининг узвий бирлигини билдиради(чизмага қаранг).

Бюджет биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимининг яхлитлигини белгилаб беради. Бюджет тизими бутун республика ҳудудида амал қилаётган давлат даромадлари ҳамда умуман республикани Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтириладиган давлат харажатларининг бир бутун тизимига асосланади. Бюджет яхлитлиги бюджетга доир прогнозлаштириш услубияти ва ташкил этиш бир бутунлигини кафолатлайди.

Бюджетнинг яхлитлилиги туфайли республика ўз тасарруфига пул ресурсларининг ягона марказлаштирилган жамғармасига олади, уни бюджет тизимининг фақат бирор - бир бўғинига тақдим этиш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига бирлаштириладиган барча бюджетларнинг мажмуи сифатида ифодаланади. Республика бюджет тизимининг яхлитлиги ва бир бутунлиги қонун томонидан мустаҳкамлаб қўйилган, унда қуйи бюджетларнинг бири юқори бўғинга кириши кўзда тутилган.

Маҳаллий ресурсларни самарали бошқариш, муниципал иқтисодиёт субъектларининг ўзаро алоқаларини мувофиқ равишда ташкил этиш, ишбилармонлик фаоллигини ошириш, ҳамда муниципал хизматлар кўрсатиш учун молиявий имкониятларни кенгайтириш имконини беради.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳар бир соҳада иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бюджет соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Ҳар бир давлатнинг иқтисодий қудрати шу давлатнинг мукаммал бюджетга эга эканлиги билан ҳам ифодаланади. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг мана шу ўтган давр ичида чуқур иқтисодий сиёсат негизида барқарор молиявий тизимни, шуниндек, унинг асосини ташкил этувчи маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро қилиш соҳасида муайян ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти интеграциялашуви жараёни мамлакатимизнинг ҳам давлат молиясини бошқаришни доимий тарзда такомиллаштириш заруриятини юзага келтирмоқда. Шунга кўра, мамлакатимиз давлат бюджетининг ижросини ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларда жорий этилган ва қисқа муддат

мобайнида ўзининг ижобий натижасини кўрсатаётган ғазначилик тизими фаолиятини жорий қилиш арафасида турибди.

Ҳозирги кунда давлат бюджети самарали ижросини таъминлашнинг давлат тадбирлари ичида маҳаллий бюджетларни бошқаришда ғазначилик хизматидан кенг фойдаланиш ва бюджет амалиётида шу асосда туб ўзгаришларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳаллий бюджетда ғазначиликни жорий этиш учун зарур ҳуқуқий, дастурий ва услубий базани шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан амалга ошириладиган ва оширилаётган чора-тадбирлар аниқ белгилаб олинди. «Ғазначилик органларининг мақсади - бюджет соҳаларини узлуксиз молиялаштириб бориш, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ажратилган ресурсларни бюджет тизими тўғрисидаги қонун талабларидан келиб чиқиб, бюджет ташкилотларига етказиш ва уларнинг топшириғига асосан касса операцияларини юргизишдан иборатдир»[1].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 610-сон Қарорининг 20-бандида кўрсатилишича, “Давлат бюджети ижросининг ғазна тизимига ўтиш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Самарқанд вилоятида, жумладан, республика бюджетидан молиялаштириладиган айрим бюджет ташкилотлари иштирокида, тажриба лойиҳасини 2005 йилдан бошлаб амалга оширишга рухсат берилди”[2]. “Жорий йилда Самарқанд вилоятида пилот лойиҳасини амалга ошириш тадбирлари ташкил этилади ва пилот лойиҳасини амалга оширилиши таъминланади.[3]

Ҳозирги кунда маҳаллий бюджетларда ғазначилик тизимини татбиқ этиш бўйича бир қанча амалий ишлар қилинмоқда. Албатта, ғазначилик фаолиятини иқтисодиётга татбиқ этиш молия тизимининг барча жабҳаларидаги ўзгаришларни, бу асосан ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳолати, ташкилий услубий ва ахборот технология ўзгариши жараёнларини қамраб олади.

[1] Малышева В.И. Казначейство: цели, задачи и функции. // Финансы. 2001. №12. стр.24-26.

[2] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 610-сон қарори. 20-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. 2004 йил. 52-сон. 5 бет.

[3] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 3 январдаги 1-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар параметрларини тақсимлаш, режалаштириш ва ижросини таъминлашдаги молия органлари ва назорат тафтиш бошқармаларининг устувор вазифалари тўғрисида» ги буйруғининг 7-банди.

Таянч сўз ва иборалар

Маҳаллий бюджет, маҳаллий молия, консолидациялашган бюджет, бюджет тизими, маҳаллий бюджет даромадлари, маҳаллий бюджет харажатлари, республика бюджети, солиқлар, йиғимлар, бюджет кодекси, бюджетдан маблағ олувчилар.

Назорат учун саволлар:

1. «Маҳаллий бюджетларни тузиш ва унинг бажарилишини таъминлаш» фанини ўқитишнинг мақсади нималардан иборат?
2. «Маҳаллий бюджетларни тузиш ва унинг бажарилишини таъминлаш» фани нимани ўргатади?
3. «Маҳаллий бюджетларни тузиш ва унинг бажарилишини таъминлаш» фанининг вазифаларини кўрсатинг.
4. Ўзбекистондаги маҳаллий бюджетларни аҳамиятини оширишда қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.
5. Молия органлари ходимларини тайёрлашда «Маҳаллий бюджетларни тузиш ва унинг бажарилишини таъминлаш» фанининг ўрнини кўрсатинг.

Тестлар

1. Маҳаллий бюджет – бу …..

а. давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манабалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади

б. маҳаллий бошқарув органлари пул маблағлари.

в. давлат бюджетидан ҳар хил тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади

с. ижтимоий-маданий харажатларни молиялаштиришнинг молиявий ресурслари.

2. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими нечта соҳадан иборат?

а. икки соҳа

б. уч соҳа

в. тўрт соҳа

с. беш соҳа

3. Қуйидагилардан қайси бири маҳаллий бюджетларга белгиланган чекловлар таркибига кирмайди?

а. маблағлар жалб қилишни амалга оширишга

б. бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағдан ортиқроқ маблағ сарфлашга

в. юқори бюджетлардан бюджет ссудаларини олишга

г. қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган манбалар ҳисобидан жамғармалар ташкил этишга

4. Қуйидагилардан қайси бири Республика бюджетидан молиялаштириладиган харажатлар тизимига кирмайди?

а. давлат захиралари ва сафарбарлик захираларини вужудга келтириш харажатлари;

б. қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш харажатлари;

в. кам таъминланган оилалар учун нафақа харажатлари;

г. суд ва прокуратура органлари фаолиятини таъминлаш харажатлари.

2-Боб. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Давлат бюджети таркибидаги маҳаллий бюджетларнинг вазифалари

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўз тасарруфидаги ҳудудларни ҳар томонлама ва барқарор ривожлантириш, саноатнинг изчил тараққий топишини таъминлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва маҳаллий меҳнат бозорини ташкил этиш масалаларида маҳаллий ҳокимият ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида бюджет сиёсатининг аҳамияти, бюджет жараёнларида маҳаллий бюджетларнинг роли, маҳаллий бошқарув органлари фаолияти, молия ва бюджет сиёсати масалалари ҳудудий иқтисодиёт тараққиёти ва маҳаллий бюджетлар муаммоларни ҳал этишнинг долзарб масалаларидир.

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини ислоҳ қилиш маҳаллий бюджетларни самарали бошқаришнинг ҳозирги кундаги амалиёти ва назарияси олдига унинг қатор янги муаммоларига ечим топишни кўндаланг қўймоқда.

Маҳаллий бюджетлар Давлат бюджетининг асосини ташкил этганлиги учун маҳаллий бюджетлар даромадларни ошириш мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожига жуда катта ҳисса қўшиш билан бир қаторда халқимиз фаровонлигининг ошишига ҳамда мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторига тезроқ қўшилишига ёрдам беради.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш юзасидан амалга оширалаётган ислоҳотлар жараёнида маҳаллий ҳокимиятлар ваколатини кенгайтириш асосида бошқарув органлари фаолиятини ислоҳ қилиш ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ўз навбатида, маҳаллий ҳокимиятларни ваколатини кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан бири-бюджет жараёнидаги ваколатларини ошириш билан бевосита боғлиқ, чунки, маҳаллий бюджетлар ҳокимиятлар фаолиятида уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун иқтисодий негиз ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими тараққиётининг ҳозирги босқичи давлатнинг яхлит бюджет ва ижтимоий сиёсатининг манфаатлари муштараклигини таъминлаш асосидаги ўта масъулиятли вазифаларни самарали бошқарилишини талаб этмоқдаки, ушбу вазифанинг икки жиҳатини ажратиб кўрсатиш муҳимдир.

Биринчидан, давлат ижтимоий сиёсатининг жойлардаги ижобий ижроси ёки ҳудудий иқтисодиёт муаммолари кескинлашувининг олдини олинишидир, иккинчидан маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг кенгайиб бориши шароитида шунга мос тарзда улар имкониятларини яхшилашнинг зарурлигидир. Ушбу ҳар икки жиҳатнинг ўзаро боғлиқ тарзда биргаликда олиб борилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги кундаги ўта муҳим муаммосини ижобий ҳал этишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, «Жойларда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муаммоларини муваффаққиятли ва молиявий инқирозларсиз ҳал этиш маҳаллий бюджетлар даромад базасининг барқарорлигини, шу жумладан, улардаги инвестицион, солиқ, валюта

имкониятларининг бир текис тақсимотини талаб этади ва бу нисбатдошликда ҳудудларнинг иқтисодий фаоллиги рағбатлантирилиши лозим»[1].

Ҳудудий иқтисодиётни ривожлантириш ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ҳамда иқтисодий эркинлаштириш шарт-шароитида маҳаллий бюджетларни шаклланиши ва ижросини таъминлашда маҳаллий хокимият органларининг молиявий ва хуқуқий ролини ошириш ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида муҳим таркибий қисмни маҳаллий бюджетлар ташкил этади. Маҳаллий бюджетлар давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда, давлат маблағларини тақсимлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг фикримизча, бюджетга «бу - турли даражадаги марказлаштирилган пул маблағлари фондини вужудга келтириш, тақсимлаш ва фойдаланишга оид асосий молиявий режа бўлиб, у тегишли давлат ёки маҳаллий идора томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда тасдиқланадиган юридик ҳужжатдан иборат»[2] деб таъриф берилишида айнан маҳаллий бюджетларнинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади.

Бюджет асосий молиявий режа сифатида тегишли ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг барча соҳалари ва йўналишларини тўла қамраб олади. Маҳаллий бюджетлар маҳаллий ҳокимиятнинг фаолият кўрсатишларида молиявий манба бўлиб ҳисобланади, давлатнинг ижтимоий сиёсатини жойларда амалга оширишда асосий рол ўйнайди.

Моддий маънода бюджет-тегишли даражадаги давлат ва маҳаллий хокимият идоралари фаолиятини таъминловчи, улар олдига қўйилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни бажариш имконини берувчи марказлаштирилган пул маблағлари фондидан иборатдир. Давлат томонидан режалаштирилган тадбирларни бюджет хисобидан молиявий таъминлаш деганда бюджетнинг айнан ана шу моддий маъноси кўзда тутилади.

Бюджет ҳуқуқий категория сифатида-тегишли ҳудуд доирасида марказлаштирилган пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, фойдаланишга қаратилган ва тегишли давлат ёки маҳаллий ҳокимият идораси томонидан тасдиқланган, ҳуқуқий меъёрлардан иборат асосий молиявий режадир.

Маълумки, ҳозирги замон бозор иқтисодиёти ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа механизмлар билан тартибга солинади. Давлат бозор иқтисодиётининг самарали фаолият кўрсатиши учун асос бўладиган айрим хизматларни ва ҳуқуқий базани таъминлаш вазифаларини бажаради. Ҳуқуқий базаларни таъминлаш юридик ва жисмоний шахсларга ҳуқуқ бериш ва уларни мажбуриятларини белгилаш ва бошқа соҳаларда намоён бўлади. Айниқса, маҳаллий бюджетларни самарали бошқариш, ҳуқуқий ва иқтисодий меъёрларни белгилаш ва корхоналарнинг фаолият кўрсатишлари учун тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш тегишли давлат ташкилотларининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари йўл тутиши даврида маҳаллий бюджетларнинг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли

[1] Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш-асосий вазифамиз.\\ қишлоқ ҳаёти. 2004й. №20 (6701). -2б.


[2] Йўлдошев, Й.Турсунов. «Молия ҳуқуқи». Тошкент. «Меҳнат». 1999. -24б.

янада ошади. Шундай экан, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республика ва унинг ҳудудларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий эҳтиёжларни тўлароқ ҳисобга олиш ва уларни давлат марказлаштирилган тартибда амалга оширадиган чора-тадбирлар билан тўғри мувофиқлаштириш имконини беради. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий бюджетга даромадлар келиб туришини ва ресурслардан мақсадли фойдаланишдан манфаатдорлар, чунки жойларда иқтисодиёт ва маданиятнинг ўсиш суръатлари маҳаллий захираларни сафарбар этишга, маблағларни режали сарфлашга доир ишларни ташкил этишга бевосита боғлиқ бўлиб, бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини муваффақиятли бажаришга имкон яратади. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг ҳар бир бўғини у ёки бу ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун мўлжалланган турли пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишга қаратилган ўзига хос вазифаларни бажаради (чизмага қаранг).

2-чизма

Маҳаллий бюджетларнинг вазифалари



Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари йўл тутиши даврида маҳаллий бюджетларнинг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли янада ошади. Шундай экан, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республика ва унинг ҳудудларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллий давлат хокимият идораларининг молиявий фаолияти молиявий масалалар соҳасидаги қарорлар, фармойишлар чиқариш, тегишли бюджетларни тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш, ўз ҳудудидаги давлат идоралари, корхоналари, ташкилотлар, молиявий фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, тегишли маъмурий ҳудудий бирлик ижтимоий иқтисодий тараққиётни таъминловчи, тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни молиялаштириш, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш каби шаклларда амалга ошади.

Бюджет тамойилларининг барчаси бюджет барқарорлигини таъминлаш ва хўжалик соҳалари, иқтисодий ҳудудлар ўртасида маблағларни тақсимлаш, зарур

нисбатларни (пропорцияларни) ташкил қилиш, бюджет харажатларини даромадларига мос баланслаштириш, молиявий резервни ташкил қилиш учун хизмат қилади. Бу эса давлат молиявий сиёсатининг бош мақсадидир. Албатта, ушбу ишларни амалга ошириш асосан маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига амалга оширилаётганлигидан ҳаммамиз хабардормиз.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари йўл тутиши даврида маҳаллий бюджетларнинг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли янада ошади. Шундай экан, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ва харажатларини молиялаштириш ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республика ва унинг ҳудудларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

2.2. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий бюджетларнинг роли

Ўзбекистон учун «Ҳудудий иқтисодиёт», «Муниципал иқтисодиёт», «Муниципал тузилма», «Муниципалитет» атамалари маълум даражада янги тушунча ҳисобланади. Совет назарияси ва амалиётида анъанага кўра, шаҳар ва туманга фақат маъмурий ҳудудий бўлиниш нуқтаи назаридан ёндашилган. Иқтисодиёт кўпроқ миллий даражада тилга олинган. Туман ва шаҳар даражаси ҳақида сўз кетганда эса, асосан «маҳаллий хўжалик» атамаси қўлланилган.

Маҳаллий хўжаликка, ўз навбатида, коммунал хўжалиги корхоналари мажмуи, баъзан эса маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органларининг ободончилик эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган фаолияти деб қаралган. Махсус адабиётларда «Муниципал иқтисодиёт» тушунчасига таъриф берилмаган. Шунга қарамай маҳаллий соҳага боғлиқ иқтисодий масалалар билан ишлашда қулайлик туғдириш нуқтаи назаридан мазкур тушунчадан фойдаланилган.

Мазкур тушунчани иқтисодиётда маълум маконда рўй берган ходисаларни ифодалаш учун қўлланиладиган жаҳон иқтисодиёти, давлат иқтисодиёти, минтақавий иқтисодиёт, корхона иқтисоди, оила иқтисоди сингари ўхшаш тушунчалар қаторида қўллаш мутлақо табиий туюлади. Яъни маҳаллий тузилмага хос бўлган муайян шаҳар, туман ҳудудларидаги иқтисодий жараёнларни ифодалаш учун шаҳар ёки туман иқтисоди ҳамда «муниципипал иқтисодиёт» сингари тушунчалар мутлақо табиий бўлиб кўринади. Бундан ташқари, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришга мамлакатнинг ривожланиш ресурси деб қаралса бу тушунча зарурияти янада яққол намоён бўлади. Айни пайтда, «муниципал иқтисодиёт» тушунчаси маҳаллий миқёсда содир бўладиган жараёнлар миқёсидаги иқтисодий ходисаларни ўрганиш учунгина зарур эмас.

«Муниципипал иқтисодиёт» тушунчасининг мазмуни масаласи бугунги кунда баҳсли бўлиб қолмоқда. Маъмурий бошқарувнинг анъанавий схемалари нуқтаи назаридан содда ва тушунарли бўлган биринчи қарашга кўра, муниципал иқтисодиёт - маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан бевосита назорат қилинадиган барча иқтисодий жараёнлардан иборат. Бошқача айтганда, муниципал иқтисодиёт предметини фақатгина муниципал хўжаликни, яъни муниципал тузилма ихтиёрида бўлган мулкни ва маҳаллий бюджетни бошқариш ташкил этади. Ҳудуд доирасида фаолият кўрсатувчи асосий корхонанинг ривожланиш йўналишларини эътиборга олмасдан, муниципал тузилманинг ривожланиш йўналишларини белгилаш мумкин эмас.

Муниципал иқтисодиётнинг предметига нисбатан иккинчи қараш маҳаллий ҳокимиятга тобе корхона ва объектлар рўйхати билан эмас, балки ҳал қилинадиган вазифалар ёки бажариладиган функциялар рўйхати билан белгиланади. Мазкур хизматларнинг маҳаллий хусусиятидан келиб чиқиб, улар муниципал хизматлар деб аталади. Уй-жой коммунал, транспорт ва ижтимоий-маданий хизматлар мажмуи, жамоат тартибини сақлаш, ободончилик масалалари, шаҳар ва туманлар ҳудудида экологик мувозанат ва тозаликни таъминлаш муниципал хизматлар жумласига киради. Бундай ёндашувдан келиб чиқиб, муниципал иқтисодиёт - бу аҳолига хизматлар кўрсатиш иқтисодиёти деб хулоса чиқариш мумкин. Муниципал хизматлар кўрсатишга ҳудуднинг барча иқтисодий ресурсларини сафарбар қилиш муниципал иқтисодиётнинг фаолиятидир. Муниципал иқтисодиётнинг мазмунига берилган мазкур таъриф биринчи таърифга қараганда мақбулроқ бўлсада, у муниципал иқтисодиётнинг предметини муниципал хизматлар кўрсатиш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар билан боғлайди.

Учинчи қарашга мувофиқ, «муниципал иқтисодиёт» - ҳудуд доирасида содир бўлувчи ва аҳолининг фаровонлигига таъсир кўрсатувчи барча иқтисодий жараёндир. Муниципал иқтисодиётнинг мазмунини таърифлашга нисбатан мазкур ёндашув жараёнларни бошқ.ариш эҳтиёжи деб таърифланган тушунча мақсадлари ҳ.ақидаги умумий тасаввурлардан келиб чиқади.

Маҳаллий миқёсда, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш миқёсида жараёнларни бошқаришнинг умумий мақсади — аҳолининг фаровонлигини нафақат, айни пайтда, балки истиқболда ҳам таъминлашдир. Мазкур мақсадга фақат иқтисодий фаровонлик асосида эришиш мумкин. Иқтисодий фаровонлик ҳудудда яшайдиган фуқароларнинг иқтисодий фаровонлигидан, ҳудудда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг иқтисодий фаровонлигидан ва муниципал тузилма — маълум ижтимоий функцияларни бажарувчи хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий фаровонлигидан ташкил топади.

Табиийки, мулкчилик шаклидан қатъий назар, муниципал тузилма ҳудудида жойлашган барча корхоналарда содир бўлаётган иқтисодий жараёнлар киради. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари мазкур жараёнларнинг барчасини бевосита бошқара олмайди. Аммо, аҳолининг фаровонлигини таъминлашнинг таърифланган мақсадлари нуқтаи назаридан, мазкур жараёнларга бефарқ қараш мумкин эмас, чунки юқорида зикр этилган корхоналарда ишлайдиган одамларнинг фаровонлиги аввалambор, мана шу жараёнларга боғлиқ. Агар корхона маҳаллий тузилма ҳудудида фаолият кўрсатаётган бўлса, у фуқароларнинг фаровонлигини камида уч усулда белгилайди:

- иш жойлари билан таъминлайди;
- муниципал тузилма бюджети учун солиқ негизини таъминлайди;
- муниципал тузилма ҳудудида яшайдиган ходимларнинг даромадларини таъминлайди.

Муниципал тузилма ва унда яшайдиган аҳолининг ривожланиш истиқболлари шаҳардаги асосий корхона ёки тармоқнинг самарали фаолият кўрсатишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Айни ҳолда, муниципал тузилма ҳудудидаги иқтисодий жараёнлар ҳақида гапирганда, шаҳарни ҳосил қилувчи асосий корхоналар иқтисодини кўриб чиқиш ва эътиборга олиш зарур. Яъни, муниципал иқгисодиёт тушунчаси муниципал хўжалик билангина кифояланмасдан, ҳудуддаги барча жараёнларни ўз ичига олиши шарт.

Муниципал иктисодиёт тушунчасига бундай қараш яна бир жиҳатдан муҳим. У маҳаллий ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзи-ўзини бошқариш органларининг ваколатлари доирасига кирмайдиган иқтисодий жараёнларни бошқариш масалаларини ҳам кўриб чиқишга мажбур қилади. Муниципал иқгисодиётнинг ривожланиши, унинг маҳаллий аҳоли фаровонлигини таъминлаш қобилияти муниципал иқтисодиёт субъектлари орасидаги алоқалар самарадорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ҳудудлардаги маҳаллий бюджетнинг аҳамияти эса унинг бажарадиган вазифалари орқали намоён бўлади. Маҳаллий бюджетлар қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ҳудудий бошқарув органлари фаолиятини молиявий таъминлайдиган пул фондларини шакллантиради;
- мазкур минтақанинг халқ хўжалиги тармоқлари ўртасида бу фондларни тақсимлайди ва ишлатади;
- маҳаллий ҳокимият органларига бўйсунадиган корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг молиявий хўжалик фаолиятини назорат қилади.

Вилоят бюджети унга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади. Туманларга бўлинадиган шаҳарнинг бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини ўз ичига олади. Туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджетини ва туман бўйсинувидаги шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади. Шу тариқа, маҳаллий бюджетлар ҳар бир маҳаллий давлат ҳокимияти органининг фаолиятини амалга оширишни таъминлайдиган аниқ молия базасини яратади. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талабни иложи борича эътиборга олинишига имкон беради, давлат томонидан марказлашган тартибда амалга ошириладиган тадбирларни молиявий таъминлашни тўғри ҳисобга олади.

Маҳаллий хокимият органлари доимий равишда маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтиришга ва бу маблағларни иқтисод қилиб ишлатишга ҳаракат қиладилар, чунки жойларда иқтисод ва маданиятни ўсиш суръатлари тўғридан-тўғри маҳаллий хўжалик заҳираларини қай тарзда йўналтиришга, ўз навбатида, айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини самарали ижро этишда катта рол ўйнайди.

Бюджет тизими ягоналиги тамойили ҳақида гап кетаётган бўлса, ҳуқуқий база, бюджет таснифи, бюджет ҳужжатлари шакли, бюджет жараёни тамойиллари, пул тизими бирлиги, Давлат бюджети маблағлари билан ҳисоб юритиш, ҳисобот тайёрлаш ва назорат қилишда ягона тартиб амал килади. Амалдаги бюджет қонунчилигига мувофиқ, барча даромадлар ва харажатлар давлат бюджет тизими даражалари ўртасида тақсимланади. Бюджет даромадлари ва харажатларини тақсимлаш деганда, ҳар бир даражадаги бюджетга киритилиши лозим бўлган даромадлар ва харажатлар турлари ва ҳажмини белгилаш тушунилади.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Иқтисодий ўсиш суръатларини таъминланган ҳамда молиявий барқарорликка эришишга йўналтирилган ислоҳотларни ҳозирги даврида давлат молияси ва айниқса, бюджет тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш муҳим стратегик вазифа ҳисобланади»[1].

Маҳаллий бюджетлар умумдавлат иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда, давлат маблағларини тақсимлаш ва

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т. : Ўзбекистон, 1998 йил. -86б

ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Улар маҳаллий ҳокимиятнинг фаолият кўрсатишларида молиявий манба бўлиб, давлатнинг ижтимоий сиёсатини жойларда амалга оширишда асосий рол ўйнайди. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари йўл тутиши даврида бюджетнинг ва маҳаллий бюджетларнинг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли янада ошади.

2.3. Маҳаллий бюджетларнинг таркибий тузилиши

Давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилиш учун мўлжалланган, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун режалаштирилган, ижтимоий вазифаларни бажаришга ажратилган, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадларга қаратилган харажатлардан иборат бўлади. Ушбу умумдавлат харажатлари бюджет орқали молиялаштирилиши барчамизга аён.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида муҳим таркибий қисмни маҳаллий бюджетлар ташкил этади. Маҳаллий бюджетлар давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда, давлат маблағларини тақсимлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар бир мамлакат бюджетининг таркиби аввало унинг давлат қурилишига боғлиқдир. Унитар тузумга эга бўлган мамлакатларда бюджет тизими икки бўғинли қурилмага - давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларга эга бўлади. Федератив тузумга эга булган мамлакатларда (АҚШ, ГФР) оралиқ бўғин - штатлар, ўлкалар (вилоятлар) ва уларга мувофиқ маъмурий тузилмаларнинг штатлари мавжуд.


Бюджет тизими - бу иқтисодий муносабатларга, давлат тузилишига ва қонун нормаларига асосланган давлат, маъмурий-ҳудудий тузилишларнинг, бюджет муносабатларида мустақил бўлган давлат ташкилотлари ва фондларининг мажмуидир. Бюджет тизими давлат молиявий тизимининг асосий звеноси ҳисобланади. Јуйидаги чизмада Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетлари берилган (чизмага қаранг).

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари йўл тутиши даврида маҳаллий бюджетларнинг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли янада ошади. Шундай экан, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида республика ва унинг ҳудудларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий эҳтиёжларни тўлароқ ҳисобга олиш ва уларни давлат марказлаштирилган тартибда амалга оширадиган чора-тадбирлар билан тўғри мувофиқлаштириш имконини беради. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий бюджетга даромадлар келиб туришини ва ресурслардан мақсадли фойдаланишдан манфаатдорлар, чунки жойларда иқтисодиёт ва маданиятнинг ўсиш суръатлари маҳаллий резервларни сафарбар этишга, маблағларни режали сарфлашга доир ишларни ташкил этишга бевосита

3-чизма

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетининг тузилиши



боғлиқ бўлиб, бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини муваффақиятли бажаришга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасида маҳаллий хокимият органлари вазифаларига қуйидагилар киради:

- қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;
- маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;
- норматив хужжатларни қабул қилиш хамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Маҳаллий бюджет даромадлари маҳаллий хокимият органларни фаолиятининг молиявий базаси бўлиб хизмат қилади, харажатлар эса минтақавий эҳтиёжларни таъминлайди. Маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари алоҳида мустақил категория ҳисобланади, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга.

Мамлакатимиз демократик Давлат қурилишини ўз олдига вазифа қилиб қуйган экан, бунда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш муҳим ўрин тутади. Маҳаллий бошқарув органларининг ролини ошириш бевосита уларни молия-бюджет ҳуқуқларини оширишни, уларга юкланган вазифаларни амалга оширишда етарли маблағлар билан таъминлашни талаб этади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида маҳаллий бюджетлар даромадлар ва харажатлар таркиби маълум ўзгаришларга дуч келмоқдаки, бюджет харажатларини минимал харажатлар билан максимал самарага эришиш, бюджет ажратмаларини ишлатишнинг мақсадли хусусияти, бюджет маблағларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини бажариш ўлчами ва олдин берилган ажратмалардан фойдаланишни ҳисобга олиб бориш каби тамойиллар асосида молиялаштирилмоқда.

Иқтисодиётимизнинг ҳозирги шароитида келиб чиққан ҳолда, бюджет тизимининг барча бўғинларини бошқаришни такомиллаштиришнинг муҳим характерли томонлари мавжуд.

Биринчидан, ижтимоий соҳа харажатларини, ўз вақтида ва керакли миқдорда молиялаштириш учун бюджетга етарли бўлган тушумларни таъминлаш лозим.

Иккинчидан, аҳолининг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини қондириш билан бевосита боғлиқ бўлган иқтисодий соҳаларни зарур даражада ривожлантиришни таъминлаш лозим.

Учинчидан, тадбиркорлар хўжалик фаолиятини рағбатлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш лозим.

Бугун маҳаллий бюджетларнинг мавқеини янада ошириш ҳукуматимизнинг бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган муҳим омил эканлиги шубҳасиздир, бу борада уларни янада қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилинмоқда.

Таянч сўз ва иборалар

Давлат бюджети, маҳаллий бюджет, ҳудудий иқтисодиёт, ҳудудий бирлик, муниципал иқтисодиёт, консолидациялашган бюджет, бюджет тизими, маҳаллий эҳтиёжлар, маҳаллий бюджет вазифалари, бюджет тизими ягоналиги, бюджет қурилиши, минимал харажат, максимал натижа.

Назорат учун саволлар:

1. Ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда маҳаллий бюджетларинг роли нималардан иборат?
2. Муниципал иқтисодиётни ривожлантириш ва маҳаллий бюжетни бошқариш масалалари ўзаро боғлиқлигини тушунтиринг.
3. Давлат бюджети таркибидаги маҳаллий бюджетларнинг ўрни ва ва салмоғини кўрсатинг.
4. Маҳаллий бюджетларнинг таркибий тузилишини ва функцияларини кўрсатинг.
5. Ҳудудий иқтисодиётни ривожлантириш ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш масалалари боғлиқлигини асослаб беринг.
6. «Бюджет» ва «маҳаллий бюджет» атамалари таърифини солиштиринг.
7. Маҳаллий бюджет вазифалари нималардан иборат эканлигини кўрсатинг.
8. Бюджет тизими ягоналиги тамойили ҳақида нима дея оласиз?

Тестлар

1. Қуйидагилардан қай бири бюджет тизимининг тамойилига кирмайди?

а. бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги
б. бюджет таснифи тизими
в. давлат бюджети балансслиги
с. барча турдаги бюджетларнинг лимитлаштирилганлиги

2. Қуйидагилардан қайси бири маҳаллий хокимият органлари вазифаларига кирмайди?

а. атроф-мухитни муҳофаза килиш;
б. маҳаллий коммунал хужаликка рахбарлик килиш;
в. ҳудудларни иктисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;
с. республикада солиқларни жорий килиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида ва маҳаллий бюджетларда даромадлар ва харажатлар ўртасида пайдо бўладиган вақтинчалик узилиш айланма касса маблағи меъери ҳисобига, юқори бюджетлардан бериладиганю, фойдаланилмаган бюджет маблағлари қолдиқлари ҳисобига қопланади.

а. бюджет субсидиялари
б. бюджет дотациялари
в. бюджет субвенциялари
с. тўғри жавоб йўқ

4. Маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағи олувчиларга қуйидагилардан қайсилари киради?

а. соғлиқни сақлаш вазирлиги

б. халқ таълими вазирлиги

в. тошкент шаҳар ҳокимияти

с. тўғри жавоб йўқ

5. Туман, шаҳарлар бюджетларини тасдиқлаш муддати……. белгиланган.

а. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бюджетлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 10 кун муддат ичида;

б. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бюджетлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 3 кун муддат ичида;

в. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бюджетлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 15 кун муддат ичида;

г. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бюджетлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 30 кун муддат ичида.

3-Боб. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

3.1. Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиёти шароитидаги маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини ислоҳ қилиш маҳаллий бюджетларни самарали бошқаришнинг ҳозирги кундаги амалиёти ва назарияси олдига унинг қатор янги муаммоларига ечим топишни кўндаланг қўймоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими тараққиётининг ҳозирги босқичи давлатнинг яхлит бюджет ва ижтимоий сиёсатининг манфаатлари муштараклигини таъминлаш асосидаги ўта масъулиятли вазифаларни самарали бошқарилиши талаб этмоқдаки, ушбу вазифанинг икки жиҳатини ажратиб кўрсатиш муҳимдир.

Биринчидан, давлат ижтимоий сиёсатининг жойлардаги ижобий ижроси ёки ҳудудий иқтисодиёт муаммолари кескинлашувининг олдини олинишидир, иккинчидан маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг кенгайиб бориши шароитида шунга мос тарзда улар имкониятларини яхшилашнинг зарурлигидир. Ушбу ҳар икки жиҳатнинг ўзаро боғлиқ тарзда биргаликда олиб борилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги кундаги ўта муҳим муаммосини ижобий ҳал этишга имкон беради.

Ҳудудий иқтисодиётни ривожлантириш ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ҳамда иқтисодий эркинлаштириш шарт-шароитида маҳаллий бюджетларни шаклланиши ва ижросини таъминлашда маҳаллий хокимият органларининг молиявий ва хуқуқий ролини ошириш йўналишларининг илмий тадқиқи ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Биз биламизки, бюджетларнинг мустақиллиги бюджет тизимининг асосий тамойили сифатида белгиланган бўлиб ушбу тамойил турли даражадаги ваколатли ҳокимият органларининг ўзларига берилган ваколатлари доирасида бюджет жараёнини мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқларини англатади. Ҳар бир даражадаги бюджет даромадларининг ўз манбалари, шунингдек, жойлардаги ваколатли ҳокимият органларининг қонунларида белгиланган доираларида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар солиқ ставкаларини ўзгартириш ҳуқуқини қонун асосида мустаҳкамлаб қўйилган. Даромадлар манбалари белгиланиши ва улар маҳаллий бюджетларга тушиши қонун асосида мустаҳкамлаб қўйилиши маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллиги ва бюджетларни шакллантиришдан манфатдорлигини оширади.

Маълумки, ҳозирги замон бозор иқтисодиёти ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа механизмлар билан тартибга солинади. Давлат бозор иқтисодиётининг самарали фаолият кўрсатиши учун асос бўладиган айрим хизматларни ва ҳуқуқий базани таъминлаш вазифаларини бажаради. Ҳуқуқий базаларни таъминлаш юридик ва жисмоний шахсларга ҳуқуқ бериш ва уларни мажбуриятларини белгилаш ва бошқа соҳаларда намоён бўлади. Айниқса, маҳаллий бюджетларни самарали бошқариш, ҳуқуқий ва иқтисодий меъёрларни белгилаш ва корхоналарнинг фаолият кўрсатишлари учун тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш тегишли давлат ташкилотларининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида бюджет тизимига

қуйидагича таъриф берилган. «Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тизиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди»[1].

Бюджет тизими ягоналиги тамойили ҳақида кетаётган бўлса, ҳуқуқий база, бюджет таснифи, бюджет ҳужжатлари шакли, бюджет жараёни тамойиллари, пул тизими бирлиги, Давлат бюджети маблағлари билан ҳисоб юритиш, ҳисобот тайёрлаш ва назорат қилишда ягона тартиб амал қилади. Амалдаги бюджет қонунчилигига мувофиқ, барча даромадлар ва харажатлар давлат бюджет тизими даражалари ўртасида тақсимланади. Бюджет даромадлари ва харажатларини тақсимлаш деганда, ҳар бир даражадаги бюджетга киритилиши лозим бўлган даромадлар ва харажатлар турлари ва ҳажмини белгилаш тушунилади.

Бюджет тизимининг барча харажатлари турли бюджетлар ўртасида тақсимланиб, бу у ёки бу харажатни муайян бюжетга киритилишини англатади. Бу биринчидан молиялаштирилаётган муассасанинг республика ва маҳаллий органларга қарашли бўлиши, иккинчидан молиялаштириладиган тадбирнинг аҳамиятидир.

Республика бюджети-Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. «Маҳаллий бюджет-Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шахар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир кисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади»[2].

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари йўл тутиши даврида бюджетнинг ва маҳаллий бюджетларнинг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли янада ошади.

Республикамизда бюджет тизимида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида Давлат бюджети даромадларини тўлиқ ва ўз вақтида тушириш, республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган иқтисодий-ижтимоий соҳа харажатларини режалаштиришда ва харажатларни молиялаштиришда янги шакл ва усуллардан самарали фойдаланиш, бюджетдаги тақчилликни ўсишига таъсир кўрсатувчи сабабларни олдини олиш, иш ақи ва нафақаларни ўз вақтида тўлашни таъминлаш, шунингдек, бюджет маблағларидан фойдаланиш жараёнида бюджет интизомига риоя этиш масалалари туради.

Биз биламизки, барча ҳуқуқлар сингари молия ҳуқуқининг асосий манбаи Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси молиявий муносабатларни тартибга солишнинг бош қоидаларини, бу соҳадаги давлат идоралари фаолияти асосларини белгилаш билан молия ҳуқуқи соҳасининг янада ривожланишига ёрдам беради. Давлат бюджети маблағларидан

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни. //Халқ сўзи. 2000. 14 январ. 4-модда.

[2] Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни. //Халқ сўзи. 2000. 14 январ. 3-модда.

оқилона фойдаланиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва низомлар ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бир қанча қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йўриқномалари қабул қилинган.

Молия ҳуқуқига оид адабиётларда молия тизими тушунчаси бошқа маънода ҳам, яъни давлат молиявий фаолиятини амалга оширирувчи давлат органлари мажмуи сифатида қўлланилади. Бу маънода молия тизими молия органлари, кредит муассалари, солиқ хизмати органларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, уларга давлат пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича тегишли ваколатлар берилган.

Харажатларни бюджет маблағлари ҳисобига қоплаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатнинг биринчи қатнашчиси бу-давлат манфаатларини ифода этувчи ва давлат номидан маблағларини берувчи молия ташкилотидир. Бюджет харажатларини айрим турларини белгилаш, чораклар бўйича тақсимлаш, кредит очиш, кредитни чақириб олиш, бюджет маблағларидан тўғри ва самарали фойдаланиш устидан назорат олиб бориш молия идоралари томонидан амалга оширилади.

Бюджет орқали молиявий таъминлаш юзасидан муносабатлар иштирокчиларидан бири-кредит муассасаси ҳисобланади. Кредит муаасасасида бюджетдан молиялаш-тирилувчи ташкилотлар учун ҳисобрақам очилади. Кредит муассасаси бюджетни касса ижросида ва молиявий интизомга риоя этиш юзасидан назоратни амалга оширишда иштирок этади. Бюджет орқали молиялаштиришнинг учинчи иштирокчиси бўлиб бюджет маблағларини тақсимловчи бюджет ташкилоти ҳисобланади. У ўз ташкилоти учун ажратилган бюджет маблағларини тасарруф қилади, уларнинг ўзидан қуйида турадиган тақсимловчиларга ўтказади.

Ҳар қандай мамлакат ҳаётида молия умумиқтисодий вазифаларни ҳал қилишга, ижтимоий тараққиётнинг долзарб муаммоларини ечишга имкон беради. Шу сабабли молия тизими ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир этувчи бўғинлар сифатида амал қилади. Ушбу тизимда бюджет тизимини бошқариш, мувофиқлаштириш давлат молиявий фаолияти самарадорлигининг муҳим воситаларидан саналади.

Давлатнинг молиявий фаолиятини бошқаришнинг энг тезкор ва юқори натижа берадиган усуллари, механизмлари сифатида ҳуқуқий нормалар чиқариш, уларни қўллаш орқали бошқариш маъқул деб эътироф этилган бўлиб, бу усул давлат мажбурловини, ҳокимият кучини ўзида мужассамлаштирганлиги учун ҳам мамлакат иқтисодий, молиявий, соҳадаги воқеа-ҳодисалар ва жараёнларга кучли таъсир кўрсатиш, уларни мақсадга мувофиқ тарзда йўналтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси молия тизими ягона, бир бутун механизмдан иборат бўлганлиги муносабати билан Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимиятлар ўз тасааруфида бутун давлат молиясига нисбатан аниқ белгиланган функцияларни бажаради. Масалан, улар ўз ҳудудларида даромадларнинг республика бюджетига келиб тушишини таъминлайди, тасдиқланган бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида давлат эҳтиёжлари учун асосий жамғармалар ва воситаларни олиш ва қайта ишлаш учун капитал харажатларни амалга оширади.

«Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимиятлар ўз ваколатлари доирасида тегишли маъмурий-ҳудудий бирликлар молиясига раҳбарлик қилинишини таъминлайди. Ушбу органлар, хусусан, маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини ишлаб чиқади, уларни тасдиқдайди ва ижро этади, шунингдек, мазкур бюджетлар ижроси

тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди, қонунчиликка мувофиқ равишда маҳаллий бюджетга келиб тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар миқдори ва улар бўйича сарфланадиган бюджетдан ташқари жамғармаларни ташкил этишлари мумкин»[1].

Давлатнинг молиявий фаолиятини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органларининг барчаси иштирок этади, чунки уларнинг ҳар бири молия билан боғлиқ бўлган муайян функцияларни бажаради. Шу билан бирга улар молиявий фаолиятининг хусусияти ва мазмуни бир-биридан фарқ қилиб, бу ушбу органларнинг вазифалари ва ҳуқуқий ҳолатидаги фарқлар билан белгиланади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи органларни бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият ва бошқарув, марказий ва маҳаллий идоралари амалга оширадиган молиявий фаолият улар олдига қўйган мақсад ва вазифаларга, берилган ваколатларга мувофиқ турли шаклда амалга оширилади. Маҳаллий ҳокимият идоралари ҳокимлар, халқ депутатлари кенгашлари ўз ваколатлари доирасида маҳаллий молия фаолиятини амалга оширади.

Молиявий фаолияти амалга оширувчи барча давлат идоралари қандай даражада бўлишидан, ваколатлари доирасидан қатъий назар мамлакат иқтисодий ва молиявий қудратини ошириш, иқтисодий барқарорликни ва ривожланишни таъминлаш, маҳаллий молияни мустаҳкамлаш йўлида ҳаракат қилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 7-моддасида айтилишича, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва унинг асосида чиқарилган бошқа қонунларга мувофиқ давлатнинг молиявий фаолияти унинг хокимият, бошқарув ҳамда маҳаллий хокимият идоралари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларга мувофиқ давлат идоралари томонидан молиявий фаолият давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилувчи бир қатор тамойилларга, аниқ қоидаларга мувофиқ равишда олиб борилади. Бу тамойиллар молия, кредит, солиқ ва банк соҳасидаги қонунларда белгилаб қўйилган.

Давлат харажатлари соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар уларнинг иштирокчилари ҳуқуқларининг белгиланлиги билан ажралиб туради. Бу муносабатларда давлат манфаатларини ифодаловчи, унинг номидан иш юритиш ваколати берилган бюджет маблағлар олувчиларга нисбатан ҳокимият таъсирини ўтказиш усулида иш олиб борилади. Давлат белгиланган тартибда бюджет хисобига молиялаштириладиган харажат турларини, меъёрларини, молиялаштириш объектларини белгилайди, ўз кўрсатмаларини бажарилмаганда эса айбдорларга нисбатан қатъий чоралар кўради.

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ давлатимиз ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини бажаришда бюджет тизими уни ташкил қилиш ҳамда унинг ҳуқуқий-меъёрий базасини яратишдек муҳим масала турган эди. Шу сабабдан Президентимиз ва соҳа раҳбар ходимлари бошчилигида ушбу масалага катта эътибор қаратилди. Чунки жамиятнинг равнақи, аҳолининг фаровонлиги, юртнинг тинчлигини таъминлаш ва бошқа мақсадларни амалга ошириш, давлатимизнинг

[1] Ли А. Молия ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент Давлат юридик институти. 2004. -398б.

ҳозирги кунда бюджет ва бюджет сиёсатининг асосий устивор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Республикада бюджет тизимининг кейинги ривожланишини бошқарадиган қонунчилик хужжатлари қабул қилинди, буларга мувофиқ қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган эди. Барча даражадаги бюджетларнинг иқтисодий мустақиллик принципини тарғиб қилиш ва уларни алоҳида шаклланишининг меъёрий асосларини белгилаш.

Давлатнинг келгуси даврдаги мақсад ва вазифаларини молиялаштиришни таъминлашнинг асоси негизи сифатида барча даражалардаги бюжетларни тайёрлаш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш жараёни муддатлари ҳамда босқичлари жиҳатидан келишилган ҳар бир босқичнинг аниқ ижрочилари кўрсатилган ягона бюджет цикли бўлади. Белгиланган қатъий календар муддатлари бюджет жараёни барча қатнашчиларининг мувофиқлаштирилган тарзда ишлашларига кўмаклашади. Айрим босқичларда муддатларни ўзбошимчалик билан белгилаш эса бутун жараённи издан чиқариб юбориши мумкин. Бу эса биринчи навбатдаги сарф-харажатларнинг ўз вақтида молиялаштирилмай қолишига олиб келиши мумкин.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий бюджет ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджетларни режалаштириш ва ижро этишдаги ҳуқуқларини кенгайтириш лозим. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ўзаро алоқаларини қонуний асосларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

3.2. Маҳаллий бюджетларни бошқаришда Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги, «Маҳаллий ҳокимият тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқ ва вазифалари

Мамлакатимизда ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар янада чуқурлашаётган даврда ижтимоий хаётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби молия-бюджет тизимида ҳам ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий бюджетларни бошқаришнинг тамойиллари ишлаб чиқилди.

Бюджетларни шакллантиришнинг муҳим тадбирлари республика бюджетидан молиялаштириш билан боғлиқлигининг зарурияти Ўзбекистон Республикасида давлатнинг икки даражали бюджет тизими фаолият юрита бошлади, у ўз ичига республика ва маҳаллий бюджетларини олади. Шу туфайли маҳаллий давлат идоралари бюджети хам мустақил бўлиб, юқори турувчи давлат идоралари бюджетининг, таркибий қисми ҳисобланмайди. Аммо бу ҳолат марказлаштирилган ҳолда бюджет масалаларига ёндошишни истисно қилмайди.

Молия тизими бошқа секторларга қараганда бюджет жараёнининг қонунчилик асосларини ишлаб чиқишда муайян орқада қолишга йўл қўйилган бўлиб, бу давлат молиясидан самарали фойдаланишга салбий таъсир этиши мумкин. Шу сабабли бюджет жараёнини тартибга солиш механизмини яратиш ва бюджет тизимининг институционал ўзгартишларини амалга ошириш учун бюджет

маблағларини сарфлашни мақбуллаштириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, иқтисодий юксалишни рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган ягона қонун қабул қилиниши зарур бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий мавқеи тубдан ўзгарган бир шароитда, Ўзбекистон халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган мустақил ва суверен давлат мақомига эга бўлди. Жаҳон оммасига ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлига эга бўлган мустақил давлат сифатида намоён бўлди. Ўзбекистоннинг маҳаллий давлат ҳокимият идоралари вилоятлар, шаҳар ва туманлар билан ўзаро муносабатлари янгича иқтисодий асосларда қайта ташкил этилди. Республика ўз даромадларини мустақил тасарруф этадиган, ўз харажатларини тўла-тўкис ўзи қоплайдиган бўлди. Буларнинг хаммаси давлатнинг зарурий хусусияти саналувчи бюджет ва бюджет жараёнида ўз аксини топмаслиги мумкин эмас эди.

Ўзбекистон учун ўз миллий суверенитети ва давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлариданоқ иқтисодий мустақилликка эришиш, айниқса, иқтисодий соҳада ўзимизга хос йўлини, ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш энг муҳим вазифа саналди. Ушбу вазифанинг тўғри бажарила бориши натижасида, иқтисодий ислоҳотлар рўёбга чиқа бориш билан бирга, Ўзбекистоннинг банк, молия, кредит тизимлари ҳам шакллана бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилиниши билан мамлакатимиз молия сиёсатининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди, молия ва молиявий тизимлар ривожининг йўналиши кўрсатиб берилди. Молия, бюджет ва пул-кредит соҳасида амалга ошириб келинаётган изчил ва оқилона сиёсат туфайли мамлакатимизда мукаммал молия-кредит тизими яратилди.

Даставвал асосий қомусимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизнинг Давлат бюджети шаклан қонуний асослаб берилди. Ўтган давр ичидаги барқарор бюджет тизимини тўлиқ шакллантириш соҳасидаги барча ишларимиз ва тажрибаларимиз бу соҳадаги жаҳон тажрибаси билан уйғунлашди, бу эса Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда ўзининг ҳуқуқий аксини топди.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги ПФ 2612-сон «Жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъмирлаш бўйича дастурни амалга ошириш борасида чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини ижро этиш асосида ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуннинг 2000 йил 14 декабрда қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш асосларини ҳамда давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартиби жараёнларини кўрсатиб берди. Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

♦ Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш асосларини;

♦ Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини тузиш принциплари ва унинг тузилмасини;

♦ Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини;

♦ Давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш ва унинг харажатларини амалга ошириш принципларини;

♦ Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни;

♦ Давлат бюджети маблағлари билан операцияларни амалга ошириш жараёнида ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти шундаки, унга мувофиқ жойлардаги ҳокимият органларининг ҳуқуқлари кенгайтирилди, ҳокимият ва бошқарув органларининг бюджет жараёни барча босқичлардаги ваколатлари аниқлаштирилди. Қонунда белгиланган тушунчалар мажмуи бюджет тизимига таъсир этган омиллар вазифаси ва ўзгаришлари жиддий эканлигини акс эттиради. Шунингдек атамаларга, оид кўрсатмаларнинг бир хиллиги бюджет атамалари ҳуқуқининг умумий меъёрлари билан мумкин қадар мустаҳкам ўзаро боғланишларини таъминлайди.

Давлат бюджети таркиби Конституция, қонунлар, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришининг ҳозирги босқичида бюджет маблағларини шакллантириш, тақсимлаш амалиёти билан мослаштирилган. Давлат ҳокимияти ва бюджет тизимини бошқариш органларининг ваколатлари қуйидан юқорига қараб изчил кўриб чиқилди.

Ҳозирда Ўзбекистан Республикаси давлат бюджет тизимининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборатдир.

❖ бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги;

❖ бюджет таснифи тизими, ҳисоб бюджет хужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги;

❖ турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;

❖ Давлат бюджети баланслилиги;

❖ давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлар-моддалар бўйича режалаштирилиши;

❖ Давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағ доирасида сарфланиши;

❖ барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

Бюджет тузилишининг ягоналиги тамойили ўзида давлат ва маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари яхлитлиги, яна ҳар бир даромад учун бириктирилиши ва уни ягона бюджет томонидан бошқарилиши ва жами даромад ва харажатларни ўз ичига қамраб олиниши, юритилаётган хужжат ва моддаларнинг бир хиллиги кабиларни ўзида акс эттиради.

Барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги тамойили ўзида Ўзбекистан Республикаси маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари мустақил равишда маҳаллий ҳокимиятлар томонидан тузилиши маҳаллий депутатлар кенгаши томонидан тасдиқланиши ва бажарилиши кўзда тутилган. Бюджетларнинг мустақиллиги бюджет тизимининг асосий тамойили сифатида белгиланган бўлиб

ушбу тамойил турли даражадаги ваколатли ҳокимият органларининг ўзларига берилган ваколатлари доирасида бюджет жараёнини мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқларини англатади. Ҳар бир даражадаги бюджет даромадларининг ўз манбалари, шунингдек, жойлардаги ваколатли ҳокимият органларининг қонунларида белгиланган доираларида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар солиқ ставкаларини ўзгартириш ҳуқуқини қонун асосида мустаҳкамлаб қўйилган.

Даромадлар манбалари белгиланиши ва улар маҳаллий бюджетларга тушиши қонун асосида мустаҳкамлаб қўйилиши маҳаллий хокимият органларининг мустақиллиги ва бюджетларни шакллантиришдан манфатдорлигини оширади. Бунда маҳаллий бюджетларга маблағлар келиб тушишининг регулятив манбалари белгиланган бўлиб уларнинг жумласига белгиланган меъёрлар бўйича давлат солиқларидан ажратиладиган маблағ ажратмалари киради.

Барча даражалардаги бюджетлар харажатларнинг йўналишлари аниқ белгилаб қўйилганлиги, шунингдек, қўшимча даромадларни тақсимлашда мустақилликка эга эканликлари жойлардаги ҳокимият органларининг бюджет маблағларини минтақавий ривожланиши дастурларига мувофиқ самарали сарфлаб бориш имкониятини беради.

Биз биламизки, давлатнинг молиявий фаолияти-бу давлат зиммасидаги функцияларнинг бажарилишини таъмин этиш йўлида ваколатли давлат органлари томонидан қонунларда белгилаб қўйилган тартибларда пул маблағларини тўплаш, тақсимлаш соҳасидаги тадбирлардан иборатдир. Молиявий фаолият миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш йўли билан шахсий эҳтиёжларнигина эмас, шу билан бирга барча ижтимоий эҳтиёжларни ҳам қондириш зарурлиги юзасидан объектив жараёндир.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Маҳаллий давлат идораларини тўғрисида»ги Конунда маҳаллий давлат ҳокимият идораларининг молиявий фаолияти асослари белгилаб қўйилган.

Давлат молия идоралари билан ўзаро муносабатлар давомида барча корхоналар, бирлашмалар, фуқаролар ҳам қонунларга қатъий амал қилишлари лозим. Давлат идоралари томонидан молиявий фаолиятнинг амалга оширилишида белгиланган тамойилларга амал қилинади. Қонунийлик тамойилига амал қилиш молиявий муносабатлар барқарорлигини таъминлаш, давлат молия фаолиятидан кўзланган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига эришиш, оқибатда давлат молиявий ва иқтисодий қудратининг, қолаверса, мустақилликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Молиявий фаолият турли даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари томонидан амалга оширилади. Давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи идораларнинг ҳуқуқий ҳолатлари ва уларга юклатилган вазифалар уларга таалуққли қонунчилик хужжатларида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг1993йил 2 сентябрдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг «Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг молиявий асоси» деб номланган 11-моддасида таъкидланганидек, Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурсларини бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, аниқ мақсадга қаратилган фондлар, кредит ресурслари, шунингдек, республика бюджетидан ажратилган субвенция ва дотациялар ташкил этади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли ҳудудда ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашадилар, ўзини-ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб

турадилар. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг мол-мулки, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондларнинг ва аниқ мақсадга қаратилган фондларнинг маблағлари вилоят, туман, шаҳар мулкидир.

Вилоят, туман, шаҳар аҳамиятига эга бўлган мухандислик инфраструктураси объектлари ва бошқа объектлар, корхоналар ва бирлашмалар, халқ таълими, соғлиқни саклаш, ижтимоий таъминот, фан ва маданият муассасалари, вилоят, туман, шаҳар маблағи ҳисобидан ташкил этилган ёки сотиб олинган, шунингдек, улушбай асосларда ташкил этилган ёки сотиб олинган ёхуд халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига бошқа манбалардан бепул берилган қимматли қоғозлар ва молия активлари вилоят, туман, шаҳар мулки бўлиши мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида турли мулк шакллари қарор топтириш, кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш асосида бюджетнинг даромадлар тушуми қонун хужжатлари мувофиқ ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг тўлаган солиқлари ва солиқсиз тўловлари асосида тўпланади.

Вилоят, туман, шаҳар бюджетининг даромадларига:

- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ олинадиган солиқлар ва йиғимлар;
- вилоят, туман ва шаҳарга қарашли мол-мулкни ижарага бериш ёки сотишдан келадиган тушумлар;
- қонунларда назарда тутилган ҳолларда вилоят, туман, шаҳар мулки ҳисобланган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг текшириш вақтида аниқланган яшириб қолинган ёки камайтириб кўрсатилган даромадларнинг муайян қисми;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ бошқа тушумлар киритилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши:

- фуқаролар, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари ва хайриялардан;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ундириладиган айрим турдаги жарималардан;
- бюджетдан ташқари ўзга маблағлардан таркиб топадиган бюджетдан ташқари фондлар ҳосил қилиши мумкин.

Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари банкдаги махсус счётларда туради, уларни олиб қўйиш мумкин эмас, улар тегишли халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорига биноан сарфланади. Мазкур фонднинг 15-моддасида айтилишича, Халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши Ўзбеистон Республикаси қонунларига мувофиқ вилоят, шаҳар валюта фонди ташкил этиш ва улардан халқ депутатлари Кенгашининг қарорларига биноан фойдаланишга ҳақлидир.

3.3. Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда маҳаллий ҳокимият органлари қарорларининг аҳамияти

Давлат молиявий сиёсати макроиқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг моҳияти давлат ва жамият олдига қўйилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳамда бошқа стратегик мақсадларни рўёбга чиқаришга қўлланиладиган иқтисодий, ҳуқуқий воситалар, усуллар, йўналишларнинг белгиланилиши, реал

шарт-шароитлар аниқ ҳисобга олинган ҳолда, улардан самарали фойдаланишга қаратилгандир.

XX асрда бутун дунёда давлат тузилиши бошқарувида демократик тамойилларнинг ривожланиш жараёни тезлашади. Демократик давлат тузилишининг муҳим таркибий қисми - маҳаллий давлат бошқарув органлари ва уларнинг фаолияти ҳисобланади. Маҳаллий давлат бошқарув органлари ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш учун, муайян мулк ва молия - бюджет ҳуқуқига эга бўлади.

Республикамиздаги қонун хужжатларида вилоят, туман, шаҳар хокимлари томонидан амалга ошириладиган молиявий фаолият бу соҳада маҳаллий идораларга берилган ваколатлар ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати белгилаб қўйилган.

Маҳаллий давлат идоралари таркибидаги Молия бошқармалари ва молия бўлимларининг ҳуқуқий ҳолатлари белгиланган тартибда улар тўғрисидаги тасдиқланган низомларга кўра белгиланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунида кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бюджет сўрови олинганидан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

Маҳаллий бошқарув органларининг ролини ошириш бевосита уларни молия-бюджет ҳуқуқларини оширишни, уларга юкланган вазифаларни амалга оширишда етарли маблағлар билан таъминлашни талаб этади. Бюджет жараёнида ҳуқуқий муносабатлар субъектлари доираси жумласига қуйидагилар киради:

- давлат, маъмурий-ҳудудий тузилмалар;
- давлат вакиллик, ижроия ҳамда маҳаллий идоралар;
- давлат ва муниципиал ташкилотлар.

Биринчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси идоралари, вилоят, туман, шахар ҳокимиятлари киради. Иккинчи гуруҳга ҳукумат, вилоят, шахар, туман маъмурияти, молиявий идоралар тизими (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, молия бошқармалари, банк тизимлари, солик тизимлари) киради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар параметрларини тақсимлаш, режалаштириш ва ижросини таъминлашдаги молия органлари ва назорат-тафтиш бошқармаларининг устивор вазифалари тўғрисида»ги 2005 йил 3 январдаги 1-сон буйруғининг 8-бандига мувофиқ, республикамизда «2005 йил бюджетининг параметрларини қонун доирасида ижро этилишини таъминлаш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари бошлиқлари ҳамда шаҳар, туман молия бўлими мудирларининг зиммасига қуйидагилар юклатилган:

- ҳудудлардаги солиқ органлари билан ҳамкорликда маҳаллий бюджетларнинг 2005 йилги тасдиқланган даромадларининг йиллик ва чораклик параметрлприни солиқ манбалари ва барча ҳудудлар бўйича тўлақонли бажарилишини таъминлаб бориш, тушумларни доимий равишда таҳлил ва прогноз қилиш;
- маҳаллий ҳокимият органларига хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ ва йиғимлардан бюджетга боқиманда қарздорликларини қисқартириш,

даромадларнинг тасдиқланган кўрсаткичларини муттасил бажарилишини таъминлаш, ҳудуднинг солиқ базасини ва молиявий салоҳиятини кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирлар қабул килиш учун амалий таклифлар киритиш»[1].

Ҳокимият вакиллик идоралари томонидан бюджет ижроси устидан амалга ошириладиган назорат соҳасидаги ваколатлар қуйидагича бўлинади:

- назоратни ташкил этиш юзасидан ваколатлар;
- бевосита назорат қилиш ваколатлари;

Ҳокимият вакиллик идоралари бюджет ижроси устидан назоратни амалга ошириш мақсадида турли ташкилий тузилмалар (комиссиялар ва бошқалар) ташкил этишлари мумкин. Улар тегишли идораларга бюджет ижросини ташкил этиш, бюджетга ўзгаришлар киритиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беришлари мумкин. Бюджет қонунчилиги ҳокимият вакиллик идоралари томонидан тегишли бюджет ижросини текшириш учун аудиторларни жалб этиш мумкинлиги назарда тутади. Бюджет ижросини текшириш жараёнида аниқланган нуқсонлар юзасидан айбдор мансабдор шахсларга жазо чоралари қўллаш масаласи ҳал этилиши мумкин.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш юзасидан амалга оширалаётган ислоҳотлар жараёнида маҳаллий ҳокимиятлар ваколатини кенгайтириш асосида, бошқарув органлари фаолиятини ислоҳ қилиш ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ўз навбатида маҳаллий хокимиятларни ваколатини кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан бири бу уларни бюджет жараёнидаги ваколатларини ошириш билан бевосита боғлиқ. Чунки, маҳаллий бюджетлар хокимиятлар фаолиятида уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун иқтисодий негиз ҳисобланади. Ушбу масала бўйича Республика Президентининг асар ва маърузаларида хокимиятлар ролини ошириб боришнинг асосий йўналишлари кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 11 февралдаги “Бюджет интизомига риоя қилиш устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 66-сон қарорда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар хокимлари, молия органлари ва бюджет муассасалари раҳбарларига бюджет интизомига қатъий амал қилинишини таъминлаш вазифасини юклаб, бюджет маблағларидан ноқонуний, бошқа мақсадларга сарфланиш ҳолатлари юз берса, улар шахсан жавобгар эканликлари ҳақида огоҳлантирилган. Мазкур қарорга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 15.11.2002 йил 393-сон қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги назорат-тафтиш Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифаси этиб молия органлари, бюджет муассасалари ва тижорат банкларини биринчи навбатдаги сарф-харажатларни маблағ билан таъминлаш ҳамда бюджет муассасалари ходимларига иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендияларни тўлаш муддатларига ва тўлиқлигига риоя қилиш, шунингдек, бюджет муассасаларига кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун нақд пул бериш бўйича фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш белгилаб қўйилди.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар параметрларини тақсимлаш, режалаштириш ва ижросини таъминлашдаги молия органлари ва назорат-тафтиш бошқармаларининг устивор вазифалари тўғрисида»ги 2005 йил 3 январдаги 1-сон буйруғи. 8-банди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 15 апрелдаги қарорига биноан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарорига асосан «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексига 175-2 ва «Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига» 184-1 моддалар орқали «Бюджет интизомини бузиш» тўғрисидаги бандлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик Кодексининг 175-2 моддасига асосан, бюджет интизомини бузиш, бюджет маблағларини бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида кўзда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш - каби ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача жарима солиш, шунингдек, бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳаки, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатлар тўлови учун пул маблағлари бериш банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз равишда кечиктирилганлиги учун мансабдор шахларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача жарима солиш каби маъмурий чоралар кўриш ҳуқуқи назорат-тафтиш Бош бошқармасига берилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жиноий Кодексининг 184-1-моддасига асосан Бюджет интизомини бузиш, бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш, шундай ҳолатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш хақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади. Ўша ҳолат кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади. Ушбу ҳолатлар жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланади.

Таянч сўз ва иборалар

Молия тизими, бюджет тизимини бошқариш тамойиллари, молия ҳуқуқи, штат-смета интизоми, муниципал иқтисодиёт, энг кам иш ҳақи, бюджет тизими, маҳаллий бошқарув органлари, молиявий назорат, мониторинг, жарима.

Назорат учун саволлар:

1. Маҳаллий бюджетларни бошқаришда маҳаллий ҳокимият органларининг роли нималардан иборат?
2. Маҳаллий бюджетларни бошқариш ва Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимиятлар ваколатлари масалаларининг ўзаро боғлиқлигини тушунтиринг.
3. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини бошқариш тамойиллари ҳақида нима дея оласиз?
4. Маҳаллий бюджетларни бошқаришда Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунининг аҳамиятини кўрсатинг.
5. Бюджет интизомини бузиш ҳолларида «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексига ва «Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига қандай ўзгаришлар киритилди?

Тестлар

1. Қуйидагилар қай бири бюджет тизимининг тамойили бўла олади?

а. ҳисоб-бюджет ҳужжатлари

в. турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги

с. бюджетни тақсимлаш

2. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бюджет сурови олинганидан кейин .. ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади:

а. уч кунлик муддат;

в. ун кунлик муддат;

с. беш кунлик муддат.

3. Қорақалпогистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларни қабул қилиш ва ижро этишда йўл қўйилади :

а. юқори бюджетлардан куйи бюджетларга бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари беришга;

в. қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган манбалар ҳисобига жамғармалар ташкил этишга;

с. юқори бюджетлардан бюджет ссудалари олишга;

4. Вилоятларнинг бюджетлар лойиҳалари .. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади:

а. жорий йилнинг биринчи июлигача;

в. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг белгилаган муддатларида;

с. жорий йилнинг биринчи сентябригача;

5. Бюджет росписи - бу:

а. Бюджет таснифи бўйича даромадлар тақсимланишининг бюджет тушумларининг муддатлари кўрсатилган тезкор режа;

в. бюджет таснифи бўйича харажатлар тақсимланишининг муддатлари кўрсатилган тезкор режа;

с. А ва В.

6. Жавобларни нотўғрини топинг:

а. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳамда шаҳарлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳокимлари бюджет сурови олинганидан кейин беш кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, бу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

в. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан бюджет дотациялаври ва бюджет субвенциялари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тегишли қабул қилинган бюджетлар доирасида ажратилади.

с. Республика бюджетидан бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига қабул қилинган Давлат бюджети доирасида ажратилади.

4-Боб. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ

4.1. Маҳаллий бюджетларни бошқариш

Ҳар қандай демократик давлат тузилишининг зарурий омили маҳаллий ўз-ўзини бошқаришдир. Маҳаллий бошқарув ва ижроия органларига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларга муайян мулкий ва молиявий бюджет ҳуқуқлари берилади. Бу ҳуқуқлар ўз бюджетларини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш, бажариш ҳамда улар бошқарувига берилган ташкилотларни бошқариш ва бу корхона, ташкилотлардан маҳаллий даромадни шакллантириш имкониятини яратади. Ҳудудий давлат бошқарув органлари молиявий тизимининг асосий таркибий қисми- бу маҳаллий бюджет ҳисобланади. Худди шу ўринда иқтисодий ҳокимият билан бюджет тизимининг бевосита узвий бирлиги бошланади.

Республикамизда иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаш-тирилаётган ва иқтисодий эркинлаштиришни янги босқичида ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият органларини ҳудудларни социал-иқтисодий томондан бошқаришдаги ролини кўтариш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Биринчидан марказий бошқарув органлари маълум даражада ортиқча ташвиш ва вазифалардан ҳоли бўлади, иккинчидан, маҳаллий ҳокимият органларини ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлани-шидаги маъсулияти ошади, учинчидан, ушбу ҳудуддаги муаммоларни тез ечилишга олиб келади.

Маҳаллий хокимиятларни маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бажарилишини ташкил этиш, уларни ўз хуқуқ-мажбуриятлари Конститутциянинг 100-моддасида акс этган:

- қонунийликни, хуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;
- ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан ривожлантириш;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;
- маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;
- норматив хужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Бу қайд этилган хуқуқ ва мажбуриятлар орасида учинчи бандда белгиланган вазифа ижтимоий-иқтисодий моҳияти жиҳатидан алоҳида мавқега, хусусиятга ва маъсулиятга мойил вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қоплашда энг муҳим восита ва манба бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, маҳаллий ҳокимиятларнинг зиммасига ваколатидаги бошқа вазифаларни тўлақонли бажариш, кўпинча молиявий ресурсларнинг мавжуд миқдорига бевосита боғлиқ бўлади.

Юқорида келтирилган хуқуқ ва мажбуриятлардан кўриниб турибдики, маҳаллий бюджетларга ўз ҳудудини иқтисодий, ижтимоий, маданий ривожлантириш маъсулияти юкланган. Амалга оширилаётган ислоҳотлар маҳаллий вакиллик ва ижро хокимиятларининг ҳудудларини иқтисодий ва ижтимоий

ривожлантиришдаги муаммоларни ўз вақтида ечишдаги ролини кучайтиришни талаб қилади.

Конститутцияга асосан маҳаллий хокимиятлар ўзларининг бюджет ва бюджетдан ташқари фондларини тузиш хуқуқига эга. Бугунги кунда эса ушбу хуқуқларнинг моддий асосини яратиш ва ривожлантирилиши зарур. Республикамизда 2000 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида» ги Қонунида хам маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этиш бўйича маҳаллий хокимиятларнинг хуқуқлари кўрсатиб берилган. Бу қонунга мувофиқ, Қорақолпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий давлат хокимияти органлари бюджет тизимини бошқариш соҳасида тегишли равишда маҳаллий бюджетларни қабул қилади, шунингдек, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди.

Маҳаллий бюджетлар ҳуқуқлари ривожи «Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2-сентябрдага қонунида ўз ифодасини топган. Бу қонунда юқоридагилардан ташқари маҳаллий хокимият органларининг молиявий ресурслари бевосита бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлардан, шунингдек, юқори бюджетлардан берилган субвенция ва дотациялардан ташкил топиши белгилаб берилган.

Қорағалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетлар даромадлари:

- ❖ қонун хужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ, Қорағалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- ❖ қонун хужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорағалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;
- ❖ қонун хужжатларида белгиланган нормативлар мувофиқ давлат мулкини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;
- ❖ қонун хужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш хуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- ❖ юқори бюджетлардан бериладиган бюджет субвенциялари, бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари;
- ❖ юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- ❖ қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шаклланади»[1].

Мазкур қонунга мувофиқ эса маҳаллий солиқлар, йиғимлар, тўловлар бўйича имтиёзлар ўрнатиш маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари томонидан ушбу имтиёзларни белгилаш хуқуқи берилган. Ушбу солиқлар бўйича имтиёзлар ҳокимликлар томонидан маҳаллий бюджет даромадларига тушадиган маблағлар даражасида берилган. Имтиёзлар энг аввало ҳудуднинг социал-иқтисодий ривожланишидаги муаммоларни ечишга ижобий ёрдам бериши керак. Маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар берилиши маҳаллий бюджетларнинг даромадларини шакллантиришда даромадларни тушиши камайишига олиб келади. Аммо, бу

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни. //Халқ сўзи. 2000. 14 январ. 18-модда.

камайиш ўз навбатида солиқ тўловчиларнинг молиявий ахволини яхшиланиши ҳамда юзага келган муаммоларни ечилиши билан боғланиши зарур. Солиқлар бўйича маҳаллий хокимликлар томонидан енгилликлар берилиши республика (давлат) бюджети даромадлар қисмига салбий таъсир қилмаслиги лозим.

Маҳаллий хокимиятлар маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилаш ва ундиришда маҳаллий бюджетлар балансли даромадлар ва харажатларга эга бўлишини узвий таъминлаши лозим, чунки, қонун хужжатларига мувофиқ Қорақолпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўйилмайди. Бу ўз навбатида маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўловчиларини белгилаш, солиқ объектини аниқлаш ставка ва имтиёзларни ҳудуддаги иқтисодий, ижтимоий, демографик вазиятни ҳисобга олган ҳолда, объектив белгиланишини тақозо этадики, бу маҳаллий ҳокимликларнинг энг асосий вазифаларидан бири эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий хокимият органларини иқтисодий фаолиятини таъминлаш мақсадида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан махсус қарор қабул қилинади ва шу қарорга мувофиқ маълум солиқ ва йиғимлар маҳаллий бюджетлар ихтиёрига берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28-декабрдаги 610-сон қарорига биноан 2005 йил учун маълум солиқ ва йиғим турлари маҳаллий бюджетлар ихтиёрига қолдирилиши белгиланган. Ушбу қарорга кўра ўтган йилги қарорларда кўзда тутилган меъёрларга бир қатор ўзгартиришлар ва тузатишлар киритилган бўлиб бу ҳолат маҳаллий бюджетларни ва ундан фойдаланишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш ишлари олиб борилаёганлиги билан баҳоланади. Маҳаллий бюджетларни шакллантириш масалалари тўғридан-тўғри маълум бир ҳудуднинг маҳаллий хокимият органлари учун жойларда давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга оширишини таъминлаш масалаларини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар сифатида намоён бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, маҳаллий бюджетларни шакллантиришда мавжуд даромадлардан тўлиқ фойдаланилган ҳолда, харакат олиб бориш ўз навбатида талаб қилинаётган харажатларни максимал даражада қондириш ва уларни молиялаштириш имкониятини яратади. Шунинг учун ҳудудларда давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий сиёсатини мукаммал тарзда амалга ошириш учун энг аввало, ҳаракатни маҳаллий бюджетларни тўғри шакллантиришдан бошлаш ҳозирги кундаги долзарб бўлган масаладир. Бу харакатлар жумласига бюджет маблағларини таъминловчи янги солиқ ва йиғимлар базасини ахтариб топиш, мавжуд солиқ ва йиғимлар тўловчиларни тўлиқ рўйхатдан ўтказиш, уларни солиқ ва йиғимларни тўлов қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда, фаолиятини ташкил этиш ва албатта, бюджет маблағлари ёрдамида янги солиқ базаларини яратишга қаратилган ҳаракатларни киритишимиз мумкин.

Ўйлаймизки, илмий жиҳатдан асосланган ва ҳудуднинг ички ва ташқи хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, қабул қилинган қарорлар маҳаллий бюджетни бошкариш ишларини оптималлаштириш томон олиб борувчи ягона йўлдир. Шу ўринда яна шуни таъкидлаш ўринлики, маҳаллий бюджетлар маблағларини инвестиция маблағларига йўналтириш орқали янги ишчи ўринларини яратиш мумкин. Бу ўз навбатида фуқароларни ижтимоий аҳволини яхшилашга қаратилган харакат бўлиши билан бирга янги солиқ базасини яратишга асос бўлади.

4.2. Маҳаллий бюджетлар фаолиятининг тамойиллари

Маҳаллий бюджетларни самарали бошқариш ва ундан фойдаланишни ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш ҳозирги бозор иқтисодиётининг асосий долзарб муаммоларидан биридир.

Ҳозирги кунда "бюджетларни бошқариш" тушунчаси маҳаллий бюджетлар тўғрисидаги адабиётлар ва бюджет иши жараёнида кенг қўлланади. Давлат ҳудудий бошқарув органлари, ҳокимиятлар, уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун, ўз даромадларидан ташқари қўшимча маблағлар ажратади, шунинг асосида давлат барча бюджетларни бошқаради, уларни даромад ва харажатларини тенглаштиради.

Маҳаллий бюджетларни шакллантиришни оптимал йўналишларини танлаб олингандан сўнг, ўз навбатида, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тақсимотини тўғри йўлга қўйиш биринчи галдаги вазифа бўлиб қолади.

«Бошқариш атамаси кенг маъно ва мазмунга эга. Бошқариш орқали ташкилотдаги барча ресурсларга таъсир кўрсатилади, фаолият турларига мувофиқлаштирувчи, ечим ва қарорлар кабул қилувчи, ташкил этувчи режалаштирувчи, назорат қилувчи вазифаларни амалга оширилади. Шу билан бир вақтда бошқаришнинг илмий ассоланганлиги, тўғри белгиланганлиги тагшкилотнинг мақсадига эришиш учун муҳимдир»[1].

Ташкилот фаолиятини бошқариш амалиётида холис қонун-қоидалар, анъаналар, одатлар, умумий талаблар, меҳнат тақсимоти, интизом, тартиб, ваколат, масъулият, фаолият йўналишининг бир хиллиги, шахсий манфаатларни умумий манфаатларга бўйсиндириш, ходимларни рағбатлантириш, марказлашиш ва номарказлашиш, адолат каби «тамойил»[2]лар ҳал қилувчи механизм ҳисобланади. Бошқаришнинг қонун-қоидалари, тамойиллари ҳамма учун мажбурий меъёр, одат, қоидадир.

Бу тамойиллар мамлакатимизнинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда изчиллик билан шакллантириб боришни, унга аста-секин, босқичма-босқич бозор муносабатларига ўтишни билдиради. «Бошқаришни ташкил этишдаги асосий тамойиллар қанчалик илмий асосланган бўлса, бошқариш истиқболли, самарали ва мақсадларга эришиш учун эҳтиёж кучаяди»[3].

4.3. Маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларини ишлаб чиқиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, марказий ва маҳаллий давлат хокимияти идораларининг барча бўғинлари ўз бюджетларини тайёрлаш ва ижро этишда мустақил бўлсаларда, бюджет лойиҳасини тайёрлаш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш, қабул қилиш ва ижро этиш масалаларини тартибга солувчи процессуал ҳуқуқий қоидалар, барча бюджет бўғинлари учун умумий бўлган тартиблар белгилаб қўйилган. Бундай умумий қоидалар Ўзбекистон бюджет қонунчилиги билан белгиланган бўлиб, уларнинг мазмуни қуйидагилардан иборат:

---

[1] Қосимов Ф. М. Ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси. Тошкент. 2004. 208б.

[2] қаранг. «Тамойил» атамасининг маъноси изоҳли луғатларда, рус ва инглиз тилларида «принцип» деб аталса, ўзбек тилида назария, таълимот, фаннинг асосий қонун-қоидасини англатади. қосимов Ф. М. Ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси. Тошкент. 2004. -72б.

[3] Қосимов Ф. М. Ташкилот ва ташкилий бошқариш назарияси. 2004. 60б.

1.Бюджетлар муайян ҳудуд ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболини белгилаш кўрсаткичлари хамда дастурларига мувофиқ равишда амалга оширилиб, бюджет лойиҳаси тайёрлангунига қадар тегишли миллий-давлат хамда маъмурий-худудий бирликлар тараққиёти режалари, тахминлари ишлаб чиқилади. Улар асосида ҳокимиятнинг ижроия идоралари тегишли бюджетнинг даромадлари, харажатлари, жамлама бюджет, қуйи худудий идораларнинг минимал бюджет кўрсаткичлари тўғрисида хокимиятнинг вакиллик идораларига таклифлар ҳамда ахборотлар тақдим этади. Бундай ахборотларнинг тақдим этилиши муддатлари ва тартиблари қонунчилик йўли билан белгилаб қўйилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли ҳокимиятларнинг ижроия ва вакиллик идораларига белгилаб қўйилган муддатларда кейинги йил бюджетининг ўзига хос хусусиятлари, бюджет лойиҳаси ҳисоб-китоблари, ижтимоий ва молиявий меъёрлари хақида хабарлар юборади.

3. Бюджет лойиҳаси тайёрланаётган пайтда қуйидагилар асос қилиб олинади:

- тартибга солинадиган даромадлардан ажратиладиган улуш (фоиз) лар лойиҳаси ва бу даромадлар таркиби;
- тегишли юқори турувчи бюджет ҳисобига амалга оширилиши мўлжалланаётган дотация ва субвенциялар кўрсаткичлари;
- тегишли ҳудудий бюджет даромадлари рўйхати ва бу даромадларнинг ҳиссаси (фоизда);
- юқори турувчи бюджет бирлиги томонидан берилган харажатлар рўйхати.

4. Ҳокимиятнинг ижроия идоралари ўзларига юқори ташкилотлар томонидан берилган бюджет кўрсаткичларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилади, уларга аниқлик хамда тузатишлар киритиш хусусида ўз таклиф - мулоҳазаларини билдиришлари мумкин бўлади.

Бюджет лойиҳасига аниқликлар ва ўзгартиришлар киритишлар тўғрисида таклиф – мулоҳазалар тегишли юқори турувчи ижроия идоралари томонидан кўриб чиқилади ва улар рад этилган тақдирда манфаатдор ижроия орган иштирокида мавжуд келишмовчиликлар тўғрисида тегишли баённома тузилади. Баённомада бюджет лойиҳасига тузатиш киритиш асослари ҳам, бу таклифларни рад этиш асослари ҳам кўрсатилади. Келажакда ушбу муаммони ҳал қилиш учун тегишли қуйи ва юқори хокимият вакиллик идораси ўртасида ўзаро тенглик (паритет) асосида келиштириш комиссияси ташкил этилади ва унинг келишмовчилик бўйича қабул қилган қарори қуйи ва юқори ижроия идораларига маълум қилинади.

5. Тегишли ҳудудни ривожлантириш режалари ва истиқбол кўрсаткичлари асосида ижроия идора хокимият вакиллик идорасига бюджет харажатлари юзасидан моддама-модда таклифлар тақдим этади. Айни пайтда бюджет даромадларини белгилаш юзасидан хам ўз ҳисоб - китобларини маълум қилади. Бу таклифлар тегишли вакиллик идораси қўмиталари ва комиссияларида мақсадга мувофиқлиги, долзарблиги, уларни молиявий ва моддий жиҳатдан рўёбга чиқариш мумкинлиги нуқтаи - назаридан қаралган ҳолда муҳокама этилади.

6. Бюджетларни тасдиқлаш даромадлар ва харажатларнинг ҳар бир моддасини муҳокама қилиш, улар юзасидан қарор қабул қилиш йўли билан амалга оширилади. Бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тегишли бюджет таснифига мувофиқ равишда амалга оширилади.

7. Бюджет лойиҳасини тайёрлашга оид амалий ишлар тегишли молия идоралари томонидан амалга оширилади. Турли даражадаги бюджетларнинг барча даромад манбалари ва харажат йўналишлари белгиланади. Бюджет таснифи қонун

ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

8. Бюджетларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун билан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Қорақалпоғистон Республикаси Жуқориги Кенгеси Қонуни билан, маҳаллий бюджетлар эса тегишли халқ депутатлари кенгашлари қарорлари билан расмийлаштирилади.

Таянч сўз ва иборалар

Маҳаллий бюджетларни бошқариш, бюджет жараёнлари, бюджет лойиҳаси, маҳаллий бошқарув органларининг ҳуқуқ мажбуриятлари, бюджет ижроси, сўровнома, молиявий назорат.

Назорат учун саволлар:

1. Маҳаллий бюджетларни бошқариш деганда нимани тушунасиз?
2. Ўзбекистон Республикасининг Конститутциясида кўрсатилган маҳаллий хокимиятларнинг маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва бажарилишини ташкил этишдаги хуқуқ-мажбуриятлари нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28-декабрдаги 610-сон қарорига биноан маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қандай солиқ ва йиғим турлари қолдирилиши белгиланган?
4. Маҳаллий бюджетларни бошқаришда бюджет ҳуқуқи тушунчаси ҳақида нима дея оласиз?
5. Ҳудудий молия органлари маҳаллий бюджетнинг ижросини назорат қилишни амалга ошириш чоғида қандай чора-тадбирларни амалга оширади?
6. Маҳаллий бюджет ижроси бўйича молия органларининг вазифалари нималардан иборат.

Тестлар

1. Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш мазкур бюджет ташкилоти маблағ билан таъминланадиган, тегишли молия органлари томонидан .. амалга оширилади ?(0,5 балл):

а. молия йили бошланишидан 40 кундан кечиктирмай;

в. бюджет параметрлари тасдикланган пайтдан бошлаб 55 кундан кечиктирмай;

с. бюджет параметрлари тасдикланган пайтдан бошлаб 40 кундан кечиктирмай**.**

2. Юридик шахс мақомини олган бюджет ташкилотлари белгиланган тартибда тегишли молия органларига бир йилда бир марта .. «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-рақамли шаклда молиявий ҳисобот тақдим этади (0,5 балл):

а. ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартигача;

в. ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 мартигача;
с. ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 8 мартигача.

3. Юридик шахс макомини олган бюджет ташкилотлари белгиланган тартибда қайси ҳисоб рақамларни очишлари керак? (0,5 балл):

а. бюджет ташкилотининг харажатлари учун жорий ҳисоб рақам; бюджетдан ташқари маблағлар учун махсус ҳисоб рақам;

в. бюджетдан маблағ олувчининг асосий ҳисоб рақами; бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасини бюджетдан ташқари маблағларини депозит ҳисоб рақами;

с. бюджет маблағи тақсимловчининг ҳисоб рақами; бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасини бюджетдан ташкари маблағларини депозит ҳисоб рақами.

4. Бюджет муносабатлари ифодалайди:

а. эквивалентсиз характер.
б. эквивалентли характер.
в. алоҳида характер.
с. эквивалентсиз ва эквивалентли характер.

5. Бюджет жараёни - бу:

а. бюджетни тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро қилиш
в. назорат, бюджет ижроси тўғрисида ҳисобот тайёрлаш ва уни тасдиқлаш
с. (А) ва(В) пунктлари биргаликда.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

5-Боб. Маҳаллий бюджет даромадлари ва уларни шакллантириш механизмлари

5.1.Маҳаллий бюджет даромадлари тўғрисида тушунча

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач суверен давлатнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган солиқлар тизимини аста-секин миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўзлаштирмоқда.

Маҳаллий бюджет даромадларининг асосий қисмини солиқлар ташкил этади. Давлат миқиёсида солиқлар ЯИМнинг деярли учдан бир қисмини қайта тақсимлаб, бюджетга туширади ва у орқали давлатнинг ижтимоий зарурий харажатларини молиялаштиришга йўналтиради. Кейинги йилларда ресурс солиқларининг салмоғи анча ошмоқда. Бу эса ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек, «Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериб, бюджетларни мустаҳкамлаш зарур. Бу ҳам минтақада мустақилликни ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлигини ва бу борадаги маъсулиятни ошириш имконини беради. Бундан ташқари, бу нарса маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топишни рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустаҳкамлайди»[1].

Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда таъкидланишича, маҳаллий бюджет - Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар, пул маблаблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини шакллантиришнинг ҳозирги пайтда амалда бўлган тартиби қуйидаги камчиликларнинг олдини олишга имконият бермайди:

- маҳаллий ҳокимият органлари томонидан йиғиладиган молиявий маблағлар, харажатларни қоплаш учун етарли бўлмайди, бу нарса маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш имкониятларини сезиларли даражада пасайтиради;
- бюджет харажатларининг етмайдиган қисмини республика бюджети ҳисобидан тўлдириш маҳаллий ҳокимиятларнинг марказий органларига нисбатан бўлган қарамлигини кучайтиради;
- маҳаллий ҳокимият органлари маблағларга бўлган объектив ва асосланган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, даромадларнинг қўшимча манбаларини излашга бўлган мустақилликни маълум даражада йўқотади.

Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришнинг янги моделига бўлган зарурият бюджетни қайта ўзгартиришга олиб келган. Давлат бошқаруви тамойиллари ўзгаришлари билан бирга ҳозирги пайтда мақсадлар ҳамда бюджетни ҳудудий тартибга солиш тамойилларининг ўзгаришлари билан боғлиқдир.

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон. 1995. 208 б.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан солиқ тизимига хос бўлган принципиал ёндашувлар таърифлаб берилди. Республикада эндигина шаклланаётган солиқ тизимига кўпроқ эътибор берилиши ва такомиллаштирилиши лозим.

Солиқлар давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг асосий манбаи эканлиги ҳаммамизга равшан. Солиқлар хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олиш билан бирга, ҳар бир тармоққа, корхонага алоҳида ёндашувни таъминлаши лозим. Бундан ташқари, солиқлар даромадларнинг бир қисмини қамраб олади, улар халқ хўжалигига аҳолига зарур бўлган маҳсулот ва товарларни ишлаб чиқаришга интилувчи корхоналар ҳамда фуқароларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириши керак.

Фуқароларнинг даромад солиғи шкаласи ўзгартирилиб, солиқ оғирлиги бир оз камайтирилди, экология солиғи ва ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш солиғи жорий этилди. 1999 йили киритилган меъёрдан ортиқ ишлаб чиқариш заҳиралари учун 4 фоизли ҳақ 2000 йилдан бекор қилинди. 2000 йилдан бошлаб сотилмаган тайёр маҳсулотлар меъёридан ортиқ олдиғи учун 2 фоизли ҳақ жорий этилди ва тўлиқ маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган бўлди.

Ўзбекистоннинг мустақил солиқ тизимини яратиш ҳаракати асосан 1992 йил 15 февралдаги «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлари солиқлари тўғрисида» ги Қонун ва 1993 йил май ойида Олий Кенгашнинг "Маҳаллий солиқлар тўғрисида" ги Қонуннинг қабул қилинишидан бошланди. Бу Қонунлар бўйича чиқарилган солиқлар йилма-йил такомиллаштирилиб борилди. Ниҳоят 1997 йил 24 апрелда "Ўзбекистон Республикасининг солиқ Кодекси" қабул қилинди. Бу Кодекс солиқ ва йиғимлар ҳақидаги ҳуқуқий асослар ягона хужжатга тўпланди.

Солиқ Кодекси асосида бир қанча йўриқномалар ва тартиблар ишлаб чиқилди. «Бюджет даромадларининг ишончлилигини таъминлашда, энг аввало, бу жараёнга хориж тажрибаларидаги тамойиллар ва механизмларни тадбиқ этиш йўли билан солиқ солиш тизимини такомиллаштириш талаб этилади»[1].

Маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий бюджетга даромадлар келиб туришини ва ресурслардан мақсадли фойдаланишдан манфаатдорлар, чунки жойларда иқтисодиёт ва маданиятнинг ўсиш суръатлари маҳаллий резервларни сафарбар этишга, маблағларни режали сарфлашга доир ишларни ташкил этишга бевосита боғлиқ бўлиб, бу эса, ўз навбатида, умуман Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини муваффақиятли бажаришга имкон яратади.

Маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини янада мустаҳкамлаш, бюджелараро муносабатларни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Республикамизда маҳаллий солиқлар ва солиқсиз тушумлардан шаклланган даромадлари маҳаллий бюджетлар харажатларининг жуда кам қисмини қопланганлиги туфайли, маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисми бюджетлараро тартибга солиш орқали шакллантирилади.

Тартибга солинадиган даромадлар-бу юқори бюджетлардан қуйи бюджетга уларнинг даромад ва харажатларини бошқариб туриш мақсадида бериладиган пул маблағлари мажмуасидир. Тартибга солинадиган даромадларга ушбу мақсадлар учун ишлатиладиган барча молиявий ресурслар, яъни алоҳида умумдавлат солиқларидан ўтказмалар, дотациялар, субвенциялар, юқори бюджетдан ўзаро ҳисоб-китоб асосида олинган маблағлардир. Шундай қилиб, тартибга солинадиган

[1] Ли В. Проблемы обеспечения устойчивости бюджетных поступлений. // Экономическое обозрение. 2003. №7. стр3

даромадлар бу юқори хукумат органлари томонидан қуйи ҳукумат органларига қонунчилик актлари (қонунлар, қарорлар, низомлар, буйруқлар) асосида бериладиган даромадлардир. Маблағларнинг берилиши режалаштирилган йилнинг бошида, бошқариш режаси ва режалаштирилган йилнинг бюджет тўғрисидаги қонунчилик актига асосан ёки юқори ижро этувчи ва тартибга солувчи органларининг кўрсатмасига биноан бюджетни бажариш жараёнида амалга оширилади.

Маҳаллий бюджетларнинг тартибга солинадиган даромадларини умумий тузилишини юқоридаги чизмада кўришимиз мумкин.

4-чизма

Маҳаллий бюджетнинг тартибга солинадиган даромадлари



5.2. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш манбалари ва усуллари

Республика ҳукумати ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида кейинги йилларда маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмларини шакллантириш масалаларида ижобий силжиш кузатилди.

Маҳаллий бюджет даромадлари:

-қонун хужжатларида бегиланган нормативларга мувофиқ маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар.

-қонун хужжатларида бегиланган нормотивларга мувофиқ маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар.

-қонун ҳужжатларида бегиланган нормотивларга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинадиган даромадлар;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари.

-юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари.

-юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари.

-қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

Ўзбекистоннинг ягона солиқ тизими яратилиб, унга умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 5-8 моддаларига биноан солиқ тизими қуйидаги таркибга эга. Умумдавлат солиқлари: ҳуқуқий шахсларнинг даромадига (фойдасига) солиқ, жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, ер остидан фойдаланиш солиғи, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи, савдо ташкилотларининг ялпи даромад солиғи, божхона солиғи, қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш йиғим, бошқа даромадлар.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар: мол-мулк солиғи, ер солиғи, кичик бизнес учун ягона солиқ, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, савдо ҳуқуқи учун йиғими жумладан, алоҳида товарлар турларини сотиш учун лицензия йиғими, тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик ҳамда жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғим, автотранспортнинг вақтинчалик турар жой йиғими ва солиғи.

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетлари томонидан харажатларни амалга ошириш учун даромадларга эга бўлиши керак. Шунинг учун маҳаллий бюджет даромадларини шаклланишининг амалдаги холати ва ушбу жараёндаги даромад манбаларини тахлил қиладиган бўлсак, аввалombор, даромадларнинг шаклланишига эътибор бериш лозим. Махаллий бюджет даромадларининг манбалари таркиби қуйидаги чизмада берилган.

5-чизма

Маҳаллий бюджет даромадларининг манбалари



Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий ҳукумат ва бошқарув органларини жавобгарлиги билан бирга, уларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида, маҳаллий бюджетлар ихтиёрида «қуйидаги умумдавлат солиқлари ва йиғимларини тўлалигича қолдириш кўзда тутилган:

- сув ресурсларидан фойдаланиш.
- экология солиғи ва атроф муҳтини тўлов.
- ягона солиқ
- юридик шахс мақомга эга бўлмасдан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслардан олинадиган солиқ фиксированний солиқ;
- Пиво, ўсимлик ёғи, хўжалик совунидан олинадиган акцизлар.»[1] 2002 йилда асосан гилам ва гилам маҳсулотлари, хрустал буюмлар ва хрусталдан ясалган қандиллар, мебел, видео-аудио аппаратураси ва кумушдан қилинган ошхона анжомлардан олинадиган акцизлар»[2] ҳам маҳаллий бюджетга киритилар эди.

Барча даражадаги маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигидан келиб чиқиб, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, территориал даромадлар манбаларини, маҳаллий бюжетлар даромадларини ўз даромадлари ёки бириктирилган солиқлар ва тартибга солинувчи солиқлар ҳисобига шакллантирилади. Маҳаллий бюджет даромадлари асосан иккига бўлинади:

⇒ маҳаллий бюджетга бевосита тушувчи даромадлар.

⇒ юқори ташкилотдан ажратма сифатида келадиган даромадлар.

Маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари шаҳарларда 30-40 фоизни, қишлоқ жойларда 10-20 фоизни ташкил этади, қолган қисмини ажратма даромадлар ташкил этади. Албатта, маҳаллий иқтисодиёт қанчалик ривожланса даромадлар кўпаяди, маҳаллий бюджетнинг ўз даромадлари қанча кўпайса, унинг имконияти шунча

[1] Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги Давлат бюджети ва асосий макроиқтисодий истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида»ги қарори.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги Давлат бюджети ва асосий макроиқтисодий истиқбол кўрсаткичлари тўғрисида»ги қарори.

барқарорлашади. Маҳаллий бюджетнинг ўз даромадлари асосан маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, умумдавлат солиқларнинг ажратмаларидир.

Тартибга солинувчи даромадлар пул маблағларининг йиғиндиси юқори бюджетлардан қуйи бюджетга бериладиган барча молиявий ресурслардир.

Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаси шаклида хам молиявий маблағлар келиб тушади. Бюджет ссудаси – юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёки республика бюджетидан резидент -хукуқий шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағ.

Бюджет субвенцияси-қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларда сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет дотацияси ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағларидир.

Бюджет субсидицияси-бошқа даражадаги бюджетдан ажратиладиган бюджет маблағлари бўлиб, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга максадли харажатларни бир қисмини молиялаштириш билан берилади. Бюджет субвенциялари ва бюджет дотациялари Қорақалпогистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга давлат бюджетининг тасдиқланган чегара доирасида берилади. Бунда қуйидаги кўрсаткичлар эътиборга олинади:

⇒ ўзининг даромад базасини ҳисобга олганда территориянинг молиявий аҳволи;

⇒ иқтисодий-ижтимоий, экологик, демографик ва бошқа умудавлат вазифалар ва дастурлар;

⇒ минтақалар бўйича товар ва хизматларнинг баҳосидаги фарқ;

⇒ ҳар бир минтақада яшовчи аҳоли сони;

⇒ минтақада жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бюджет маблағларига бўлган эҳтиёжи;

⇒ минтақалараро молиявий баланслаштиришда эътиборга олинадиган бошқа факторлар.

Қорақалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларда харажатлар ва даромадлар ўртасидаги вақтинчалик кассалик фарқ айланма касса маблағи, юқори бюджетдан бериладиган бюджет ссудаси билан, ўтган даврда ишлатилмай қолган бюджет маблағлари ҳисобига қопланади.

Айланма касса маблағи меъёри – молия йилида Қорақалпогистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджет ҳисобварақларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун хужжатлари билан белгиланадиган энг кам миқдоридир.

Айланма касса маблағи меъёри қонун хужжатларига мувофиқ молия йили бошида Қорақалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджет ҳисобварақларида белгиланган йиллик бюджет доирасидаги харажатларнинг, иш ҳақи ва унга ҳисобланадиган ажратмаларнинг ўн иккидан бир қисмини ташкил қиладиган пул маблағларининг минимал миқдоридир. Айланма касса маблағи меъёрининг ҳажми давлат бюджети тўғрисидаги Қонунда белгиланади.

Шунингдек, марказлашган тадбирларни молиялаштириш мақсадида қуйи даражаги бюджетлар даромадига ажратмалар ажратадиган юқори даражадаги

бюджетларда даромадлар марказлаштирилиши мумкин. Ажратмалар меъёри давлат бюджети тўғрисидаги Қонунда белгиланади. Биз билдирмоқчи бўлган фикрнинг мазмуни шундан иборатки, республика ва маҳаллий бюджетларнинг ҚҚС, корхоналар фойдасидан олинадиган солиқ, акциз солиғи, каби асосий солиқлардан тушумдаги улушини қонуний белгилаб қўйиш лозим.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг барча даражаларидаги маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришдаги роли, мустақиллиги ва маъсулиятни ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Давлат бюджетидаги улушини кўпайтириш мақсадида қуйидагилар маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилади:

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- экология солиғи;
- юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган белгиланган солиқ;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турларини амалга оширишдаги даромадларидан олинадиган белгиланган солиқ;
- республикада ишлаб чиқариладиган алкоголли маҳсулотлар ва спирт, пиво, ўсимлик ёғи, кир совунга акции солиғи бўйича тушумлар.

6-чизма

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг энг юқори ставкалар

Солиқ тури	Энг юқори ставкаси
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	Корхона ихтиёридаги соф фойданинг 8%и
Истеъмол учун жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ	
Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғи	1 литр учун 50 сўм
Транспорт воситалари учун газ	1 литр учун 50 сўм
Савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим	Бир ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 3,5 баравари
Савдо қилиш ҳуқуқи учун лицензион йиғим алголли ва тамаки маҳсулотлар	Бир ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 5 баравари
Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик, шунингдек, жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш учун йиғим	Энг кам иш ҳақининг 5 баравари

Манба. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 610-сон қарори

Ўзбекистонда Республикасида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг яратилиши бошқа хўжалик тадбирлари билан бир қаторда молия ва солиқ тизимида туб ўзгаришлар юз беришини кўзда тутади. Маҳаллий

бюджетларни даромадларини ошишини ички захиралари, ҳудудларда ишлаб чиқаришни ривожланиши, жойларда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш аввалambор, тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш жараёнини соддалаштириш ва енгиллаштиришни талаб қилади. Шу сабабли, республика хукумати томонидан бу жараён кундан-кун такомиллаштирилиб борилмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилган асосий солиқлар бўйича тушумда ўз улушини қонуний тартибда белгилаб қўйилиши ҳисобига маҳаллий хокимият органларининг эски маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт камчиликларидан бири бўлган боқимандалик кайфиятини маълум даражада барҳам топишга эришиш мумкин. Лекин бу тадбирни амалга оширишда маҳаллий худудларда иқтисодий ривожланиш даражаси, меҳнат ресурслари, ушбу худуднинг хом-ашё базаси ва уни ўзлаштириш даражалари эътиборга олинмоғи керак.

Бюджет тушумини ушбу тартибда такомиллаштириш ҳисобига маҳаллий хокимият органлари ўз худудларида жойлашган корхоналар фаолиятининг самарадорлигини оширишдан манфаатдор бўлади. Бундан ташқари, солиқларнинг тўла ва ўз вақтида тўланиши устидан назорат қилиб туриш учун қизиқиш пайдо бўлади. Чунки, республика бюджетига ушбу солиқлардан тушган умумий тушумдан белгиланган меъёрлар асосида ажратма қилишдан кўра, мазкур худудда ушбу солиқлардан тушган тушумда ўз улушини қонуний тартибда кафолатлаб қўйилиши бизнинг фикримизча афзалроқ.

Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талаб эхтиёжларни туликроқ ҳисобга олиш ҳамда давлат томонидан марказлашган тартибда амалга оширадиган тадбирлар билан тўғри олиббориш имконини беради. Бюджетлараро муносабатларнинг муҳим шарти–турли даражадаги бюджетларнинг молиявий базаларини шакллантиришнинг ўзаро боғлиқлигини таьминлашдир. Бу база ҳар бир бюджетнинг ўз даромадидан, бириктириб қўйилган ва тартибга солувчи соликлардан тушадиган тушумлар, шунингдек, юқори бюджетлардан ажратиладиган турли шаклдаги молиявий ёрдамлардан иборат.

Маҳаллий бюджетларнинг энг биринчи даромад манбаи бўлиб маҳаллий солиқ ва йиғимлар ҳисобланади. Улар ҳозирга қадар давлатчилик муносабатлари ривожланишига мутаносиб равишда шаклланиб, такомиллашиб келди. Агарда республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқ турли соҳаларда амалга оширилган ва давом эттирилаётган ислоҳотларга назар ташлайдиган бўлсак, маҳаллий бюджетларнинг мавқейини ошириш борасидаги чора-тадбирлар аниқ йўналиши маҳаллий бюджетнинг даромад манбаини мустаҳкамлашга қаратилгандир.


Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар жорий этилган пайтдан шу кунга қадар улар таркибида ўзгаришлар нафақат сон жиҳатдан, шунинг билан биргаликда, моҳият жихатидан ҳам кенг кўламли ўзгаришларга эришилди. Бугунги кунга келиб уларнинг янги турлари жорий этилди ва амалиётда самарали қўлланилиб келинмоқда. Шу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки маҳаллий бюджетлар даромадлари Давлат бюджети даромадларида юқори салмоққа эга. Қуйидаги жадвалда ва диаграммада 2003-2006 йиллар учун маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджетида тутган ўрни келтирилган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида маҳаллий бюджетларнинг тутган ўрни

Даромадлар	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й. (режа)
Давлат бюджети	2342012,6	2621300,0	3310854,0	4042460,4
Шу жумладан:				
Маҳаллий бюджет	1012604,8	1174178,5	1666364,0	2102868,8
Давлат бюджетига нисбатан салмоғи (фоизда)	43,2	44,8	50,3	52,0

1-диаграмма



Жадвал маьлумотларидан кўриниб турибдики, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар тушуми 2003 йилдан 2006 йилгача 1012604,8 млн сўмдан 2102868,8 млн сўмга, яьни 1090264 млн сўмгача ошиши режалаштирилган. Ўз навбатида маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджетидаги салмоғи ҳам ошиши режалаштирилган, 2003 йил маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджетига нисбатан салмоғи 43,2 % бўлса, 2006 йил режа ҳолатида бу кўрсатгич 52,0%ни ташкил этди, яьни 8,8% га ошмоқда. Албатта бу сезиларли кўрсатгич ҳисобланади. Чунки маҳаллий бюджетлар даромадларининг давлат бюджети даромадларидаги улушининг ортиб бориши ижобий ҳолат ҳисобланиб, маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини мустаҳкамланишига олиб келади.

Республикамиз солиқ тизимида мавжуд маҳаллий солиқ ва йиғимларга хос бўлган умумий хусусиятларнинг айримлари сифатида қуйидагиларни қайт этиш мумкин:

- маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари тасарруфида бўлган ҳудудлар эҳтиёжи учун ишлатилади;

- маҳаллий солиқларнинг асосий қисми маҳаллий бюджетларнинг бевосита ўзлари томонидан жорий этилади;
- маҳаллий солиқлар ва йиғимлар нинг ҳуқуқий жихатдан тартибга солишда маҳаллий бюджетларга бир қадар ваколатлар берилган бўлсада, республика қонунчилиги билан ҳам ҳисоблашишини талаб этади.

Шунингдек, маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг мухим хусусиятларидан бири, уларни белгилаш усулига кўра икки гурухга, яъни республика қонунчилиги билан жорий этиладиган ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари қонунчилиги билан жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимларга бўлинишидир.

5.3.Бюджет даромадларини тўғри шакллантиришда молия ва солиқ органларининг вазифалари

Маҳаллий бюджет тушумини такомиллаштириш ҳисобига маҳаллий хокимият органлари ўз худудларида жойлашган корхоналар фаолиятининг самарадорлигини оширишдан манфаатдор бўлади. Бундан ташқари, солиқларнинг тўла ва ўз вақтида тўланиши устидан назорат қилиб туриш учун қизиқиш пайдо бўлади. Чунки, республика бюджетига ушбу солиқлардан тушган умумий тушумдан белгиланган меъёрлар асосида ажратма қилишдан кўра, мазкур худудда ушбу солиқлардан тушган тушумда ўз улушини қонуний тартибда кафолатлаб қўйилиши бизнинг фикримизча афзалроқ.

«Бугунги кунда маҳаллий хокимиятларнинг ўз бюджетини шакллантиришда реал амалий қадамлар йўқлиги шуни кўрсатадики, маъмурий-ҳудудларнинг даромадлари республика бюджети ажратмалари ҳисобига шакллантирилмоқда»1. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, давлат бюджетини даромадларининг барқарорлигини таъминлайдиган маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларидан бири - уларнинг мустақиллиги ва имкониятларини ошириш зарур деб айтиш мумкин.

Вилоят, шаҳар, туман хокимият органлари доимо маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш ва бу молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш тадбирларини олиб боришлари керак. Маҳаллий хокимият органлари томонидан керакли, жумладан, маҳаллий бюджетлар даромад базасини кўпайтириш, маҳаллий бюджетлар харажатлар қисмини таркибий қайта кўриш каби шароитлар яратилганда, баланслаштирилган, соғлом, етарли бюджетни шакллантириш мумкин.

Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқлар ва йиғимларни бюджетга ўз вақтида тўлиқ ўтказилишини таъминлаш тўлов интизомини мустаҳкамлашни талаб этади. Бу вазифанинг тўлиқ ҳал этилмаганлиги солиқ сиёсати таъсирчанлиги ва самарадорлигининг паст эканлигидан, солиқларнинг ўз функцияларини тўлиқ бажармаётганлигидан далолат беради.

Давлат бюджети даромадларига таъсир қилувчи омиллар жуда ҳам кўп, уларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

♦ макроиқтисодий кўрсаткичлар яъни ялпи ички маҳсулот ҳажми, нархларнинг ўсиш даражаси, аҳолининг иш билан бандлиги ҳамда аҳоли даромадлари;

---

[1] Ли В. Проблемы обеспечения устойчивости бюджетных поступлений. // Экономическое обозрение. 2003. №7. стр8.

- давлатнинг фискал сиёсати, яъни солиқ ставкаларини ўзгартириш, улар бўйича имтиёзлар бериш, харажатларни камайтириш ёки кўпайтириш;
- бошқа омиллар.

Давлат бюджети тўловлари ўз вақтида амалга оширилмаслиги давлат учун зарур бўлган даромадларнинг ўз вақтида олинмаслигига ва бунинг натижасида давлат харажатларини молиялаштиришда жиддий муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бюджетга тўловларнинг тўлов интизомини мустаҳкамлаш йўли билан ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш масаласи илмий жиҳатдан ўзининг тўлиқ ечимини топмаган десак бўлади.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинган давр мобайнида умумдавлат солиқлари бўйича тўловсизлик даражаси юқорилигича қолган. Бу эса умудавлат солиқларини ундириш юзасидан солиқ инспекцияси ходимлари томонидан олиб борилаётган тадбирларнинг самарадорлик даражасини паст эканлигидан далолат беради. Айни пайтда умудавлат солиқлари бўйича ўз вақтида ундирилмаган тўловлар салмоғининг пасайиш тенденциясига эга эканлиги бу борада ижобий силжишларнинг юзага келганлигини англатади.

2-жадвал

Маҳаллий бюджетлар бўйича боқиманда қарзлар

(млн.сўм)

№	Ҳудудлар номи	2005 йилнинг 1 январ ҳолатига	Боқиманда қарзлар ўсишининг жами тушумдаги салмоғи	Боқиманда қарзлар нинг салмоғи
1.	Қорақалпоғистон	4 274.1	2.4	4.1
2.	Андижон	11 302.1	6.7	11.0
3.	Бухоро	7 879.5	1.5	7.6
4.	Жиззах	2 212.7	4.4	2.1
5.	Қашқадарё	4 448.0	0.7	4.3
6.	Навоий	1 824.4	0.5	1.8
7.	Наманган	3 695.5	1.3	3.6
8.	Самарқанд	4 454.2	2.2	4.3
9.	Сурхондарё	5 371.4	3.0	5.2
10.	Сирдарё	962.5	0.1	0.9
11.	Тошкент	9 425.9	1.5	9.1
12.	Фарғона	13 019.0	2.8	12.6
13.	Хоразм	5 118.9	3.2	5.0
14.	Тошкент ш.	29 055.4	0.6	28.2
	Жами	103 043.6	1.5	100.0

Манба. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари

Бугунги кунда маҳаллий бюджетлар даромадларини солиқ юкини ўстириш ҳисобига кўпайтириш яхши самара бермайди. Шунинг учун солик имтиёзларини қисқартириш ва бюджет муолажаларини такомиллаштириш, шунингдек, маҳаллий ва умумдавлат солиқ ва йиғимларни тўплашни таъминлайдиган тўлов интизомига риоя қилиш ҳисобига маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш мумкин.

Солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ҳам давлат учун, ҳам бозор қатнашчилари фаолият кўрсатиши учун шароитни таъминлаши керак, шунинг учун солиқ тизимидаги иқтисодий ислоҳатларни давом эттириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда солиқ ислоҳатлрининг устивор йўналишлари маҳаллий бюджетлар даромад базасини кўпайтиришга қаратилган бўлишигина эмас, балки ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун тадбиркорларни ва ишбилармонларини фаоллигини ошириш лозим.

Маҳаллий бюджетлар даромад базасини кўпайтириш учун солиқ ислоҳатларини янада чуқурлаштириш лозим. Жумладан:

- солиқ қонунларини янада аниқлаштириш, солиққа доир хужжатларини соддалаштириш мақсадида уни такомиллаштириш;
- солиққа тортиш базасини кенгайтириш, солиқ ставкаларини камайтириш;
- айрим солиқ тўловчилар билан бўладиган солиқ муносабатларда нейтралликни таъминлаш, қатор солиқ имтиёзларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш, бир хил солиқ базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш;
- қонун хужжатларига риоя қилишда қаттиқ, тезкор назоратни белгилаш, фуқаролар ва ташкилотларни солиқ тўлаш бўйича масъулиятини оширишдан иборат.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабхаларида авж олдирилаётган туб ислоҳотлар молия-солиқ тизимида ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Солиқ Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунини қабул қилингани молия бюджет сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий пойдевари бўлиб хизмат қилади. Бозор иқтисодиёти шароити даврида бюджет масаласи жуда муҳим ва мураккаб масаладир. Ҳар бир ҳудуднинг ривожи, аҳолисининг турмуш шароити, ижтимоий ҳимояга мухтож оила ва шахсларнинг етарли даражада ижтимоий ҳимоя қилиниши, ҳар бир ҳудуд давлат ҳокимият органларининг молиявий масалаларини тўғри ҳал қила билишга боғлиқ. Бунда маҳаллий бюджетларга тушадиган солиқ ва йиғимларнинг тури, миқдорини белгилаш алоҳида ўрин тутади.

Бинобарин, иқтисодиётимиз барқарорлиги унинг йўналиши, бюджет тизимининг мустаҳкамлиги бевосита молия-солиқ идоралари фаолиятининг самарадорлигига боғлиқдир. Вилоятларда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилиб сезиларли натижаларга эришилмоқда, ишлаб чиқариш ҳажмлари барқарорлашиб пул инфляцияси пасайиб бормоқда. Барча соҳалар қатори молия-бюджет сиёсатида ҳам туб ўзгаришлар амалга ошмоқда, шу билан бир қаторда молия тизими ходимларининг вазифалари ҳамда маьсулиятлари ҳам ошиб бормоқда.

Маҳаллий солиқлар бўйича «солиқ боқимандалиги» муаммосини ечиш учун:

- ♦ муддати ўтган «солиқ боқимандалиги»ни ошишигига олиб келганда солиқ тўлашни схемалар қўллаш амалиётидан воз кечиш;
- ♦ катта қарздорлиги бўлган солиқ тўловчилар билан солиқ постларини ташкил қилиш, маъмурий бошқарув аппаратига солиқ вакилларини киритиш билан алоҳида ищлар олиб бориш;
- ♦ солиқлар бўйича қарзлари жуда кўп бўлган шароитда корхона ва ташкилотларга нисбатан банкротлик муолажасини қўллаш;

♦ мулкдорларни ва муассаса раҳбарларини бюджетга солиқ тўлаш маъсулиятини белгилаш;

♦ «солиқ боқимандалиги» кўп бўлган тақдирда солиқ тўловчиларнинг мулклари юзасидан алоҳида ишлар олиб боришдан иборат.

Республикамизда бюджет сиёсатини олиб боришда фақатгина солиқ ислоҳотларини чуқурлаштирилмаяпти, балки махаллий бюджетлар тушумларини кўпайтиришнинг бошқа йўллари изланмоқда.

Жумладан:

- маҳаллий хокимият органларига бўйсинадиган корхона ва ташкилотларни хўжалик фаолиятиларининг иқтисодий натижалари яхшиланмоқда;
- маҳаллий саноат, қурилиш, транспорт, савдо, маиший хизмат ташкилотлари маҳаллий хокимият органларига бўйсинмайди, яъни алоҳида тармоқларни марказлаштирилган ҳолда бошқаришдан воз кечилмоқда;
- ҳукумат томонидан маҳаллий бюджетга дотация ажратишнинг шартлари ўзгартирилиши мумкин;
- алоҳида минтақаларни иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий заёмлар чиқариш ва жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга сотиш мумкин.

Солиқ йиғиш жараёнини иложи борича арзонлаштириш шундан иборатки, солиқ йиғишга давлат томонидан ҳам, солиқ тўловчилар томонидан ҳам иложи борича кам сарф-харажат бўлишини кўзда тутади. Ўзбекистон Республикасида бунинг учун солиқларни мақбуллаштириш, компьютер технологияларини, солиқ тўловчининг харажатларини камайтириш мақсадида солиқларга доир ахборотлар ишончлилигини билвосита назорат қилиш усулларини қўллаш йўли билан солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш билан бир қаторда солиқ идоралари қошида сервис-марказлар тизими, шунингдек, солиққа тортиш масаласи бўйича солиқ идораларининг бепул маслаҳатлари ташкил этилган. Солиқ қонунчилиги мураккаблашиб бораётгани сабабли, солиқ тўловчиларга мураккаблашаётган ва ошиб бораётган вазифаларини бажаришларида ёрдам кўрсатишни тақозо этади.

5.4. Бюджет даромадларини алоҳида белгиларига кўра таснифлаш

Бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритиш шароитида бюджет маблағларини ҳосил қилиш ва уни тақсимлаш соҳасида давлат билан корхоналарнинг ўзаро муносабатлари бутунлай ўзгарди. Ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга қилинадиган бюджет харажатларида корхоналарнинг фаолиятини пул билан таъминлаш ўрнига тармоқлараро йирик лойиҳалар, янги минтақаларни ўзлаштириш, транспорт шахобчаларини, алоқани ва ишлаб чиқариш инфраструктурасининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга маблағ ажратиш ҳал қилувчи ўринни эгаллаб боради. Корхоналар ва иқтисодиётнинг бошқа бўғинларини ривожлантиришга қаратилган пул маблағларининг миқдори улар фаолиятининг пировард натижалари билан бевосита боғланади. Тегишли ҳудудда жойлашган корхоналардан олинадиган солиқлар, бошқа маҳаллий даромадлар, умумдавлат солиқлари ҳамда даромадларнинг бир қисми қуйи звено бюджетларининг молиявий пойдеворини ташкил этади. Олинган маблағлар ҳудуднинг ижтимоий соҳаларини, унинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий қудратини ҳисобга олиб ривожлантириш учун сарфланади.

Корхоналардан солиқ юкини камайтириш бўйича тадқиқот ишлар давом эттирилади, хўжалик субъектларини ишбилармонлик фаолиятини, аввало, олинган даромадларни тақсимлаш масалаларида корхоналарни иқтисодий мустақиллигини ошириш ва хусусий тадбиркорликни кенгайтиришда ҳар томонлама рағбатлантиришни амалга оширилади. Жойлардаги давлат бошқарув органлари тасдиқланган давлат бюджети даромадлари параметрларини, солиқ базасини кенгайтиришни самарасини ошириш ва минтақанинг молиявий потенциалини кўтариш ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланишнинг қаттиқ назоратини кучайтириш бўйича чора-тадбирларни сўзсиз бажарилади.

Мазкур назарий хулосалардан келиб чиққан ҳолда, давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг батафсил иқтисодий тавсифини ва унинг иқтисодий ривожланишга таъсирини, хусусан бозор иқтисодининг шаклланишидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишга имкон туғиладики, бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар таснифини кўриб чиқишни тақозо этади.

Бюджет таснифи Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади. Бюджет таснифи бюджет маълумотларини халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёслашни таъминлайди.

Бюджет таснифи қуйидаги таснифларни ўз ичига олади:

- Давлат бюджети даромадлари таснифи;
- Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий таснифи;
- Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи.

Ўзбекистон Республикасининг “Бюджети тизими тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилинганлиги Давлат бюджетини шакллантиришнинг ҳуқуқий базасини яратилганлиги қувонарли ҳол бўлди. Мазкур қонуннинг 10-моддасида кўрсатилишича, бюджет таснифи давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини гуруҳлашдан иборатдир.

Давлат бюджетининг ҳозирги шароитда шаклланиши кўп жиҳатидан хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти натижаларига ва улардан маълум қисмини давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларга олишдаги ўзаро муносабатларини такомиллашиб боришига ҳам бевосита боғлиқдир.

“Давлат бюджети даромадларининг моҳиятини тўлиқ очиш учун уларни 5 та мезонга асосан таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Давлат бюджети даромадларининг таснифлаш мезонлари давлат бюджети даромадлари моҳиятини очишга хизмат қилади”[1].

Давлат бюджети даромадлари турли белгиларига кўра таснифланади. Ҳозирги вақтда уларни тўрт асосий белгисига кўра таснифлаш кенг қўлланилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Шуниси характерлики, мазкур қонунда давлат бюджети даромадларини таснифлашнинг икки мезонига, яъни даромадларни давлат қурилишига кўра ва ташкил топиш манбаларига кўра таснифлаш мезонига амал қилинган. Қонуннинг 18-моддасида

[1] А. Жўраев Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. Тошкент. Фан. 2004.-24б.

эса маҳаллий бюджетларининг даромадлари ташкил топиш манбаларига кўра акс эттирилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- ♦ қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- ♦ қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;
- ♦ қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;
- ♦ қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- ♦ юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;
- ♦ юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- ♦ қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Давлат бюджети даромадлари мамлакатнинг давлат қурилишига кўра қуйидаги турларига бўлинади:

1. Унитар давлатларда:

a) марказий бюджетнинг даромадлари;
b) маҳаллий бюджетнинг даромадлари.

2. Федерал давлатларда:

a) марказий бюджетнинг даромадлари;
b) федерация субъектларининг бюджет даромадлари;
c) маҳаллий бюджетнинг даромадлари.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг «Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг молиявий асоси» деб номланган 11-моддасида таъкидланганидек, вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурсларини бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, аниқ мақсадга қаратилган фондлар, кредит ресурслари, шунингдек, республика бюджетидан ажратилган субвенция ва дотациялар ташкил этади. Мазкур Қонунда кўрсатилишича, вилоят, туман, шаҳар бюджетининг даромадларига :

- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ олинадиган солиқлар ва йиғимлар;
- вилоят, туман ва шаҳарга қарашли мол-мулкни ижарага бериш ёки сотишдан келадиган тушумлар;
- қонунларда назарда тутилган ҳолларда вилоят, туман, шаҳар мулки ҳисобланган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг текшириш вактида аниқланган яшириб қолинган ёки камайтириб кўрсатилган даромадларнинг муайян қисми;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ бошқа тушумлар киритилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман , шаҳар Кенгаши:

- фуқаролар, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари ва хайриялардан;
- Ўзбеистон Республикаси қонунларига мувофиқ ундириладиган айрим турдаги жарималардан;
- бюджетдан ташқари ўзга маблағлардан таркиб топадиган бюджетдан ташқари фондлар ҳосил қилиши мумкин.

Маҳаллий солиқлар ҳукуматлар бажарадиган вазифаларига қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилади. Маҳаллий солиқларнинг муҳим хусусияти шундаки, маҳаллий солиқлар фақат шу ҳудуднинг бюджетига тушади.

Маълумки, маҳаллий бюджетлар ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришни амалга оширади. Лекин маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджет харажатларининг 30-40 %ини қоплайди, холос. Шунинг учун маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш энг долзарб масалалардан биридир. Фақат ўз даромад манбаларига тўлиқ эга бўлган маҳаллий бошқарув органлари ўз фаолиятларини тўлиқ амалга оширишлари мумкин. Акс ҳолда, маҳаллий бюджетларнинг харажатлар қисми режаси тўлиқ бажарилмайди.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг бюджетга тўлиқ тушишини ташкил қилиш маҳаллий молия органлари ва солиқ инспекцияси ходимларининг зиммасидаги асосий вазифа ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида маҳаллий бошқарув органларига кўрсатилган солиқларни ўз ҳудудларида жорий қилиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимларга (мол-мулк ва ер солиғидан ташқари) имтиёзлар бериш ҳуқуқи берилган.

Солиқ таснифлари, солиқ ставкалари бошқа мамлакатлардаги шунга ўхшаш солиқ ставкалари билан қиёсланадиган бўлиши, минтақавий ўзига хосликни ҳисобга олиб, бошқа мамлакатлар билан хўжалик фаолиятининг тахминан тенг шарт-шароитларини яратиш керак.

5.5. Хориж мамлакатларида маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш

Қозоғистон Республикасида 1991 йил 17 декабрда Қозоғистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги янги қонунни қабул қилиниши мамлакат бюджет тизими ислоҳотларининг асоси бўлди.

Маҳаллий бюджетларга қуйидаги тушумлар йўналтирилиши белгиланди:

⇒ юридик шахслар даромадига солинадиган солиқларнинг 50 фоизи;

⇒ жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқлар;

⇒ ижтимоий тўлов;

⇒ мол-мулк солиғи;

⇒ ер солиғи;

⇒ транспорт воситаларига солинадиган солиқ.

Қозоғистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни турли даражадаги бюджетларни шакллантириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатларни тартибга солиб, республика ва маҳаллий бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш, ижро қилиш, молиявий назоратни амалга ошириш тартибини аниқлаб берди. Ушбу қонун билан бюджет маблағларининг шаклланиши ва харажат қилиниши тамойилларига ўзгартиришлар киритилди.

Марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари функциялари бўлинди, республика ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган дастурлар

таркиби аниқланди. Фақат икки солиқ-юридик шахслар даромадига солинадиган солиқ ва алкогол ичимликларига акцизлар маҳаллий бюджетларга 50 фоиз меъёр билан тенг улушларда тақсимланадиган бўлди.

АҚШда Федерал бюджетининг даромадларига назар ташлайдиган бўлсак, Давлат ҳукумати уч босқичдан иборатлиги учун солиқларни уч даражага бўлинишини жадвалдан кўриш мумкин. Америка солиқ тизимининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда асосий солиқ турлари параллел равишда қўлланилади. Хусусан, аҳоли учта жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини (федерал, штат, маҳаллий), учта корпорация фойдасидан солиғни (федерал, штат, маҳаллий), икки турдаги мулкий солиқни (штат, маҳаллий) тўлайди.

Федерал бюджетнинг даромадлари деярли тўлалигича солиқ тушумларидан ташкил топишини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин. Федерал бюджет даромадларининг энг йириги аҳолидан олинадиган даромад солиғи ҳисобланади. Бундай қоида бу турдаги солиқ тўловчилар сонинг доимий ўсиши билан ҳам характерланади. Аҳоли даромадидан олинадиган солиқнинг объекти бўлиб, барча манбалардан (иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан даромадлар, қимматбаҳо қоғозлардан даромад) олинадиган даромадлар ҳисобланади. Солиқ солиш субъекти айрим олинган шахс ёки оила бўлиши мумкин.

3-жадвал

АҚШ да солиқларнинг тақсимланиши

	Федерал солиқлар	**Штатлар солиқлари**	**Маҳаллий солиқлар**
1.	Жисмоний шахслар даромадига солиқ	Жисмоний шахслар даромадига солиқ	Жисмоний шахслар даромадига солиқ
2.	Корпорация фойдасига солиқ	Корпорация фойдасига солиқ	Корпорация фойдасига солиқ
3.	Ижтимоий суғурта солиғи	-	-
4.	Акцизлар	Акцизлар	Акцизлар
5.	-	Савдо солиғи	Савдо солиғи
6.	Божхона тўловлари	-	-
7.	Мерос ва ҳадядан солиқлар	Мерос ва ҳадядан солиқлар	Мерос ва ҳадядан солиқлар
8.	-	Мулкий солиқлар	Мулкий солиқлар
9.	-	Автомашина эгаларидан солиқлар	-
10.	-	-	Экология солиғи

Манба. Налоги и налоговое право. А.В.Брызгалина и др. М.: «Аналитика-Пресс». 1998.стр.222.

Германия Федератив Республикаси Давлат бюджети даромадларини асосини ташкил этувчи солиқлар мамлакатнинг асосий Қонуни-Конституциясида белгилаб берилган.

Федерациянинг бюджети асосан божхона божлари, акциз йиғимлари, суғурта йиғимлари, капитал оборотидан солиқлар, федерал солиқдан вексел йиғими ташкил

топади. Ер солиғига асосан мулк солиғи, мерос солиғи, автотранспорт эгаларидан олинадиган солиқлар, пивога солиқ киради.

Даромадларнинг биргаликдаги манбаларига (Федерация ва Ерлар учун) жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ, корпорациялардан олинадиган солиқлар, ҚҚС киради. Бу солиқлардан биринчи иккитаси Федерация ва Ерлар ўртасида тақсимланади, бунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг бир қисми общиналарга берилади. ҚҚСнинг 56% и Федерация бюджетига, қолган 44% и Ерлар бюджетига тушади. Обшиналарга жисмоний шахслар даромади солиғининг таркибига кирувчи тадбиркорлик солиғи ва кўчмас мулкдан олинадиган солиқлар киради.

Германияда турли даражадаги маъмурий тузилмалар даромадлари тақсимотини тенглигини таъминловчи вертикал мутаносиблик билан бирга, молиявий жиҳатдан бақувват ва кучсиз Ерлар ўртасида даромадларни тақсимлашнинг горизантал механизми ҳам мавжуд.

Германия солиқ тизими унинг бюджетини 60-80% ини ташкил этувчи ўттиз саккизта солиқдан ташкил топган. Даромадларнинг 54% ини эгри солиқлар (ҚҚС ва акцизлар) ва 46% ини тўғри солиқлар ташкил этади. Юқорида саналган солиқларнинг кўпчилиги сезиларсиз даражада бўлганлиги учун принципиал аҳамиятга эга эмас.

Шундан келиб чиқиб барча солиқларни учта йирик гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга солиқ тушумларини 90% ини таъминловчи йирик солиқ турлари (етти турдаги) киради. Уларга: иш ҳақидан солиқ, ҚҚС, тадбиркорлик фаолияти учун солиқ, жисмоний шахслар даромадидан солиқлар, корпорациядан солиқлар, бензинга солиқ ва тамакига акциз. Иккинчи гуруҳга солиқли даромадларнинг 10% ини таъминловчи ер солиғи, автотранспортлардан (жами ўн учта) ва бошка солиқлар киради. Учинчи гуруҳга кирувчи солиқлар (ўн саккизта турдаги) солиқ тушумларининг 0,4% ини ташкил этади (қандга, тузга, чойга, отчопарлардан, ит эгаларидан, тотализаторлардан олинадиган солиқ ва бошкалар).

Германияда ерлар солиғи таркибига мулк солиғи, мерос солиғи, ер участкаси сотиб олганлиги учун солиқ, транспорт воситаси учун солиқ, пиво солиғи, лотерея ва пойгалар солиғи, ёнғин солиғи киради. Германияда ер солиғи тўғрисидаги Қонун 1974 йилда тасдиқланган бўлиб, у иккига бўлинган:

1-тури -қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари корхоналари учун- 0,6%, 2-тури ер участкалари учун- 0,35%, компаниялар қуриш ва жисмоний шахслар учун:

- қурилган уйлар учун - 75000 маркагача -0.26%, ундан ошган қисмидан - 0,35%, икки оила яшайдиган уйлар учун - 0,31% миқдорида солиқ тўлаш тартиби жорий қилинган.

Ер солиғи тўлашдан Германияда худди бизнинг мамлакатимиздагидек давлат муассасалари, черковлар, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, шифохоналар, болалар уйлари ҳамда илмий мақсадлар учун фойдаланиладиган ерлар озод этилган. Уй-жой қуришни рағбатлантириш мақсадида уй қурган оилалар 10 йил давомида ер солиғига тортилмайди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналари тўлаган ер солиғи суммалари солиққа тортиладиган фойдадан чегириб ташланади. Германияда ер солиғи ўтган йилги тўлов миқдоридан келиб чиққан ҳолда кварталларга бўлинган ҳолда ундирилади. Тўланиши керак бўлган солиқ суммалари ҳар 3 йилда бир марта текширувдан ўтказилади, агар фарқ аниқланса қайта ҳисоб-китоб қилинади.

«Италия, Канада, Франция ва Япония давлатларида Ўзбекистондагидек ер, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун деган солиқ турлари мавжуд эмас, балки бу ресурслар учун солиқлар субъектларнинг даромад ва мулк солиқларининг ичида қисман ундирилади»[1].

Россия Федерацияси субъектларининг бюджет даромадлари ўз даромадлари ва тартибга солинувчи солиқли даромадларидан иборат. Россия Федерацияси субъектлари бюджетининг солиқсиз даромадлари Россия Федерациясида ташкил этилган унитар корхоналарнинг барча солиқлар ва бошқа тўловларни тўлаганидан кейин улар ихтиёрида қоладиган фойданинг бир қисми ҳисобига шаклланади. Россия Федерацияси субъектлари бюджетининг солиқли даромадларига қўйидаги даромад турлари киради:

- РФ субъектлари бюджетининг ўз солиқли даромадлари;
- РФ субъектлари бюджетининг тартибга солувчи солиқли даромадлари.

Россия Федерацияси субъектларининг ўз бюджет даромадлари ҳамда Россия Федерацияси субъектлари ихтиёрига бириктирилган федерал солиқлар ва йиғимларни Россия Федерацияси субъектларининг қонунчилик органлари томонидан тасдиқланадиган меъёрлар бўйича маҳаллий бюджетларга берилиши мумкин. Россия Федерацияси субъектларининг қонунчилик органлари ҳудудий солиқлар ва йиғимларни жорий этади, улар бўйича ставкаларни белгилайди ҳамда солиқ қонунчилигида белгиланган ўз ҳуқуқлари доирасида солиқ имтиёзларини тақдим этади.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларига қуйидаги даромад турлари киради:

- маҳаллий бюджетининг ўз солиқли даромадлари;
- РФ субъектлари ва маҳаллий бюджетларга бериладиган тартибга солувчи солиқли даромадлари;
- давлат божлари.

Маҳаллий бюджетларнинг солиқсиз даромадлари муниципал унитар корхоналарнинг барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганларидан сўнг улар ихтиёрида қоладиган фойданинг бир қисми ҳисобига шаклланди. Маҳаллий бюджетларга муниципал мулкчиликда бўлган мулкларни бошқаришдан олинадиган даромадлар ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда бюджет муассасалари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлардан келадиган даромадлар ўтказилади. Бундан ташқари, муниципал мулкчиликдаги мол-мулкларни сотишдан олинадиган даромадлар ҳам маҳаллий бюджетларга ўтказилади.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари маҳаллий ҳокимият органлари юридик актларига мувофиқ, белгиланган ставка ва меъёрларда бошқа маҳаллий бюджетлардан берилиши мумкин. Маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этади, ставкалари миқдорини белгилайди ҳамда солиқ қонунчилиги доирасида солиқ имтиёзларини тақдим этади. РФ субъектлари бюджетга субвенциялар ва субсидиялар ҳисоб-китоби ва тақдим этиш тартиби махсус федерал қонун билан ёки кейинги молия йили учун федерал бюджет тўғрисидаги федерал қонун билан аниқлаб берилади. РФ субъектлари бюджетидан маҳаллий бюджетларга молиявий ёрдам кўрсатиш тартиби аниқ тамойилларга асосланади. Бунда давлат маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий ўз-ўзини

[1] О. Мещерерякова Налоговые системы развитых стран. М. Правовая культура. 1995.

бошқариш органлари ўз молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, давлат, муниципал хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ молиявий харажатлар меъёрларини ошириш ҳуқуқига эга.

Россия Федерацияси солиқ тизимида солиқлар 3 қисмга бўлинган ҳолда ундирилади. Федерал солиқлар - Россия Федерациясининг қонунчилик актлари билан ўрнатилади ва унинг ҳамма ҳудудларида ундирилади. Табиий ресурсларнинг алоҳида турлари ва алоҳида минерал хом-ашёларнинг акциз ставкаларига ҳамда божхона божлари ставкаларига Россия Федерацияси хукумати томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Федерация субъектларидан солиқлар - РФ таркибидаги барча федерал аҳамиятдаги республикалар, ўлкалар ва шаҳарлар қонунчилик актлари билан «РФнинг асосий солиқ системаси» Қонунига асосан ўрнатилади. Маҳаллий солиқлар - РФ субъектлари ва маҳаллий ҳокимият органлари қонунчилик актлари билан «РФнинг асосий солиқ системаси» Қонунига асосан ўрнатилади.

Россия Федерациясининг уч даражали солиқ системасини қуйидагича кўринишда тасаввур қилиш мумкин.

Федерал солиқлар: қўшилган қиймат солиғи, алоҳида товарлар гуруҳлари ва турлари учун акцизлар, қимматбаҳо қоғозлар операциялари учун солиқ, божхона таърифи, минерал хом-ашё базасини қайта ишлаганлиги учун ажратма, табиий ресурслардан фойдаланганлиги учун тўловлар, корхоналарнинг фойдасига солиқ, жисмоний шахслардан даромад солиғи, Давлат божи, мерос ёки тухфа сифатида ўтган мол-мулкка солиқ, «Россия» номини ишлатганлиги учун йиғим, корхоналардан транспорт солиғи, банклар ва уларнинг филиалларини рўйхатдан ўтказиш йиғими.

Федерация субъектларидан солиқ: корхоналарнинг мол-мулк солиғи, ўрмон даромадидан солиқ, сув хўжалик тизимидан саноат корхоналари томонидан олинадиган сув учун тўлов, таълим муассасалари эҳтиёжлари учун йиғим, корхоналарни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим.

Маҳаллий солиқлар: жисмоний шахслар мол-мулк солиғи, ер солиғи, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш йиғими, курорт зоналарида ишлаб чиқариш корхоналари қурганлиги учун солиқ, курорт йиғими, савдо ҳуқуқини берувчи йиғим, реклама солиғи, бошқа кўпгина солиқ ва тўловлардан иборат. Россия Федерациясининг барча ҳудудидан ер учун тўловлар ундирилади. Бундан мақсад - ердан рационал фойдаланишни рағбатлантириш уни сақлаш, унумдорлигини ошириш ҳамда хўжаликларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатларини тенглаштиришдир.

Тўлов шакллари: ер солиғи, ижара тўлови. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳар йили ер солиғини тўлайди, ижарага берилган ер учун ижара ҳақи олинади. Ер муносабатларини иқтисодий тартибга солишни таъминлаш мақсадида ерларни хусусийлаштириб беришда, жамоа-пайчилик асосида беришда, меросга ер қолдирилганда, берилганда, банк кредитини олиш учун гаровга қўйилганда ернинг норматив баҳоси киритилади. Ташкилотлар, жумладан, халқаро нодавлат чет эл юридик шахслари билан биргаликда, шу билан бирга ерлар хусусий қилиб, эгалик қилиш учун, ижарага ва ишлатиш учун РФ ҳудудидан ер берилган РФ фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ер солиғини тўловчилар бўлиб ҳисобланиди. Ер солиғи ер майдонига ва белгиланган ставкаларга асосан ҳисобланади. Ерлар фойдаланиш мақсадларидан қатъий назар солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Тўловлар ерларнинг қишлоқ хўжалик мақсадида ёки бошқа мақсадларида фойдаланилишига қараб турлича ставкаларда солиққа тортилади. Қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилаётган ерлар учун ер солиғи ставкалари қўлланишда унинг сифати, майдони, жойлашган ўрни, даромадлилик даражаси ва бошқа факторлар ҳисобга олинади. Шаҳарлардаги ерлар учун ставкалар белгилашда иқтисодий туманнинг ўртача ставкасидан келиб чиққан ҳолда, шаҳарнинг категориясини, ижтимоий-маданий потенциали даражасини ва бошқа факторлар ҳисобга олинади. Агар белгиланган меъёрдан ортиқ ер участкалари бўлса, улар ортиқ ер майдонлари учун икки баробар ставкада ер солиғи тўлайди. Ер солиғи бир йилда икки марта тенг миқдорларда: 15-сентябрдан ва 15-ноябрдан кечиктирмасдан тўланади, шунингдек, ер солиғидан қатор енгилликлар берилган.

Маҳаллий ҳокимият органлари маълум бир гуруҳ солиқ тўловчиларини солиқлардан ўз ихтиёрларида қоладиган солиқ суммаси миқдорида ер солиғи тўловидан қисман озод қилиши ёки енгилликлар бериши мумкин. Маълум даврларда иқтисодий ўсишни жадаллаштириш учун айрим солиқ турларининг ставкалари камайтирилади. Ҳар қандай даромаддан, масалан, акциялар, уйлар ер участкаларидан олинадиган сармоя даромадларига солиқ солинади. Унинг ставкаси ишлаб топилган даромаддан (иш ҳақи, ҳунармандларнинг даромадлари) олинадиган солиқдан тахминан икки баробар камдир. Бу эса ижтимоий жамғарилишни рағбатлантиради. Чунки сармоядан даромад олиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғозларни сотиб олиш фойдали бўлади.

Чет мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатадики, штатлар ва маҳаллий бошқарув идоралари ўз харажатларини қоплаш учун чиқарадиган облигациялардан келган даромадларга солиқ солинмайди. Бу қимматли қоғозларни кенг миқёсда сотиб олишни фаоллаштиради. Чунки улардан тўланадиган фоизлар бошқа қимматли қоғозларнинг фоизларига нисбатан кам бўлишига қарамай йирик пакетлар эгаларининг даромади солиқлар тўлашдан озод бўлиш ҳисобига ошади. Нархи пасайиб кетган қимматли қоғозларни сақловчиларга ҳам солиқ имтиёзлари берилади. Улар кўрган зарарларини солиққа тортиладиган даромаддан чегириб ташлаш ҳуқуқига эга. Йирик акция пакетларининг эгалари учун сохта сармоядан кўрилган зарар солиқ тўловлари камайиши ҳисобига даромадларининг реал ошишига айланиши мумкин. Бундай ёндашув биржада курсларнинг кескин ўзгаришини суғурталаш енгиллаштириш катта миқдорда солинган маблағлар зарардан ҳимоя қилинишини кафолатлаш имконини беради.

АҚШнинг солиқ қонунларига мувофиқ, агар корпорация ўз фаолиятидан олган маблағларини дивидендлар сифатида эмас, балки инвестицияларни компания акцияларига қайтариш тарзида тақсимласа, бу маблағларга солиқ солинмайди. Бу эса корхонанинг ривожлантириш учун фойдани қайта инвестициялашни рағбатлантиради.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам ҳудудларнинг иқтисодиётини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатадиган қимматли қоғозларга нисбатан, АҚШ тажрибасидан фойдаланган ҳолда, қимматли қоғозлардан олинадиган даромадга солиққа тортишда имтиёз бериш амалиётини қўллаш мумкин. Бунинг натижасида: биринчидан, қимматли қоғозларнинг тезроқ сотилиши учун замин яратилса, иккинчидан, сотилган қимматли қоғозлардан келган даромадлар орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконияти юзага келади, учинчидан, корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятининг кенгайиши иқтисодиётнинг ўсишига, қолаверса, махаллий бюджет даромадларининг ошишига йўл очади.

Таянч сўз ва иборалар

Маҳаллий бюджет даромадлари, маҳаллий бюджетлар даромад базаси, тартибга солувчи солиқлар, маҳаллий бюджетларни таснифлаш, солиқли даромадлар, солиқ боқимандалиги, тушум, бюджет дотацияси, бюджет субвенцияси.

Назорат учун саволлар:

1. Маҳаллий бюджет даромадлари тўғрисида тушунча беринг?
2. Сизнинг фикрингизча, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини шакллантиришнинг ҳозирги пайтда амалда бўлган тартибида қандай камчиликлар мавжуд.
3. Маҳаллий бюджет даромадларини қандай таснифлаш мумкин?
4. Хорижий тажрибалар асосида маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш усулларини тушунтиринг.
5. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларни ролини ошириш бўйича нима дея оласиз?
6. Бюджет даромадларини тўғри шакллантиришда молия ва солиқ органларининг вазифаларини такомиллаштириш йўллари нималардан иборат.

Тестлар

1. Жисмоний шахс молия йили давомида ҳар бир ишлаб даромад олган ой учун .. миқдорида чегирма қилиниш ҳуқуқига эга:

а) энг кам иш ҳақининг бир баравари;
в) энг кам иш ҳақининг уч баравари;
с) энг кам иш ҳақининг беш баравари.

2. Солиқлар ва йиғимлар бюджетга қандай тартибда ўтказилади:

а) асосий сумма, ҳисоблаб чиқарилган пеня, жарималар;
в) жарималар, асосий сумма, ҳисоблаб чиқарилган пеня;
с) ҳисоблаб чиқилган пеня, жарималар, асосий сумма.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида янги маҳаллий солиқларни жорий этиш .. билан мувофиқлаштирилади?

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан;
в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган холда;
с) Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан.

4. Қимматли металлар ва қимматли тошлар билан савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим:

а) бир ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг уч ярим баравари;
в) бир ойлик савдо учун энг кам иш ҳакининг уч баравари;
с) бир ойлик савдо учун энг кам иш ҳакининг беш баравари.

5. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг фоизини аниқланг. (0,5 балл):

а) корхона ихтиёрида қоладиган соф фойданинг 8%и;
в) корхона ихтиёрида қоладиган соф фойданинг 6%и;
с) корхона ихтиёрида қоладиган соф фойданинг 5%и.

6. Бюджет ташкилотлари вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг .. маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказади (0,5 балл):

а) 90%;
в) 10%;
с) 50%;


6-Боб. Маҳаллий бюджет харажатларининг таркибий тузилиши ва уларни бошқариш

6.1. Маҳаллий бюджет харажатлари ва уларнинг тузилиши

Давлат ўз вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилиш учун мўлжалланган, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун режалаштирилган, ижтимоий вазифаларни бажаришга ажратилган, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадларга қаратилган харажатлардан иборат бўлади. Ушбу умумдавлат харажатлари бюджет орқали молиялаштирилиши барчамизга аён.

2-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан аҳолини ижтимоий ҳимоя харажатлари



Бюджет тизимининг барча харажатлари турли бюджетлар ўртасида тақсимланади, бу эса у ёки бу харажатни муайян бюжетга киритилишини англатади. Бу биринчидан молиялаштирилаётган муассасанинг республика ва маҳаллий органларга қарашли бўлиши, иккинчидан молиялаштириладиган тадбирнинг аҳамиятидан келиб чиқади.

Маҳаллий бюджет маблағлариниг эгаси сифатида амалдаги меъёрий хужжатларга асосланиб, умумий ҳажми бюджет қонунчилигида белгиланган миқдорда пул маблағларини ажратади. Бюджет харажатларида давлат хокимияти, давлат бошқарув органлари, молия-кредит идоралари тизими орқали таъсири тегишли маблағларга эҳтиёж сезилган пайтдан бошлаб уларни сарф харажат қилгунга қадар бўлган бутун давр мобайнида юз бериб туради.


Маҳаллий бюджет объектив иқтисодий категория бўлиб, икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, у иқтисодиёт тармоқларини молиявий таъминлашга қаратилган харажатлардан иборат. Иккинчидан, эса бу харажатлар корхоналарнинг ва жисмоний шахсларнинг даромадидан ташкил топади. Харажатларни бюджет маблағлари ҳисобига қоплаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатнинг биринчи қатнашчиси бу-давлат манфаатларини ифода этувчи ва давлат номидан маблағларини берувчи молия ташкилотидир. Бюджет харажатларини айрим турларини белгилаш, чораклар бўйича тақсимлаш, кредит очиш, кредитни чақириб олиш, бюджет маблағларидан тўғри ва самарали фойдаланиш устидан назорат олиб бориш молия идоралари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон учун табиий ресурслар, сармояни жамгариш билан бирга инсон капиталига сарфланган маблағ – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, мутахассисларнинг малакасини ошириш, соғлиқни сақлаш, маориф, касбни ўзгартириш, илмий тадқиқотларга сармоялар йўналтириш иқтисодий юксалишнинг энг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Бунда мамлакатимиздаги мураккаб демографик вазиятни ҳисобга олинади, аҳоли сони ўсишиниг юқори суръатлари ва аҳоли таркибида ёшларнинг катта улушини ташкил этиши бюджетдан ижтимоий соҳадаги муассасаларга маблағлар сарфлаш кўрсаткичига таъсир қилади.

Шу муносабат билан давлатимиз хар йили ижтимоий соҳа эҳтиёжлари учун таълимнинг устуворлигини таъминлайдиган миқдорда маблағ ажратилишини кафолатлайди.

3-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан аҳолига нафақа ва моддий ёрдам харажатлари



Инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан вазифанинг ижобий ҳал этилиши айнан ижтимоий-маданий соҳалар тараққиётига боғлиқдир. Шуни назарда тутган ҳолда, ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий

соҳа харажатлари асосан маҳаллий бюджетлардан молиявий таъминланмоқда. Ижтимоий-маданий тадбирларни ўтказиш ва бюджет ташкилотларининг алоҳида харажатларнинг белгиланган меъёрларга асосан молиялаштириш ижтимоий-маданий тадбир харажатлари, аввало, лойиҳа параметрларига киритилади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларининг лойиҳа параметрларида кам таъминланган болали оилаларга тўланадиган нафақалар ва аҳоли учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар учун фарқни бюджетдан қоплаш билан ифодаланади.

Давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари факат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга эга бўлади, жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради, чунки давлат амалга ошираётган, аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рўёбга чиқади.

Давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради, чунки давлат амалга ошираётган, аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа орқали рўёбга чиқади. Шунинг учун «молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур маблағ қидириб топилиши шарт».[1]

Ижтимоий-маданий соҳалар иқтисодиётнинг катта бир бўлаги ҳисобланади, жамият ва унинг аъзоларига номоддий хусусиятдаги хизмат кўрсатиш вазифасини амалга ошириш билан шуғулланади. Улар бир қанча шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари асосий қонунимиз бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кафолатланади. Ижтимоий ёрдам тизимини ҳуқуқий асосда барпо этиш ва бу борадаги қонунларни ижро этилишини молиявий таъминлаш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

7-чизма

Ижтимоий соҳа харажатларининг таркиби



Маҳаллий бюджет орқали молиявий таъминлаш борасидаги муносабатлар иштирокчиларидан бири кредит муассасаси ҳисобланади. Кредит муаасасасида бюджетдан молиялаштирилувчи ташкилотлар учун ҳисобрақам очилади. Кредит муассасаси бюджетни касса ижросида ва молиявий интизомга риоя этиш юзасидан назоратни амалга оширишда иштирок этади. Бюджет орқали молиялаштиришнинг

[1] Каримов И.А. «Биздан озод ва обод ватан қолсин» Тошкент, «Ўзбекистон», 1996. -143б.

учинчи иштирокчиси бўлиб бюджет маблағларини тақсимловчи бюджет ташкилоти ҳисобланади. У ўз корхонаси учун ажратилган бюджет маблағларини тасарруф қилади, уларнинг ўзидан қуйида турадиган тақсимловчиларга ўтказади. Республикамизда бюджетдан молиялаштиришни амалга оширишда маҳаллий бюджетлар харажатларининг давлат бюджети харажатлари таркибидаги улушнинг ошиб бориши кузатилмоқда.

Қорақалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағлари тасдиқланган бюджет доирасида харажат қилинади. Қорақалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағлар ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

1. Қорақалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари шаклида;
2. Жорий бюджет трасфертлари шаклида;
3. Капитал харажатлар шаклида;

- асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;

- давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;

4. Қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли-марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришни таъминлашдир. Мамлакат бюджети даромад қисмининг 56 фоизи ва харажат қисмининг 52 фоизи ҳудудий бюджетлар ташкил этмоқда. Агар барча бошқарув масалалари молиявий йўл билан ҳал этилишини назарда тутадиган бўлсак, мана шу рақамлар ҳудудий хокимият тузилмалари ваколатларини кенгайтириш борасида қилинган ишлар салмоғини яққол кўрсатиб турибди.[1]

Маҳаллий бюджетлар орқали маҳаллий худудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни молиявий манбалар билан таъминлаб борилади Давлат бюджети харажатларининг таркибида эса маҳаллий бюджет харажатларининг салмоғи ошиб бормоқда, яъни у 1991 йилда 48,2 фоиздан, 2005 йилда 55,0 фоизга етди. Буни қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

[1] И.Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Президент И. Кримовнинг иккинчи чақириқ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг тўққзинчи сессиясидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2002 йил 30 август.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларида маҳаллий бюжет харажатларини салмоғи

(фоизда)

	2001 йил	2002 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил
Давлат бюджети харажатлари	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**
Маҳаллий бюджет харажатлари	**54.5**	**55.4**	**55.4**	**52.0**	**55.0**

Манба. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ушбу кўрсаткич 2001 йилда эса 54.5 фоизни ташкил этди. 2002 йилда 55,4 фоизини ташкил этган бўлса, 2003 йил якунларида маҳаллий бюджетлар харажатларининг давлат бюджети харажатларидаги салмоғи 55,4 фоизини ташкил қилди. 2004 йилда эса бу кўрсаткич 52.0 фоизни ташкил этди.

Республикамизда қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда аҳолининг кам таъминланган табақаларини аниқ тарзда қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, «Обод маҳалла йили» ва бошқа дастурларни рўёбга чиқариш асосида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлиги ва аниқ тарзда қўллаб-қуватлашни кучайтиришда»[1] маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти катталигини айтиб ўтишимиз керак.

Маҳаллий бюджетлар харажатларининг кейинги йилларда ўсиб бориши уларнинг давлат бюджетидаги салмоғини хам ошиб боришига олиб келган, буларнинг сабабини асосан 1995 йилдан бошлаб маҳаллий бюджетлар томонидан олдинги йилларда республика бюджети ҳисобидан молиялаштириб келинган таълим харажатлари-яъни ўрта маҳсус ўқув юртлари харажатларини молиялаштирилишини ортиши, давлат капитал қуйилмаларининг маҳаллий бюджетлардаги ҳажмини ортиб бориши ҳисобига хамда аҳолини ижтимоий химоялашга қаратилган тадбирлар харажатларини сезиларли даражада ўсганлиги билан изоҳлаш ўринлидир.

Республикамизда бюджет тизимида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, маҳаллий бюджет имкониятларини кенгайтириш ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган иқтисодий-ижтимоий соҳа харажатларини ўз вақтида молиялаштириш масалалари туради.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов маърузаси. 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари. //Ишонч газетаси. 2003 йил 19 феврал.

6.2. Маҳаллий бюджет харажатларининг таркиби ва уларни режалаштириш

Маълумки, республикамиздаги иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ривожини маҳаллий бюджетлар харажатлари қисмида ўзининг ёрқин ифодасини топади. Маҳаллий хокимият органларининг асосий вазифаси шу минтақадаги иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат. Асосан, янги туманларда аҳоли сонининг ўсиши, турар жой-коммунал хўжаликни ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш маҳаллий бюджетлар харажатларини ўсишини талаб этади. Маҳаллий бюджет харажатларнинг ўсиши янги қурилишлар қурилиши билан, турар-жой ва маданий-маиший объектларни сақлаш харажатларини ўсиши билан боғлиқ бўлади.

Айтиб ўтиш керакки, алоҳида маҳаллий бюджетларнинг харажатлар таркиби бир хил бўлмайди ва шу минтақадаги турли даражада бўлган хўжалик ва идораларнинг ҳажмига боғлиқ бўлади. Шунинг учун вилоят, шаҳар, туман бошқарув органларига бўйсинадиган маҳаллий саноат, турар жой-маиший хўжалик, савдо муассасаларининг маҳаллий бюджет харажатларидаги салмоғи анчагина. Вилоят, шаҳар, туман бошқарув органларига асосан ижтимоий-маданий муассасалар бўйсинади, шундан келиб чиққан ҳолда, махаллий бюджет харажатларининг 50 фоизи ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Қорақалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан қонун хужжатларида белгиланган тартибда қуйидагиларга мўлжалланган харажатлар молиялаштирилади:

⇒ фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт;

⇒ ижтимоий таъминот;

⇒ аҳолини ижтимоий ҳимоялаш;

⇒ Қорақалпогистон Республикаси давлат хокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат хокимияти органлари фаолиятини таъминлаш;

⇒ иқтисодиёт тури тармоқларининг Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджет ташкилотларини сақлаш;

⇒ қонун хужжатларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларни амалга ошириш;

⇒ қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Маҳаллий бюджетларнинг харажатлар таркибида ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлари жуда тез суръатларда фан, таълим, соғлиқни сақлашга харажатларнинг ошиши туфайли кўпаймоқда, бу эса шу бюджетдан молиялаштириладиган ижтимоий соҳа муассасалари кўпайиши ва илмий-текшириш ишларини кенгайиши, маъмурий-территориал комлекснинг ривожланиши, маҳаллий хўжаликни бошқаришни автоматлаштирилиши билан боғлиқ бўлади. Бугунги кундаги харажат ваколатлари бўлиб қўйилганлик услубиёти тизимлашмаган шаклга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва ҳудудий бошқармалар ўртасидаги келишмовчиликлар маҳаллий бюджетлар харажатларини режалаштириш жараёнидаёқ кўзга ташланиб қолади.

Маҳаллий бюджетлар харажатларини режалаштиришда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги режадаги даромадларидан келиб чиқади, худудлар эса ўз харажатларини режалаштиришда ўз эҳтиёжларидан келиб чиқадилар, бу

эҳтиёжлар табиийки Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги режасидан ортиқча бўлади. Келишув жараёнида маҳаллий бюджетларнинг энг мақбул харажатлари режаси аниқланади, бу режа эса ҳар ҳолда даромад базасидан келиб чиқади. Ушбу салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида маҳаллий бюджетлар харажатларини меъёр асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирги босқичда маҳаллий бюджетлар харажатларини жон бошига тўғри келадиган меъёрлар асосида соҳалар бўйича аниқлаш, бунда туман коэфицентларини ҳисобга олиш энг оддий ва алтернатив усул ҳисобланади.

Давлат бюджети маблағлари тасдиқланган бюджет ажратмалари доирасида, харажатлар сметасига мувофиқ бюджет маблағларини олувчилар томонидан молия йили давомида босқичма-босқич, муайян даврга ва тегишли суммага тайинлаш сертификатини расмийлаштириш йўли билан, республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича Ўзбекистон Рспубликаси Молия Вазирлиги томонидан, маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича тегишли молия органи томонидан сарфланади.

Ўзбекистон Рспубликаси Молия Вазирлиги ва бошқа молия органилари давлат бюджети ва унинг тузилмасига кирувчи бюджетларнинг қонун хужжатларида белгиланган кўрсаткичлар доирасида бажарилиши учун жавобгардир. Маҳаллий бюджет харажатлари объектив иқтисодий категория бўлиб, икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан у ҳудуд халқ хўжалиги тармоқларини молиявий таъминлашга қаратилган харажатлардан иборат. Иккичидан, бу харажатлар корхоналарнинг даромадларидан ташкил топади. Маҳаллий ҳокимият бюджет маблағларининг эгаси сифатида амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосланиб, умумий ҳажми бюджет тўғрисидаги Қонунда белгиланадиган миқдорда пул маблағларини ажратади. Бюджет харажатларига ҳудуд ҳокимияти, маҳаллий бошқарув органлари, молия-кредит органлари тизими орқали таъсир этиш тегишли маблағларга эҳтиёж сезилган пайтдан сарф-харажат қилгунга қадар бўлган бутун давр давомида юз бериб туради. Харажатларни режалаштиришда амал қилиниши лозим бўлган қоидалардан бири-бюджет маблағларини тақсимлашда комплекс мақсадли молиялаштириш ва барча даражадаги бюджет маблағлардан самарали фойдаланишга эришиш учун пул маблағларини тақсимлашда мутаносибликка амал қилишдан иборатдир.

Бизнинг фикримизча, Давлат бюджети харажатларини молиялаштириш режасини ва бюджет мажбуриятлари лимитини бюджет маблағларини (ассигнованиялари) тақсимловчиларига ва бюджет маблағи олувчиларига Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи, вазифа жиҳатидан таснифи, ташкилий таснифи кўрсаткичлари кўрсатилган ҳолда, Давлат бюджети харажатларини молиялаштириш режасини ва бюджет мажбуриятлари лимитини тўғрисидаги билдиришнома шаклда етказишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки даврида ҳам, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида ҳам аҳолининг даромадларини ҳисобга олиш ва тиббий хизматга бўлган талабни қондиришни ижтимоий ҳимоянинг бир тури сифатида қарашимизга тўғри келади. Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва бу соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларни ўз вақтида ва тўлиқ молиявий таъминлаш зарурдир.

Юртимизда соғлиқни сақлаш соҳаси олдида икки асосий вазифа турибди, бир томондан, тармоқ молиявий асосини кенгайтириш зарурати, иккинчи томондан,

соғлиқни сақлашни интенсив ривожланиш усулига ўтказишдир. Тармоқнинг тиббий суғурта тамойили соғлиқни сақлашнинг иқтисодий таянчлари тўла рўёбга чиқарилиши учун шароит яратиш, тармоқни молиялаш манбаларини кенгайтиришга қаратилган соғлиқни сақлашни молиявий захираларини шакллантириш механизмини яратиш имконини беради, шунингдек, бир қатор муаммолар-ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий муаммолар ҳал этилишига ёрдам беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар кенг қулоч ёйган. Жумладан, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш давлат дастури 2005 йилга келиб фелдшер-акушерлик пунктлари ва қишлоқ врачлик амбулаторияларининг янгидан қурилиши ва жиҳозланишига эътибор қаратилмоқда. Шу тариқа республиканинг қишлоқ ва туманларида икки даражали соғлиқни сақлаш муассаларидан иборат тармоқ ташкил этилади:

1. Аҳолини барча бирламчи хизматлар билан таъминлаш учун масъул қишлоқ врачлик пунктлари.
2. Ҳудудлар аҳолисини асосий стационар хизматлар билан таъминлаш учун масъул туман марказий касалхоналари.

Лойиҳанинг асосий мақсади ҳукуматнинг аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига ажратиладиган маблағларни оширмай туриб, соғлиқни сақлашнинг бирламчи даражасини кучайтириш, қишлоқда тиббий муассасаларнинг бошқариш ва молиялаштириш тизимини ислоҳ қилиш, соғлиқни сақлаш ходимларини умумий амалиёт соҳасида ўқитиш кабилар ҳисобига қишлоқ аҳолисини саломатлигини яхшилашдир.

Эндиликда қишлоқ муассаларида мустақил юридик шахс мақоми берилмоқда. Муассаларни молиялашда аҳоли жон бошига ҳисоблаш тамойилига асосланган янги механизмлар, шунингдек, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришнинг янги усуллари ишлаб чиқилади ва жорий этилади, тиббиёт ва иқтисодий масалалар бўйича янги ахборот тизимлари жорий қилинади.

Мазкур тармоқланган тизимни тиббий техника билан жиҳозлаш, малакали ходимларни тайёрлаш давлат бюджетидан ажратиш мушкул бўлган харажатларни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз томонидан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан «Саломатлик» лойиҳасини амалга ошириш мақсадида кредит олинди. «2005 йил Давлат бюджети харажатларида соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида контрагенларнинг (маҳсулотлар ва хизматлар етказиб берувчилар) хизмати учун тўлов, даволаш ва ташҳис қўйиш воситаларига қўшимча қиймат солиғини белгилаш, божхона процедуралари учун 1104,1 млн. сўм ажратилди»[1]. Лойиҳа республикамизнинг уч вилоятида Навоий, Сирдарё ва Фарғонада амалга оширилмоқда. Ҳукумат томонидан айнан шу вилоятларнинг танлашига сабаб-бу вилоятлар бир-биридан ҳудуд катталиги ва аҳоли зичлиги каби иқтисодий кўрсаткичлар билан фарқланади, кейинчалик бу тажрибани бошқа вилоятларга жорий қилишда турли шарт-шароитларни инобатга олишга имкон беради.

Соғлиқни сақлашни молиявий таъминлашнинг амалдаги тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши бўлиб, тармоқни молиявий захираларни шакллантириш устидан назорат самарадорлигини ошириш кўринади. Бундай шароитда фаолият кўрсатиш хўжалик ҳисобида тиббий ёрдам кўрсатишнинг яна

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил Давлат бюджети тўғрисида»ги 610-сон қарори.

бир асосий тамойиллартдан бири бўлган ўз-ўзини молиялаштириш тартибини ҳаётга тадбиқ қилишдан иборат.

Мазкур тартиб асосида мустакил меҳнат фаолияти кўрсата оладиган соғлиқни сақлаш муассасалари эндиликда тўлиқ равишда ўз фаолиятининг тиббий ва иқтисодий натижалари учун ўзлари жавобгар бўлиб қоладилар. Чунки, эндиликда тиббий муассаларнинг иқтисодий соҳадаги пировард натижалари уларнинг сифатли тиббий ёрдам кўрсатишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолади.

Лекин айтиш керакки, юртбошимиз И. А. Каримовнинг ташаббуслари билан мамлакатимизда ўтказилаётган давлат дастурлари «Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", «Қарияларни қадрлаш йили", «Сиҳат-саломатлик йили», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг ўтказилиши ушбу соҳадаги давлат харажатларининг кескин ошишига олиб келади десак муболаға бўлмайди. Чунки давлат миқёсида ўтказилаётган бу дастурлар йирик комплексларнинг қурилишини, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтирилишини талаб қилиши табиий.

Давлат томонидан соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш самарадорлигини ошириш бу соҳани таркибий тузилишини ўзгартиришни такозо қилади. Бу борада икки йўналишни кўриб чиқиш мумкин. Биринчиси-маблағларни тиббий хизматнинг энг самарали ва кам харажатли шаклларига қайта таксимлаш, яъни биринчи бўғин-амбулатор даволаш ва поликлиникаларни ривожлантиришга йўналтириш. Иккинчиси-соғлиқни сақлаш соҳасига бюджет маблағларини умумлаштириш. Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга комплекс ёндашув, шунингдек, тармоқ молиявий асосини шакллантиришга молиялаштиришнинг турли манбаларини – корхона, ташкилот ва аҳоли, бюджет маблағларини жалб этиш заруратини назарда тутади, бу жамият қайта ишлаб чиқариш қатнашчилари манфаати билан боғлиқдир.

Давлат фуқаролар саломатлиги мустаҳкамланишидан жамиятни ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида, тадбиркорлар соғлом ишчи кучи ишлаб чиқаришни етакчи омили сифатида, фуқаролар ўз саломатликларидан ўз фаровонликларининг зарур шарти сифатида манфаатдордирлар.

Манфаатларнинг бундай муштараклиги соғлиқни сақлашни молиялаштириш манбаларини белгилаб бериши шарт. Аммо бундай холда ушбу манбалар ўртасида энг мақбул нисбатларни ўрнатиш ва ушбу манбаларни тармоқ молиявий асосини шакллантиришга жалб этишнинг реал имкониятларини белгилаб олиш муҳимдир. Бу соғлиқни сақлашни молиявий таъминлашнинг муҳим шартидир.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш асосий бўлимларидан бири-тармоқни молиялаштиришнинг янги моделини ишлаб чиқишдан иборат.Соғлиқни сақлашни молиявий таъминлашни мўътадил-лаштириш бўйича вазифаларни ҳал этиш, нафақат назарий томондан тан олиниши билан, балки саломатлик муҳофазасига тўлақонли ёндашув амалиётида рўёбга чиқарилиши керак.

5-жадвал

Давлат бюджетидан 2004-2005 йилларда соғлиқни сақлаш учун ажратилган маблағлар

№	Тадбирнинг номи	2004 йил	Рес. бюд.	Маҳ. Бюд.	2005 йил	Рес. бюд.	Маҳ. Бюд	2004 йилга нисбатан %да
I		3491,8	1172	2319,8	6070,1	2231,8	3838,3	173,8
	Шу жумладан:							
1	Тиббиёт ходимлари ва хайдовчиларни иш хақи фондини ошириш (298,22,08,04)	784,2	0	784,2	1926,6	0	1926,6	245,7
2	ТТЁ хизматини автотранспорт, алоқа хизмати, юмшок мебел билан жихозлаш	1747,8	1172	575,8	2927,6	2231,8	695,8	167,5
3	ТТЁ хизмати учун бериладиган объектларни капитал таъмирлаш учун	959,8	0	959,8	1215,9	0	1215,9	126,7
II	Касалхоналар, поликлиника, амбулатория ва бошка тиббиёт муасасаларини даволаш ва ташхисот жихозларини янгилаш	7713,9	3466,9	4247	8099,7	3640,3	4459,4	105,0
III	“Она ва бола скрининги” марказлари учун лаборатория жихозларини сотиб олиш	1331,4	1331,4	0	1995,2	1995,2	0	149,9
IV	Республика тиббий марказларини замонавий жихозлар Билан таъминлаш	858,6	858,6	0	901,5	901,5	0	105,0
V	Касалхоналар, поликлиника, амбулатория ва бошқа тиббиёт муасасаларида капитал таъмирлашни ўтказиш	7091,6	1999,8	5091,8	7446,2	2099,8	5346,4	105,0
VI	Ўз.Р.нинг кафолати асосида чет эл компанияларидан тўғридан тўғри шартномалар асосида кечиктириш шарти билан медикаментлар сотиб олиш	0	0	0	5470	5470	0	

VII	“Соғлиқ-2” проекти бўйича божхона тўловлари, деклорация ва ҚҚС учун ҳамкорларга молиялаштириш	0	0	0	1104,1	1104,1	0	
VIII	ХХРнинг кредити бўйича юк хати харажатлари	0	0	0	780,5	780,5	0	
	Ҳаммаси:	**20487,3**	**8828,7**	**11658,6**	**31867,3**	**18223,2**	**13644,1**	**155,5**

Демак, соғлиқни сақлаш тизими учун ажратиладиган маблағларни сарфлашда, профилактика тадбирлари устивор бўлиши керак. Бу соҳада амбулатория-поликлиникалар харажатлари салмоғини ошириш, қишлоқ фельдшерлик пунктларининг ролини кучайтириш, якка врачлик фаолиятини янада ривожлантириш, Орол бўйида яшовчи аҳолини ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оналар ва болалар соғлиғини ҳимоя дастурларининг молиялаштириш устувор йўналишда бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида таъкидлаб ўтилган тадбирлар эндиликда соғлиқни сақлашда маъмурий-буйруқбозлик усулида бошқариш тизимидан иқтисодий усулда бошқариш тизимига ўтишни таъминлаб бериши ва бу усул, албатта, ривожланиб бораётган ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига мос келиши лозим.

6.3. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-маданий тадбир харажатларини молиялаштириш

Маҳаллий бюджет харажатларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни тегишли даромадлар билан таъминланиш масалалари долзарбдир. Айрим минтақа харажатлари билан минтақаларнинг ЯИМ ни яратишда ҳиссаларини қиёслайдиган бўлсак, унда солиштирма ҳиссасининг номувофиқлиги кўзга ташланади.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, айрим минтақаларда бюджет харажатларининг ҳиссаси ЯИМ даги ҳиссасидан қўпроқ. (Қорағалпоғистон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм). Андижон ва Навоий вилоятларида кўриб ўтилаётган даврнинг бошида ЯИМ даги ҳисса, давр охирида эса харажатларидаги ҳисса юқори бўлганлигини кўриш мумкин.

Тошкент шаҳри бўйича эса манзара аксинча-давр охирида ЯИМ даги ҳисса харажатларидаги ҳиссадан ортиб борди. Фақат Бухоро ва Тошкент вилоятларида ЯИМ даги ҳисса маҳаллий бюджетлар харажатларидаги ҳиссадан барқарор ортиқ бўлганлигини кўриш мумкин. Демак, эҳтиёжлардан шаклланган маҳаллий бюджет харажатлари амалда ЯИМ ни яратиш билан, унинг кейинги қайта тақсимоти натижалари билан бирон-бир боғликка эга эмас. Бизнинг фикримизча, ижтимоий-маданий тадбир харажатлари аниқ барқарор нормативлар бўйича амалга оширилиши, улар минтақанинг республика ЯИМ ни яратишдаги ҳиссасига боғлиқ бўлиши керак.

Барча ислоҳатларнинг мақсади бюджет сиёсатида давлат бюджети тақчиллигини белгиланган меъёридан ошиб кетишига йўл қўймаслик, бюджет харажатларини самарадорлигини ошириш, ижтимоий харажатларнинг аниқ

мақсадли ва манзилли бўлишини таъминлашдир. Бюджет ижросини белгиланган параметрлар доирасида ижро этиш, бюджетдан маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш ҳамда маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, бюджет интизомини таъминлаш бюджет тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бюджет жараёнлари, жумладан, бюджет ижроси уни бажарилишини қатъий таъминлашда бюджетдан биринчи даражали устивор ижтимоий харажатларни молиялаштириш, улардан мақсадли, самарали фойдаланишда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Бюджет маблағларини тақсимловчилари, тақдим қилинган маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобни амалга оширувчилар-бюджетдан маблағ олувчилардир ёки бюджет ташкилотларидир. Бюджет амалиётида маблағларини сарфлаш жараёни уч босқичга бўлинади. Тасдиқланган бюджет маблағларини олувчиларга етказиш босқичида Республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар эътиборига бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тасдиқланган миқдори етказилади. Бу босқичнинг асосий вазифаси - харажатларни амалга оширишдаги мажбуриятларини қабул қилишда бюджет ташкилотларига бюджет мажбуриятларини лимитини белгилаш ва етказишдир. Бюджет мажбуриятларининг лимити-бюджет ижросини амалга оширувчи, бюджет маблағларини тақсимловчи ва олувчи органлар учун аниқланган ва тасдиқланган бюджет мажбуриятларининг йиғиндисидир.

Бюджет ташкилотларининг молиялаштириш лимити - жорий молия йилида бериладиган пул маблағларининг чегарасидир. Бюджет ташкилотлари фақат юқори бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан чегараланган маблағларнинг сарфлашни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлишлари керак. Бошқача қилиб айтганда, бюджет ташкилотларини молиялаштириш режасининг ҳажми давлатнинг бюджетдан маблағ олувчига бюджет мажбуриятларини қабул қилиш ҳуқуқининг берилишидир.

Бюджет харажатларини кассали ижро этиш босқичда белгиланган тартибда ва чегараланган маблағлар доирасида, тасдиқланган харажатлар сметасига асосан қабул қилинган бюджет мажбуриятларини тўлови амалга оширилади. Давлат бюджетидан мажбуриятларнинг тўлови белгиланган тартибда расмийлаштирилган бюджет маблағи олувчиларининг тақдим қилган ва бюджет мажбуриятларни ижросини тасдиқловчи хужжатлар асосида харажатларни амалга оширилади. Давлат бюджети ижтимоий функцияларининг қисқариши тўғрисидаги хулоса ижтимоий ҳимоя харажатларининг динамикасидан келиб чиқади.

Ижтимоий соҳа харажатларининг 80% фоизи ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларининг 100% фоизи маҳаллий бюджетлардан амалга оширилади. Қуйидаги кўрсатиб ўтилган жадвалнинг таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, 1996-2003 йиллар давомида бюджет харажатларининг ЯИМ таркибидаги улуши 36.3% дан 25,0% гача камайди. Ижтимоий-маданий тадбир харажатларининг салмоғи эса 12.6% дан 9,7% га тушди.

Ривожланган давлатлар тажрибаси ялпи ички маҳсулотнинг давлат бюджети орқали тақсимланадиган қисми улушининг 25-35 фоиз атрофида бўлиши мазкур мамлакат иқтисодининг бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ривожланишининг асосий шарти эканлигини кўрсатади.

6-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳалар харажатларнинг ЯИМ таркибидаги салмоғи

(фоиз ҳисобида)

Кўрсаткич	1996й.	1997й.	1998й.	1999й.	2000й.	2001й.	2002й.	2003й.
ЯИМ	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Бюджет харажатлари,	36,3	32,1	34,4	30,7	29,0	26,7	25,8	25,0
Шундан:								
-ижтимоий-маданий харжатлари	12,6	11,5	12,3	11,7	10,4	10,1	9,8	9,7
Маориф	7.7	7.3	7,7	7,4	6,7	6,8	6,7	6,6
соғлиқни сақлаш	**3,6**	**3.1**	**3,1**	**2,8**	**2,6**	**2,6**	**2,5**	**2,5**
Фан. маданият. ахборот харажатлари	**0,9**	**0,7**	**0,9**	**0,7**	**0,6**	**0,6**	**0,5**	**0,5**
Ижтимоий таъминот	**0,5**	**0,4**	**0,4**	**0,8**	**0,4**	**0,1**	**0,1**	**0,1**

Манба. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳисобот маълумотлари

Бу ҳолатни тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Бир томондан, кенг қамровли ислоҳотлар давомида ижтимоий ҳимоянинг шакллари тубдан ўзгарди-умумий тизимдан аниқ манзилли тизимга ўтилди. Иккинчи томондан, ижтимоий ҳимоянинг аниқ манзилли характери унинг нисбий даражасини, айниқса, иқтисодий ўсиш йилларида қисқаришини назарда тутмайди. Манзиллилик маблағларни тежашни эмас, балки, худди шу миқдордаги маблағни ижтимоий нуқтаи назардан янада самарали фойдаланиш имконини бериши керак. Ижтимоий соҳа харажатларининг қискариб боришининг салбий оқибатлари бюджет тузилмаларининг ўзаро муносабатлари самарадорлигини ошириш билан қопланган ҳолда бориши лозим. Бу хулосалардан шу нарса аён бўладики, давлат бюджетини бошқариш масаласига ёндашувлар маҳаллий бюджетлар ўрнини қайта кўриб чиқиш нуқтаи назаридан бўлиши талаб этилади.

Маҳаллий бюджетларни асосий қисми иқтисодиёт ва ижтимоий-тадбирларни молиялаштириш йўналтирилади. Тасдиқланган бюджетда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўла молиялаштиришни амалга ошириш молия органларининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Бу вазифани бажариш учун молиялаштириш ёки маблағ билан таъминлаш ва бюджет харажатларининг тайинланиши бўйича амалга ошириш, бухалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш лозим бўлади.

«Тайинлаш сертификати» (5-сон шакл) бюджети ҳисобидан капитал қўйилмалар ва бошқа тадбирларни молиялаштириш учун бюджет ташкилотларининг ва ҳужалик юритувчи субъектларнинг бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварақларига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобварағидан маблағларни ўтказиб бериш учун молия органи бухгалтерияси томонидан топшириқнома тузиш учун, шунингдек, қуйи ва юқори бюджетга берилиши керак булагн маблағларни ўтказиб бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бюджет маблағлари бошқарувчиларининг бюджет бўйича талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобвараклари бўйича молия органларининг тармок

бўлими ёки бюджет бўлими ходими томонидан «Тайинлаш сертификати» тузилади. Мазкур хужжат бюджет даромадлари ва харажатлари рўйхати ва бюджет ижроси жараёнида унга киритилган ўзгаришлар ҳамда бюджет ташкилотларининг тармоғи, шатати ва контенгенти ҳолати бўйича тузилган давраий ҳисобот маълумотлари таҳлилини ва бошқа ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тузилади. Бюджет ташкилотларига ва хўжалик юритувчи субъектларга бюджет бўйича кўзда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун маблағлар ўтказиб берилаётганда «Тайинлаш сертификати»да банк муассасаларида нобюджет ташкилотлар учун ажратилган бюджет маблағлари бўйича ҳисобварақларнинг номлари ва рақамлари келтирилади.

Молиялаштиришда «Тайинлаш сертификати»ни ўз вақтида тақдим этилмаслиги натижасида тўлов топшириқларини тузишда хатоликларга йўл қўймаслик учун молия органи бош бухгалтерига молия органи бухгалтериясининг меъёрида ишлашини таъминлайдиган муддатларда «Тайинлаш сертификати» тақдим этилишини талаб қилиш хуқуқи берилади.

Давлат бюджетидан молиялаштириш (маблағ билан таъминлш) деганда бюджет маблагларини бошқарувчиларга тасдиқланган бюджетда кўзда тутилган харажатларни амалга ошириш учун бюджетдан маблағ бериш тушунилади. Давлат бюджетидан молиялаштириш икки хил усул билан амалга оширилади:

- ❖ бюджетдан маблағ олиш учун тайинлаш сертификатини тузиш йўли билан кредит очиш;
- ❖ бюджетдан маблағ олиш учун тайинлаш сертификатини тузмасдан тўлов топшириқномаларини тузиш йули билан маблағ ўтказиб бериш.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети бўйича бюджет маблағларини бош бошқарувчилари бўлиб вазирликлар, идоралар ва бошқа марказий ташкилотларнинг раҳбарлари ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар бўйича бюджет маблағларини бош бошқарувчилари бўлиб ҳокимиятларнинг бошқармаси бошлиқлари ҳисобланади.

Бюджет маблағларини иккинчи даражали бошкарувчилари бўлиб тасарруфида ташкилотлари бўлган ташкилотларнинг рахбарлари ҳисобланади. Бюджет маблағларини бош ва иккинчи даражали бошқарувчилари тасарруфидаги ташкилотларнинг раҳбарлари бюджет маблағларини учинчи даражали бошқарувчиларга бюджетдан олган бюджет маблағларини мустақил сарфлаш хуқуқи берилган. Маҳаллий бюджетлар бўйича бюджет маблағларини бошқарувчиларнинг икки даражага бўлиниши маҳаллий органларнинг икки бўғинга бўлиниши билан боғлиқдир.

Республика бюджетидан молиялаштириш келтирилган харажатларни маблағ билан таъминлаш сертификатини тузиш билан кредитлар очиш усулидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Кредитларни очиш деганда бюджет ҳисобварағидан бюджет маблағларини бошқарувчиларнинг ҳисобварақларига пул маблағларини ўтказиб бериш тушунилмайди. Кедитларни очиш деганда молия органларидан банк муассаларига бюджет маблағларини олувчиларга бюджет маблағларини бериш учун юборилган фармойиш ёки рухсатнома тушунилади.

Кредитлар одатда, бюджет маблағларини бош бошқарувчилар ихтиёрига очилади. Очилган кредитларнинг суммаларини банк муассасалари бюджет маблағларини бош бошқарувчиларнинг банк муассасаларидаги ҳисобварақларига ёзиб беради.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириш учун тегишли молия органлари томонидан бюджет маблағларини олувчиларнинг банк муассасаларидаги талаб қилиб олгунга кадар депозит ҳисобварақларига тўлов топшириқномалари бўйича бюджет маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларда турувчи бюджет маблағларини бош бошқарувчиларнинг банк муассасаларидаги талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобрақамларига бюджет маблағларини бош бошқарувчиларнинг тасаруффидаги бюджет ташкилот-ларига ўтказиб бериладиган ҳамда марказлаштирилган тадбирлар учун сарфланадиган маблағларни алоҳида қилиб молия органларини тўлов топшириқномалари билан ўтказиб берилади. Ўтказиб берилган бюджет маблағлар суммаларига Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигида ҳамда маҳаллий молия органларида тегишли бухгалтерия ёзуви (проводкаси) тузилади.

Республика бюджетида турувчи бюджет маблағларини бошқарувчилар уларга кредит очилиши билан бюджет маблағларини харажат қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларда турувчи бюджет маблағларини бош бошқарувчилар ўзларининг Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар бўйича талаб қилиб олгунча қадар депозит ҳисобварақларига маблағ тушган вақтда бюджет маблағларини харажат килиш ҳуқуқига эга бўлади. Бюджет ташкилотлари тасдиқланган сметаларга ва молиявий интизомга қатъий риоя қилинган ҳолда бюджет маблағларини харажат қилишлари керак.

Бюджетни касса органига келиб тушгунга қадар давлат солиқ ва молия органлари томонидан ҳисобланиши керак бўлган даромадлар Давлат бюджетининг ҳисобланган даромадлари дейилади. Давлат солиқ ва молия органлари томонидан ҳисобланган даромадларнинг тезкор ҳисоби олиб борилади. Давлат бюджетининг касса даромадлари бюджет ҳисобига ҳақиқатда келиб тушган даромадлардир. Касса даромадлари бюджетнинг даромад қисмининг бажарилиши даражасини белгилайди. Шунинг учун ҳам бюджет даромадларининг тушуми ҳақида фақат касса даромадлари бўйича баҳо берилади.

Касса органи бюджетда кўзда тутилган харажатлар чегарасида маблағ беради. Бюджет маблағлари нақд пул сифатида ҳамда пулсиз ҳисоб-китоблар йули билан берилиши мумкин. Бюджет кассасидан берилган суммалар Давлат бюджетининг касса харажатлари деб аталади. Бюджет маблағлари ҳисобидан ҳақиқатда қилинган харажатлар суммаси ҳамда ҳисобланган ёки ҳақиқатда қилинган, аммо ҳали тўланмаган харажатлар давлат бюджетининг хақиқий харажатлари дейилади.

Бюджетнинг ҳақиқий харажатлари молия органларида ҳисобга олинмайди. Ҳақиқий харажатлар ҳисоби фақат бу харажатларни пайдо бўлиш жойларидагина яъни бюджет ташклотларида ва хўжалик юритувчи субъектларида олиб борилади. Молия органлари касса харажатлари ҳақида маълумотларни банк муассасаларидан, хақиқий харажатлар хақида маълумотларни эса бюджет ташкилотларидан олади. Касса ва ҳақиқий харажатлар бюджет ижроси жараёнининг турли босқичларини тавсифлайди. Молия органлари бюджет ижросини касса даромадлари ва харажатларида қайд этади.

Бюджет ташкилотларининг харажатлари касса харажатлари ва ҳакиқий харажатларга бўлинади. Касса харажатлари-бюджет ташкилотининг талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳиссобварағидан банк муассасаси томонидан нақд пул ва

пулсиз ҳисоб-китоблар йўли билан тўланган харажатлардир. Бюджет ташкилотининг кассасидан тўланган суммалар касса харажатларига кирмайди, чунки бу суммалар бюджет ташкилотининг талаб қилиб олгунга қадар депозит ҳисобварағидан олинганида улар касса харажатларига қўшилган.

Ҳақиқий харажатлари-бюджет ташкилотининг сақлашга бюджет маблағлари ҳисобидан қилинган харажатлардир, яъни бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатларни ташкил қилувчи суммалар ҳамда ҳисобланган ёки амалга оширилган, лекин ҳали тўланмаган харажатлардир.

Давлат бюжети ижросида қатнашувчи барча органларда давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш асосида бюджет таснифи ётади. Бюджет таснифи давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини бир тизимга солиш учун фойдаланиш ва у бюджет маълумотлари халкаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёслашни таъминлаш мақсадида давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек, унинг такчиллигини молилаштириш манбаларини гуруҳлаш ҳисобланади.

6.4. Маҳаллий бюджет таркибидаги аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш харажатларининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон танлаган ислоҳот йўли-ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти бозор механизмини самарали ишлашини, аҳоли турмуш фаровонлигини юқори бўлишини ва кучли ижтимоий кафолатларни назарда тутади. Давлатнинг молиявий фаолияти миллий даромадни, ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш йўли билан шахсий эҳтиёжларнигина эмас, шу билан бирга ижтимоий эҳтиёжларни қондириш зарурлиги юзасидан объектив жараён ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида бюджетни ижтимоий йўналтирилган харажатларини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва кенг кўламли ижтимоий дастурларни маблағ билан таъминлаш ва унинг янги манбаалари билан оқилона уйғунлаштириб боришни тақозо этади.

Хукуматимиз томонидан ижтимоий жараёнларни давлат, хўжалик субъектлари ва аҳоли ўртасида мавжуд бўлган иқтисодий муносабатлар асосида мувофиқлаштириш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилди. Мустақиллик йилларида ижтимоий соҳа ўз фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва бажарадиган вазифалари, ташкилий тузилиши, бошқарилиши ва молиявий таъминланиш механизми бўйича тубдан ўзгарди. Республикамизда кейинги йиллар мобайнида ижтимоий соҳани ривожланишини рағбатлантирувчи муҳим қонуний хужжатлар қабул қилинди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида белгилаб қўйилганидек, «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади»[1]. Республикамизда янги вазифаларни аниқ белгилаган ҳолда, мазкур соҳанинг бошқариш ва молиялаштириш тизимлари ўзгартирилди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 14-модда. Тошкент, Ўзбекистон, 1992. -11б.

6-жадвал

Давлат бюджетидан 2004-2005 йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун ажратилган маблағлар

(млн.сўмда)

Кўрсаткичлар	2003 йил	2004 йил	2005 йил
Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш	174249,6	219473,3	278372,3
шу жумладан:			
Ижтимоий аҳамиятга эга хизматлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун	25867,1	21779,5	15979,9
шундан:			
Иссиклик энергияси ва иссиқ сув таъминоти тарифидаги фарқни қоплаш учун	24983,7	20789,3	15070,5
Деворбоп материаллар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг камайиб бораётган даромадларини қоплаш учун	118,9	221,1	212,8
Рават ва Қайнарсой худудий сув ўтказмаларини эксплуатация қилишдаги режали зарарларни қоплаш учун дотациялар	764,5	769,1	696,6
Нафақа ва моддий ёрдам	137814,2	163282,1	212864
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига дотация			28600
Иситиш мавсумига тайёргарлик		7659,2	3595,2
Бир марталик Давлат рағбатлантириш ва мукофотлари тўловлари бўйича харажатлар	528,1	639,4	712,5
ЧАЭСда зарар кўрган фуқароларга ижтимоий ҳимоя	517,1	531,6	601,3
Алоҳида тоифадаги аҳолини шаҳар пассажир транспортида имтиёзли юришини таъминлаш	913,8	935,3	909,3
Троллейбус хўжалигини аҳолинининг алоҳида тоифасини олиб юришдан даромади камайишини қоплаш	45,1	102,3	62,8
Ижтимоий мувофиқлаштириш марказлари	461,3	615,6	715,6
Уй-жойларни капитал таъмирлаш	5860,7	19428,4	5992
Оролни қутқариш халқаро жамғармаси	2242,2	4499,9	8339,7

Маъмурий буйруқбозлик ва марказлаштирилган тақсимот тизимидан бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эгадир. Мустақиллик йилларида ижтимоий соҳа ўз фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва бажарадиган вазифалари, ташкилий тузилиши, бошқарилиши ва молиявий таъминланиш механизми бўйича тубдан ўзгарди. Республикамизда кейинги йиллар мобайнида ижтимоий соҳани ривожланишини рағбатлантирувчи муҳим қонуний ҳужжатлар қабул қилинди.

«Жамиятни маънавий жиҳатдан янгиламай туриб, республика фуқароларининг янги авлодни вояга етказмай туриб, эркин, мустақил фикрловчи

шахсни тарбияламай туриб, фаровон, қудратли демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти сари илдамлаб бўлмайди»[1].

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосий ижтимоий вазифалари қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

⇒ инсонларнинг моддий ва маънавий фаровонлигига эришиш;

⇒ кишиларнинг меҳнат фаолияти жараёнида камолотга етишиш;

⇒ ижодкор инсон бўлишига эришиш;

⇒ кишиларнинг маданий-маиший ҳаёт шароитларини яхшилаш.

Бу вазифаларни ҳал қилишда ижтимоий соҳани ривожлантириш ва унинг инфратузилмасини такомиллаштириш асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий соҳа – инсонларнинг турмуш даражасини, аҳоли фаровонлигини, фуқароларнинг истеъмолини аниқловчи ҳамда бевосита бир-бирига боғлиқ корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар мажмуидир.

Ижтимоий соҳанинг ривожланишини баҳоловчи ва тартибга солувчи асосий мезонлари унинг асосий вазифаларини аниқлайди.

Жумладан:

- иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш;
- инсон потенциалини сақлаш ва ривожлантириш;
- жамиятда ижтимоий барқарорликни сақлаш ва таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасида барча соҳалар каби ижтимоий соҳаларда хам чукур ўзгартиришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир. Ижтимоий соҳа ҳар қандай иқтисодиётнинг жумладан, бозор иқтисодиётининг таркибий қисми бўлиб, у бевосита инсонлар ҳаёти ва меҳнати билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам унинг муаммолари ҳар қандай шароитда, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий анъаналари мустаҳкам оила, ижтимоий ўзаро ёрдам анъаналарига мувофиқ кексалар ва болалар эҳтиёжлари диққат-эътибор билан қаралади, ҳимоясиз қолганларга мурувват кўрсатилади. 2006 йил давлат бюджетининг энг муҳим хусусиятларидан бири-ижтимоий харажатлар юқори улушининг сақланиб қолинишидир. Давлат бюджети маблағларининг 40 фоиздан ортиғи 2005 йилда ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун йўналтирилди. Бу зарурият меҳнатга лаёқатсиз аҳоли улушининг юқорилигидан келиб чиқади, ваҳоланки, Республикамиздаги 24 миллион кишидан иборат аҳолининг 12 миллиони 17 ёшга етмаган болалардир.

Бугунги кунда аҳоли ёшининг таркиби республикамиздаги барча ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатмоқда, бу соҳадаги муаммоларни ўткирлаштирмоқда. Бу эса ижтимоий масалаларни, жумладан, ижтимоий ёрдам, пенсия таъминоти, маориф ва соғлиқни сақлаш жараёнларини ислоҳ этишнинг устивор йўналишлар эканлигини белгилаб бермоқда. Айни пайтда миллий иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ижтимоий-маданий ва аҳолини ижтимоий ҳомоялаш соҳаларни янада ривожлантиришнинг зарурлиги, бу соҳани молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тақозо этади.

Маъмурий буйруқбозлик ва марказлаштирилган тақсимот тизимидан бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий нуқтаи-назардан жуда

[1] Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». Ўзбекистон, Тошкент. 1999. -266б.

муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, аҳолининг кам таъминланган ва кам ҳимояланган қисми -қарияларга, ногиронларга, болаларга, аёлларга ижтимоий ёрдам бериш ва уларга яхши турмуш шароитини яратиш бир тизимдан иккинчи тизимга оғриқсиз ўтишга, фуқароларда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларга бўлган ишончни кучайтиришга имкон беради.

Юртбошимиз ижтимоий муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш, ишончли ижтимоий кафолатларни яратиш, меҳнатнинг манфаатли бўлишини кучайтириш ислоҳотларни ўтказиш учун мустаҳкам ижтимоий таянч бўлади, улар муқаррарлигининг гарови бўлиб хизмат қилади,- деб ижтимоий сиёсатнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини тушунтириб берган.

Бугун юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди ва у амалда ўзини оқламоқда. «Ижтимоий ҳимоя» йилида давлат бюджетидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ажратиладиган молиявий маблағлар миқдорини анчагина ошириш кўзда тутилган.

«Ижтимоий ҳимоя масаласи – бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. "Ижтимоий" деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор»[1].

Ижтимоий жиҳатдан ночор аҳоли категорияларини муҳофазалаш шакллари ҳақида гап борган ҳолларда «ижтимоий муҳофаза» атамаси давлатнинг ижтимоий сиёсатини таърифлаш учун кенг ишлатилади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясида ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш ва аҳолининг кам таъминланган гуруҳларини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш чора-тадбирлари кўрилади, бу иқтисодий ислоҳотлардан бири - давлатнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлайди. Давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишнинг муҳим элементи сифатида Давлат бюджетидан, жумладан маҳаллий бюджетдан фойдаланилади.

Ижтимоий соҳалар - алоҳида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарадиган халқ хўжалигининг шундай тармоғики, унинг фаолияти аҳолини ижтимоий эҳтиёжини қондиришга, турмуш шароитини шакллантириш мақсадига, фуқароларнинг турмуш шароитини таъминлашга йўналтирилган бўлади.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш ва молиялаштирилиши ижтимоий сиёсат, аҳолининг ўсиш суръати, аҳолининг ёш бўйича таркиби, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ва миллий даромад омилларга бевосита боғлиқ бўлади. Ижтимоий соҳа ижтимоий сиёсатнинг бандлик ва ишсизлик, аҳоли даромадларини таъминлаш, таълим ва малакага тайёргарлик, соғлиқни сақлаш масалаларини қамраб олади.

Ижтимоий хизматларни ривожлантириш - инсоний капиталга инвестицияларни йўналтириш ва шахснинг ишлаб чиқариш ва маънавий потенциалини кенгайтиришдан иборат. Ижтимоий хизматлар ижтимоий ёрдам сифатида солиқлар тушуми ҳисобига молиялаштирилади, лекин, ҳомийлик тадбирлари ҳисобланмайди. Чунки вақт ўтиши билан бепул ва имтиёзли

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш-устивор вазифа. //Халқ сўзи газетаси. 2006 йил 8 декабр.

хизматлардан фойдаланган фуқаролар томонидан бу харажатлар қопланади. Аслида, нафақалар моҳиятига кўра ўта муҳтож кишиларга кўмаклашиши назарда тутган ҳолда, болаликдан ногиронларга, қариялар ва меҳнатга қобилиятсиз кишиларга, пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган фуқароларга нафақалар худди пенсиялар сингари ойма-ой берилади.


Ўзбекистон Республикасининг аҳолини ижтимой ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсати аҳолининг меҳнатга қобилиятсиз табақаларини, объектив сабабларга кўра меҳнат фаолияти юрита олмайдиган фуқароларни, белгиланган миқдорда кам даромад оладиган фуқароларни қўллаб-қувватлашга оид тадбирларнинг яхлит, мажмуий тизимни кўзда тутади. Бу эса энг муҳим эҳтиёжларни қондиришда ижтимоий ёрдам йўналиши билан боғлиқ.

Ижтимоий ёрдам – кам таъминланган аҳоли қатламларига кўрсатиладиган хизматлар ва имтиёзлардир. Фуқароларнинг маълум бир табақаларига бериладиган имтиёзлар сифатида фуқароларнинг амал қилаётган қоида, талаб ва мажбуриятлардан қисман озод қилинишини тушунамиз. Фуқароларга бериладиган имтиёзларнинг сони ва ҳажми шу имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи берилган фуқаронинг ҳақиқий даромадларидан қатъий назар берилади. Бу имтиёзлар билан ҳар хил ташкилотлар шуғулланади ва бу имтиёзлар харажатларини молиялаштириш манбалари ҳам турличадир.

Давлат бюджетининг ижросини ташкил этиш, хамда бюджет харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш, бюджет маблағларининг қонуний сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш максадида “2003 йилда бюджетда кўзда тутилган харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш ҳамда бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни кучайтириш ҳақида” 1-сонли буйруқ чиқади. Ушбу буйруқда айтилишича, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан биринчи навбатдаги харажатларни молиялаштиришнинг қуйидаги кетма-кетлиги сақланиб қолган. 1,2,3-бюджет ташкилотлари томонидан белгиланган контенгентдаги болалар, ўқувчилар, беморлар ва қариялар учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар сотиб олишдан иборат. Бунда бола 2 ёшга тўлгунча қадар уни парваришлаш учун ишлайдиган ва ишламайдиган оналарга, бериладиган хар ойлик нафақа 2003 йилнинг 1 январидан минимал иш ҳақига нисбатан 200 фоиз миқдорида, 2002 йилдаги 170 фоиз ўрнига тўлансин дейилган.

7-чизма

Ижтимоий ҳимоя йўналишлари



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сон қарорига биноан, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб кам таъминланган оилаларга мансуб бошланғич синфларнинг ўқувчилари билан бир қаторда шунингдек, юқори синфларнинг кам таъминланган оилаларига мансуб ўқувчилари хам бепул қишки кийим-бош тўплами билан таъминланади.

Умумтаълим мактабларнинг кам таъминланган оилаларига мансуб ўқувчиларни кутубхона фондидан дарсликлар тўплами билан хар йили бепул таъминлаш жорий этилсин, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларнинг камида 75 фоизини, 2003 йилда 1 сентябрдан бошлаб эса кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларнинг 100 фоизини дарсликлар билан таъминлаш назарда тутилган.

Ота-онасиз, етим болаларни тўлиқ давлат таъминотидаги болаларни ижтимоий ҳимоялаш: улар барча турдаги умумтаълим мактабларини битириб чиққанда, ишга жойлашаётганда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақалар миқдорини 2002 йилда энг кам ойлик иш миқдорининг 80 бараваригача, 2003 йилда 100 бараварига, шунингдек, пул нафақасини 2002 йилда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 3 бараваригача ва 2003 йилда 5 бараваригача миқдорда ошириш белгиланган. Ўқув муассасаси яшаш жойидан узоқ масофада жойлашган ҳолларда бюджет маблағлари ҳисобига имтиёзли транспортда юриш карточкалари билан таъминланади.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида “Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларни ва ота-она қаровисиз қолган болаларни пул нафақалари ҳамда кийим-бош пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун нафақалар, шунингдек, транспортда юриш карточкалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида” тартибга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида белгиланган тартибда васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан аниқланиб, тегишли таълим муассасаларига жойлаштирилган ота-онаси вафот этган, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, ота-оналик ҳуқуқи чекланган, муомалага лаёқатсиз деб топилган,

касал бўлган, узоқ муддат бўлмаган, болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган, шу жумладан, тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муссасаларидаги боласини олишдан бош тортган ота-оналарнинг болалари, шунингдек, бошқа ҳолларда ота-она қаромоғидан маҳрум бўлган болалар тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар ҳисобланади.

Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида уларга барча турдаги умумтаълим мактабларини битириб чиққанда, ишга жойлашаётганда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақалар миқдорини 2002 йилда энг кам ойлик иш миқдорининг 80 бараваригача, 2003 йилда энг кам ойлик иш миқдорининг 100 бараварига, шунингдек, пул нафақасини 2002 йилда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 3 бараваригача ва 2003 йилдан энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 5 бараваригача миқдорда оширилган. Ушбу нафақалар таълим муассасаларининг битирувчисига бир марта, яъни таълим муассасини битириб, ишга жойлашаётганда берилади. Агар ушбу муассасаларнинг тарбияланувчиси 9-синфни битириб, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежига, 11-синфни битириб, олий ўқув юртига ўқишга кирса, унда битирувчи хар икки нафақани ушбу таълим муассасасида ўқишни тугатгандан сўнг, шу муассасалардан олади.

Битирувчига янги кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақа миқдорига тенг пул маблағи битирувчининг банк муассасасида очилган омонат ҳисоб-варағига ўтказилади, пул нафақаси нақд пул билан берилади, битирувчиларнинг шахсий омонат ҳисоб-варағига пул маблағини ўтказиш ва уларга нақд пул нафақасини бериш хар йили 1 сентябргача амалга оширилади.

Таълим муассасаларининг раҳбарлари битирувчининг банк муассасасида очилган омонат ҳисоб-варағидаги маблағидан янги кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун кўмаклашади. Истисно тариқасида, руҳий жиҳатдан ривожланишида нуқсони бўлган битирувчиларнинг талаби билан таълим муассасасининг раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассаса битирувчисига кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақаларни пул билан эмас, балки шу нафақа миқдорида муасссаса томонидан олиб бериладиган кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сифатида берилишини ташкил этишлари мумкин, бироқ бу ҳолда битирувчини нафақа шаклини танлашга мажбур этиш тақиқланади.

Пул нафақасини беришда ҳамда битирувчига кийим-бош, пойабзал ва анжомлар учун тўланадиган нафақаларни буюм сифатида беришда, муассаса рахбарининг буйруғи билан таркиби муассаса маъмурияти ва педогогик жамоа аъзолари, шу муассаса тарбияланувчилари, ўқувчилари ёки талабаларидан иборат бўлган комиссия тузилади ва пул нафақаси ҳамда буюмлар шу комиссия иштирокида берилади.

Тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болалар барча турдаги умумтаълим мактабларини битириб чиққанда, ишга жойлшаётганда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақалар ва пул нафақалари учун харажатлар миқдори улар тарбияланаётган таълим муассасаларнинг ёки ўқишни давом эттираётган академик лицей ва касб-хунар коллежларнинг харажатлар сметасида бюджет харажатлари иқтисодий

таснифи бўйича 03-4-90 модда “Уй хўжаликларига бошқа трансфертлар” моддаси бўйича кўзда тутилади.

Битирувчиларга бериладиган пул нафақаси, кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун тўланадиган нафақалар тўлашга ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши бўйича жавобгарлик битирувчига нафақаларни бераётган муассасса раҳбари, буни назорат қилиш эса таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари ва уларни молиялаштирувчи органлар зиммасига юклатилади. Комиссия томонидан пул нафақаси ва буюмларнинг берилган санаси, уларни олган битирувчининг фамилияси, исми, шарифи, тўлиқ кўрсатилган, шахсий имзоси қўйилган икки нусхада тарқатиш ведомости қайдномаси ва шахсий ҳисоб варақаси, битирувчига пул нафақаси берилгани ҳамда унга берилган кийим-бош, пойабзал ва анжомларни ҳисобдан чиқариш ҳақида далолатнома расмийлаштирилади. Бу хужжатларнинг бир нусхаси ҳисобот учун бухгалтерияга топширилади. Бухгалтерия мазкур хужжатлар ва битирувчиларга кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олинган бўлса, тегишли савдо ташкилотлари томонидан берилган ҳужжатлар юк-варақаси, чек ҳамда ишончнома асосида ҳисобот тузиб, уни амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган шаклда ва муддатларда тегишли таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларига топширади.

Муассаса раҳбарлари битирувчиларга кийим-бош, пойабзал ва анжомлар беришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махқамасининг 1995 йил 18 февралдаги “Таълим муассасалари ҳақидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 59-сонли қарори билан тасдиқланган “Меҳрибонлик уйи тўғрисида Низом”нинг 3-иловасидаги рўйхатдан (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1995 йил, 2-сон, 5-модда) фойдаланишлари мумкин.

Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларда тарбияланаётган, умумтаълим мактаблари, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежларида ўқиётган тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва ва ота-она қаровисиз қолган болалар ўқийдиган таълим муассасаси яшаш жойидан 3 километрдан зиёд масофада жойлашган бўлса, уларга жамоат транспорти ва ўқувчилар учун транспортда имтиёзли юриш карточкалари берилади. Таълим муассаларини маблағ билан таъминловчи молия идоралари тўлиқ давлат таъминотидаги етим болаларга ва ота-она қаровисиз қолган болаларга имтиёзли транспортда юриш карточкалари берилиши учун бюджет маблағлари ажратилишини таъминлайди ҳамда ушбу мақсадда ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши устидан қатъий назорат олиб боради. Транспортда юриш карточкаларини бериш учун таълим муассасалари раҳбарлари ўқув бошланишидан олдин ўқув муассасаси яшаш жойидан узоқ масофада жойлашган болаларнинг рўйхатини тузади, тасдиқлайдилар. Мазкур рўйхат болаларга бундай карточкаларани бериш асос бўлади, фақат ўқиш даври учун берилади. Агар боланинг яшаш жойи ёки таълим муассасанинг жойлашган жойи ўзгарса, аввал бу болага ушбу мақсад учун учун сарфланиши кўзда тутилган маблағ харажати ўқувчи муассасасидан кўчирилган кундан эътиборан тўхтатилади.

Транспортда юриш карточкалари хар ойнинг якунида, яъни шу ойнинг тугашига 2 кун қолганда тарбияланувчиларга берилдаи. Транспортда юриш карточкаларига ҳақ тўлаш таълим муассасалари томонидан ушбу карточкани муомалага чиқарган ташкилот ёки ўқувчилар қатнайдиган йўналишда транспорт воситалари қатновини йўлга қўйган автокорхона билан тузилган шартномага мувофиқ нақд пулсиз, шу ташкилот ёки корхона ҳисобига пул ўтказиш йўли билан

амалга оширилади. Транспортда юриш карточкаларини сотиб олишга ажратилган бюджет маблағлари улар тарбияланаётган таълим муассасалари харажатлар сметасида бюджет харажатлари иқтисодий таснифи бўйича 03-4-90 модда "Уй хужаликларига бошқа трансфертлар" моддаси бўйича акс эттирилади. Транспортда юриш карточкаларини сотиб олишга ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва уларни тўғри тақсимланиши юзасидан жавобгарлик таълим муассалар раҳбарлари зиммасига юкланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махқамасининг 33-сон қарорида болани ўз тарбиясига олган, тутинган ота-оналарга олинган хар бир бола учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида хар ойлик нафақа берилади. Тутинган ота-оналарга хар ойлик нафақа тўлаш хамда болаларни кийим-бош ва пойабзал билан бир йўла таъминлаш харажатлари Молия Вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шахри молия бошқармалари томонидан, махаллий хокимият органларининг тегишли қарорлари асосида, махаллий бюджетларнинг захира жамғармаларидан маблағ билан таъминланади дейилган.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида "Тарбиялаш учун оилаларга етим болаларни кийим-бош пойабзал ва анжомлар билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган, тутинган ота-оналарга хар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисида" Низомни тасдиқлаш ҳақида 2002 йил 18 ноябрда 1189-сон қарор қабул қилинди. Ушбу қарорнинг 10-бандида айтилишича, мазкур харажатлар учун сарфланиши кўзда тутилган маблағлар Қорқалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли қарорлари асосида Қорқалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларининг бюджети ҳисобига ўтказилади.

Юқорида қайд этилган қарорнинг 11-бандида айтилишича, тутинган ота-оналарга хар ойлик нафақа тўлаш хамда болаларни кийим-бош ва пойабзал билан бир йўла таъминлаш харажатлари Қорқалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан маҳаллий бюджетларнинг заҳира жамғармаларидан бюджет харажатлари иқтисодий таснифининг 216 "Резерв фондлар" бўлими, 75-боб "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги", 1-параграфи "Заҳира жамғармаси", бюджет харажатларининг иқтисодий иқтисодий таснифи бўйича 03-4-90 модда, яъни "Уй хўжаликларига бошқа трансфертлар" моддасидан маблағ билан таъминланади ва бухгалтерия ҳисобида ҳам шу модда бўйича акс эттирилади.

Етим болаларни оила тарбиясига олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махқамасининг 1999 йил 12 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 171-сон қарори билан тасдиқланган "Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисида Низом"га мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 йил, 4-сон, 18-модда) амалга оширилади.

Оилага тарбияга олинган болаларни кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш мақсадида туман, шаҳар, ҳалк таълими бўлимлари ушбу низомнинг 1-иловасида мувофиқ боланинг исми, шарифи, ёши, жинси, кийим-бош ва пойабзал ўлчамлари кўрсатилган буюртмани низомнинг 2-иловасида белгиланган норма ва рўйхатга мувофиқ Қорқалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига берадилар. Ушбу

буюртмаларга мувофиқ кийим-бош ва пойабзал учун харажатлар Қорқалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари билан келишилган ҳисоб-китоблар асосида белгиланади.

Оилага тарбияга олинган болаларни кийим-бош ва пойабзал учун маблағ болани Халқ таълими ёки Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тарбиялаш ва даволаш муассасалари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги муассасалардан олинишидан қатъий назар, харажатлар Қорқалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан Қорқалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли қарорлари асосида ажратилади, Қорқалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларининг бюджетига ўтказилади.

Қорқалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари оилага тарбияга олинган болаларни кийим-бош ва пойабзал сотиб олиш мақсадида савдо ташкилотлари томонидан тавсия этилган товарларнинг сифатини ва баҳосини ўрганиб чиқади, улар билан шартнома тузади, шартномаларнинг шакли ва муддати томонларнинг келишувига биноан белгиланади.

Кийим-бош ва пойабзал савдо ташкилотларидан пул ўтқазиш йўли билан сотиб олинади, болани оила тарбиясига олган ота-оналар кийим-бош ва пойабзал сотиб олиш учун савдо ташкилотларига пул ўтқазилгандан кейин, тегишлича берилган ишончномалар асосида ўзлари олади. Тарбияга олинган бола учун кийим-бош ва пойабзал бола оилага тарбияга олингандан кейин бир ой муддат ичида ушбу Низомнинг 2-иловасида белгиланган рўйхат бўйича бир йўла берилади.

Болани оила тарбиясига олган ота-оналарга кийим-бош ва пойабзал сотиб олиш учун ажратилган маблағлардан бошқа мақсадда фойдаланиш қатъиян ман қилинади. Давлатга қарашли болалар муассасаларида тарбияланаётган бола тарбиялаш учун оилага берилганда муассасанинг харажатлар сметаси шу вақтдан бошлаб, ушбу болага сарфланадиган харажатлар миқдорида қисқартирилади.

Қорқалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақаларни уларнинг банк муассасаларида очилган ҳисоб варақаларига ойнинг ўнинчи кўнигача ўтказадилар ёки нақд пул кўринишида берадилар. Болани оила тарбиясига олган ота-оналарга кийим-бош ва пойабзал сотиб олиш учун харажатлар ҳисоботи, шунингдек, хар ойлик нафақалар берилгани ҳақидаги ҳисоботлар Қорқалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари томонидан қонунчиликда белгиланган муддатларда маблағларни ажратган тегишли молия органларига топширилади. Болани кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш учун ажратилган маблағларнинг тўғри тақсимланиши ҳамда сарфланишини назорат қилиш ушбу харажатларни молиялаштирувчи Қорқалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлигининг қарори “Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа тўлашни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” (1160-сон) 2002 йил 26 июндаги 70-сон қарор қабул қилинди. Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги ПФ-1657-сонли “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада

кучайтириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрдаги 437-сонли “Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларда мўлжалланган Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ишлаб чиқилган ва 16 ёшгача бўлган мазкур нафақага муҳтож бўлган, туғилган, асраб олинган ва тарбиялаш учун олинган болалари бўлган оилаларга нафақа тўлашни амалга ошириш учун бюджет маблағларини ажратиш, шунингдек, ушбу маблағлардан мақсадли фойдаланиш тартибини белгилайди. Нафақаларни тўлаш фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг Халқ банки муассасаларида очилган “Болалар нафақалари” номли махсус счётга маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ўтқазиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Нафақа олувчининг фамилияси, исми, шарифи, паспортнинг тартиб рақами, ва турар жойи, шунингдек, тўланадиган сумма фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан уч нусха тузилган рўйхат асосида тўланади.

Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органининг раиси томонидан имзоланган ва муҳрланган, шунингдек, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органига бириктирилган ҳудуддаги меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича туман бўлими ходимининг имзоси билан тасдиқланган рўйхат нафақа тўланган ойнинг 1 санасидан бошлаб тегишли туман молия бўлимига тақдим қилинади, тақдим қилинган рўйхатлар туман молия бўлимининг жавобгар ходими томонидан ҳар бир варақка имзо ва тасдиқловчи тегишли муҳр қўйиш йўли билан текшириб чиқилади.

Туман молия бўлимлари тўлов тўланадиган ойнинг 1 санасидан бошлаб, лекин 25 санасидан кечикмаган ҳолда Халқ банки бўлимлари томонидан очилган “Болалар нафақалари” номли фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари махсус ҳисобрақамларига алоҳида тўлов топшириқномаларига асосан бюджетда кўзда тутилган кўрсаткичлар доирасида нафақа тўлаш учун маблағларни ўтқазади, бунда ведомост бўйича қисман молиялаштириш тақиқланади. Ведомостнинг бир нусхаси туман молия бўлимида қолади, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари счётига маблағлар ўтказилгандан сўнг, тасдикланган ведомостларнинг иккинчи ва учинчи нусхалари молия органи томонидан тегишли фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига берилади. Улар ўзларининг махсус ҳисоб рақамларига маблағлар келиб тушганидан сўнг ведомостларнинг иккинчи ва учинчи нусхаларини тўлов топшириқномаси билан бирга, нафақа тўлаш учун Халқ банкининг хизмат кўрсатувчи бўлинмаларига беради. Ойнинг охирги иш кунида ведомостлар ёпилади, тайинланган, лекин ўз вақтида олинмаган нафақалар, нафақа олувчининг номига очилган махсус депозит счётга ўтказилади ва у талаб қилинган заҳотиёқ тўланади, ёпилган ведомостнинг учинчи нусхаси фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига берилади, тўлов нафақа олувчи яшайдиган жойдаги Халқ банки муассасалари томонидан амалга оширилади. Ушбу нафақаларни тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш бюджет таснифининг 250 бўлими, 4 параграфи, 03 харажатлар тури, 4 объекти, 30 кичик объектида ва молия органларининг бухгалтерия ҳисоботида “Бюджет маблағлари бўйича бюджет маблағлари олувчиларнинг ҳисоб рақамлари” номли 014 субсчётнинг дебити

бўйича ва “Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисоб рақами” номли 011 субсчётнинг кредитида акс эттирилади.

Бюджет маблағларини вилоятга қарашли туманлар ўртасида тақсимлаш, Қорқалпоғистон Республикаси Молия Вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятларининг молия бошқармалари томонидан ва туман ҳокимиятлари томонидан тақдим қилинган маълумотлар асосида, хар бир туман ҳудудида яшовчи муҳтож оилалар сонига мутаносиб ҳолда ушбу оилаларнинг таркибини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Кўзда тутилган бюджет маблағларини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг махсус ҳисобрақамларига тақсимлаш туман молия бўлими, меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари томонидан қуйидаги шартларидан келиб чиққан ҳолда биргаликда бажарилади:

- бунда, нафақаларни тўлашни молиялаш учун тегишли туман бюджетида кўзда тутилган маблағларнинг миқдори;
- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари худудида яшовчи муҳтож оилалар сони, ушбу оилаларнинг таркиби-оиладаги болалар сони ҳисобга олинади.

Нафақа олувчилар томонидан йил давомида ўлим, турар жойининг ўзгариши ва моддий ёрдам олиш зарурияти йўқлиги туфайли ўз вақтида олинмаган маблағлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг счётларига қайтарилади. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг махсус ҳисоб рақамларга молиялаштирилган бюджет маблағлари тўлиқ ва ўз вақтида ўтқазиш, улардан мақсадли фойдаланиш юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бош бошқармаси, шунингдек, уларнинг жойлардаги маҳаллий органлари томонидан амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ҳар ойда вояга етмаган болаллари бўлган оилаларга нафақаларни белгилаш ва тўлаш тўғрисида ҳисобот тузилади, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10 санасигача туман ҳокимиятининг молия ҳамда меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимларига топширади.

Туманлар ҳокимиятининг молия ҳамда меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимларига ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15 санасигача ҳисоботларни мос равишда Қорқалпоғистон Республикаси Молия Вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятларининг молия бошқармаларига, шунингдек, томонидан ва туман ҳокимиятлари томонидан Қорқалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ва вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазақилиш Бош бошқармаларига тақдим қиладилар. Улар ўз навбатида ҳисоботларни ойнинг 20 санасигача Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 26 июндаги 71-сон қарори билан Низомни тасдиқланди. (1161-сон)

Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августдаги ПФ-938-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24августдаги 434-сонли “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларда мўлжалланган Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларини амалда ошириш мақсадида ишлаб чиқилган ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишни амалга ошириш ошириш учун бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни ажратиш ва улардан мақсадли фойдаланиш бўйича назорат олиб бориш тартибини белгилайди.

Маҳаллий бюджет, турли бюджетдан ташқари манбаларнинг (жамоа, хайрия фондлари, ташкилотлар маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий эхсонлари ва бошқалар) маблағлари ҳисобидан ҳар ойда кам таъминланагн оилаларга моддий ёрдам сифатида тўланадиган маблағлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг Халқ бўлинмаларида очилган махсус ҳисобрақамларга ўтқазилади. Моддий ёрдам ведомост асосида тўланади, бу ведомостда тўланадиган сумма, олувчининг фамилияси, исми, шарифи, паспортнинг тартиб рақами, ва турар жойи манзили, кўрсатилган ҳолда фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан уч нусхада тўлдирилади.

Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органининг раиси томонидан имзоланган ва муҳрланган, шунингдек, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органига бириктирилган ҳудуддаги меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича туман бўлими ходимининг имзоси билан тасдиқланган ведомост нафақа тўланган ойнинг 1 санасидан бошлаб тегишли туман молия бўлимига тақдим қилинади, тақдим қилинган ведомостлар туман молия бўлимининг жавобгар ходими томонидан ҳар бир варақка имзо ва тасдиқловчи тегишли муҳр қўйиш йўли билан текшириб чиқилади.

Туман молия бўлимлари тўлов тўланадиган ойнинг 1 санасидан бошлаб, лекин 15 санасидан кечикмаган ҳолда Халқ банки бўлимлари томонидан хар бир фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига очилган “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам” махсус счётларига алоҳида тўлов топшириқномаларига асосан бюджетда кўзда тутилган кўрсаткичлар доирасида моддий ёрдам тўлаш учун тегишли маблағларни ўтқазадилар, бунда ведомост бўйича қисман молиялаштириш тақиқланади. Ведомостнинг бир нусхаси туман молия бўлимида қолади, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари счётига маблағлар ўтказилгандан сўнг, тасдиқланган ведомостларнинг иккинчи ва учинчи нусхалари молия органи томонидан тегишли фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига берилади.

Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ўзларининг махсус ҳисоб рақамларига маблағлар келиб тушганидан сўнг ведомостларнинг иккинчи ва учинчи нусхаларини тўлов топшириқномаси билан бирга, моддий ёрдам тўлаш учун Халқ банкининг хизмат кўрсатувчи бўлинмаларига берадилар. Ойнинг охирги иш кунида ведомостлар ёпилади, тайинланган, лекин ўз вақтида олинмаган моддий ёрдам пули, моддий ёрдам олувчининг номига очилган махсус депозит счётга ўтказилади ва у талаб қилинган заҳотиёқ тўланади, ёпилган ведомостнинг учунчи нусхаси фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига берилади, тўлов моддий ёрдам олувчи яшайдиган жойдаги Халқ банки муассасалари томонидан амалга оширилади.Кам даромадли оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам бўйича харажатларни молиялаштириш бюджет таснифининг 250 бўлими, 6 параграфи, 03 харажатлар тури, 4 объекти, 40 кичик объектида ва молия органларининг

бухгалтерия ҳисоботида “Бюджет харажатлари” номли 020 субсчётнинг дебити бўйича ва “Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисоб рақами” номли 011 субсчётнинг кредитида акс эттирилади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг махсус ҳисоб рақамларга ажратиладиган бюджет маблағлари тўлиқ ва ўз вақтида ўтказиш, улардан мақсадли фойдаланиш, шунингдек, кам даромадли оилаларга ҳар ойда ажратиладиган моддий ёрдамнинг тўғрилиги юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бош бошқармаси, шунингдек, уларнинг жойлардаги маҳаллий органлари томонидан амалга оширилади. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан кам таъминланган оилага ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам тўлаш бўйича белгиланган тартиб бузилганда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан маҳаллий бюджетдан ушбу мақсадли олинган маблағлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг маблағлари ҳисобидан 250 бўлимга қайтарилади, айбдор шахслар эса белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. Йил давомида моддий ёрдам олувчи томонидан ўз вақтида олинмаган маблағлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳисоб рақамига қайтарилади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан кам таъминланган оилаларга ҳар ойда тўланадиган моддий ёрдам бўйича йил мобайнида ишлатилмаган маблағлар қайтарилмайди ва фуқароларнинг йиғини ёки комиссия қарорига биноан аҳоли яшайдиган пунктларни обондонлаштириш, газлаштириш ва сув билан таъминлашга йўналтирилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан хар ойда моддий ёрдамни белгилаш ва тўлаш тўғрисида ҳисобот тузилади, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10 санасигача туман ҳокимиятининг молия бўлимларига, ҳамда меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимларига тақдим қилинади. Туманлар ҳокимиятларини молия бўлимлари, меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича бўлимлар ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15 санасигача ҳисоботларни мос равишда Қорқалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича бош бошқармаларга тақдим қилади. Улар ўз навбатида ҳисоботларни ойнинг 20 санасигача мос равишда ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Республика “Маҳалла” жамғармасининг, Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг 2002 йил 8 февралдаги қарори билан “Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” Низомни тасдиқланди.

Болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича нафақа фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан, бола икки ёшга тўлгунча унинг парвариш билан банд бўлган шахсларга, шу жумладан:

- ишлаётган оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахсларга;
- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда тўлов-шартнома асосида олий, ўрта махсус ва ўрта касб-ҳунар таълим муассасаларида ўқиётган оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахсларга;

• юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳамда юридик шахс мақомига эга бўлмасдан фаолият юритувчи деҳқон хўжалигининг аъзоси бўлган оналарга тўланади.

Болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича нафақани тайинлаш учун асос шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла фуқароларининг йиғини ёки фуқаролар йиғини томонидан ушбу нафақани тайинлаш ва тўлаш масалаларини ҳал қилиш учун вакил қилинган комиссиянинг қарори ҳисобланади. Болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича нафақа парваришланаётган болалар сонидан ва нафақа олувчининг меҳнат стажидан қатъий назар хар ойда қуйидаги миқдорларда тўланади:

• 2002 йил 1 февралдан - Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 170 фоизи миқдорида;

• 2003 йил 1 январдан - Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 200 фоизи миқдорида.

Ушбу низомнинг болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича нафақани тайинлаш тартиби, муддатлари ва бошқа шартларига тааллуқли бўлган барча кейинги бандлари болани парваришлаш бўйича нафақа сўраб 2002 йил 1 февралдан кейин фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига мурожаат қилган шахсларга татбиқ қилинади. 2002 йил 1 февралгача тайинланган болани парваришлаш бўйича нафақалар, оиланинг ушбу нафақага муҳтожлигидан келиб чиққан ҳолда, фақатгина 2003 йилнинг бошлаб қайта кўриб чиқилади. Ушбу нафақа онага ёки унинг ўрнини босувчи шахсга, унинг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига мурожаат қилган ойидан бироқ бола туғилган ойнинг кейинги ойидан илгари бўлмаган муддатдан бошлаб тўланади, нафақа ўн икки ой муддатга, аммо боланинг икки ёшга тўладиган ойни қўшиб ҳисоблаганда, ушбу ойдан ўтмайдиган муддатга тўланади.

Агар икки ва ундан кўп туғилган, фарзандликка ёки васийликка олинган болалар парваришланаётган бўлса, унда болани парвариш қилиш бўйича нафақа битта миқдорда энг кичик бола икки ёшга тўлгунча қадар тўланади. Ушбу нафақа шаҳарча, қишлоқ, овул, махалла фуқаролар йиғини раиси номига ёзган аризаси асосида тайинланади, ариза мазкур шахс доимий рўйхатдан ўтган ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига берилади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

— бола туғилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси;

— меҳнат дафтарчасининг нусхаси аввал ишлаганлар учун;

— оила аъзоларининг, ариза берилгунга қадар ўтган ўн икки ой давомидаги даромадлари тўғрисида маълумотнома;

— боланинг ногиронлиги тўғрисида тиббий-маслахат комиссиясининг маълумотномаси;

— никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси ёки суднинг тегишли қарорларидан кўчирма;

— боланинг онаси ўрнига болани парвариш қилиш бўйича нафақани олувчи шахаслар қўшимча равишда онанинг йўқлигини тасдиқловчи хужжат – бола онаси ўлими тўғрисидадаги гувоҳнома, онанинг оналик ҳуқуқидан махрум этилганлиги ҳақида суд органлари берган маълумотнома ёки боланинг онаси болани парвариш қилиш бўйича нафақани олмаётганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни тақдим қилади.

Ишламаётган оналарга болани парвариш қилиш учун нафақа тайинлашда оиланинг ушбу нафақага муҳтожлигини аниқловчи мезон оиланинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам бўлган миқдорда тўғри келадиган умумий даромади ҳисобланади. Оиланинг мухтожлигини аниқлашда қўлланиладиган энг кам иш ҳақининг ўртача ойлик миқдори нафақа тайинлаш сўраб мурожат қилинган ойдан олдинги 12 ой давомида ҳисобланади. Бола парвариши бўйича нафақаларни тўлаш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан, давлат бюджети харажатларининг иққтисодий таснифида бўлим бўйича 250, прагаф 5, харажатлар тури 03, объект 4, кичик объект 25 да кўрсатиш билан амалга оширилади. Болани парвариши бўйича нафақаларни тўлаш учун ажратилган ва сарфланган маблағлар ҳисоби фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан юритилади. Болани парвариши бўйича нафақаларни тайинланган ва сарфланган маблағларни назорат қилиш меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва муҳофаза қилиш органлари, молия органлари ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Назорат-тафтиш Бош бошқармасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 18 февралдаги 35-сон қарори билан “Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” Низомни тасдиқланди. Бола икки ёшга тўлгунча қадар уни парвариш қилиш учун ҳар ойлик нафақа туғилган, фарзандликка ёки васийликка олинган бола икки ёшга тўлгунча уни парваришлаётган шахсларга, яъни онага, отага, фарзандликка олган шахсга, васийга ёки бошқа қариндошларга тайинланади ва тўланади.

Болани парваришлаш учун нафақа парваришланаётган болалар сонидан ва нафақа олувчининг меҳнат стажидан қатъий назар хар ойда қуйидаги миқдорларда тўланади:

- 2002 йил 1 февралдан - Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 170 фоизи миқдорида;
- 2003 йил 1 январдан - Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 200 фоизи миқдорида.

Оналарга бола парваришлаш учун нафақа тайинлаш учун мурожаат қилинган ойдан, бироқ ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган кунидан олдин бўлмаган муддатдан тайинланади. Агар икки ва ундан кўп туғилган, фарзандликка олинган болалар парваришлаётган бўлса, унда болани парвариш қилиш бўйича нафақа битта миқдорда энг кичик бола икки ёшга тўлгунча қадар тўланади. Агарда болани икки ёшга тўлгунча қадар парваришлаш таътили даврида она икинчи бола учун ҳомиладорлик ва туғиш таътилига ҳуқуқи бўлса, бунда онанинг ҳоҳишига кўра шу давр учун икки нафақадан биттаси тўланади. Ишлаётган оналарга болани парвариш қилиш бўйича нафақа иш жойидан тайинланади. Нафақа тайинлаш учун асос бўлиб корхона, ташкилот, маъмуриятнинг қарори ҳисобланади.

Ишлаётган оналар бир вақтнинг ўзида бола парваришлаш учун нафақа билан бирга тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлаган давридаги иш ҳақини, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида ҳамда олий ўқув юртидан кейинги таълим муассасаларида ўқиётганлар эса стипендияни олиш ҳуқуқига эга.

Болани парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш учун қуйидаги хужжатлар тақдим қилинади:

1. Болани парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш ҳақида ариза.
2. Бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Болани онаси ўрнини босадиган нафақа олувчилар қўшимча равишда онанинг йўқлигини тасдиқловчи хужжат-бола онаси ўлими тўғрисидаги гувоҳнома, онанинг оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги ҳақида суд органлари берган маълумотнома ёки боланинг онаси болани парвариш қилиш бўйича нафақани олиш имконияти йўқлигини тасдиқловчи бошқа хужжатларни тақдим этади.

Болани парвариш қилиш учун нафақа тўлови жорий ой учун амалга оширилади. Болани парвариш қилиш учун нафақа тўлови қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- ❖ парвариш қилинаётган бола икки ёшга тўлганда;
- ❖ бола ихтисослаштирилган муассасага тўлиқ давлат таъминотига жойлаштирилганда;
- ❖ бола вафот этганда;
- ❖ оила, бола билан биргаликда доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетганда.

Болани парвариш қилиш учун нафақа тўлови бекор қилинишига олиб келувчи ҳолатлар ҳақида нафақа олувчи шахс, нафақа тўловини амалга ошираётган органни хабардор қилиши керак. Нафақа олувчи шахс вафот этганда ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлганда ёхуд бола васийликдан олиб қўйилган ҳолларда нафақа амалда болани парваришлаётган шахсга ушбу нафақа тўланган сўнгги ойнинг кейинги ойидан бошлаб тайинланади. Болани парвариш қилиш учун нафақа била туриб нотўғри ёки қалбаки хужжатлар бўйича олинганлиги аниқланса, бундай ҳужжатларни тақдим қилган шахслар жавобгарликка тортилади, ортиқча тўланган суммалар белгиланган тартибда ундириб олинади. Болани парвариш қилиш учун нафақа тўлови бекор қилинишига олиб келувчи ҳолатлар ҳақида ўз вақтида хабар берилмаганда, тўловни амалга ошираётган органнинг қарори бўйича ортиқча тўланган суммалар белгиланган тартибда нафақа олган шахсдан ундирилади.

6.5. Махаллий бюджет маблағларининг самарадорлигини ошириш

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, бозор механизмининг такомиллашиши, ислоҳотларнинг тобора чуқурлашиб бориши ҳар бир иқтисодий жараённи чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Республика ва маҳаллий бюджетларнинг бажарилиши устидан молиявий назорат самарадорлигини ошириш муаммолари белгиланган параметрлар доирасида харажатларни амалга ошириш, бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни шакллантириш, бюджет маблағлари билан амалга ошириладиган операцияларнинг ҳисобини юритишда катта аҳамият касб этади.

Давлат бюджети харажатлари, давлат харажатларини ташкил этишга оид тамойиллар, маблағларни мақсадли тақсимлаш, тежамкорлик режимига қатъий амал қилиш, давлат молия-бюджет интизомига амал қилинишига эришиш мақсадида самарали молиявий назорат тизимига эга бўлиш лозим. Жумладан, бюджет жараёнини мавжуд қонунчилик асосида, бюджет ижросини белгиланган параметрлар доирасида ижро этиш, бюджетдан маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш ҳамда маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, бюджет интизомини таъминлаш бюджет тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ушбу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бюджет жараёнларида маблағларни мақсадли тақсимлаш, маблағлардан энг юқори самарага олинишига эришиладиган ҳолда фойдаланиш ва тежамкорлик ҳамда молия-бюджет интизомини таъминлаш ва уни назорати орқали эришиш мумкин бўлади.

Ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш давлатнинг бюджет сиёсатига хам чамбарчас боғлиқ шароитда энг муҳим вазифа килиб бюджетларнинг қатъий бажарилиши устидан доимий назоратни, молия қонунчилигига риоя этилиши ва бюджет интизомини таъминлаш, бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш, мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш, ижтимоий харажатларнинг аниқ мақсадли ва эгали бўлишига эришишдан иборат.

Шунингдек, марказлашган бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланишини назорат қилиш, шунингдек, ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш дастур асосида аниқ рўйхатли бўлишини, бюджетдан маблағ оладиган бюджет муассасаларини молиялаштириш механизмини соддалаштириш, бу билан бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳисобини юритиш назоратини таъминланишини таҳлил қилишни тақозо этади. Бюджет маблағлари мамлакатнинг макроиқтисодий барқарорликка эришиш йўлида ҳукумат томонидан яқин ва узоқ даврларга мўлжалланган давлат дастурларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда молиявий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида ижтимоий харажатларнинг аниқ мақсадли ва манзилли бўлишига эришишга зарурият туғилади. Бу эса Давлат бюджетининг мавжуд маблағларини мақсадли тўғри тақсимланишини доимий назоратини амалга оширишни талаб этади. Бозор муносабатлари шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларни таъминлашдаги жараёнлар, жумладан, бюджет жараёни, бюджет ижросини қатъий таъминлашда бюджетдан биринчи даражали устивор ижтимоий харажатларни молиялаштириш ва ундан мақсадли, самарали фойдаланишда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш бюджет сиёсатини тўғри юритиш, бюджет маблағларидан самарали, оқилона фойдаланишни талаб этади. Бюджет дастурларининг аниқ ва ўз вақтида бажарилиши айни пайтда давлат дастурларининг ҳам пировард натижада ижобий бажарилишини таъминлайди. Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга эса самарали назорат тизимини шакллантирмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш давлатнинг бюджет сиёсатига хам чамбарчас боғлиқ шароитда энг муҳим вазифа қилиб бюджетларнинг қатъий бажарилиши устидан доимий назоратни, молия қонунчилигига риоя этилиши ва бюджет интизомини таъминлаш, бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш, мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш, ижтимоий харажатларнинг аниқ мақсадли ва манзилли бўлишига эришишдан иборат. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни назоратини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ва бозор муносабатлари ривожланган тақдирда ҳам молиявий назоратнинг салоҳияти пасаймасдан, балки ошиб боради.

Бу шароитда молиянинг ўзи каби молиявий назоратнинг ҳам мақсад ва вазифалари, шакллари тубдан ўзгаради. Энди у фақатгина жазоловчи орган сифатида эмас, балки давлатнинг ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маблағларни тўлиқ тўпланиши, бюджет маблағларидан мақсадга мувофиқ самарали харажат қилишни назорат қилиш, маслаҳат ва кўрсатмалар бериш каби вазифаларни бажармоқда.

Жаҳон тажрибалари шуни кўрсатади, қонунийлик, объективлик, эркинлик ва мустақиллик молиявий назоратнинг тамойиллари ҳисобланади. Молиявий назорат институти давлатнинг назорат органларининг умумий тузилишини ўзида мужассамлаштиради ва молиявий механизмнинг асосий элементи сифатида намоён бўлади.

Молиявий назоратнинг муҳим шаклларидан бири-давлат бюджетининг молия назорати ҳисобланади. Бюджет назорати орқали давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари мунтазам равишда тасдиқланган бюджетнинг даромад ва харажатлар режаларини тўлиқ ва сифатли бажарилишини назоратга олиш, уларнинг бажарилишига таъсир қилувчи турли салбий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун зудлик билан зарур чора-тадбирлар белгилаш имкониятига эга бўлади.

Бюджетни иқтисодиётнинг турли тармоқлари билан кўпқиррали алоқаларини бюджет кўрсаткичларининг аниқ адресли характери ифодалайди ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида тўғри ишлатилишини назорат қилишга асос яратади. Бюджетни даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари тизими орқали назорат қилинади. Молия, бюджет, солиқ интизомига етарли даражада риоя қилинмаётганлиги ва бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатилишида кўпсонли ҳолатларнинг мавжудлиги барча мамлакатларда давлат назоратини кучайтиришни зарурлигини кўрсатмоқда. Иқтисодиёти ривожланган ҳеч бир мамлакат йўққи, молия соҳасида давлатнинг назорат органлари мавжуд бўлмасин.

Марказлашган бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланишини назорат қилиш, шунингдек, ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш дастур асосида аниқ рўйхатли бўлишини, бюджетдан маблағ оладиган бюджет муассасаларини молиялаштириш механизмини соддалаштириш, бу билан бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳисобини юритиш назоратини таъминланишини таҳлил қилишни тақозо этади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, бозор механизмининг такомиллашиши, ислоҳотларнинг тобора чуқурлашиб бориши ҳар бир иқтисодий жараённи чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Республика ва маҳаллий бюджетларнинг бажарилиши устидан молиявий назорат самарадорлигини ошириш муаммолари белгиланган параметрлар доирасида харажатларни амалга ошириш, бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни шакллантириш, бюджет маблағлари билан амалга ошириладиган операцияларни ҳисоби юритишда катта аҳамият касб этади.

Маълумки, бюджет жараёнининг асосий босқичларидан бири давлатнинг молиявий назорати ҳисобланади. Давлат бюджети маблағлари ҳисобига олинган давлат мол-мулкини тўлиқ сақланишини таъминлашда ҳам назорат муҳим аҳамият касб этади. Бюджет ижросининг назорати асосан давлатнинг махсус ваколатли идоралари томонидан олиб борилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги назорат-тафтиш Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан барча даражадаги бюджетларни сифатли бажарилишини бюджет жараёнининг барча босқичларида назорат қилиш, бюджет олдидаги

мажбуриятларни тўлиқ ва ўз вақтида бажариш, бюджет интизомига риоя этиш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш юзасидан назорат-тафтиш ишларини бажаради.

Дастлабки назорат-тахминлаш, режалаштириш ва лойиҳалаштириш босқичида, хўжалик ёки молиявий операциялар амалга оширилишидан аввал ўтказилиб, оқилона бошқарув ечимлари қабул қилинишига хизмат қилади. Унинг мақсади ноқонуний операциялар, самарасиз харажатларнинг олдини олишдир. Навбатдаги назорат-хўжалик ва молиявий операциялар амалга оширилганидан кейин ўтказилиб, текширилаётган хужжатларни ва муассасанинг бутун молиявий ҳолатини чуқур ўрганиши билан фарқ қилади. Унинг мақсади тугалланган операцияларни қонунийлиги, мақсадга мувофиқлигини, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилганлигини аниқлашдир.

Президентимиз И. А. Каримов давлат бюджети интизомига риоя қилиш иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг асосий омилларидан бири эканлигини ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида» асарида таъкидлаб ўтдилар.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, бюджетнинг асосий вазифалари миллий даромадни тақсимлаш, иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш, ижтимоий соҳаларни молиявий таъминлаш ва давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш ва марказлаштирилган пул жамғармаларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланишнинг молиявий назоратини амалга оширишдан иборат. Чунки, бюджетда кўзда тутилган тадбирлар ва дастурларни аниқ ва ўз вақтида молиялаштирилиши айни пайтда давлат дастурларининг ҳам пировард натижада тўлиқ бажарилишини таъминлайди.

Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишга эса самарали назорат тизимини шакллантирмасдан туриб эришиб бўлмайди. Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш назоратини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш асосларини, Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини, Давлат бюджетининг даромадларини шакллантириш ва унинг харажатларини амалга ошириш принципларини, Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, Давлат бюджети маблағлари билан операцияларни амалга ошириш жараёнида ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

Маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий, бюджет ва солиқ ҳуқуқлари “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги Қонунига асосан маҳаллий бюджетларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, унинг ижроси ҳокимлар раҳбарлигида амалга оширилади. Бюджет лойиҳаси ҳоким томонидан даромадлар манбаи ва ҳаражатлар йўналиши кўрсатилган ҳолда кенгашга тақдим этилади. Қонунда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва сарф ҳаражатлари белгилаб берилган.

Маҳаллий бюджетларда бюджет маблағларини самарали ишлатишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мумкин:

- бюджет ташкилотларида коммунал хизматлар бўйича лимитлар назоратини таъминлаш;
- маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган ташкилот ва муассасаларда меҳнатга ҳақ тўлашни таҳлил қилиш;
- маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва улардаги хизматчиларини сонини қисқартириш бўйича инвентаризация ўтқазиш.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 14 март 2002 йил 1111-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 29 декабр 2002 йил 130-сонли буйруғи билан «Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш Қоидалари» ҳам бюджет қонунчилигида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 11 февралдаги “Бюджет интизомига риоя қилиш устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 66-сон қарорда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар хокимлари, молия органлари ва бюджет муассасалари раҳбарларига бюджет интизомига қатъий амал қилинишини таъминлаш вазифасини юклаб, бюджет маблағларидан ноқонуний, бошқа мақсадларга сарфланиш ҳолатлари юз берса, улар шахсан жавобгар эканликлари ҳақида огоҳлантирилган. Мазкур қарорга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сон қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги назорат-тафтиш Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифаси этиб молия органлари, бюджет муассасалари ва тижорат банкларини биринчи навбатдаги сарф-харажатларни маблағ билан таъминлаш ҳамда бюджет муассасалари ходимларига иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендияларни тўлаш муддатларига ва тўлиқлигига риоя қилиш, шунингдек, бюджет муассасаларига кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун нақд пул бериш бўйича фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414 сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан, бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини, шунингдек, амалдаги смета ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгартиришлар улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ёки ҳудудий молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади. Харажатларнинг I ва II гуруҳларига киритилган бюджет ташкилотлари биринчи навбатда маблағ билан таъминланади. Бунда II харажатларнинг гуруҳига тегишли маблағ ўтказмасдан I гуруҳ харажатларини амалга ошириш тақиқланади. Капитал қўйилмаларга ажратмалар жорий бюджет йили учун тасдиқланган республика инвестиция дастурига мувофиқ курилишларнинг аниқ рўйхатларига ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ажратилади.

Харажатларнинг I ва II гуруҳларини республика ва маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш сметаларга ва бюджет харажатлари рўйхатларига, уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган холда, шунингдек, олдинги ҳисобот даври учун белгиланган баҳолаш кўрсаткичларининг бажарилишига мувофиқ ҳар ойда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларини:

- республика бюджетидан маблағ билан таъминлаш - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида белгиланган шаклдаги, бюджет таснифномаси параграфлари ва харажатлар гуруҳларини кўрсатган ҳолда, харажат жадваллари ва харажатларнинг хар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади;
- маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш - тегишли молия ташкилотларида белгиланган шаклдаги фармойиш билан ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов когози билан расмийлаштирилади.

Бюджет ташкилотларининг харажатларини маблағ билан таъминлашда янги бюджет йилида маблағ ажратиш режаси дебиторлик қарзлар кредиторлик қарзлардан ортиқ суммага ва бюджет ташкилотларининг ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидаги ҳолатига кўра товар-моддий бойликларнинг нормативдан ортиқ қолдиги суммасига камайтирилади.

Бюджет маблағлари бюджет ташкилотлари томонидан мустақил равишда, бюджет ижроси жараёнида белгиланган тартибда уларга киритилган, ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида сарфланади. Бунда харажатларнинг I ва II гуруҳлари биринчи навбатда маблағ билан таъминланади. Харажатларнинг III гуруҳи бюджет ташкилотлари томонидан Республика инвестиция дастурида жорий молия йили учун белгиланган лимитлар доирасида маблағ билан таъминланади. "Бошқа харажатлар" IV гуруҳи бўйича маблағлар белгиланган лимитлар доирасида қуйидаги навбатга риоя қилган ҳолда сарфланади:

- озиқ-овқат;
- дори-дармонлар;
- коммунал хизматлар;
- бошқа харажатлар.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёки унинг ҳудудий молия органлари билан келишган холда мавсумий ёки шошилинч тадбирлар (биринчи синф ўқувчилари учун мактаб анжомлари, кам таъминланган оилалар болалари учун қишки кийимлар харид қилиш, эпидемияга қарши, юқумли касалликларга қарши тадбирлар ва бошқа тадбирлар)ни маблағ билан таъминлаш учун маблағларни IV гуруҳ маблағлари ҳисобига тезкорлик билан харажат қилишлари мумкин.

Бюджет маблағларидан фойдаланилишини назорат қилиш бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг белгиланган нормативлари ва лимитлари, давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномаси, тегишли бюджетларнинг тасдиқланган параметрлари, тасдиқланган штат жадваллари ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бюджет ташкилотлари харажатлари сметаси, мазкур Тартибнинг қоидалари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Бюджет ташкилотлари томонидан маблағларнинг сарфланишини, шу жумладан, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси, унинг ҳудудий органлари ва жойлардаги молия органлари томонидан қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларга мувофиқ амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг сметалари ва штат жадвалларини тузиш ҳамда тасдиқланган сметалар ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказиш тартибига риоя

этилиши, уларнинг тасдиқланган таснифномага, харажатлар нормативлари ва лимитларига мувофиқлиги учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ:

бюджет ташкилотларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари - бюджет ташкилотларининг ишлаб чиқилган ва рўйхатдан ўтказиш учун киритиладиган тасдиқланган сметалари ва штат жадваллари тўғрилиги ва асосланганлиги учун;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимининг ваколатли ходимлари, шу жумладан Молия вазирлиги раҳбарлари ва марказий аппарати ходимлари - бюджет ташкилотларининг рўйхатдан ўтказилган штат жадваллари ва йиғма сметалари тўғрилиги ва асосланганлиги учун шахсан жавоб берадилар.

Бюджет маблағлари ҳисобига, хам мазкур Тартибда назарда тутилган бошқа манбалар ҳисобига маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг раҳбарлари амалдаги меҳнат, маъмурий, жиноят қонунчилигига мувофиқ бюджет интизоми бузилиши учун, шу жумладан:

- бюджет маблағларидан ва бошқа пул маблағларидан ноўрин фойдаланилиши;
- муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар пайдо бўлиши;
- харажатлар гуруҳлари бўйича тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар лимитлари ошириб юборилиши;
- штат-смета интизоми бузилиши;
- харажатлар сметаси ижроси тўғрисидаги ҳисобот ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун шахсан жавоб беради.

Республика ва маҳаллий бюджет ижросининг назорати жараёнида ҳозирги кунда қуйидаги муаммолар кўзга ташланмоқда:

- бюджет ижроси жараёнида маҳаллий ҳокимият вакилларининг асоссиз аралашуви;
- бюджет ижроси устидан назорат қилувчи ваколатли органларнинг бир-бирлари билан ахборот алмашмаслиги ва ўтказилаётган текширишлар кетма-кет бўлиб бир-бирини такрорлаётганлиги;
- республика ва маҳаллий бюджетлар ижросида бюджет «тиниқлик»нинг етарли эмаслиги;
- бюджет муассасалари томонидан харид қилинаётган товар моддий бойликлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг жорий вақтдаги бозор нархларидан бир неча баравар қиммат нархларда харид қилинаётганлигидир.

Бозор муносабатлари шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларни таъминлашдаги жараёнлар, жумладан, бюджет ижросини қатъий таъминлашда бюджетдан биринчи даражали устивор ижтимоий харажатларни молиялаштириш ва улардан мақсадли, самарали фойдаланишда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мукинки, Давлат бюджетини белгиланган параметрлар доирасида муваффақиятли ижро этилиши ҳамда бюджет интизомига қатъий амал қилишни таъминлашда молиявий назорат ишларини янада такомиллаштириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414- сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг IV-бўлим 24-бандида келтирилган «бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва

давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга ижарага бериш» сўзлари ўрнига «бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини юридик ва жисмоний шахсларга ижарага бериш» деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки ҳозирда якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар хам кўпчиликни ташкил қилмоқда.

Мазкур қарорнинг 29-бандидаги «тушган барча маблағларнинг камида 75 фоизи товарлар (ишлар хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларнинг ўрнини тўлдиришга ва моддий-техника базани мустахкамлашга; тушган барча маблағларнинг кўпи билан 25 фоизи бюджет ташкилотлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади» жумлалари ўрнига «тушган барча маблағларнинг камида 50 фоизи моддий-техника базани мустахкамлашга; тушган барча маблағларнинг кўпи билан 50 фоизи бюджет ташкилотлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади» деб ўзгартириш киритиш мумкин.

Таянч сўз ва иборалар

Бюджетнинг ҳақиқий харажатлари, маҳаллий эҳтиёжлар, тайинлаш сертификати, минамал харажат, максимал натижа, шартнома, бюджет мажбуриятларининг лимити, шахсий ҳисобракам, ғазначилик тизими.

Назорат учун саволлар:

1. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-маданий соҳа харажатларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Ғазначилик тизимида маҳаллий бюджет харажатларининг молиявий назоратини тушунтиринг.
3. Давлат бюджети таркибидаги маҳаллий бюджет харажатларининг ўрни ва ва салмоғини кўрсатинг.
4. Қорақалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари таркибий тузилишини кўрсатинг.
5. Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ижтимоий ҳимоя тизимини тушунтиринг.

Тестлар

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифи?

а) ягона;
в) вилоятларнинг хусусиятига кўра;
с) маҳаллий бюджетлар учун алоҳида.

2. Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағи олувчилар томонидан буюртмаларини умумий йиллик миқдорда .. тузилади:

а) чоракларга бўлинмаган холда;
в) чоракларга бўлинган холда;
с) ойларга бўлинган холда.

3. Давлат бюджетининг иқтисодий таснифида қуйидаги харажатлар гуруҳланади:

а) иш ҳақи ва унга тенглаштириладиган тўловлар (болали оилаларга нафақа ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендия ва бошқалар);
в) капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурининг адресли рўйхатига мувофиқ);
с) А ва В.

4. Бюджет ташкилотлари томонидан ижарага берилган бино, иншоатлар ва кўчар ҳамда кўчмас мулклар учун тушган тушумдан ташкилотнинг ривожлантириш жамғармасига қанча ўтказилади?

а) 50%;

в) 60%;
с) 5%.

5. Давлат бюджетининг иқтисодий таснифининг биринчи гуруҳига қайси харажат турлари киритилмайди:

а) иш ҳақи;
в) ишсизлик нафақаси;
с) стипендия.

6. 2007 йилга тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ҳар бир тиббиёт муассасаси учун ажратиладигна бюджет харажатлари умумий ҳажмининг .. миқдорида тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига маблағлар режалаштирилади:

а) 15%;
в) 10%;
с) 5%;

7-Боб. Бюджетлараро муносабатларни ҳозирги ҳолати ва уларни такомиллаштириш

7.1.Бюджетлараро муносабатларнинг иқтисодий асослари ва тамойиллари

Бюджетлараро муносабатлар бюджет ресурсларини давлат хокимиятлари ўртасида тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва марказлаштириш функцияларини бажаради.

Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатлар воситаларига республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар, солиқларнинг бюджетлар ўртасидаги тақсимлаш тизими, молиявий трансфертлар тизими, ўзаро ҳисоб-китоблар тизими, республика дастурлари, дотация ва субвенциялар киради. Бюджетлараро муносабатларни шакллантиришнинг марказий муаммоларидан бири-бюджетларни балансланштиришдан иборат.

Ҳозирги вақтда бюджет ва бюджет фаолиятининг ушбу хусусиятлари «Бюджетлараро муносабатлар» категорияси билан аниқланадиган йўналишда ўзгармоқда. Ушбу категория билан ифодаланадиган муносабатларнинг шаклланиши 1992 йилдан ривожлана бошланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ажратилди, солиқ тизими шаклланди, бюджет тузилиши ва бюджет жараёни асослари аниқлаштирилди.

Айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бюджет сиёсатининг ҳозирги даврдаги асосий вазифаси бюджет тизимини эркинлаштиришдан иборат бўлиб қолди. Бундай эркинлаштириш ҳудудий молия органларини ислоҳ қилишни чукурлаштириш, бюджет жараёнини такомиллаштириш, маҳаллий бюджетлар ролини ошириш, бюджет интизоми ва солиқ интизомини мустаҳкамлаш, бюджет параметрлари муҳокамалари ва қабул қилишнинг очиқлигини таъминлашни назарда тутади.

Маҳаллий бюджет даромадлар манбалари белгиланиши ва улар маҳаллий бюджетларга тушиши қонун асосида мустаҳкамлаб қўйилиши, маҳалий хокимият органларининг мустақиллиги ва бюджетларни шакллантиришдан манфатдорлигини оширади. Бунда маҳаллий бюджетларга маблағлар келиб тушишининг регулятив манбалари белгиланган бўлиб, уларнинг жумласига белгиланган меъёрлар бўйича давлат солиқларидан ажратиладиган маблағ ажратмалари киради.

Барча даражалардаги бюджетлар харажатларнинг йўналишлари аниқ белгилаб қўйилганлиги, шунингдек, қўшимча даромадларни тақсимлашда мустақилликка эга эканликлари жойлардаги ҳокимият органларининг бюджет маблағларини минтақавий ривожланиши дастурларига мувофиқ самарали сарфлаб бориш имкониятини беради.

Бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунининг зарурий элементи бўлди. Қонун қабул қилингунга қадар давлат бюджети маблағларини турли даражалардаги бюджетлар ўртасида қайта тақсимлаш аниқ усулни кўрсатмаган ҳолда амалга оширилиб келинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунида турли даражалардаги бюджетлар ўртасидаги маблағларни қайта тақсимлаш мумкинлиги қайта тақсимлаш усуллари ҳамда қайта тақсимлашни амалга ошириш зарурлиги мезонлари айтиб ўтилди. Турли даражалардаги бюджетлар ўртасида

маблағларни қайта тақсимлаш юқори даражадаги бюджет орқали амалга оширилиши белгиланган.

Турли даражалардаги бюджетлар ўртасида маблағларни қайта тақсимлаш қўшимча равишда олинадиган даромадлар ёки фойдаланмай қолган ажратма манбаларни сарфлаш тартиби белгиланган, чунончи тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар натижасида тасдиқланган кўрсаткичлардан ташқари қўшимча равишда олинган суммалар тегишли ҳудудларнинг тасарруфида қолиши белгиланган.

Бюджет маблағи ажратмаларига ўзгартиришлар киритилмаганида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳуқуқлари қандай бўлиши аниқ тартибга солинган, эндиликда бюджет тизимини бошқаришнинг ҳар бир даражасида бюджетнинг кўрсатгичларини ўзгартириши лимитлари қонун даражасида белгиланган.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, бюджетларни баланслаштиришнинг икки кўриниши мавжуд: вертикал ва горизонтал баланслаштириш.

Шуни таъдиклаш лозимки, қайта тақсимлашнинг бундай механизими кўпгина мамлакатларда қўлланилади. Германияда даромадларни вертикал тарздагина эмас, балки горизантал тарзда ҳам бараварлаштириб бориш қўлланилади. Бунда юқори даромадли ерлар (вилоятлар) ўз молиявий ресурсларнинг муайян қисмини кам ривожланган ерларга ўтказади. Вертикал баланслаштириш ўзида ҳар бир ҳокимият органи даражасида унинг даромадлар базаси салоҳияти билан харажатлари ҳажмини баланслаштиришни ифода этади. Агар даромадлар харажатларни қоплаш учун етмаса, унда республика хукумати етмаган бюджет ресурсларини қуйи турувчи ҳокимият органига ўтказиб беради. Вертикаллар тўғрисида сўз борганда маълум бир бюджет даражасининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги номутаносибликни бартараф қилиш тушунилади. Бундай баланлаштириш амалиётида эришилиши қийин бўлган масаладир, чунки республика бюджети ҳар бир маҳаллий бюджет билан ҳисоблашишга мажбур бўлиши керак.


Шу боис махаллий хокимиятлар қуйидаги ишларни бажариши шарт: ўзига бириктирилган вазифаларни молиявий таъминлаш жавобгарлигини олиш; ўзларининг ҳудудидаги даромад салоҳияти ошириш ва таъминлаш ҳуқуқидан самарали ва масъулиятли тарзда фойдаланиш. Вертикал баланслаштириш барча муаммоларни ечишга имконият бера олмайди, шунинг учун уни горизонтал баланслаштириш билан биргаликда амалиётда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йил учун қарорлари билан ўрнатилган меъёрларига асосланиб маҳаллий бюджетларга ажратмалар қилинади. Маҳаллий солиқлар махаллий бюджетларнинг асосий даромад манбаи бўлиб, улар у ёки бу махаллий бюджетга бириктирилади ва тўлиқ шу бюджетларга тушиши кўзда тутилади. Маҳаллий йиғимлар ҳам бириктирилган даромадлар таркибига киради ва маҳаллий бюджетларга тўлиқ тушади. Уларнинг маҳаллий солиқлардан фарқи шундаки, махаллий солиқларнинг таркиби, ставкалари, объектлари давлат томонидан қонуний йўл билан белгилаб қўйилади. Маҳаллий йиғимларни эса маҳаллий бошқарув органлари ўзлари мустақил белгилашлари, миқдорларни аниқлашлари ва бекор қилишлари мумкин.

Шу ўринда маҳаллий бюджетларнинг 2003-2006 йиллар даромадларини ва 2006 йил жами маҳаллий бюджет даромадларидаги маҳаллий бюджетларнинг улушини таҳлил қилиб ўтсак (диаграммага каранг).

Диаграммага эътибор қаратсак 2006 йил режа ҳолатида маҳаллий бюджетлар даромадларининг жамига нисбатан улушлари диаграмма ҳолатида келтириб ўтилган. 2006 йил режа ҳолатида маҳаллий бюджетлар даромадларининг жами даромадлари салмоғига нисбатан Тошкент шаҳри, Қашқадарё вилояти, Самарқанд вилояти, Тошкент вилояти ва Фарғона вилояти маҳаллий бюджетлари энг юқори салмоққа эга бўлган маҳаллий бюджетлар ҳисобланади. Масалан, маҳаллий бюджетлар даромадларининг жами даромадлари салмоғига нисбатан Тошкент шаҳри 2003 йил 15,7%ини, 2004 йил 16,0%ини, 2005 йил эса 11,8%ини, 2006 йилга келиб эса режа ҳолатида 11,4%ни ташкил этмоқда, Самарқанд вилояти маҳаллий бюджет даромадларининг жами даромадлари салмоғига нисбатан 2003 йил 8,1%ни, 2004 йил 7,4%ни, 2005 йил 11,5%ни ташкил этмоқта, 2006 йил эса режа ҳолатида 11,7%ини ташкил этиши режалаштирилган. Кўзга ташланадиган томони шундан иборатки 2006 йил режа ҳолатида 2003 йилга нисбатан Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети 164198,4 млн сўм ортиқ даромадга эга бўлмоқда, жами маҳаллий бюджет даромадларига нисбатан салмоғига 3,6%га ошган. Тошкент шаҳри эса 2006 йил режа ҳолатида 2003 йилга нисбатан маҳаллий бюджети 80850,4 млн сўм ортиқ даромадга эга бўлмоқда, лекин жами маҳаллий бюджет даромадларига нисбатан салмоғига 4,3%га камайган. Маҳаллий бюджетларнинг жами даромадларига нисбатан олиб қараганда Жиззах вилояти, Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий бюджетлари даромадлари кўрсатгичлари энг паст кўрсатгичлар ҳисобланади.

4-диаграмма



7-жадвал

2003-2006 йиллар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари[1]

млн.сўм

Ҳудудлар номлари	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил режа
Қорақалпоғистон Республикаси	33392,7	40352,9	76349,1	101626,9
Андижон вилояти	76000,2	74763,4	121706,9	151063,4
Бухоро вилояти	71832,1	88094,6	101688,9	128761,0
Жиззах вилояти	23221,9	24149,3	47468,8	63279,5
Қашқадарё вилояти	108672,0	128252,9	158694,0	204986,8
Навоий вилояти	48236,8	57268,6	68222,3	80285,5
Наманган вилояти	56204,5	59655,4	107751,5	139170,1
Самарқанд вилояти	81820,7	86655,3	191588,9	246019,1
Сурхондарё вилояти	44273,7	59966,5	109069,9	134054,6
Сирдарё вилояти	30439,1	40376,4	55655,7	68336,7
Тошкент вилояти	104500,2	133428,3	157204,7	194102,9
Фарғона вилояти	127354,2	139855,3	188393,3	243929,5
Хоразм вилояти	47553,6	53582,6	86007,4	107299,3
Тошкент шаҳри	159103,1	187786,1	196562,6	239953,5
Жами	1012604,8	1174178,5	1666364,0	2102868,8

Юқоридаги таҳлилга биноан шуни айтиш мумкинки, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳисобига шаклланади. Республикамизда маҳаллий бюджетларнинг асосий даромад манбаи ҳисобланган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар билан боғлиқ муаммолар марказида уларнинг маҳаллий бюджетлар харажатларини тўлиқ миқдорда молиялаштира олмаслигидадир.

[1] Манба:www. mf. uz

8-жадвал

2003-2006 йиллар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари[1]

%ларда


Ҳудудлар номлари	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил режа
Қорақалпоғистон Республикаси	3,3	3,4	4,6	4,8
Андижон вилояти	7,5	6,4	7,3	7,2
Бухоро вилояти	7,1	7,5	6,1	6,1
Жиззах вилояти	2,3	2,1	2,8	3
Қашқадарё вилояти	10,7	10,9	9,5	9,7
Навоий вилояти	4,8	4,9	4,1	3,8
Наманган вилояти	5,6	5,1	6,5	6,6
Самарқанд вилояти	8,1	7,4	11,5	11,7
Сурхондарё вилояти	4,4	5,1	6,5	6,4
Сирдарё вилояти	3,0	3,4	3,3	3,2
Тошкент вилояти	10,3	11,4	9,4	9,2
Фарғона вилояти	12,6	11,9	11,3	11,6
Хоразм вилояти	4,7	4,6	5,2	5,1
Тошкент шаҳри	15,7	16	11,8	11,4
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0

Шунингг учун ҳам умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга ажратмалар, яъни тартибга солинадиган солиқлардан тўлиқ ёки қисман ажратмалар белгилаш тизими амал қилади.

Умумдавлат солиқларнинг маҳаллий бюджетларга бириктирилиш меъёрлари ҳудуларнинг иштимоий иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасида номутаносиблик келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланади. Меъёрларни аниқлашда маҳаллий ва умумдавлат солиқларнинг тушуши мумкин бўлган истиқболдаги миқдоридан ва маҳаллий бюджетларнинг минимал харажатлари истиқболларидан келиб чиқилади.

[1] Манба: www. mf. uz

5-диаграмма



Кўпинча маҳаллий бюджетларда шунинг учун ҳам меьёрлар 100%га кўпайтирилган (иловаларда умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга ажратмаларнинг меьёрий динамикаси келтирилган). 9-жадвалга эътибор қаратсак 2004 йилда акциз солиғининг алкоголь махсулотларидан, тамаки махсулотларидан тушадиган туминнинг 100,0% миқдори барча махаллий бюджетларга ажратилган. Юридик шахслар даромади(фойдаси)дан солиқ, қўшилган қиймат солиғи, ягона солиқ, савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан олинадиган ялпи даромад солиқлардан эса фақат 8 та молиявий маблағга муҳтож ҳолдаги маҳаллий бюджетларга 100,0% миқдорида, қолган маҳаллий бюджетларга мос равишда 40%, 98%, 12%, 22%, 78% ва 7% миқдорида ажратмалар ажратилган. Бугинги кунга келиб умумдавлат солиқларининг ҳам кўпгина қисми маҳаллий бюджетларга йўналтирилмоқда ва улар кўпинча маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи даромадлари сифатида қаралади.

Юкорида айтиб утганимиздек, бюджетлар ўртасида даромад ва харажатларнинг ҳар қандай кўринишдаги тақсимланиши вертикал(тик) ва горизонтал(бўйлама) мутаносибсизликка олиб келиши мумкин. Бюджетнинг вертикал мутаносибсизлиги(дибаланси) маҳаллий бюджет харажатларининг ўз манбаларидан оладиган даромадларидан ошиб кетишидир. Бюджетнинг горизонтал дибаланси эса, турли даражадаги бюджетларда даромад ва харажат қолдиқларининг ўзгариб туришидир. Бюджет дибалансининг мавжудлиги давлатларининг ўтиш давридаги хос хусусият эмас. Хусусан горизонтал дибаланс харажатлар ҳажмидаги таьсир кўрсатадиган иқтисодий активлик, табиий ресурслар ва демографик омилларнинг географик нотекис тақсимланиши оқибатидир. Маьлумки, горизонтал ва вертикал дибалансни тенглаштириш, текислаш мақсадида Республика бюджетидан, маҳаллий бюджетларга турли шаклдаги молиявий ёрдамлардан фойдаланилади. Булар дотация, субвенция ва мақсадли субсидиялардир.

Маҳаллий бюджетларнинг бу даромад турининг ўзига хос томонлари мавжуд. Юқори бюджетлардан ажратиладиган субвенция, дотация ва субсидиялар бошқа даромад туридан фарқ қилиб, бу даромад турлари йил бошида тасдиқланган режа миқдорида олинади, яъни бу даромад турларига йил давомида ўзгартиришлар киритилмайди.

Дотация (лотинча, dotatio – ҳадя, хайр-эҳсон) бюджетни тартибга солиш усули сифатида ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солишнинг бошқа маблағлари, хусусан, тартибга солувчи даромадларидан ажратмалар етишмаган тақдирда харажатлар ва даромадларўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қатъий суммада беғараз ва қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағларидир.

Субвенция (лотинча, subvenire – ёрдамга келиш) юқори бюджетдан қуйи бюджетга муайянмақсадларда фойдаланиш шарти билан беғараз ажратиладиган пул маблағларидан иборат.

Маҳаллий бюджетлар учун 2003 йил Республика бюджетидан 257053,2 млн сўм, жами маҳаллий бюджет даромадига нисбатан 25,0% миқдорида, 2004 йил 289173,8 млн сўм, жами маҳаллий бюджет даромадига нисбатан 24,6% миқдорида, 2005 йил 169503,9 млн сўм, жами маҳаллий бюджет даромадига нисбатан 10,2% миқдорида, 2006 йил режа ҳолатида эса 216189,3 млн сўм, жами маҳаллий бюджет даромадига нисбатан 10,3% миқдорида субвенция, дотация ва субсидия кўринишдаги молиявий ёрдам берилиши режалаштирилган (-жадвал).

9-жадвал


2003-2006 йиллар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига республика бюджетидан ажратиладиган дотация, субсидия ва мақсадли субвенсияларнинг миқдори

млн.сўмда

Ҳудудлар номлари	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил режа
Қорақалпоғистон Республикаси	50852,2	55032,7	41412,8	46108,2
Андижон вилояти	27299,1	26277,9	28746,8	39689,3
Бухоро вилояти	-	-	-	-
Жиззах вилояти	30362,9	34433,4	26767,1	31574,4
Қашқадарё вилояти	-	-	-	-
Навоий вилояти	-	-	-	-
Наманган вилояти	37587,3	45202,9	33156,5	39679,3
Самарқанд вилояти	39190,8	47255,9	-	-
Сурхондарё вилояти	42967,7	48877,3	27042,3	40465,4
Сирдарё вилояти	9859,6	5630,0	-	-
Тошкент вилояти	-	-	-	-
Фарғона вилояти	-	-	-	-
Хоразм вилояти	18933,6	26463,5	12378,5	18672,7
Тошкент шаҳри	-	-	-	-
Жами:	257053,2	289173,8	169503,9	216189,3

Республика бюджетдан ажратиладиган субвенция, дотация ва субсидиялар кўринишдаги ажратмаларнинг 2006 йил учун белгиланган миқдорини таҳлил қилиб ўтайлик. 2006 йил маҳаллий бюджетнинг балансилигини таьминлаш мақсадида Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга 216189,3 млн сўм миқдорида дотация, субсидия ва мақсадли субвенсия кўринишдаги маблағлар ажратилган. Шундан 21,3%и, яьни 46108,2 млн сўми Қорақалпоғистон Республикасига, 18,7%и, яьни 40465,4 млн сўми Сурхондарё вилоятига, 18,4%и, яьни 39689,3 млн сўм миқдорида мос равишда Андижон вилояти ва Наманган вилоятига тақсимлаш режалаштирилган, энг кам миқдорда маблағ ажратилган вилоят Хоразм вилояти, яьни жами ажратманинг 8,6%ини, 18672,7 млн сўм миқдорини ажратма ажратилиш режалаштирилган(-диаграмма).

6-диаграмма



7-жадвал

2006 йиллар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари, ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган дотация, субсидия ва мақсадли субвенсияларнинг миқдори

млн.сўм

Ҳудудлар номлари	2006 йил режа	Жами даромадга нис.%да	Дотация ва мақсадли субвенциялар	Жами дотацияга нис.%да
Қорақалпоғисто Республикаси	101626,9	4,8	46108,2	21,3
Андижон вилояти	151063,4	7,2	39689,3	18,4
Бухоро вилояти	128761,0	6,1	-	-
Жиззах вилояти	63279,5	3,0	31574,4	14,6
Қашқадарё вилояти	204986,8	9,7	-	-
Навоий вилояти	80285,5	3,8	-	-
Наманган вилояти	139170,1	6,6	39679,3	18,4
Самарқанд вилояти	246019,1	11,7	-	-
Сурхондарё вилояти	134054,6	6,4	40465,4	18,7
Сирдарё вилояти	68336,7	3,2	-	-
Тошкент вилояти	194102,9	9,2	-	-
Фарғона вилояти	243929,5	11,6	-	-
Хоразм вилояти	107299,3	5,1	18672,7	8,6
Тошкентшахри	239953,5	11,4	-	-
Жами	2102868,8	100,0	216189,3	100,0

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, маҳаллий бюджетларнинг солиқ йиғимларини кўпайтиришга бўлган қизиқишларини ошириш ва дотация ҳамда бошқа молиявий ёрдам туларини қисқартириш мақсадида, режадан ортиқча тушган солиқ миқдорини тақсимлаш механизмини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, маҳаллий бюджетларни баланслаштириш мақсадида солиқлар ва бошқа кўринишидаги даромадлар манбаларини турли даражадаги бюджетлар ўртасида қуйидаги тамойилларга асосан тақсимлаш амалга оширилади:

- бюджет тизимининг бўғинлари ўртасида даромадлар тақсимланиши ягона тамойиллар ва ёндашувлар асосида барқарор равишда бўлиши;
- ҳар бир даражадаги бюджет бўғинининг ўз даромадлари уларга бириктириб қўйилган харажатлар ваколатларини бажариш учун асосий ресурслар манбаи бўлиб қолиши;
- солиқ ваколатлари ва даромад манбалари тақсимланиши бюджетнинг вертикал (бюджет бўғинлари ўртасида) баланслашуви тамойилларига асосланиши;
- тартибга солувчи солиқлардан тушадиган тушумларнинг бир қисми маҳаллий бюджетлар ўртасида шаклланган усуллар асосида (аҳоли сони бўйича, бюджет таминоти бўйича ва ҳ.к.) тақсимланиши мумкин.

7.2.Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини шакллантиришда умумдавлат солиқларининг аҳамияти

Республикамизда бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунинг зарурий элементи ҳисобланади. Харажатлар республика бюджетидан молиялаштирилиши давлат бюджети маблағларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашда, турли даражадаги бюджетлар харажатларини молиялаштиришда уларнинг ваколатларини аниқ ажратиб белгилайди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга доир чекланишларни белгилайди. Бу эса амалдаги қонунларга биноан бюджет интизомини мустаҳкамлашга, бюджет маблағларини мақсадли тарзда, оқилона сарфлашга кўмаклашади. Мазкур қонунда турли даражалардаги бюджетлар ўртасида маблағларни қайта тақсимлаш мумкинлиги, қайта тақсимлаш усуллари ҳамда қайта тақсимлашнинг амалга ошириш зарурлиги мезонлари айтиб ўтилган. Турли даражадаги бюджетлар ўртасида маблағларни қайта тақсимлаш юқори даражадаги бюджет орқали амалга оширилиши белгиланган. Шуни таъкидлаш лозимки, қайта тақсимлашнинг бундай механизми кўпчилик мамлакатларда қўлланилади.

Бизнинг мамлакатимиз бюджет тизими даромадлари Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган манбалар ҳисобидан шакллантирилади. Амалдаги бюджет қонунчилигига мувофиқ барча даромадлар ва харажатлар давлат бюджет тизими даражалари ўртасида тақсимланади. Республикада барча солиқлар ва йиғимларни жорий этишнинг энг асосий мақсадлардан бири бюджет тизимига кирувчи республика ва маҳаллий бюджетларнинг даромадларини шакллантиришдан иборат бўлади.

Бюджет даромадлари ва харажатларини таксимлаш деганда, ҳар бир даражадаги бюджетга киритилиши лозим бўлган даромадлар ва харажатлар турлари ва ҳажмини белгилаш тушунилади. Бюджет тизими даромадлари у ёки бу бюджетнинг даромад қисмига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиб ва миқдорларда келиб тушадиган мажбурий тўловлардир. Ушбу тўловларнинг турлари, уларни шакллантириш ва бюджет тизимининг тегишли даражаларига киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистонда давлат қурилишининг асосий тамойилларини белгилаб берди. Уларнинг амалга оширилиши республика ва маҳаллий ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўзгаришини шарт қилиб қўйди, уларнинг бюджет фондларини чеклади ва бюджетлараро муносабатларни табақалаштирди. Конституцияда мустаҳкамланган маҳаллий ҳокимиятларнинг мустақиллигини молия соҳасида қайта ўзгартишларни ва маҳаллий бюджетларнинг даромад асосларини мустаҳкамлаш йўлларини излашни талаб қилди.

Биз биламизки, бюджет уч таркибий қисмдан харажат, даромад қисмлари ва улар балансидан иборат, яъни даромадларнинг харажатларга мувофиқлиги қоидасига кўра тузилган. Бюджетни шаллантириш аввало унинг харажат қисмини тузиш йўли билан юз беради, чунки давлат ўзида мавжуд молиявий имкониятлардан келиб чиқибгина харажатлар килиши мумкин эмас. Давлат, аввало, жамиятни самарали ривожлантириш мақсадида унинг зарур маблағлар ҳажмини белгилаш ва шундан кейингина ўз қўлида бўлган бюджет даромад

қисмини тўлдиришнинг асосий воситаси-солиқлар ва бошқа манбалар ёрдамида ана шу молиявий ресурсларни жалб этиши керак бўлади. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланиши ижтимоий-иқтисодий соҳадаги қийинчиликлар билан биргаликда маҳаллий бюджетни бошқаришни ислоҳ қилиш жараёни билан тўғри келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат бюджетининг таркибини берди, бу таркиб 1985 йилги «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонундан фарқ қилади. Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети мақоми ўзгарганлиги билан, иккинчидан, мулкчилик шаклларининг ўзгариши муносабати билан маҳаллий бюджетларнинг таркиби ўзгарди. Учинчидан, давлат бюджетининг вазифалари ва унинг молиялаштириш манбалари ўзгариши муносабати билан маҳаллий бюджетларнинг ҳам молиялаштириш манбалари ўзгарди.

Республикамизда бюджетдан молиялаштиришни амалга оширишда эса марказлашмаган йўналиш асосий ўрин тутди. Бозор иқтисоди ривожланган давлатлар хусусан, АҚШ, Япония бир қатор Ғарбий Европа далатларида 1980 йиллар ва 1999 йилларнинг бошларида шундай тенденция кузатилган эди.

Ғозирги шароитда биринчи навбатдаги вазифалардан бири бўлиб бюджет тизимини ислоҳ қилиш ва бюджетлараро муносабатлардаги, шунингдек, бюджет тузилиши ва бюджет жараёнидаги муаммоларни ҳал қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш зарур бўлиб қолди. Бу эса ўз навбатида барча даражадаги ҳокимият органларининг молиявий базасини мустаҳкамлашни, янги молия-бюджет ва солиқ механизмларини миллий, ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий муносабатларининг шакллантиришни талаб этади.

Президентимиз И.А. Каримов таъкилаганларидек, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида асосий эътибор мамлакат молиявий тизимини такомиллаштиришга қаратилди. Бир неча йил давомида солиқлар иккинчи даражали иқтисодий воситадан давлатнинг жамият иқтисодий турмушига, корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг хўжалик юритиш тизимига таъсир ўтказишнинг қудратли омилига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мащкамаси Республика Давлат бюджетини тегишли йилга тасдиқлаш чоғида солиқ турлари ва ставкаларини қайтадан кўриб чиқмоқда. Солиқларнинг республика ва маҳаллий солиқларга бўлиниши хукумат идораларининг республика бошқарувига ва маҳаллий бошқарувга бўлиниш хусусиятидан келиб чиқади. Ғар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида мухим таркибий қисмини Республикаси бюджет ташкил этади. Республикаси бюджети, Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланадиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари миқдори назарда тутилади[1]. Миллий даромадни Қорақалпоғистон Республикаси , вилоятлар ва Тошкент шаҳри ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни Республика бюджети орқали тартибга солинади. Республика бюджети маҳаллий бюджетларнинг харажатларини даромадлари билан

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида” ги қонуни.Халқ сўзи .2000й. 14 январ.

қопланмаган қисмини қоплаб турувчи ва харажатлар қисмининг бажарилишини назорат қилувчи юқори бюджет саналади.

Таҳлил маьлумотларга эьтибор берадиган бўлсак Республикаси бюджети даромадлари Давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини ташкил қилади (-жадвал). Масалан 2003йил Республикаси бюджети даромадлари Давлат бюджети даромадларидаги солмоғи 56.8%ини, 2004 йил 55,2%ни, 2005йил 49,7%ини, 2006 йил режа эса 48,0%ини ташкил қилмоқда. Маьлумотларга эьтибор берсак, Республикаси бюджети даромадлари Давлат бюджети даромадларидаги солмоғи 2006 йилги режада 2003 йилга нисбатан 8.8% кам. Бу ижобий ҳолат, чунки Давлат бюджети даромадлари таркибида маҳаллий бюджетларнинг улуши катта ҳисобланади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики йилдан йил Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми махаллий бюджет даромадлари ҳисобига тўғри келмоқда.


Диаграммага назар ташласак 2003 йилга нисбатан 2006 йил режа ҳолатида давлат бюджети даромадлари ҳам, Республика бюджети даромадларининг ўсиши кузатилмоқда, лекин республика бюджети даромадлари давлат бюджетидаги улуши пасаймоқда. Юқори бобларга айтиб ўтганимиздек асосан Республика бюджети даромадлари умумдавлат солиқ ва умумдавлат тусидаги йиғимлардан шаклланади. Шуни ҳам биламизки давлат бюджети даромадлари таркибида умумдавлат солиқларнинг салмоғи юқори ҳисобланади (жадвалга каранг).

8-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида Республика бюджетининг тутган ўрни

Даромадлар	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й. (режа)
Давлат бюджети	2342012,6	2621300,0	3310854,0	4042460,4
Шу жумладан:				
Республика бюджети	1329407,8	1447112,5	1644490,0	1939591,6
Давлат бюджетига нисбатан салмоғи (фоизда)	56,8	55,2	49,7	48,0

7-диаграмма



Умумдавлат солиқларнинг асосийлардан бири бу юридик шахслардан олинадиган даромад(фойда) солиғи ҳисобланади. Жадвал маьлумотларига эътибор берадиган бўлсак юридик шахслардан олинадиган даромад(фойда) солиғи давлат бюджети даромадларидаги салмоғи 2003йил 210521,7 млн сўмни, жами даромадга нисбатан 9,0%ни, ЯИМ га нисбатан эса 2,2%ни, 2004 йил 182186,2 млн сўмни, жами бюджет даромадларидаги салмоғи 7,0%ни, ЯИМга нисбатан эса 1,5%ни, 2005 йил 209331,4 млн сўмни ,жами бюджет даромадларидаги салмоғи 6,3%ни, ЯИМга нисбатан эса 1,4%ни, 2006 режа эса 218955,1 млн сўмни ,жами бюджет даромадларидаги салмоғи 5,4%ни, ЯИМга нисбатан эса 1,3%ни ташкил этмоқда (Қаранг: 4-илова).Таҳлил маьлумотларига эътибор берсак 2006 йил режада 2003 йил ҳақиқатдагига нисбатан юридик шахслардан олинадиган даромад(фойда) солиғи суммаси 8433,4 млн сўм ошган, лекин жами бюджет даромадларидаги салмоғи 3,6% га, ЯИМга нисбатан эса 0,9%га камайган. 2003-2006 йиллар мобайнида юридик шахслардан олинадиган даромад(фойда) солиғининг бюджет даромадларининг умумий ҳажмидаги салмоғини пасайиш тенденцияси кузатилган.

Бу ҳолат мамлакатимиз ҳукумати томонидан юридик шахслардан олинадиган даромад(фойда) солиғи юкини енгиллаштириш сиёсатининг натижасидир. Бундай сиёсат юритилиши юридик шахсларнинг молиявий барқарорлигига бевосита ижобий таьсир кўрсатади. Бунинг натижасида қисқа муддатли даварий оралиқларда юридик шахслардан олинадиган даромад(фойда) солиқ тушумининг давлат бюджети даромадлари ҳажмидаги салмоғи пасайиш кузатилмоқда, лекин ўрта ва ўзоқ муддатли даврий оралиқларда юридик шахсларнинг даромад(фойда)лари сезиларли даражада ошиб, уларнинг фойдасидан олинадиган солиқ тушумлари кўпаяди.

Шу жиҳатдан олганда, бу жараённнинг олиб борилиши миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун жуда ката аҳамиятга эга. Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини айтиб ўтиш мақсадга муофиқ “Корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг енгиллаштирилиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг камайтирилиши оқибат натижада ишлаб чиқаришни

жонлантиришга олиб келиши лозимки, бу нарса иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этишда ғоят катта аҳамиятга эга”[1].

Республика бюджети умумдавлат кўламида жуда катта вазифаларни-мудофаа, хавфсизликни сақлаш, тартиб-интизом ўрнатиш, бозор инфратузилмасини яратиш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш ва бошқа бир қатор йирик хизматларни бажаради. Шунинг учун унинг бюджети ҳам солиқлари ҳам салмоқли бўлиши шарт. Қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, юридик шахсларнинг фойдасидан, жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ, сув солиқлари умумдавлат солиқлари жумласига киради.

Умумдавлат солиқларининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлардан маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида тушиши мумкин. Агар келгуси йили маҳаллий бюджетларнинг ўз манбалари кўпайиб қолса, республика солиқларидан ажратма беришнинг хожати қолмайди. Республика ва маҳаллий солиқлар ягона моҳиятга эга, бюджетга тўланиши лозим бўлган тўловлардир.

Маҳаллий солиқлар маҳаллий ҳукумат бажарадиган вазифаларга қараб белгиланиб, уларга доимий ва тўлиқ бириктириб берилган. Маҳаллий ҳукуматлар асосан ижтимоий масалаларни, соғлиқни сақлаш, маданият, таълим каби вазифаларни бажаради. Лекин бу солиқлар ва йиғимлар уларнинг бюджет харажатларининг 30-40 фоизини қоплайди, холос. Кейинги вақтларда маҳаллий бюджетлар даромадлари салмоғини 50-60 фоизга етказиш масаласи муаммолардан бири бўлиб турибди.

Маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш энг долзарб масалалардан биридир. Фақат ўз даромад манбаига эга бўлган маҳаллий ҳукуматлар ўз фаолиятларини тўлиқ амалга оширишлари мумкин. Акс ҳолда молиявий камчиликларга йўл қўйиш эҳтимоли мавжуд.

7.3. Бириктирилган даромадлар ва уларнинг таркиби. Дотация. Субвенция. Ссуда.

Бюджет тизими даромадлари у ёки бу даражадаги бюджетлар даромадларига киритиш тартиби ва шартларига қараб бириктирилган ва тартибга солувчи даромадлар ажратилади. Бириктирилган даромадлар тегишли бюджетга доимий ёки узоқ муддатли асосда тўлиқ ёки қисман келиб тушадиган даромадлардир. Бундай даромадларга тегишли бюджетларга биритириб қўйилган солиқ даромадлари киради.

Бюджет тизимининг у ёки бу даражасига ушбу даромадларни бириктириб қўйишнинг ҳуқуқий асоси солиқ ва бюджет қонунчилиги ҳисобланади. Бюджет тушумини ушбу тартибда такомиллаштириш ҳисобига маҳаллий хокимият органлари ўз худудларида жойлашган корхоналар фаолиятининг самарадорлигини оширишдан манфаатдор бўлади. Бундан ташқари, солиқларнинг тўла ва ўз вақтида тўланиши устидан назорат қилиб туриш учун қизиқиш пайдо бўлади. Чунки, республика бюджетига ушбу солиқлардан тушган умумий тушумдан белгиланган меъёрлар асосида ажратма қилишдан кўра, мазкур худудда ушбу солиқлардан тушган тушумда ўз улушини қонуний тартибда кафолатлаб қўйилиши маъқул.

[1] Каримов.И.А “Ўзбекистон буюк келажак сари ”.-Тошкент:Ўзбекистон,1998йил,360-бет.

Бугун вилоят, шаҳар, туман хокимият органлари доимо маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш ва бу молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш тадбирларини олиб боришлари керак. Маҳаллий хокимият органлари томонидан маҳаллий бюджетлар даромад базасини кўпайтириш, маҳаллий бюджетлар харажатлар қисмини таркибий қайта кўриш каби шароитлар яратилганда, баланслаштирилган, соғлом, етарли бюджетни шакллантириш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари молия органларининг таклифлари бўйича маҳаллий солиқлар қайси даражадаги бюджетга, шунингдек, юқори бюджетга тўла ҳажмда ўтказилишини белгилайди. Турли даражадаги бюджетларга ажратмалар нормативлари белгиланган ва маҳаллий бюджетларга тўла ҳажмда ўтказилиши керак бўлган умумдавлат солиқлари солиқ тўловчи жойлашган шаҳар, туман ҳудудидаги маҳаллий бюджетга келиб тушади.

Турли даражадаги бюджетларга ажратмалар нормативлари белгиланмаган ва тўла ҳажмда республика бюджети ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган умумдавлат солиқлари, солиқ тўловчи қайси шаҳар, туман ҳудудида жойлашган бўлишига қарамасдан ушбу бюджетга тушади. Амалдаги қонунчилик билан даромадларни бириктириб, мустаҳкамлаб қўйиш тизими ўзини тўла оқлайди.

Бироқ, бириктириб қўйилган даромадлар рўйхатини белгилашда давлатнинг бутун бюджет тизими фаолияти самарадорлигига салбий таъсирини кўрсатиши мумкин бўлган бир қанча омилларни ҳисобга олиш зарур. Хусусан, даромадларни тақсимлашда айрим бюджетларда ортиқча даромадлар ҳосил бўлади, бошқаларида уларнинг етишмаслиги, яъни номутаносиблик юзага келишига йўл қўйилмаслиги керак. Масалан, саноати ривожланган ҳудудларда юридик шахслардан даромад ёки фойда солиғи бўйича келиб тушадиган тушумлар ҳажми жиҳатдан анчагина кўп.

Шу сабабли улардан қатъий бириктириб қўйиладиган даромад сифатида фойдаланиш маҳаллий бюджетлар даромадларини тақсимлашда номутаносибликка олиб келиши мумкин. Даромадларни қатъий бириктириб қўйиш тамойили бюджет тизимининг турли даражалари ўртасида уларни қайта тақсимлаш имкониятидан маҳрум этади.

Бюджетларнинг тартибга солувчи даромадлари юқори даражадаги бюджет тизимидан қуйи бюджетга республика бюджетидан-вилоят бюджетларига, вилоят бюджетидан-туман бюджетларига ўтказиладиган маблағлардан иборат. Тартибга солувчи даромадларга умумдавлат солиқлари ва бошқа тўловлар кириб, улар бўйича кейинги молия йили учун маҳаллий бюджетларга ажратмалар нормативлари белгиланади. Бу нормативлар Ўзекистон Республикаси бюджет тизимининг тартибга солувчи даромадларни берувчи бюджетлар тўғрисидаги ҳуқуқий хужжат ёки давлат бюджет тизимининг бошқа даражадаги бюджетдан унга берилган тартибга солувчи даромадларни тақсимлайдиган даражадаги бюджет тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

Шундай қилиб, тартибга солувчи даромадларни ҳар бир қуйи бюджетга ўтказиш учун юридик асос бўлиб юқори даражадаги бюджетни тасдиқлаш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Масалан, тартибга солувчи даромадлардан ажратмалар вилоятлар бюджетларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кейинги молия йили учун белгиланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва

параметрлар прогнози тўғрисидаги қарори асосида, туманлар бюджетларига эса, вилоятларнинг халк депутатлари Кенгашлари қарорига асосан ўтказилади.

Тартибга солинувчи даромадлар пул маблағларининг йиғиндиси бўлиб, юқори бюджетлардан тартибга солиш мақсадида бериладиган барча молиявий ресурслардир. Бюджетни тартибга солиш турли усуллар билан амалга оширилиб, улар орасида тартибга солувчи манбалардан маблағлар ажратиш усули энг муҳим усул ҳисобланади. Бюджетни тартибга солиш усулининг аҳамияти шу билан белгиланадики, бириктирилган даромадлар етмаган тақдирда, айни мана шу усул ёрдамида ҳар бир бюджет даромадлари ва харажатларини мувозанатга келтириш учун зарур бўлган маблағларнинг катта қисми берилади.

Тартибга солувчи манбалардан маблағлар ажратиш йўли билан қуйи бюджетларни мувозанатлаш иконияти бўлмаган ҳолда, бюджетни тартибга солишнинг бошқа усуллари қўлланилади: юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга бюджет дотациялари ва бюджет субвенцияларини бериш ва бюджет ссудаларини ажратиш.

Бюджет тизими ҳар бир даражаси даромадлари ва харажатларини баланслаш учун тегишли бюджетларга умумдавлат солиқларидан маблағлар ажратишни тартибга солиш режаси тузилади. Ўз таркибида бошқа қуйи минтақа бюджетига эга бўлган ҳар бир минтақа бюджети учун тартибга солиш режаси тузилади. У ҳар йили кейинги молия йили учун бюджетлар лойиҳалари тузилаётган вақтда ишлаб чиқилади ва молия йили тугаши билан ўз кучини йўқотади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари лойиҳалари даромад қисмини белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети Бош бошқармаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмаларни тартибга солиш режаси тузилади ва қуйидагилар белгиланади.

- ❖ Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари ва суммалари;
- ❖ Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига бириктириб қуйилган умумдавлат солиқлари рўйхати ва ҳажми;
- ❖ Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига бириктириб қуйилган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар рўйхати ва ҳажми.

Ҳудудларнинг бюджетдан амалга ошираётган харажатларнинг етарли даромадлар билан таъминланмаганлиги, маҳаллий бюджетларнинг давлат томонидан даромадларни тартибга солишда бирламчи республика бюджетда йиғилган даромадларнинг бир қисмини қайта тақсимлашни талаб қилади. Шу мақсадда жаҳон амалиётида дотация ва субвенциялардан фойдаланилади.

Дотация бюджетни тартибга солиш усули сифатида-ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солишнинг бошқа маблағлари, хусусан, тартибга солувчи даромадларидан ажратмалар етишмаган тақдирда харажатлар ва даромадлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қатъий суммада беғараз ва қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағларидир.

Айрим иқтисодчиларнинг фикрича, бюджетни тартибга солишнинг ушбу усули бир қанча камчиликларга эга бўлиб, бюджетларда назарда тутилган

тадбирларни маблағ билан узлуксиз таъминлаб туриш учун жойларда бюджетлардан қўшимча даромадларни йўналтиришда давлат ҳокимияти маҳаллий органлари манфаатдорлиги ва молия органлари жавобгарлиги пасайишини киритиш мумкин. Бундан ташқари, дотация қуйи бюджетнинг ижросини юқори бюджетга даромадларнинг тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишига қарам қилиб қўяди.

Шу боисдан бюджетни тартибга солиш усули сифатида дотация фақат шундагина қўлланиладики, унинг ҳудудида йўналтириладиган барча тартибга солувчи даромадлар қуйи бюджетга берилаётганида бириктирилган ва тартибга солувчи даромадлар умумий суммаси режалаштирилган барча харажатларни қопламаган ҳолда, яъни бюджетни мувозанатлаш-тиришнинг бошқа усули бўлмаган вақтда қўлланилади.

Субвенция-юқори бюджетдан қуйи бюджетга муайян мақсадларда фойдаланиш шарти билан беғараз ажратиладиган пул маблағларидан иборат. Дотациядан фарқли равишда субвенция муайян бир тадбирни молиялаштириш учун ажратилади ва ундан мақсадли фойдаланиш тартиби бузилган ҳолда, қайтарилиши лозим. Бюджет субвенцияси-қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларда сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағларидир.

Бироқ таъкидлаш лозимки, субвенциялар асосан кейинги йилларда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини тенглаштириш мақсадида бериб келинмоқдаки, бу ўз навбатида субвенциялар иқтисодий моҳиятининг бир мунча бузилишига олиб келмоқда. Субвенциядан воз кечиш мақсадида доимий тушмайдиган даромадлардан ажратмаларни ошириш ҳам ҳудудларни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бу доимо молиялаштиришга маблағ етишмасликка юқори бюджетга қарз сўраб мурожаат қилишга ўз навбатида молия механизмини мураккаблаштиришга ва ортиқча харажатларни юзага келтиради. Шу мақсадда субвенцияларни аниқ шароитдан келиб чиқиб мақсадли иқтисодий имкониятлари чекланган ҳудудларга бериб бориш ва ҳудудлар иқтисодий имкониятларини тенглаштириб боришга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бюджет ссудаси- юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёки республика бюджетидан юридик шахс-резидент ёҳуд чет давлатга қайтариб беришга асосланган ҳолда ажратиладиган маблағдир. Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаси шаклида хам молиявий маблағлар келиб тушади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетидан ссудалар барча бюджет манбаларидан энг кўп йўналтирилган ссудалар кечиктириб бўлмайдиган биринчи навбатдаги тадбирларни молиялаштиришни таъминламаган тақдирда қуйидагиларга берилади:

- даромадлар тушумлари билан харажатларни амалга ошириш ўртасидаги режали вақтинча касса узилишлариини қоплаш учун;
- даромадлар тушумлари билан харажатларни амалга ошириш ўртасидаги амалдаги вақтинчалик касса узилишлариини қоплаш учун;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлар режали харажатларини мақсадли молиялаштриш схемаларини амалга ошириш учун ажратилади.

Юқори бюджет маблағларидан ссудалар қуйи бюджетга режали ва амалдаги вақтинча касса узилишларини қоплаш учун уч календар ойгача ҳамда мақсадли молиялаштириш схемаларини амалга ошириш учун бир календар ойгача муддат

билан берилиши мумкин. Ссудалар жойлардаги ҳокимият ижроия органлари раҳбарларининг ёзма аризаси бўйича берилади. Улар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жўнатилади, туманлар эса юқори ҳокимиятлар органларига юборади. Бюджетга даромадлар келиб тушмаган ёки бюджет харажатларини олдиндан молиялаштириш зарурияти туғилган ҳолларда ҳамда қабул қилинган чоралар тегишли бюджет даромадлари ва харажатлари мувозанатини таъминланмаган шароитлар ссуда берилиши учун аризага асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ссудаларни қайтариш ссуда бериш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган қатъий белгиланган муддатларда, амалга оширилади.

Барча даражадаги маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигидан келиб чиқиб, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, территориал даромадлар манбаларини, маҳаллий бюжетлар даромадларини ўз даромадлари ёки бириктирилган солиқлар ва тартибга солинувчи солиқлар ҳисобига шакллантирилади.

Бюджет субвенциялари ва бюджет дотациялари Қорақалпогистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга давлат бюджетининг тасдиқланган чегара доирасида берилади. Бунда қуйидаги кўрсаткичлар эътиборга олинади:

- ҳудуднинг даромад базасини ҳисобга олинган ҳолдаги молиявий аҳволи;
- иқтисодий, ижтимоий, экологик, демографик ва бошқа умудавлат дастурларининг ижроси;
- минтақалар бўйича товар ва хизматларнинг баҳосидаги фарқ;
- ҳар бир минтақада яшовчи аҳоли сони;
- шу ҳудудда жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бюджет маблағларига бўлган эҳтиёжи;
- минтақалараро молиявий баланслаштиришда эътиборга олинадиган бошқа омиллардир.

Шу билан бирга, бу тадбирни амалга оширишда маҳаллий худудларда иқтисодий ривожланиш даражаси, меҳнат ресурслари, ушбу ҳудуднинг хом-ашё базаси ва уни ўзлаштириш даражалари эътиборга олиниши керак.

Ватанимиз иқтисодчиларидан Х. Қобуловнинг фикрича, ҳозир амал қилаётган дотация тартиби даромад ва харажатларни оддий ҳисобга олишга асосланган бўлиб, ҳудудлар иқтисодий ўз-ўзини таъминлаш даражасини оширишни рағбатлантирувчи восита ролини ўйнай олмаяпти ва ҳудудлар тараққиёти табақалашувини янада кучайтирмоқда. Бюджетлараро муносабатлар тизимида ҳудудлар иқтисодий потенциалининг ўзгариши динамикасига кўра, маҳаллий бюджетлар кўлами ва таркибининг ўзгариши таҳлили муҳим аҳамиятга эга.

Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, иқтисодий потенциалдан фойдаланиш коэффиценти юқори бўлган туманлар оширилган дотациялар, ушбу коэффицент паст бўлган туманлар эса пасайтирилган дотация олади. Бунинг натижасида дотацияларнинг умумий қиймати ўзгармай қолаверадики, бу нарса бюджетлараро муносабатлар тизимида молиявий дастак тўлиқ ишламаётганлигидан дарак беради. Ўзининг моҳиятига кўра «иқтисодий потенциал» тушунчаси «миллий бойлик» ва «ишлаб чиқарувчи кучлар» тушунчасига яқин ҳисобланади. Иқтисодий потенциал худудлар иқтисодиётининг узлуксиз ва кундалик моддий-техникавий ва меҳнат

ресурслари билан таъминланганлигини хамда улар тараққиётининг иқтисодий ва ижтимоий дастурларни амалга оширишга оид карорлар қабул қилиш учун ҳисобга олинадиган белгиловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳудудий иқтисодиёт муаммолари, жумладан, ҳудудлар иқтисодий потенциали ҳозирги кунда долзарб масала бўлишига қарамай иқтисодий потенциални аниқлаш услубиёти комлекс ҳолда ишлаб чиқилмаган.

Иқтисодчи олим томонидан таклиф этилган услубиёт маҳаллий бошқарув органларини тез орада ўз иқтисодий потенциалини оширишга мажбур этади. Мазкур услубиёт асосида иктисодий потенциалдан фойдланиш даражаси вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан юқори бўлган туманларда оширилган суммада дотациялар берилиши, иқтисодий потенциалдан фойдаланиш даражаси паст бўлган туманларда эса дотациялар миқдори айнан шу суммага пасайтирилиши лозим.Ушбу тадбир тез орада туманлар иқтисодий потенциалидан фойдаланиш самарадорлигининг ўсишига ҳамда бюджетлараро муносабатларни ҳудудлар тараққиётини тартибга солишнинг муҳим дастагига айланишини таъминлайди.

Қорақалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларда харажатлар ва даромадлар ўртасидаги вақтинчалик кассалик фарқ айланма касса маблағи, юқори бюджетдан бериладиган бюджет ссудаси билан, ўтган даврда ишлатилмай қолган бюджет маблағлари ҳисобига қопланади. Айланма касса маблағи меъёри – молия йилида Қорақалпогистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджет ҳисобварақларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун хужжатлари билан белгиланадиган энг кам миқдоридир.

Айланма касса маблағи меъёри қонун хужжатларига мувофиқ молия йили бошида Қорақалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджет ҳисобварақларида белгиланган йиллик бюджет доирасидаги харажатларнинг, иш ҳақи ва унга ҳисобланадиган ажратмаларнинг ўн иккидан бир қисмини ташкил қиладиган пул маблағларининг минимал миқдоридир. Айланма касса маблағи меъёрининг хажми давлат бюджети тўғрисидаги конунда белгиланади.

Шунингдек, марказлашган тадбирларни молиялаштириш мақсадида қуйи даражадаги бюджетлар даромадига ажратмалар ажратадиган юқори даражадаги бюджетларда даромадлар марказлаштирилиши мумкин. Ажратмалар меъёри жорий йил давлат бюджети тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланади.

7.4. Бюджетлараро муносабатларни шакллантиришнинг хориж тажрибалари

Мамлакат бюджетининг тузилиши биринчи навбатда давлат тузилишига боғлиқ бўлади. Унитар тузилишга эга бўлган мамлакатларда бюджет тизими икки босқичдан, давлат ва маҳаллий бюджетлардан иборат. Федерал тузилишга эга бўлган мамлакатларда бюджет тизими уч бўғиндан иборат. Унитар давлатлар бюджет тизими бюджет ресурсларининг юқори даражада марказлашуви ва маҳаллий бюджетларнинг ҳуқуқ ва мажбурият даражаси камлиги билан ажралиб туради. Федератив тузумдаги давлатларда эса бюджет тизими маҳаллий бюджетларнинг нисбатан мустақиллиги ва бу борадаги ваколат доирасининг кенглиги билан ажралиб туради.

Давлат бюджетининг ажралмас муҳим қисми бюджетлараро муносабатлар ҳисобланади. Уларни ташкил қилиш давлат тузилишининг модели билан бевосита боғлиқдир.

Ривожланган давлатларда бюджетлараро муносабатлар тизими аллақачон ишлаб чиқилган, бунда айрим таркибий қисмлар вақти-вақти билан ўзгартириб турилади. Ўтиш даври иқтисодиётидаги давлатларда бюджетлараро муносабатларни барпо этиш ва уни ислоҳ этиш янги тамойиллар ва шарт-шароитларга асосланади.

Жаҳон амалиётида бюджет тузилишининг бир қанча моделлари мавжуд.

1. Биринчи модел бўйича марказий ва махаллий бюджетлар автоном, ўзини мутақил идора килиш ҳукукига эга бўлиб, шу сабабли улардан ҳар бири ўз харажатларини тўлиқ қоплай оладиган ўз даромад манбаларига эга.
2. Иккинчи модел ўзининг асосий кўриниши билан биринчисига ўхшайди, лекин марказий бюджетга маҳаллий бюджетларга нисбатан муайян тартибга солувчи рол мустаҳкамлаб берилади.
3. Учинчи модел барча бюджетларни ягона Давлат бюджетига бирлаштиришни назарда тутади ва ҳар бир юқори бюджетга тартибга солувчи роли мустаҳкамлаб берилади.

Бюджет тизими бир неча даражалардан иборат бўлиши мумкин, ушбу даражалар сони у ёки бу мамлакатнинг бюджет тузилиши билан белгиланади. Унитар давлатларда-Франция, Италия, Японияда икки даражали тизим, Федератив давлатларда-уч даражали тизим мавжуд. Россия, АҚШ, Германия.

Бизнинг давлатимиз бюджет тизим бирлиги Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланган бўлиб, унда қуйи бюджетлардан ҳар бири юқори бўғинга кириши назарда тутилган.

Бизнинг давлатимиз бюджет тизимини ташкил этган бюджетларнинг бутун мажмуини йиғма ва алоҳида ажратилган бюджетларга бўлиш мумкин. Ўзбекистонда давлат бюджетининг таркибини ва бюджетлараро муносабатларнинг асосини белгилаган биринчи хужжат-Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунида бюджет тизимининг таркиби ва бошқарувининг асосларини, тузилиш тамоилларини, давлат бюджети таркиби, унинг тузилиши, ижро этилиши тартибини, даромадлар шаклланишининг ва харажатларни амалга оширишнинг тамоилларини қамраб олган, шунингдек, турли даражадаги бюджетлараро муносабатларнинг механизми аниқлаб берилган. Давлат бюджетининг маблағлари билан муомала қилиш устидан назорат ва ҳисобот тартиби берилган. Ушбу қонун бошқа давлатларнинг шунга ўхшаш қонунлари билан маълум ўҳшашликларга эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси бюджет тузилиши ва бюджетлараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган.

Умумдавлат солиқларни тақсимлаш билан бир қаторда молиявий ёрдам бюджетлараро бошқарувнинг воситаларидан бири ҳисобланади. Маълумки, горизантал ва вертикал бюджет мувозанати бузилишини олдини олиш ва уни тенглаштириш мақсадида юқори бюджетлардан турли кўринишдаги молиявий ёрдамлардан фойдаланилади. Вертикал бюджет мувозанатиниг бузилиши маҳаллий бюджетлар харажатларининг ўз манбаларидан олган даромадларидан олиб кетишдан иборат. Горизантал бюджет мувозанатининг бузилиши эса турли бюджетлар харажатлари ва даромадлари ўртасидаги тафовутлардан иборат. Бюджетлараро мувозанат бузилиши фақатгина ўтиш давридаги давлатлар

иқтисодиётига уларнинг давлат бюджетига хос эмас. Даромадлар ва харажатларнинг ҳар қандай бюджетлараро тақсимоти бюджетнинг вертикал ва горизантал мувозанатининг бузилишига олиб келади. Хусусан, горизантал мувозанатни бузилиши харажатлар ҳажмига таъсир қилувчи иқтисодий фаолликнинг, табиий ресурсларнинг ва демократик омилларнинг нотекис географик тақсимоти оқибатида юзага келади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошдан кечираётган давлатлар тажрибаси бизнинг республикамиз учун улар тажрибасини ўрганиш ва шундан келиб чиққан ҳолда бюджет муносабатларини шакллантиришни муқаррар қилиб қўйди.

Дунё тажрибасига кўра бюджетлараро муносабатлар муаммоси учта саволни ўз ичига олади:

⇒ турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромадларни тақсимлаш;

⇒ харажатларни молиялаштириш бўйича ваколатларни чегаралаш ва белгилаб бериш;

⇒ бир даражадаги бюджетдан иккинчи даражадаги бюджетга маблағларни турли шаклда қайта тақсимлашни ўз ичига оладиган бюджетлараро муносабатларни амалга ошириш.

Турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромадларни тақсимлашнинг қўплаб усулларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу услуллар бюджет автономияси даражасига, уларни амалиётга жорий этишнинг мураккаблик даражасига, шунингдек, ҳудудлараро қайта тақсимоти даражасига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Жаҳон тажрибасида даромадларни тақсимлаш ваколатининг асосан уч шакли кенг қўлланилади.

⇒ солиқ манбаларини бюджетлараро тақсимлаш ва улардан алоҳида фойдаланиш.

⇒ федератив бюджетда даромадларнинг бир қисмини тақсимлаш;

⇒ солиқ олишда бир манбадан биргаликда фойдаланиш.

Турли давлатларда турлича моделлардан фойдаланилади. Германия моделида олинган солиқ тушумларининг федератив бюджет ва маҳаллий бюджетлар ўртасида бўлиниши устунликда ишлатилади. Айни вақтда Канада ва АҚШ да эса солиқ тушумларининг бўлиниши қўлланилади. Масалан: мол-мулк солиғидан Германия, Россия, Канада ва АҚШ да солиқ тўловларидан алоҳида фойдаланиш модели асосида амалда иш юрилади. Фойда солиғидан Россия, Канада ва АҚШ да солиқ манбаларидан биргаликда фойдаланиш модели ишлатилса, Германияда олинган солиқ даромадларини бўлиниши қўлланилади. Россияда бюджет тизимининг турли даражалари ўртасида солиқ ваколатларининг тақсимланишнинг уч усули расман қўлланилади.

Унитар давлатлар (Буюк Британия, Франция, Италия) бюджет тизими икки поғонали бўлиб, алоҳида солик тўловлари турларига мос равишда марказий ва маҳаллийга бўлинади. Федератив давлатларда (АКШ, Германия, Канада) уч бюджет погонасига мос равишда уч погонали- федерал, худудий, махаллий бюджетлар- мавжуд.

АҚШда бюджет-солиқ сиёсатини амалга оширилишида бюджет воситаларининг шаклланиши ва ҳаракат қилиниши марказий ўринни эгаллайди. АҚШ молия тизимининг асосий бўғини бўлиб, федерал хукуматнинг бюджет механизми ҳисобланади.

АҚШ молия тизими етакчи ўринни бюджет тизимининг 60 фоизга яқин даромад ва харажатларини амалга оширувчи федерал бюджет тизими эгаллайди. АҚШда федерал бюджет – давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий муносабатларини тартибга солиб турувчи асосий инструмент ҳисобланади. Ушбу бюджет маблағлари ҳисобидан харбий соҳани молиявий таъминлаш, бошқа давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига таъсир кўрсатиш, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларда давлат аралашувини таъминлаш, кўп сонли давлат аппаратини сақлаб қолиш каби харажатлар молиялаштирилади.

Ҳар қандай мамлакатнинг бюджет тизими ундаги давлат тизимининг қай йўсинда шаклланишига чамбарчас боғлиқ. АҚШ нинг бюджет тизими ҳақида гап кетар экан, аввалombор, унинг ўта мураккаблиги кўзга ташланади. АҚШ бюджет тизимининг шаклланиши ва амалдаги фаолияти энг бой ва тараққий топган давлат молия тизимини акс эттиради.

Америка Қўшма Штатлари 50 та штатдан иборат федератив республика ҳисобланади. Ҳар бир штат ўз конститутциясига эга ва ҳар бир штат ичида одатда, округ ва шаҳар, шаҳарча ёки қишлоқ сифатида белгиланган, камида қўшимча иккита давлат бошқарув даражасига лойиқ аҳоли мажмуаси мавжуд.

Конститутция Штатлар ҳукуматлари ва маҳаллий ҳокимият органларининг автономлигини кафолатлайди. Маҳаллий ҳокимият органлари Штатлар ҳукуматининг бўлинмалари ҳисобланади. Маҳаллий солиқлар ва бошқа тушумлар миқдори жойларда аниқланади ва уларнинг миқдори Штатлар томонидан белгиланади. Штатлар савдо солиғи, автомобил эгаларидан тушумлар, мол-мулк солиғи, турли комиссион тўловлар ҳисобига яшайди. «Федерал ҳукумат Штатларга ва маҳаллий ҳокимият органларига ҳукумат хизматларини амалга оширишда кўмаклашиш мақсадида грантлар, заёмлар ва солиқ субсидияларини тақдим этади. Штатлар ва маҳаллий ҳокимият органлари ўз қарзлари бўйича жавобгардирлар»[1].

Федерал ҳукумат, Штатлар ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўп режалидир. Ижтимоий суғурталаш ва мудофаа каби айрим йирик харажатлар категориялари бўйича молиялаштириш Федерал ҳукумат ҳисобидан амалга оширилади. Бироқ, айрим ҳолларда Штатлар муайян харажатларни молиялаштириш бўйича жавобгарликни ўзаро тақсимлайди. Масалан, Штатлар йўллар қуради ва уларни сақлаш харажатларини молиялаштиради. Тиббий хизмат кўрсатиш ва кам даромадли оилаларга ёрдам каби ижтимоий хизмат кўрсатиш дастурлари бутунлай Штатлар ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан молиялаштирилади.

АҚШ молия тизимининг асосий бўғини федерал хукумати бюджет механизми ҳисобланади. Йирик ва доимий тушумга эга бўлган солиқлар федерал бюджетга йўналтирилади. Федерал харажатлар умумдавлат харажатларининг тахминан 60 фоизини ташкил этади, қолган 40 фоизи штатлар ва маҳаллий ҳокимият идораларининг бюджетларига тўғри келади. АҚШнинг бюджет тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, ижтимоий харажатларнинг асосий қисми маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади. Кейинги йилларда жами харажатларнинг 30-35 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Федерал бюджетнинг харажатлар қисми 20 та асосий бюджет тоифаларига, шу жумладан, миллий мудофаа, халқаро ишлар, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетикани ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий суғурта харажатларига,

[1] Ахмеджонов А. ва бошқалар. Амерка қўшма штатларининг федерал бюджет тизими. Ўқув қўлланма. Фан. 2004. -15б.

давлат қарзи бўйича фоизлар тўлашга ва бошқаларга бўлинади. Штатларнинг бюджетларига солиқ тушумларининг умумий ҳажмида жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи 39,0 фоизни, маҳсулот сотишдан олинадиган солиқ 49,0 фоизни, юридик ва жисмоний шахслардан олиндиган мулк солиғи 2,0 фоизни, фойдали қазилмаларни қазиб чиқарганлик учун табиий ресурсларнинг мулкдорлари томонидан тўланадиган солиқ 2,0 фоизни, лицензияланадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берганлик учун олинадиган лицензия йиғимлари 6,0 фоизни ташкил этади. Муниципал маъмурлар жисмоний шахсларга даромад солиқлари, акцизлар, компаниялардан лицензия йиғимлари, касб учун солиқ, фойдали қазилмаларни қазиб чиқарганлик учун солиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ солиши мумкин.

АҚШ солиқ тизимига хос бўлган рағбатлантирувчи ёндашув бошқа ҳар қандай тизимга нисбатан кучлироқдир. Бундай ёндашув фақат иқтисодиётга эмас, балки жамият ҳаётида ҳам кўзга ташланган ижобий тамойиллар ва жараёнларнинг самарали ривожланишини таъминлайди.

Буюк Британия давлат молияси Давлат бюджети, махсус фондлар, маҳаллий молия, давлат корпорациялари молиясидан иборат. Бюджет тизими молия тизимининг етакчи бўғини бўлиб, у мазкур давлат тузилиши шаклига мувофиқ, Давлат бюджети ва кўп сонли маҳаллий бюджетлардан ташкил топган. Бошқа давлатлардаги каби Буюк Британияда Давлат бюджети тўғрисидаги асосий қонуни бўлиб, ҳар йили хукуматга муҳокама учун тақдим этилади. Молия вазири Парламент олдида жорий йилда иқтисодиётнинг ривожланиш натижалари ва келгуси молия йилида ҳукуматнинг асосий мақсад ва вазифалари хусусида маъруза қилинади. Маърузада давлатнинг жорий харажатлариини молиялаштириш учун ҳукумат томонидан янги солиқ тўловларини жорий қилиш, солиқ сиёсатига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш каби масалалар янада аниқлаштирилган ҳолда ўз аксини топади.

Буюк Британия молия тизимининг учинчи бўғини маҳаллий молия ташкил этади. Улар иқтисодий муносабатлар тизимини ўзида акс эттириб, тегишли ҳудудларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш учун умумдавлат ва маҳаллий молия ресурсларини тақсимлаш амалга оширилади. Буюк Британия маҳаллий ҳокимият органларининг харажатлари умумдавлат харажатларини 25 фоизини ташкил этади. Харажатлар асосан, таълим соҳасига, қонун ва ҳуқуқ, тартибот, ижтимоий хизматларга, атроф-муҳитни асраш, йўллар ва транспорт соҳаларига йўналтирилади. Бундан ташқари, маҳаллий молия хўжалик субъектлари ва ҳудудий бюджетдан ташқари фонд маблағлари ҳисобига ҳам шаклланади.

Германия молия тизими-федерал бюджет, 16 та федерал ерлар бюджети, обшиналар бюджети, хукуматнинг бюджетдан ташқари фондлари, федерал темир йул ва почта давлат корхоналари, ижтимоий суғурта, меҳнат бўйича федерал идора молиясини ўз ичига олади. Бюджет тизими таркиби ва бюджет жараёни давлат тузулищининг федерал характерига мос келади. Давлат бюджетига маъмурий бошқарувнинг учта даражаси мос келади: Федерация бюджети, федерал ерлар бюджети-ҳудудий бюджетлар ва обшиналар бюджети. Давлат йиғма бюджети уч даражасининг бюджетлари даромадлари ва харажатлариини ўз ичига олади ва улардан бюджетлараро трансфертларни ажратиш йўли билан ҳосил килинади. Федерал бюджет парламент томонидан тасдиқланади. Федерал бюджетни тузиш, тасдиқлаш ва ижро этиш кутилаётган даромадлар ва харажатларни аниқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш, бюджет ижросининг ҳақиқий аксини кўзда тутади.

Испанияда ҳар бир маъмурий ҳудудий бирликлардаги жон бошига тўғри келадиган даромадлардан келиб чиққан ҳолда, марказий ҳокимиятлар бюджетдаги солиқ тушумлари соҳаси бўйича ҳудудий органлар бюджетларини корректировка қилишда ҳам иштирок этади. Жон бошига ўртача даромади юқори бўлган ҳудудий органлар бюджетлардаги солиқ тушумларининг бир қисми марказий ҳокимият органлари томонидан олиниб, даромад даражаси паст бўлган ҳудудларга йўналтирилиши мумкин.

Францияниг маҳаллий солиқлари ичида касб солиғи, уй-жой солиғи, қурилиш, ва иморатларга солинадиган ер солиғи алоҳида аҳамиятга эга. Касб солиғи юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланади. Солиқни ҳисоблаш учун иккита элемент йиғиндисини маҳаллий ҳокимият органлар томонидан белгиланган солиқ ставкаси кўпайтириш асосида амалга оширилади. Бу икки элемент бўлиб, солиқ тўловчи касб фаолиятида ўз эҳтиёжи учун фойдаландиган кўчмас мулкнинг ижара қиймати ҳамда солиқ тўловчининг ўз ишчиларига тўлайдиган иш ҳақи ва солиқ тўловчи оладиган даромаддан аниқ бир фоиз ҳисобланади. Уй-жой учун солиқни мулк эгалари билан бир қаторда ижарачилар ҳам тўлайди. Юқорида изоҳланган солиқлардан ташқари, маҳаллий ҳокимият органлари бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, божларни ўз худудларида жорий қилиш ҳуқуқига эга.

Қозоғистон Республикаси адолатли барқарор бюджетлараро муносабатлар тизимини ташкил этиш йўлларини қидиришни ҳозиргача давом этмоқда, чунки бундай тизимнинг ташкил этилиши барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳолини фаровонлигини ошириш асосларини таъминлашга қаратилгандир. Қозоғистон Республикаси ушбу мураккаб вазифани ҳал этиш учун 2005 йилгача бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқилган. Бунда бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилиш вазифалари, тамойиллари ва мақсадлари ушбу ҳужжатда ўз аксини топган.

Жумладан:

- Қозоғистон Республикаси бюджет тизими молиявий ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- турли даражадаги бюджетлардан молиялаштириладиган ижтимоий кафолатларнинг Қозоғистон Республикаси Конститутциясида белгиланган минимал даражасини мамлакат бутун ҳудудида амалга ошириш имкониятларини тенглаштириш;
- ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши самарадорлигини ошириш учун шароит яратиш;
- бюджетлараро муносабатлар иштирокчиларининг манфаатлари уйғунлиги, турли даражадаги бюджетлар мустақиллигини таъминлаш;
- турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромад манбалари ҳамда харажатлар бўйича ваколатлари ва масъулиятларини қонуний чегаралаш;
- вилоятлар ва бошқа маъмурий ҳудудий тузилмалар таъминланиши учун бюджет маблағларининг объектив қайта тақсимлаш.

Бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилиш мақсадида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

- ♦ ҳудудий бюджетлар тизими амал қилишининг самарадорлигини ошириш, ҳудудий молия ҳолатини соғломлаштириш;
- ♦ дотацияларни ҳамда дотация олувчи ҳудудлар сонини қисқартириш;

- ♦ бюджет маблағлари қарама-қарши оқимларини минималлаштириш;
- ♦ маблағлар ажратилишининг, уларни ишлатиш устидан назоратни ошириш;
- ♦ юқори дотация олувчи ҳудудларни қўшимча молиявий ёрдамлар билан таъминлаш;
- ♦ ҳудудда инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмини яратиш;
- ♦ алоҳида лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қўшма молиялаштириш тартибидан фойдаланиш;
- ♦ харажатларни оптималлаштириш ҳамда ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва солиқ салоҳиятини ошириш орқали маҳаллий ҳокимият органлари манфаатдорлигини кенгайтириш;
- ♦ марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият бошқаруви органлари бюджетлараро муносабатлараро муносабат-ларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш.

Қозоғистон Республикасида бюджетлараро муносабат-ларни ислоҳ қилиш концепциясини яратиш ҳамда айрим харажатларни молиялаштириш бўйича ваколат ва вазифаларни ҳукумат бўғинларининг биридан иккинчисига олиб бериш муаммоларини ҳал этиш юзасидан махсус Ҳайъат иш олиб бормоқда. Бунда бюджетлараро молия оқимларини мақбуллаш-тириш жараёнининг шартли учта асосий йўналишини кўрсатиш мумкин:

- ♦ харажатлар бўйича ваколатларнинг чегараланиши;
- ♦ бўғинлараро бюджет тизими даромадларининг чегараланиши;
- ♦ бюджет бўғинлари ўртасида маблағларнинг қайта тақсимланиши.

Қуйи бюджетларга берилган ваколатларни молиялаштириш учун мос равишда маблағларни бериш тартиби асосий муаммолардан бири ҳисобланади, Ушбу муаммони кўйидаги йўл билан ҳал этиш мумкин.

1. Берилган ваколат ва вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ҳажмда мақсадли субвенциялар кўринишида юқори бюджетлардан маблағлар бериш мумкин.
2. Маҳаллий бюджетларда тўлиқ ёки қисман бириктирилган ўз солиқларининг ҳиссасини ошириш мумкин.
3. Республика солиқлари ставкаларига қўшимча ҳудудий устамаларни белгилаш ҳуқуқини бериш.

Бюджет амалиётида маблағлар беришнинг у ёки бу шаклидан фойдаланиш мумкин, асосийси ушбу шакллардан қандай ҳолларда фойдаланиш мақсадли эканлигини аниқлаб олиш зарур.

Таянч сўз ва иборалар

Бюджетлараро муносабатлар, вертикал баланслаштириш, горизонтал баланслаштириш, дотация, ссуда, субвенция, айланма касса маблағи, , тартиб солувчи солиқлар.

Назорат учун саволлар:

1. Бюджетлараро муносабатларни иқтисодий моҳиятини тушунтиринг.
2. Маҳаллий бюджетларда бюджетлараро муносабатларни шакллантиришнинг аҳамиятини кўрсатинг.
3. Хориж тажрибалари асосида бюджетлараро муносабатларни амалга ошириш механизмларини тушунтиринг.
4. Жаҳон амалиётида бюджет тузилишининг қандай моделлари мавжуд?
5. Маҳаллий бюджетларни баланслаштиришнинг: вертикал ва горизонтал кўринишини моҳиятини кўрсатинг.
6. Маҳаллий бюджетларга бюджет субвенциялари ва дотациялари ажратилаётганда қандай кўрсаткичлар эътиборга олинади?

Тестлар

1. Юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга ўз маблағлари етишмай қолганда даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун ажратиладиган қайтарилмайдиган пул маблағлари - бу:

а) бюджет субсидиялари;
в) бюджет субвенциялари;
с) бюджет дотациялари.

2. Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китобларнинг қатнашчилари ҳисобланади?

а) Ўзбекистон ҳукумати ва юқори бюджетлар;
в) юқори ва қуйи бюджетлар;
с) юқори бюджетлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

3. Нотўғри жавобни топинг.

а) айланма касса маблағи меъёри – молия йилида Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджет ҳисоб варақларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган энг кам миқдоридир;

в) айланма касса маблағи меъёри қонун ҳужжатларига мувофиқ молия йили бошида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджет ҳисоб варақларида белгиланган йиллик бюджет доирасидаги харажатларнинг, иш ҳақи ва унга ҳисобланадиган ажратмаларнинг тўртдан бир қисмини ташкил қиладиган пул маблағларининг минимал миқдоридир;

с) айланма касса маблағи меъёрининг ҳажми давлат бюджети тўғрисидаги қонунда белгиланади.

4. Бюджетлараро қайта тақсимлашда ишлатилмайдиган усуллар:

а) дотация;
в) субвенция;
с) 0 дан бюджетлаштириш.

5. Молия йилида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисоб варақларида туриши мумкун бўлган пул маблағлари қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдори қандай номланади?

а) бюджет дотацияси;
в) бюджет субвенцияси;
с) айланма касса меъёри.

6. 2006 йил учун режалаштирилган Давлат бюджети параметрига мувофиқ Республика бюджетидан бюджет дотациясини олмайдиган ҳудудни аниқланг?

а) Хоразм вилояти;
в) Қорақалпоғистон Республикаси;
с) Қашқадарё вилояти.

8-Боб. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетларининг ҳозирги замон муаммолари

8.1. Маҳаллий бюджет манбаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш масалалари

Ҳозирги даврда қуйи даражадаги бюджетларнинг юқори даражадаги бюджетлар ва идораларга қатъий маъмурий бўйсиниши амалиёти ўрнига турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро муносабатлари қарор топди, бюджетларнинг ўзлари эса ўзгача молиявий мазмун касб этди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 11 майдаги V-сессиясида давлат бюджети ижросини муҳокама қилиш жараёнида таъкидлаганидек, бюджет жараёнида айнан маҳаллий бошқарув органлари ваколатига кирувчи бюджет маблағлари улушини кўпайтириш лозим.

Маҳаллий бюджетлар харажати ошиб бораётган ҳозирги кунда хукумат томонидан уларни даромадларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бириктирилган даромадлар сони кўпайтириб борилди, тартибга солувчи солиқлардан ажратмалар миқдори ошириб борилди. Бу ўз навбатида, маҳаллий бюджетлар даромадларини ошишига, демак, уларнинг ҳудудларида яратилаётган миллий даромадларини тақсимлашдаги ўрнини ошишига олиб келади.

Мутахассисларнинг фикрича, «ғарб давлатлари солиқ тизимининг муҳим ташкилий тамойиллари мамлакатнинг худудий-сиёсий тузилишига мос равишда марказий бюджет ва турли даражадаги бюджетлар даромад турларининг аниқ белгиланиши ҳисобланади»[1].

Шу сабабли бюджетлараро муносабатларда солиқ базасини бўлиш ва уни бюджетларга тегишлича барқарор биркитиш, турли бюджетлар мажбуриятлари ва харажатларини аниқ белгилаб қўйиш, бюджетлараро муносабатларнинг янги механизмларини яратиш масалалалрини ҳал этиш кун тартибига қўйилган. Албатта, бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бюджет ресурсларининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва улардан фойдаланиши жараёнида юзага чиқади ва ўзаро муносабатларнинг ягона тизимида бориши керак. Молиявий ресурслар тақсимланиши ва улар тегишлича каналлар бўйича республика ва маҳаллий бюджетларни шакллантириш учун юборилиши, сўнгра молиявий ресурсларнинг жисмоний ва юридик шахсларга йўналтирилиши тартибга солиниши керак.

Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг бюджети тизими уч гуруҳдан иборат омиллар таъсирида фаолият кўрсатмоқда. «Булар қуйидагилардан иборат:

- Солиқ Колекси ва янги бюджет қонунлари билан боғлиқ бўлган бюджет ислоҳотлари омиллари;
- Ўзбекистон Республикасида бюджет тузилиши, ҳокимият тузилмаси ва механизмларни давлат томонидан ислоҳ қилиш, республика ва минтақалар бюджетлари ваколатларини белгилаб қўйиш омиллари;
- тўлов баланси ва бюджет кўрсаткичларининг ўзаро иқтисодий таъсири омилларидир»[2].

---

[1] Мещерякова О. Налоговые системы развитых стран мира. Справочник. М.: С5.

[2] Жамолов Ҳ., Хакимова Ш. Взаимодействие звеньев бюджетной сиситемы в условиях либерализации экономики. \\ Экономический вестник Узбекистана. 2001. №6. стр 28.

Айни пайтда шуни таъкидлаш керакки, бюджетларнинг ўзаро таъсирини тадқиқ этиш услубиёти янги турдаги бюджетлараро муносабатларнинг моҳиятини очиб бериши учун бир қатор масалаларни илмий таҳлил қилиш лозим. Булар жумласига бюджетлараро муносабатларнинг юзага келиш шароитлари, унинг моҳияти ва объектив асоси, бу муносабатларнинг доираси, уларнинг ўзаро таъсири тамойиллари ва механизмлари киради.

Ҳудудларнинг молиявий ресурсларининг аксарият қисми маҳаллий бюджетларда шаклланади ва улар орқали тақсимланади. Маҳаллий бюджетлар давлат бюджет тизимида асосий ўринни эгаллайди. Маҳаллий бюджетлар орқали маҳаллий ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатидан ривожланиши молиявий маблағлар билан таъминлаб борилади.

Маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджетидаги тутган ўрни уларнинг бюджет даромадларини шакллантириш ва тақсимлаш борасидаги ҳиссаларини таҳлил этишда янада яққол намоён бўлади. Тахлил натижаларидан кўриниб турибдики, маҳаллий бюджетлар орқали давлат бюджетининг асосий молиявий ресурслари шаклланиши билан бирга уларнинг тақсимотини ҳам катта қисми маҳаллий бюджетлар орқали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги йиллардаги ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида, умумдавлат бюджети маҳаллий бюджетлардан устун мавқеда турди. Бироқ, ислоҳотларни эркинлаштириш шароитида бизнинг олдимизда турган масала бюджет компанентларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида эмас, балки республика бюджетнинг функционал ролини қисқартириш ва маҳаллий бюджетларнинг асл функцияларини шакллантириш масаласидир.

Маҳаллий бюджетларда назарда тутилган айрим харажатларни мақсадли молиялаштириш учун қуйи бюджетлар ҳисобига киритиладиган даромадларни республика бюджетига ўтказиши мумкин. Лекин бундай муносабатларда, бизнинг назаримизда, молия тизимининг вертикал бошқарувда бири-бирига бўйсиниши кузатилади, бу эса бюджетлараро муносабатлар эркинлигини жиддий чеклаб қўяди.

Айни пайтда қуйи бюджетлардан фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бошқарув ҳамда давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш, бюджет ташкилотларини жорий харажатлари, мақсадли дастурлари ва тадбирлар амалга ошириш молиялаштирилади. Юқоридагилардан кўринадики, бу харажатларда давлатнинг минтақалардаги иқтисодий сиёсатининг асосий қисми мужассам этилган. Аслида бюджетларнинг ўзаро муносабатлари ва алоқаларида республика бюджетининг бу қадар салмоқли устиворлиги бўлмаслиги керак.

Бир қатор мамлакатларда бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш харажатлар мажбуриятларининг бюджетлар ўртасида тақсимлаши бюджет харажатларини молиялаштириш тартибини қатъий белгилаб қўйиш, даромадлар манбаларини узоқ муддатли чегаралаш, бюджетлардан молиялаштириладиган харажатларнинг миқдори, таркиби ва амалга ошириш тартибини аниқлашни қуйи ҳокимият органларига бериш каби йўналишда боради.

Масалан, Россия Федерациясида бюджетлараро муносабатларнинг мавжуд тизими теран ислоҳотларга муҳтож. Ҳозирга қадар асосий эътибор молия ресурсларини бюджет тизимининг турли даражалари ўртасида ва минтақалар ўртасида қайта тақсимлашга қаратиб келинди. Ҳозир эса бюджет мажбуриятлари

ва уларнинг ижроси учун жавобгарликни турли даражадаги ҳокимият органлари ўртасида аниқ белгилаб қўйиш вазифаси турибди.

Иқтисодиёт соҳасида эркинлаштириш давлатнинг хўжалик субъектлари ишига аралашувини чеклашни, уларнинг иқтисодий эркинлиги ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтиришни назарда тутади. Бу вазифаларни фақат бюджет сиёсати тамойилларини маҳаллий бюджетлар фойдасига тубдан ўзгартирмасдан туриб ҳал қилиб бўлмайди.

Мамлакатда ижтимоий фаровонликни таъминлашда давлат аҳолига бепул берадиган ижтимоий неъматларнинг роли ошиб боради ва уларни молиялаштириш бюджетдан бўлади. Биз биламизки, ҳозирги иқтисодиёт ғоят сифатли иш кучини талаб этади ва шу муносабат билан инсон капиталининг иқтисодиёт учун аҳамияти беқиёс ошади ва унга катта инвестициялар талаб қилади ва буларни катта қисми бюджетдан молиялаштирилади.

Бюджетнинг асосий вазифаси ижтимоий неъматларни такроран яратиб, уларни эл хизматига тақдим этишдир. Бу хизматларни талаб-эҳтиёжларга мос равишда яратиш уларни маҳаллийлаштириш зарур бўлади. Бу эса ўз навбатида маҳаллий бюджетлар аҳамиятини оширади. Бироқ ижтимоий неъматлар умуммиллий ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлади.

Мана шунинг ўзи уларни турли манбалар ҳисобидан молиялаштиришни талаб этади. Булар марказлашган ва маҳаллий маблағлар бўлиши мумкин. Турли манбалар нисбати бюджетлараро муноосабатларни юзага келтирадики, у объектив шароитдан келиб чиқади, чунки ижтимоий неъматларнинг табиати улар исътемолини ва шунга биноан уларни ҳосил этиш жараёнини молиялаштиришни кўп манбали қилади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, бюджетнинг зарурлигини фуқаролик жамиятида индивидуал ва корпоратив эҳтиёжлардан ташқари, ижтимоий эҳтиёжларни бўлишидан ва уларни марказлаштирилган ресурслар ҳисобидан қондирилиши билан асослаш мумкин. Бюджет функцияларига келсак, улар таркибида ижтимоий неъматларни доимо яратилиб туриш ва аҳолига етказилиб беришини молия ресурслари билан таъминлаш ва иқтисодиётни тартиблаш воситаси бўлишини киритиш зарур.

Давлатнинг юридик ва жисмоний шахслар билан молия муносабатлари давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари асосида шаклланди. Бюджетнинг даромадлари ва харажатлари –махсус иқтисодий шакллар бўлиб, уларнинг асосида жамиятда яратилган молиявий ресурсларнинг қайта тақсимланиши юз беради. Демак, марказий ва маҳаллий даражадаги бюджет моҳияти жиҳатидан бюджет даромадлари ва харажатлари кўринишида амал қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларнинг муаммолари, хусусан, собиқ социалистик мамлакатларда давлат имкониятларининг номукамаллиги иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг кўпгина соҳаларида ривожланиш истиқболлари учун жиддий тўсиқ сифатида баҳоланади. Ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солишда бир неча муҳим мақсадлар кўзланади. Биринчи навбатда, бозор иқтисодиётининг нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ўзини ижтимоий ларзалардан ҳимоя қилиш киради.

Давлат ўзининг асосий эътиборини устивор йўналишларга қаратади. Бундай устивор йўналишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

⇒ иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш;

⇒ таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантириш;

⇒ транспорт тармоғини қуриш ва унинг ишлашини таъминлаш.

Давлат иқтисодий жараёнларни тартибга солишда ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда чора-тадбирлар кўришда фаол рол ўйнамоғи лозим. Бу ўринда гап давлат жамиятнинг иқтисодий ҳаётига аралашиши керакми ёки аралашмаслиги лозимми деган масала хусусида бораётгани йўқ, гап давлат бу ишни қай тарзда ва қандай маблағлар билан амалга ошириши ҳақида бормоқда.

Бозор муносабатларигп ўтишда маҳаллий бюджетлар ролини ошириш ва молиявий ресурсларни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга. Бундай ёндашувга асос шуки, давлат бюджети даромадларини кўпайтириш ва шакллантиришда асосий ҳиссани маҳаллий бюджетлар қўшади. Иккинчи томондан, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш бўйича тадбирлар мажмуида жойларда умумий иқтисодий аҳволни яхшилашга ёрдам берадиган, бозор инфратузилмасини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган тадбирлар мавжуд.

Бизнинг фикримизча, «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган ўзаро боғлиқлик сўзлари ифодаланган. Маҳаллий бюджетлар даражасида аҳвол ҳозирги эркин бозор иқтисодиёти талаблари даражасига мос бўлиши учун худди шу қонунда бу нормативларнинг минимал параметрларини белгилаб қўйиш ёки ғарб мамлакатлари амалиётида кўп қўлланиладиган қуйи ва юқори чегаралар вилкасини» белгилаб қўйиш мумкин.

Жойларда маҳаллий хом-ашёларга асосланган ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишга, мамлакат табиий бойликларини кенг ишлатишга шароит яратади ва валюта маблағларининг тежалишини таъминлайди. Масалан, Сурхондарё вилоятда 1950 йилдан бошлаб йилига 200 минг тонна кўмир қазиб чиқариш қувватига эга бўлган Шарғун кўмир кони фойдаланилаяпти. Йилига 150 минг тонна кўмир брикети ишлаб чиқаришга мўлжалланган брикет фабрикаси ишлаб турибди. Жарқўрғон туманидаги “Хоудак” йод ва бром ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Ҳозирги кунда 2735 метр чуқурликдан 75 градус иссиқликда йод-бром таркибли сув отилиб чиқмоқда. "Ховдак" да йилига 3 тонна йод ва 52 тонна бром моддаси ишлаб чиқариш имконияти борлиги аниқланди. Вилоятнинг Жарқўрғон туманидаги Какайди массиви (Боботоғ этаклари) дан ҳам йилига 3.5 тоннага яқин йод, 81 тонна бром, Термиз туманидаги Учқизил массивидан 1.4 тонна йод ва 33.4 тонна бром моддасини олиш зонаси мавжуд.

Бойсун кўмир конининг кўмири сифат жиҳатидан металлургия саноатида фойдаланиш мумкинлиги ҳисобга олиниб Бойсунда йирик шахта қурилиши давом этаяпди. Вилоятда бир қанча ғишт заводлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи комбинатлар ҳам ишлаб турибди. Вилоятда бозор иқтисодий тизимларини шакллантириш мақсадида жадал суръатлар билан хусусийлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Саноат ишлаб чиқаришининг 2006-йилга мўлжалланган, истиқбол кўрсаткичлари алоҳида корпорация ва уюшмалар олдида турган вазифалар, инвестиция лойиҳалари асосида ишга тушириладиган қувватлар техника билан қайта жиҳозлаш ва ресурслар билан таъминлаш режалари ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб даражаси асосида ҳисоблаб чиқилган. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 5.8 фоизга ошиши асосан рақобатбардош

маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тармоқларнинг жадал ривожланиши ҳисобига эришилади.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган корхоналар (қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, енгил саноат)нинг қандай қувват билан ишлаётганликларини чуқурроқ талил қиладиган бўлсак, вилоят маҳаллий бюджетига тушадиган қўшимча даромад манбаларини кўришимиз мумкин. Замонавий чет эл-технологияларини олиб киришдаги имтиёзларга қўшимча равишда четдан технологик асбоб-ускуналарни олиб кираётган хўжалик субъектларини божхона божи тўлашдан озод қилиш мўлжалланган. Таклиф этилаётган тадбир йирик ишлаб чиқаришни мамлакатимизда жойлаштириш, маҳаллийлаштириш (локализация) ишларини кенгайтиришни, экспортга йўналтирилган рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда иқтисодий тармоқларни-қайта қуроллантиришни рағбатлантиришга қаратилган.

Иш жойларини яратиш тадбирлари ва меҳнатни қўллаш соҳаларини кенгайтириш натижасида 400 мингга яқин янги иш жойлари яратилди. Янги иш жойларини кенг кўламли бизнес соҳаси қатори кичик ва хусусий бизнес соҳаси ҳамда иқтисодиётнинг нодавлат соҳаларида яратиш кўзда тутилмоқда.

«Мустақил молиявий сиёсатни республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш, махаллий бюджет даромадларининг тўлдирилишини таъминлайдиган ва амалий фаолликни рағбатлантирадиган изчил солиқ сиёсатини ўтказиш, шунингдек, корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, уларнинг тадбиркорлик ва сармоядорлик фаолиятини ривожлантириш йўли билан шакллантириш мўлжалланмоқда»[1]. Маҳаллий бюджетлар харажатлари таркиби даромадларига қараб жуда тез ўзгарувчан бўлиши мумкинлиги кўриниб турибди. Шундан маълум бўладики, мамлакатимизда бюджет жараёни самарадорлиги, турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар нуқтаи назаридан, биринчи навбатда маҳаллий бюджетлар реал даромадларига боғлиқ. Шу сабабли масаланинг шу жиҳатларига алоҳида эътибор бериш лозим.

8.2. Маҳаллий бюджетларда харажатлар мажбуриятларининг тақсимлаш муаммолари

Барча даражадаги бюджет харажатларида янги моддаларнинг юзага келиши бозор муносабатларига ўтиш шароитларида кучли ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши билан ҳам боғлиқ. Бу харажатлар жумласига аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар учун ажратиладиган харажатлар кириб, улар болали оилалар ва кам таъминланган оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда бюджет ҳисобидан аҳолига ижтимоий аҳамиятдаги хизматларга қўйиладиган нархлардаги фарқларни қоплашни ўз ичига олади.

Бюджет тизими даромадларини тақсимлашнинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини алоҳида бюджетлар ўртасида шундай қайта тақсимлашдан иборатки, улардан ҳар бири ўзига ажратилган барча харажатларни қоплайдиган маблағлар билан таъминланган бўлиши шарт.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, харажатларни тақсимлашда ваколатлар бўлиниши, солиқларни бириктириб қўйиш,

[1] Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий баркарорлик тўғрисида.Т., Ўзбекистон, 2005. -102б

қуйи бюджетларга молиявий ёрдамлар тақдим этиш шакллари турличадир. Ўзбекистон Республикасида харажат ваколатларининг аниқ бўлиб қўйиш тартибининг йўқлиги харажатларни қуйи даражадаги бюджетларга тақчилликни юклаш мақсадида қайта тақсимлашга имкон беради, алоҳида харажатларнинг самарасиз молиялаштирилишига ва кескин камайтирилишгига олиб келади. Марказ томонидан маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва ижро этиш устидан кучли назорат бўлишига қарамасдан масъулиятини ва жавобгарлигини пасайтиради.

Бизнинг фикримизча, харажат ваколатларини бўлиб беришда қоидага кўра, ҳар бир соҳани молиялаштирувчи ҳукумат улушини белгилайди, шунга кўра аҳолини ҳимоя қилиш харажатлари тўлиқ маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилади. Табиийки, аксарият ҳолларда маҳаллий бюджет маблағлари ушбу мақсадларга етарли бўлмайди, бу эса бюджет ссудалари оқимини кўпайишига олиб келиши мумкин, бу ҳолатни бартараф этиш мақсадида молиявий маблағларни Республика бюджетидан мақсадли субвенциялар кўринишида берилиши лозим.

Ҳақиқатдан ҳам, бюджет харажатларини амалга оширишда бир қатор камчиликлар мавжуд. Хусусан, бюджет маблағларини ҳисобидан сотиб олинадиган товарлар баҳосини сунъий равишда ошириш, бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатиш ҳоллари кўп учрамоқда.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши маҳаллий бюджетнинг, ижтимоий йўналтирилган харажатларини кўпайтириш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини кўпайтириш, кенг кўламли ижтимоий дастурларни маблағ билан таъминлаш манбалари билан оқилона уйғунлаштириб борилишини тақозо этади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга берилган бюджетларни мустаҳкамлаш зарур. Маҳаллий бюджет орқали таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш молиялаштирилдики, бу жараёнлар бугунги кунда давлат ижтимоий сиёсатининг диққат марказида турганлиги билан изоҳланади. Маҳаллий бюджетларнинг мавқеини янада ошириш хукуматимизнинг бюджет сиёсатини самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган муҳим омил эканлиги шубҳасиздир, бу борада уларни янада қўллаб-қувватлашга харакат қилинмоқда.

Биз биламизки. солиқлар ЯИМ ни тақсимлаб бюджетга туширади ва у орқали давлатнинг ижтимоий зарурий харажатларини молиялаштиришга йўналтиради. Давлатнинг ижтимоий соҳадаги сиёсатини бевосита маҳаллий бюджетлар орқали устун равишда амалга ошириб борилади. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши даврида маҳаллий бюджетларнинг харажатлари давлат бюджетида ҳажми ошиб борди. Маҳаллий бюджетларнинг харажатлари ошиб бориши билан биргаликда харажатлар таркибида ҳам ўзгаришлар амалга оширилди, бевосита бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда давлат томонидан олиб борилаётган молия-бюджет сиёсати билан боғликдир. Маҳаллий бюджет харажатларнинг асосий қисмини ижтимоий маданий ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари ташкил қилган.

Давлатнинг келгуси даврдаги мақсад ва вазифаларини молиялаштиришни таъминлашнинг асоси негизи сифатида барча даражалардаги бюжетларни тайёрлаш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш жараёни муддатлари ҳамда босқичлари жиҳатидан келишилган ҳар бир босқичнинг аниқ ижрочилари кўрсатилган ягона бюджет цикли бўлади. Белгиланган қатъий календар муддатлари бюджет жараёни барча қатнашчиларининг мувофиқлаштирилган тарзда

ишлашларига кўмаклашади. Айрим босқичларда муддатларни ўзбошимчалик билан белгилаш эса бутун жараённи издан чиқариб юбориши мумкин. Бу эса биринчи навбатдаги сарф-харажатларнинг ўз вақтида молиялаштирилмай қолишига олиб келиши мумкин.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида назарда тутилган айрим харажатларни мақсадли молиялаштириш учун қуйи бюджетлар ҳисобига киритиладиган даромадларни республика бюджетига ўтказиши мумкин»[1]. Бу тартибда қайта тақсимлашдан шу нарса яққол кўринадики, аксарият ҳолда маҳаллий бюджетлар ҳолати хеч қандай ҳимояланмаган. Бундай вазиятда, маҳаллий бюджетлар қўшимча даромад топишдан кўра республика бюджети маблағларин ўз фойдасига қайта тақсимлаш юзасидан манфаатдор бўлиб қолади.

Давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг айрим турларини маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бажарилиши ғоят самарали бўлишини тасдиқлайдиган кўпдан-кўп илмий далиллар мавжуд. Кўпгина ҳолларда давлатнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги сиёсати, биринчидан, турли маъмурий-ҳудудий бирликлар ўртасида фарқ қилиши лозим, иккинчидан, даромадларни қайта тақсимлаш ва макроиқтисодий барқарорлаштириш соҳасида давлат сиёсати мақсадлари бу вазифаларни марказий ҳокимият органларига юклашни белгилаб беради.

Умуман олганда, давлат ҳокимияти даражалари ўртасида ваколатларни тақсимлаш тўғрисидаги умумий бўлган гипотезалар кўпгина мунозараларга сабаб бўлди ва ижтимоий сектор иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Ҳозирги кунда илмий тадқиқотчилар давлат молиясини бошқаришгнинг асосий муаммоларидан бири-бюджети тизими даражалари ўртасида харажатлар ваколатларини тақсимлаш муаммосидир деб ҳисобладилар. Биринчи марта федерализм соҳасидаги тадқиқотчиларадн бири-А.Токвиль ўз асарида кўрсатган. А.Токвиль гепотезаси давлат ҳокимиятининг турли даражалари ўртасида харажатлар мажбуриятини тақсимлашнинг асосий тамойилларини аниқлаш орқали янада ойдинлаштиради.

Кўпгина ҳолларда давлатнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги сиёсати, биринчидан турли маъмурий–ҳудудий бирликлар ўртасида фарқ қилиши лозим, иккинчидан, даромадларни қайта тақсимлаш ва макроиктисодий баркарорлаштириш соҳасида давлат сиёсати мақсадлари бу вазифаларни марказий ҳокимият органларига юклашни белгилаб беради деб қаралади.

Давлат молияси бошқаришнинг асосий муаммоларидан бири-давлат молиясининг таркибий тузилишига оид бўлиб, турли даражадаги бюджетлар ўртасида харажатлар мажбуриятларини ваколатларининг тақсимланишидир. Бундан юз йил аввал бюджет федерализми соҳасининг тадқиқотчиларидан бири А.Токвил таклиф қилган.

Харажатлар мажбуриятларининг бир қисмини бюджет тизимининг қуйи даражаларига берилиши шарт, чунки мустақил бюджетларни бошқарадиган ҳокимият органлари мавжуд. Бунда турли даражадаги ҳокимият органларининг асосий функцияларидан бири ушбу маъмурий-ҳудудий бирлик резидентларининг

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни. 2000 йил. 14 декабр. 21-модда.

талаб-ҳоҳишларига мувофиқ ҳолда, маҳаллий ижтимоий неъматларни тақсимлашдан иборат бўлади, фуқаролар маъмурий-ҳудудий тузилманинг турли бўғинларида таклиф этилаётган кўп турли ижтимоий неъматлардан ўзи учун энг мақбулини танлаб олиш имконига эга бўлади.

Ижтимоий неъматларни таклиф этиш оптимал даражасининг асосий шарти-бутун жамият учун ижтимоий ва хусусий неъматлар ўртасидаги нисбатни меърий нормалари асосида бўлишни такозо этади. Маълумот олишнинг мақсади-жамият меҳнат ресурсларини қийматини ошириш, хусусий таълим инсон капитали кўпайтириш, демак, келажакда кутиладиган шахсий даромадни оширишдан иборат.

Турли даражадаги бюджетлар учун қайси давлат хизматларини молиялаштириш бўйича ваколатларни бериш ва қай даражада уларнинг зиммасига юклаш лозим деган масалага жавоб бериш мумкин эмас, бу масаланинг ечимини харажатлар мажбуриятларини тақсимлашда давлат харажатларининг самарадорлигини тадқиқ этиш орқали излаш керак.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган соҳаларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни назоратини такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, давлат хизматининг айрим турларини маҳаллий ҳокимият органлари орқали тақдим этиш орқали уларни самарадорлигини ошириш мумкин. «Бундай ҳолда минтақада аҳолининг турмуш фаровонлиги таъминлайдиган давлат хизматининг таркиби ва сифати аниқланиши керак»[1]. Мазкур муаммоларни ечиш учун давлат харажатларининг самарадорлиги ошириш бўйича турли мамлакатлардаги харажатлар мажбуриятларини тақсимланиш вариантларини кўриб чиқиш зарур.

Жаҳон амалиётида харажатлар мажбуриятларини тақсимлашнинг хилма-хил моделлари ва шунга мос молиялаштириш механизмлари қўлланилади (жадвалга каранг). Бунда ўз даромад базасидан ташқари ва бюджет тизимининг юқори даражасидан келадиган трансфертларнинг бўлиши давлат ижтимоий хизматни кўрсатишда минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг мухторлик даражасидан гувоҳлик беради. Хориж тажрибалари кўрсатадики, трансфертларга боғланиб қолиш ҳудудларнинг аҳоли талаб-истакларинига жавоб берадиган бюджет сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мустақиллигини чегаралаб қўяди.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда бозор муносабатлари шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларни таъминлашдаги жараёнлар, жумладан, бюджет ижросининг бажарилишини қатъий таъминлашда, бюджетдан биринчи даражали устивор ижтимоий харажатларни молиялаштиришда ва бюджет маблағларидан мақсадли, самарали фойдаланишда бюджет интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш лозим. Бунинг учун, биринчи навбатда, ҳар қандай харажатлар мажбуриятининг уч таркибий қисмга-қонун билан тартибга солиш, молиялаштириш ва маъмурий бошқаришга бўлинишига эътибор бериш зарур.

Лекин, деярли барча мамлакатларда қуйи ҳокимият даражалари зиммасида қолдирилган хизматларнинг айрим турлари мавжуд. Бу ўринда гап «биринчи навбатда уй-жой-коммунал хўжалиги, ҳудудни ободонлаштириш, маҳаллий

[1] Грицюк. Т.В. Проблемы организации государственных финансов в многоуровневой структуре. Финансы. 2003. №7. стр27.

тарнспорт қатнови, ёнғиндан ҳимоя, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва бошқалар соҳасидаги хизматлар ҳақида бормоқда. Бундан ташкари, давлат бошқарувининг қуйи бўғинларига учта асосий харажатлар турини биркитиб қўйишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳам таъкидланади, булар ижтимоий таъминот, таълим ва соғлиқни сақлашга харажатларидир. Лекин ижтимоий соҳа харажатларини бошқариш бўйича ваколатларни маҳаллий даражага беришда даромадларни шакллантириш соҳасидаги муайян ваколатлар билан қўшиб бериш ёки юқори турувчи бюджетдан молиялаштиришнинг доимий қоидаларини жорий қилиш мумкин.

Бугунги кунда харажат ваколатларининг республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида чегараланиши тизимлашмаган шаклга эга. Молия вазирлиги ва маҳаллий молия органлари ўртасидаги келишмовчиликлар маҳаллий бюджетлар харажатларини режалаштириш вақтидаёқ пайдо бўлади. Маҳаллий бюджетлар харажатларини режалаштираётганда Молия вазирлиги ўз имкониятларидан, яъни режалаштирилаётган даромадлардан келиб чиқади.

Ҳудудлар даражасида эса харажатлар режалаштирилиши эҳтиёжлардан келиб чиқади ва бу Молия вазирлиги режасидан ошиб кетади. Келишув жараёнида маҳаллий бюджетлар харажатларининг даромад базасидан келиб чиқадиган оқилона варианти аниқланади. Маҳаллий бюджетлар харажатларини режалаштираётганда келишмовчиликларни бартараф қилиш нормативларидан фойдаланилгандагина мумкин бўлади.

Ҳозирги босқичда маҳаллий бюджетлар харажатларини йўналишлар бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача нормативлар асосида, туман коэффицентларини ҳисобга олиб баҳолаш, бизнинг фикримизча, энг мақбул усул ҳисобланади.

Таълим соҳасидаги харажатларни тақсимланиши давлат ҳокимиятининг турли даражлари ўртасидаги тўқнашувларга классик мисол бўла олади. Мактабгача тарбия, бошланғич, ўрта ва олий таълим бюджет тизимининг қайси даражасидан молиялаштирилиши кераклиги масаласида мамлакатлараро катта фарқлар кузатилади. Амалда жаҳондаги ривожланаётган мамлакатларда бепул бошланғич таълим ҳам бепул ва олий таълим давлат томонидан субсидияланади.

Лекин, бошланғич таълимни маҳаллий молиялаштириш-нинг мақбуллигига қуйидаги далиллар асос бўлади: биринчидан, таълим хизмати ҳудудий жиҳатдан кенгроқ тарқалган бўлиши лозим; иккинчидан, кичик мактаблар одатда юқорироқ таълим даражасини таъминлайди; учинчидан, ўқувчилар ота-оналарининг мактаб ишларида бевосита иштирок этиши бошланғич таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатадигна омил ҳисобланади.

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, кўрсатилган харажатлар ва таълим сифатининг минтақалараро табақаланиши таълим харажатларини марказлаштирмаслик оқибати ҳисобланади, бу эса минтақаларнинг даромадларга кўра табақаланишини кучайтиради, халос. Шу сабабли кўпгина мамлакатларда таълим хизматларини молиялаштириш бўйича марказлаштирилмаган харажатлар ваколатлари билан бир қаторда минимал таълим стандартлари ҳам жорий этилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий ва давлат секторининг турли рол ўйнаши, бу хизматларни молиялаштириш борасида турли даражадаги ҳокимиятлар муносабатларига ҳам таъсир этади. Масалан, санитария-эпидемилогия хизмати, профилактика тиббиёт муассасалари, одатда, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бошқарилади ва молиялаштирилади. Юқумли касалликларнинг

тарқалишини бартараф этиш самаралироқ бўлиши учун молиялаштириш давлат ҳокимиятининг юқори даражалари томонидан амалга оширилиши керак.

Шуни таъкидлаш лозимки, солиқларни давлат ҳокимияти даражалари ўртасида тақсимлашда харажатлар мажбуриятларини марказлаштирмаслик тамойилига асосланиши мумкин. Бу тамойилга кўра, минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг давлат молия ресурсларини тақсимлаш функциялари асосан маъмурий-ҳудудий бирлик аҳолисига давлат хизматларини бевосита кўрсатишдан иборат бўлиши лозим.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, бюджет федерализми назариясига кўра ресурсларни марказлаштирмаслик усуллари, ўз-ўзини бошқарадиган ҳудудий бирликлар миқёсини, уларнинг бюджетларини тўлдириш ва харажатларини молиялаштириш механизмларини оқилона танлаш тамойилларига жавоб берадиган жиҳатлар, тенденциялар мавжуд. Бюджет федерализми назарияси иқтисодий самарадорлик тамойилига жавоб берадиган бюджет тузилмаларининг ўзаро муносабатлари ва таъсирини ўрганади.

Ҳақиқий бюджет федерализми фақат ижтимоий неъматларга бўлган эҳтиёжларни белгилашдан иборат эмас, балки, уларни таъминлаш учун молиявий заҳираларни шакллантиришда ҳам бир қадар мустақилликни назарда тутади. Ўтиш даврида ҳудудларнинг даромад базасидаги нотекисликларни бартараф этиш мураккаб масала бўлиб қолмоқда. Бундай шароитда бюджет федерализмини ривожлантириш фақат иқтисодий омилларга боғлиқ эмас.

Кейинги йилларда кўпгина хориж мамлакатларидаги бошкарув тизимини трансформациясининг асосий элементи номарказлаштиришдир. Лекин ҳар бир мамлакатларни алоҳида олинганда уларнинг талаби ва ҳолати ҳар хил. Номарказлаштиришни амалга оширишнинг ягона формуласи йўқ, номарказлаштиришни бошланишининг мезонлари белгиланмаган.

Лекин шунга қарамасдан, номарказлаштиришнинг мақсади битта; давлат хизматини сифатини ошириш, маҳаллий ҳокимият органлари ваколатларини тақсимлаш, қиммат турадиган марказлаштиришдан қутилиш ва янада самарали ҳамда эгилувчан тизимга ўтиш. Энг асосийси сиёсий барқарорликни қўллаб-қувватлашни таъминлашдир»[1].

Ўзбекистон Республикасида, айниқса, ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида жами бўғинларда чин демократик институтларнинг қарор топиши ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бу нарса кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг зарурий шарт-шароити ҳам ҳисобланади. Иккинчи томондан, фуқаролик жамияти бюджет федерализми амалиётини ривожлантириш ва кенгайттириш билан узвий боғланиб кетади.

Гап шундаки, бюджетни марказлаштирмасликнинг маъноси ва афзаллиги ҳам давлат муниципал органларнинг ҳудудий табақалашувини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг талаб-эҳтиёжларини тўғри баҳолаш қобилияти билан белгиланади.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан хулоса чиқаришимиз мумкин. Демак, ҳокимиятни демократик асосда қуриш, маҳаллий муаммоларни ҳал этишга фуқароларнинг жалб этилиши бюджет харажатларига таъсир этади. Чунки Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида бюджет тизимларининг ўзаро муносабатларини ривожлантириш икки асосий талабга-кучли фуқаролик

[1] Андик Ф. Децентрализация и государственные финансы. // Экономическое обозрение. 2002. №10. стр 11.

жамиятини шакллантириш ва мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни хар томонлама эркинлаштиришга жавоб бериши талаб қилинади.

«Россия Федерацияси Конститутциясига мувофиқ, Россия Федерацияси ва РФ субъектларининг турли соҳаларда ишларни олиб бориш ва ваколатларини чегаралаш бюджет федерализми асосларини ташкил этади»[1].

Россия Федерациясида бюджет федерализмига асосан алоҳида иш олиб бориш соҳалари қуйидагилардан иборат:

- Федерал давлат мулкини бошқариш;
- федерал сиёсат ва Россия Федерациясининг иқтисодий, ижтимоий, экологик, маданий ривожлантириш бўйича федерал дастурлар асосларини белгилаш;
- федерал бюджет, федерал солиқлар ва йиғимлар, минтақавий ривожлантиришнинг федерал фондларини бошқариш.

Россия Федерацияси ва РФ субъектларининг бюджет федерализмига асосан биргаликда иш олиб бориш соҳалари қуйидагилардан иборат:

- умумий тарбия масалалари, таълим, фан, маданият, жисмоний тарбия ва спортни бошқариш;
- соғлиқни сақлаш, оилани, она ва болаликни ҳимоя қилиш, ижтимоий таъминот, ижтимоий ҳимоялаш,
- давлат мулкини чегаралаш;
- ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш;
- табиатни алоҳида қўриқланадиган ҳудудларида атроф-мухитни мухофаза қилиш ва экологик тозаликни таъминлаш;
- солиққа тортиш ва йиғимларнинг умумий тамойилларини белгилаш;
- маъмурий, меҳнат, оила, турур-жой, ер, ўрмон, сув атроф-муҳитни қўриқлаш қонунчилигини ишлаб чиқиш;
- давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш органлари (бошқариш) тизимини тамойилларини белгилаш.

Бюджет федерализми аслида самарали бўлиши учун, биринчидан, муайян ҳудудга наф берадиган ижтимоий неъматларни етказиб беришга таалуққли қарорлар марказлаштирилмаган тарзда қабул қилиниши керак. Иккинчидан, нафликни маҳаллийлаштириш, харажатларини ҳам ҳудудлаштириш талаб этилади, яъни минтақа маҳаллий ижтимоий неъматлар етказиб беришни молиялаштириш жавобгарлигини ўз зиммасига олади. Учинчидан, маҳаллий ижтимоий неъматларга кирадиган афзалликлар минтақалар доирасида кўпроқ фарқланади, бироқ бу эса минтақа аҳолисининг бутун мамлакат аҳолисига қараганда кўп жиҳатлардан бир хил бўлишини назарда тутади.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий неъматларни етказиб беришда марказлаштирмаслик афзалликларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Айни пайтда минтақаларнинг ресурс имкониятлари бир хил эмас, бу эса маҳаллий неъматлардан аҳолининг баҳраманд бўлишида ғоят катат фарқлар бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун неъматларни истеъмолчилар ўртасида адолатли тақсимлаш учун ижтимоий сектор ресурсларини минтақалар ўртасида қайта тақсимлашни қўллашга тўғри келади. Демак, маҳаллий бюджет даромадлари унинг

[1] Бабич А.М., Павлова Л.Н. Государственные и муниципальные финансы. Учебник для вузов. ЮНИТИ. стр164.

функцияларига мувофиқ келиши лозим. Бу бюджет федерализмининг энг муҳим асосий тамойилларидан бири ҳисобланади.

Бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилишни ҳам тезлаштириш бюджет федерализми тамойилларига асосланган бюджетлараро муносабатларнинг янги тартибини шакллантириш асосида амалга оширилиши керак. Бюджетлараро муносабатларнинг бош муаммоси бу даромад ва харажатларни ўзаро мувофиқлаштиришдир. Бунинг асосий вазифаси қуйи бюджетлар мустақиллигини кафолатлаш ҳисобланади.

Боз устига, республикада ЯИМни яратишда минтақаларнинг ҳиссасини ҳисобга олиш диққатга сазовор. Ҳозирги даврда минтақалар ҳиссаларини қиёслайдиган бўлсак, уларнинг ЯИМни яратишдаги ҳиссалари минтақалар маҳаллий бюджетларининг харажатлари салмоғига мувофиқ келмайди.

Бу динамика айрим минтақаларда бюджетлар харажатларидаги ҳисса ЯИМ даги ҳиссадан барқарор ортиқ бўлса, ЯИМда бир қатор минтақаларнинг ҳиссабай иштирокини қисқариб кетганлигини кўрсатади. Демак, бюджетлараро муносабатда даромадни қайта тақсимлашда устиворлик берилади. Ислоҳотларни эркинлаштириш шароитида бу ҳолат маҳаллий солиқлар ҳолатига ҳам бевосита таъсир кўрсатиши лозим.

Шундай қилиб, маҳаллий бюджетлар эҳтиёжлари уларнинг амалдаги бюджет харажатлари чегарасида шаклланди, бу эса бюджет федерализми тамойилларига зид бўлиб чиқади. Қайд этамизки, маҳаллий бюджетларнинг ижтимоий функциялари харажатлар таркиби кўринишида ўз даромадлари билан кўпроқ таъминланиши керак. Одатда, қоида тарзида бу харажатларнинг ҳаммаси марказлаштирилган ҳолда олдиндан белгиланган бўлади. Бюджет федерализмини ривожлантириш нуқтаи назаридан маҳаллий бюджетларнинг ўз вазифаларини бажаришини таъминлайдиган даромадларнинг қандай шаклланиши ғоят муҳим масала ҳисобланади.

9-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ЯИМ да ва маҳаллий бюджет харажатларида ҳудудларнинг ҳиссаси

(минг сўмда)

	ЯИМда ҳиссаси			Маҳаллий бюджет харажатларида ҳиссаси		
	2002	2003	2004	2002	2003	2004
Қорақалпоғистон Республикаси	2,8	2,5	2,3	6,4	5,9	6,6
Андижон вилояти	8,1	8,3	7,4	7,9	7,5	8,1
Бухоро вилояти	6,4	6,6	6,3	5,9	5,6	5,3
Жиззах вилояти	2,9	2,6	2,6	3,9	3,8	3,8
Қашқадарё вилояти	6,4	6,4	7,0	8,3	9,4	8,9
Навоий вилояти	3,9	4,0	4,6	3,7	3,3	3,8
Наманган вилояти	5,2	5,0	4,7	7,1	7,0	7,3
Самарқанд вилояти	7,7	7,3	7,5	8,5	9,0	8,9
Сурхондарё вилояти	5,1	5,1	5,4	6,9	6,7	6,5
Сирдарё вилояти	2,1	2,1	2,0	3,2	3,0	3,1
Тошкент вилояти	9,9	9,7	9,7	8,0	8,3	8,4
Фарғона вилояти	10,2	9,4	9,1	9,3	9,4	9,9
Хоразм вилояти	4,5	3,8	3,9	5,2	5,0	5,0
Тошкент шаҳри	13,4	14,3	14,0	15,1	15,4	13,8
Ўзбекистон Республикаси	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Маҳаллий бюджетлар даромадларини белгилашда шу ҳудудда яратиладиган ЯИМ ни асосий омил тарзида қабул қилишни талаб этади. Бироқ, маҳаллий бюджетларга ажратмалар меъёрларини белгилашнинг бюджет амалиёти билан минтақалардаги реал хўжалик натижалари ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. Натижада бюджетлараро муносабатлар масалалари четда қолиб кетади. Ватанимиз олимлари томонидан маҳаллий бюджетлар ижроси самарадорлигини таъминлаш мақсадида ҳудудий иқтисодиёт ва ижтимоий-иқтсодий тараққиёт нотекисликлари ҳамда зиддиятларни мувофиқлаштириш, маҳаллий бюджетлар ҳуқуқ-мажбуриятлари ортиб бориши билан мутаносиб тарзда улар даромад базасини мустаҳкамлаш яхлитлигига асосланган «маҳаллий бюджетлар тараққиётини комлекс дастурлаш» тизими илмий жихатидан ёритилиши таклиф қилинмоқда.

8.3. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришинг чора-тадбирлари

Ҳудудларнинг бюджетдан амалга ошираётган харажатларнинг етарли даромадлар билан таъминланмаганлиги, маҳаллий бюджетларнинг давлат томонидан даромадларни тартибга солишда бирламчи республика бюджетда йиғилган даромадларнинг бир қисмини қайта тақсимлашни талаб қилади. Шу мақсадда жаҳон амалиётида дотация ва субвенциялардан фойдаланилади.

10-жадвал

Умумдавлат солиқларнинг Республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланиши

(фоизларда)

	Ҳудудлар	ҚҚС		Фойда		Жисмоний шахслардан даромад солиғи	
		Маҳаллий	Республика	Маҳаллий	Республика	Маҳаллий	Республика
1.	Қорақал. Республика.	100	-	100	-	100	-
2.	Андижон	100	-	100	-	100	-
3.	Бухоро	38	62	40	60	50	50
4.	Жиззах	100	-	100	-	100	-
5.	Қашқадарё	96	4	98	98	100	-
6.	Навоий	12	88	12	88	50	50
7.	Наманган	100	-	100	-	100	-
8.	Самарқанд	100	-	100	-	100	-
9.	Сирдарё	100	-	100	-	100	-
10.	Сурхондарё	100	-	100	-	100	-
11.	Тошкент в.	22	78	22	78	50	50
12.	Фарғона	78	22	40	22	50	50
13.	Хоразм	100	-	100	-	100	-
14.	Тошкент ш	7	93	5	93	13	87

Манба.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 567-сон қарори

Ҳозирги вақтда республикамизда дотациядан маҳаллий бюджетларни даромадларини тартибга солишда жуда кам фойдалинилади. Амалда бундай восита сифатида субвенция сиёсатидан фойдаланилади.

Ўзбекистонда маҳаллий солиқларни жорий қилишдан мақсад биринчидан мавжуд давлат солиқлари томонидан солиққа тортилмаган даромадларни солиққа тортиш орқали солиқ тизимининг ўз вазифаларини бажаришдаги имкониятларини кенгайтириш бўлса, энг асосийси маҳаллий ҳокимият органларини молия-бюджет ҳудудларини кенгайтириш ва уларни маҳаллий бюджетларини даромадларини мустаҳкамлашдан манфаатдорлигини оширишдир.

11-жадвал

2003-2005 йилларда маҳаллий бюджетлар даромадларида дотацияларнинг улуши

Ҳудудлар номи	2003 йил	2004 йил	2005 йил
Қорақалпоғистон Республикаси	61,8	44,9	35,2
Андижон вилояти	28,6	13,2	19,1
Жиззах вилояти	58,8	45,2	36,1
Наманган вилояти	41,5	31,3	23,5
Самарканд вилояти	34,6	0,0	0,0
Сурхондарё вилояти	48,0	31,5	19,9
Сирдарё вилояти	24,2	0,0	0,0
Хоразм вилояти	29,6	19,4	12,6
Жами махаллий бюджет:	21,0	11,5	9,2

Манба. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

Кейинги вақтларда маҳаллий бюджетлар даромадлари салмоғини 50-60 фоизга етказиш масаласи муаммолардан бири бўлиб турибди. Бундан кўриниб турибдики, маҳаллий солиқларнинг, маҳаллий бюджетларнинг даромадларидаги улуши жуда кичкинадир ва бу борада қатор молиявий тадбирлар ишлаб чиқилиши керак. Маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш энг долзарб масалалардан биридир.

Ҳудудлардаги маҳаллий бюджет, ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш босқичида яъни ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлатнинг бошқарув функцияларининг жойлардаги ҳокимликларга ва ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш даврида маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолият кўрсаткичларига молиявий манба бўлиб ҳисобланади. Ушбу моҳиятни ҳисобга олиб маҳаллий бюджетнинг мустаҳкамланиши, асосида ҳудуд бюджетининг даромад базасини мустаҳкамлашга қаратилиши керак.

Маҳаллий бюджет даромадлари асосан бириктирилган даромадлардан ҳар хил йиғимлардан ва умумдавлат солиқ ажратмаларидан ташкил топади, етмаган қисми Республика бюджети субвенцияси тариқасида қопланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида хусусийлаштиришнинг янада чуқурлашиб бориши ва демократик жараёнларининг ривожланиб бориши маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджети салмоғи ошиб боришга олиб келмоқда. Шу сабабли умумдавлат солиқларнинг бюджетлар ўртасида тақсимланишини такомиллаштириш, бунда умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг роли фақат маҳаллий бюджетларни даромадлар билан таъминлаш эмас, балки маҳаллий ҳокимият органларининг юқори бюджетларда маблағлар йиғилишидаги манфаатдорлигини, ҳудудларда иштимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқлигига қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маҳаллий бюджетларнинг асосий қисмини солиқлардан тушадиган даромадлар ташкил қилаётган ҳозирги кунда солиқ тизимининг фискал фунциясининг кучайиши корхоналарни молиявий аҳволини оғирлашишига олиб келмоқда. Корхоналардан олинадиган солиқ юкини камайтириш солиқни рағбатлантирувчи вазифасини намоён қилади ва ишлаб чиқаришни қўшимча ривожланишига имконият яратади. Маҳаллий бюджет даромадларини ошириш яна мавжуд имкониятларидан бири у жойларда аҳолининг иқтисодий активлигини оширишга имкониятлар яратиш жисмоний шахсларни тадбиркорлик фаолиятидан олаётган даромадларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириб бориш билан боғликдир.

Маҳаллий бюджет даромадларини режалаштиришда, бюджет йили учун олдинги йил кўрсаткичлари асос қилиб олинади. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотларнинг шароитига мослашиши маълум бир вақтни талаб қилади. Бозор механизмига мослашиш босқичма-босқич амалга оширилади. Шунинг натижасида корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларда маълум узилишлар мавжуд бўлади. Бу ўз навбатида ишлаб чиқариш циклини тўлиқ амалга оширишга халақит беради. Натижада кўзда тутилган режа бажарилмай қолади.

Бу ўз навбатида бюджетга режалаштирилган солиқ тушумлари миқдорининг бюджетга тушмай қолиш хавфини туғдиради. Баъзи кичик корхоналар ва ташкилотларни ягона солиққа ўз хоҳишлари билан ўтишлари, ҳозирги кунда бюджетга тушиб келаётган тушумларнинг барқарорлигини анча камайтирмоқда.

Маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтиришда, якка тартибдаги тадбиркорларни даромадидан тушадиган тушумни режалаштиришда маълум қийинчиликлар мавжуддир, булар асосан тадбиркорлик билан шуғулланадиган фуқароларнинг даромадларини тўлиқ аниқлашнинг имкони йўқлигидан келиб чиқади, чунки жисмоний шахслар сотиб оладиган товарларни нақд пулга сотиб олади ва нақд пулга сотади. Жисмоний шахслар даромади патент бўйича солиққа тортилади. Патент суммаси энг кам иш ҳақи миқдорида ҳисобланади. Унда катта миқдорда айлантирган товарни ёки хизмат кўрсатган тадбиркор билан кичик миқдорда фаолият кўрсатган тадбиркор даромадига бир хил солиқ ундирилади.

Юқорида келтирилганларни инобатга олган ҳолда, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар балансини мустаҳкамлаш йўлларини айтиб ўтиш мумкин.

⇒ маҳаллий бюджетлар учун субвенциялар фақат устивор йўналишларга қаратилиши лозим ва ушбу маблағларни мақсадли сарфлашни назоратга олиш;

⇒ маҳаллий бюджет даромадларини оширишда корхона ва ташкилотларнинг солиқ юкини камайтириш билан уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва молиявий фаолиятини мустаҳкамлаш;

⇒ маҳаллий органлар томонидан маҳаллий солиқларни жорий этишдаги ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиш;

⇒ даромад режаларининг бажарилишига қараб режадан ортиқ олинган даромадлардан маҳаллий бюджет қисмига ҳисобланадиган фоиз ставкалари нормативларини кўпайтириш.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш маҳаллий органларнинг даромад режаларини ортиғи билан бажарилишига боғлиқ бўлган қизиқишни кучайтиради. Даромадларни туширишда молия органларининг жавобгарлигини ошириш керак. Иқтисодиётнинг устивор йўналишлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг боқиманда қарзларини солиқ кредити сифатида қайта расмийлаштириш мумкин. Бу ишлаб чиқаришни ривожлантиради, корхонанинг даромади ва рентабиллик даражасини оширади.

Маҳаллий бюджетларни харажатлари таркиби бевосита маҳаллий ҳокимият органларининг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги вазифалари ҳамда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини амалга ошириш билан белгиланади. Маҳаллий бюджетлар ҳудудларда ижтимоий инфраструктурани сақлаш ва ривожлантиришда, миллий даромадни ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасида тақсимланишда ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Иқтисодий ўсиш суръатларини таъминланган ҳамда молиявий баркарорликка эришишга йўналтирилган ислоҳатларни ҳозирги даврида давлат молияси ва айниқса, бюджет тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш муҳим стратегик вазифа ҳисобланади»[1]. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида рўй бераётган туб ўзгаришлар иктисодий назария, бюджет жараёни ва бюджетнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажарилишини ижтимоий-иқтисодий яратувчанлик руҳида қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда.

Давлат бюджетидан фақат аҳолини ижтимоий ҳимоясини амалга оширишнинг молиявий манбаи эмас, балки маҳаллий хокимиятларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурларини амалга оширишда

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т. : Ўзбекистон, 1998 йил.

бюджетдан асосий молиявий ресурслар манбаи сифатида фойдаланиш ўтиш давридаги давлатнинг бош ислоҳотчилик ролини ўйнашида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эгадир.

Айни вақтда. маҳаллий ўз-ўзини бошкариш органлари ваколатларини кенгайиши асосида уларнинг молиявий базаси ҳисобланувчи махаллий бюджетлар орқали ижтимоий соха харажатларининг асосий қисми молиялаштирилиб борилмоқдаки, ҳозирги ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат ва маҳаллий бюджетларнинг харажатлари самарасини янада ошириш ва уни мустаҳкамлаш умумий давлат даромадларидан самарали фойдаланишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Республика бюджетидан молиялаштириладиган харажатлар иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш йўналишида давлат аҳамиятидаги йирик ва стратегик лойиҳаларга марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш, мамлакатнинг мудофаа тизимини молиявий қўллаб-кувватлаш ва бошқа тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Ҳозирги шароитда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишда бюджет тизими ролининг ўсиши билан ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида молия-давлат механизмининг фаоллашуви, давлатнинг молия-бюджет ва солиқ сиёсати, бюджет орқали тартибга солиш, молиявий мустақиллик ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари бюджетларининг даромад базасининг мустаҳкамланиши каби муаммоларга дуч келинмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида бюджет кўрилиши, бюджет жараёни, бюджетнинг хуқуқ ва мажбуриятларини бажарилишининг ҳозирги замон муаммоларини тадқиқ этувчи назарий ишланмалар ва амалий асосларнинг сезиларли даражада замон талабидан ортда қолаётганлиги ушбу муаммолар бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқишнинг зарур қилиб қўймоқда.

Ҳудудлардаги маҳаллий бюджет ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш босқичида ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлатнинг бошқарув функцияларининг жойлардаги ҳокимликларга ва ўзини-ўзи бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш даврида маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолият кўрсаткичларига молиявий манба бўлиб ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида хусусийлаштиришнинг янада чуқурлашиб бориши ва демократик жараёнларининг ривожланиб бориши маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджети салмоғи ошиб боришга олиб келмоқда. Шу сабабли умумдавлат солиқларнинг бюджетлар ўртасида тақсимланишини такомиллаштириш, бунда умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг роли фақат маҳаллий бюджетларни даромадлар билан таъминлаш эмас, балки маҳаллий ҳокимият органларининг юқори бюджетларда маблағлар йиғилишидаги манфаатдорлигини, ҳудудларда иштимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқлигига қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

8.4. Ҳудудни ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш асосида маҳаллий бюджет даромадларини ошириш истиқболлари

Маҳаллий бюджет даромадлари нисбатан маҳаллий ҳокимият органларига юклатилган вазифалар, улар томонидан маҳаллий солиқ ва тушумларни йиғиб олиш имконияти ҳамда юқори давлат органларининг ҳудудларга молиявий ёрдам бера олиш имконияти, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, давлат

томонидан олиб борилаётган молия-бюджет сиёсати билан бевосита боғлиқдир.

Биз билмизки, умумдавлат солиқлари келгуси бюджет йилида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қонуний тартибда белгиланган нормативлар бўйича тегишли маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланади. Умумдавлат солиқларидан ажратмалар ҳудудларда йиғиладиган ушбу солиқлар миқдорига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади. Лекин бу фоиз миқдорлари ҳар йил бюджет лойиҳаларини тайёрлаб тасдиқланганда ўша тасдиқланган йил учун белгиланади.

Маҳаллий бюджет даромадлари аввало бириктирилган даромадлардан, йиғимлардан ва умумдавлат солиқлари ажратмаларидан ташкил топади. Давлат маҳаллий бюджетларни тартибга солишда тартибга солувчи даромадлар сифатида, умумдавлат солиқларидан фоиз сифатида ажратмаларидан, дотациядан юқори бюджетга бериладиган маблағлардан кенг фойдаланади.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига ўтиб бориш жараёнида, хусусийлаштиришнинг янада чуқурлашиб бориши, демократик жараёнларни ривожланиб бориши маҳаллий бюджетларнинг давлат бюджетидаги салмоғи ошиб боришига олиб келади.

12-жадвал

Ҳудудларда солиқ тушумлари бўйича кўрсаткичларининг бажарилиши (2005 йил)

(млн.сўм)

№	Ҳудудлар номи	Аниқланган режа	Бажарилиши	Фоизларда
1	Қорақалпоғистон	39 258.96	41 350.60	105.33
2	Андижон	74 238.34	78 057.59	105.14
3	Бухоро	153 094.19	159 085.92	103.91
4	Жиззах	23 606.32	24 554.86	104.02
5	Қашқадарё	130 786.66	136 936.01	104.70
6	Навоий	134 169.12	137 813.40	102.72
7	Наманган	57 671.79	60 494.07	104.89
8	Самарқанд	87 031.19	90 176.63	103.61
9	Сурхондарё	59 277.20	61 096.53	103.07
10	Сирдарё	39 636.63	40 628.19	102.50
11	Тошкент	247 359.40	263 105.33	106.37
12	Фарғона	187 719.58	192 455.66	102.52
13	Хоразм	52 518.01	54 003.89	102.83
14	Тошкент ш.	525 421.02	532 105.88	101.27
	Ҳудудлар буйича	**1 811 788.41**	**1871864.56**	**103.32**

Шу сабабли умумдавлат солиқларини турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланишини такомиллаштириб бориш зарурдир. Бунда умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг роли фақат маҳаллий бюджетларни даромадлар билан таъминлаш эмас, балки маҳаллий ҳокимият органларининг юқори

бюджетларда маблағлар йиғилишидаги манфаатдорлигини, ҳудудларда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқлигига эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Эгри солиқларга маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадлар таркибидан акциз солиғи киради. Қолган барча солиқлар тўғри солиқлар туркумига киради. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетлари бириктирилган даромадлари таркибида тўғри солиқлар салмоқли ўринни эгаллайди.

Ғарбий Европа давлатларининг маҳаллий бюджетларида тўғри солиқлар салмоқли ўринни эгаллайди, уларнинг бириктирилган даромадларидаги салмоғи 70-75 фоизни ташкил қилса, эгри солиқлар 3-4 фоизни ташкил қилади, бошқа солиқ ва даромадлар эса 20-25 фоизни ташкил қилади.

Японияда тўғри солиқлар 85 фоизни ташкил қилса, эгри солиқлар 15 фоизни ташкил қилади.[1] Кўриб турганимиздек эгри солиқларнинг маҳаллий бюджетларининг бириктирилган даромадларидан салмоғи турли давлатларда турличадир. Акциз солиғи давлатнинг соф даромади бўлиб, акцизли маҳсулотларни нархига давлат томонидан устама ўрнатилиб ва ушбу маҳсулотларни сотиш жараёнида давлат бюджетига ундирилади.

Акциз солиғи қимматбаҳо буюм ва маҳсулотларга қўлланилади ва акциз солиғининг асосий вазифаси давлат бюджетини даромадлар билан таъминлашдир. Акциз солиғини маҳаллий бюджетларга бириктиришдан асосий мақсад маҳаллий бюджетларни даромадлар базасини мустаҳкамлашдир. Маҳаллий бюджетларга тушадиган бириктирилган тўғри солиқлар фойда, даромад солиқларига ҳамда ресурс солиқларига бўлинади.

Тўғри солиқларнинг турлари бўйича маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадларидаги нисбати турли давлатларда турличадир. Скандинавия мамлакатларида бириктирилган фойда, даромад солиқларидан тушадиган тушумлар бириктирилган жами солиқлар суммасининг 80-90 фоизини ташкил қилади. Белгия, Германия, Австрия давлатларида худди шу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқдир. Ирландияда эса мулк солиқлари ягона бириктирилган солиқлар бўлиб ҳисобланади. Нидерландияда эса мулк солиқлари ҳисобига барча бириктирилган солиқларнинг 2/3 қисми тўғри келади. Японияда маҳаллий бюджетларга бириктирилган солиқлардан тушадиган даромадларнинг 48 фоизи уй-жой солиғига, 21 фоизи эса кўчмас мулк солиғига тўғри келади.[2]

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетларга бириктирилган даромадларини таҳлилидан кўриниб турибдики, уларнинг салмоғи тасдиқланган бюджетга асосан ошиб бормоқда. Бундан давлатнинг кўзлаган мақсади маҳаллий ҳокимиятларни маҳаллий бюджетларни даромадларини мустаҳкамлашдаги манфаатдорлигини оширишдир.

Маҳаллий бюджетларни харажатлари ошиб бораётган бир даврда давлат томонидан уларни даромадларини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Аввалambор, бириктирилган даромадлар сони кўпайтирилиб борилди, тартибга солувчи солиқлардан ажратмалар миқдори ошириб борилди. Бу ўз навбатида маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошишига, демак, уларнинг ҳудудларида яратилаётган миллий даромадни тақсимлашдаги ўрнини ошишига олиб келмоқда.

---

[1] Л.А.Дробозина Общая теория финансов Москва 1995 год “Банки и биржи” стр. 135-140.

[2] Ўша жойда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, «иқтисодиётимиз структурасини тубдан ўзгартириш, хом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифатини ва рақобат бардошлилигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказишдан иборат.

Мамлакат бюджет тизими таркибидаги кўпгина маҳаллий бюджетлар фақат юқори бюджетлардан бериладиган дотациялар орқалигина ўз харажатларини қоплаш имконига эга, чунки уларнинг даромадлари режалаштирилган харажатларини қоплаш учун етмайди.

Маҳаллий бюджетларни даромадларини мустаҳкамлаш, уларни даромад базасини кенгайтириб бориш Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига ўтаётган даврда долзарб масалаларидан биридир. Маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси ҳудудларда яратилаётган миллий даромад, яъни ишлаб чиқаришни ривожланиш даражаси, даромадларини доимий ва бир маромда тушиши, махаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджетларни даромадларини ошишидан манфаатдорлиги билан бевосита боғлиқдир.

Ҳудуднинг саноат ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигининг ўзаро боғлиқлигини исботлаш кўзда тутилган бу масала мамлакатимиз иқтисодиётида асосий масалалардан бири бўлиб жуда катта долзарб масала. Масалан, Сурхондарё вилояти саноат ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги юқорида таҳлил қилинди. Сурхондарё вилояти мамлакатимизнинг жануб қисмида жойлашган бўлиб, Тожикистон, Авғонистон каби сиёсий барқарорликга эга бўлмаган Давлатлар билан чегарадош бу эса чет эл инвестицияларининг кириб келишига тўсқинлик қилади. Вилоятни темир йўл орқали Республикамиз билан туташтирувчи йўл қўшни Туркманистон орқали ўтади бу эса ишлаб чиқарилган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархига таъсир ўтказади.

Вилоятимиз Жарқўрғон туманидаги “Хоудак” йод ва бром ишлаб чиқариш корхонаси қурилиб, ишга туширилди. Ҳозирги кунда 2735 метр чуқурликдан 75 градус иссиқликда йод-бром таркибли сув отилиб чиқмоқда. "Ховдак"да йилига 3 тонна йод ва 52 тонна бром моддаси ишлаб чиқариш имконияти борлиги аниқланди. Вилоятнинг Жарқўрғон туманидаги Какайди массиви (Боботоғ этаклари)дан ҳам йилига 3.5 тонна йод, 81 тонна бром, Термиз туманидаги Учқизил массивидан 1.4 тонна йод ва 33.4 тонна бром моддасини олиш зонаси мавжуд, унда жами йилига 8 тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқара олади. Ушбу маҳсулот медицина, саноат, ишлаб чиқариш каби соҳаларда ишлатилмоқда. Йод маҳсулотининг танқислиги натижасида ҳудудда «Бўқоқ» касаллиги кенг тарқалган.

Республикамиз йодга бўлган талабини импорт орқали ёпиб келмоқда, Қўқон спирт заводи Россия мамлакатидан бир килограмм йод учун қатъий валютада тўламоқда. Шундай қилиб, ҳудуднинг Жарқўрғон туманида жойлашган йодни тўлиқ қазиб олиб, сотсак 8000х40000=320,0 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона пайдо бўлади, янги иш жойлар пайдо бўлади, импорт ҳажми камаяди, валюта тежалади, солиқ тўловчи объект пайдо бўлади, солиқнинг ошиши эса бюджетни мустаҳкамлайди.

Республикамизда йод маҳсулотининг танқислиги натижасида «бўқоқ» касаллиги кенг тарқалганлиги ҳаммамизга маълумдир. Бугунги кунда Ўзбекистондаги йодга бўлган талабни импорт орқали қондирилмоқда, Қўқон спирт заводига Россия мамлакатидан олинадиган ҳар бир килограмм йод учун 40 АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланмоқда.

Ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятида 2735 метр чуқурликдан 75 градус иссиқликда йод-бром таркибли сув отилиб чиққан. Тўғри, Жарқорғон туманидаги “Хоудак” йод ва бром ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Қўшимча равишда "Ховдак"да йилига 3 тонна йод ва 52 тонна бром моддаси ишлаб чиқариш имконияти борлиги аниқланди.

Вилоятнинг Жарқорғон туманидаги Бобото этакларидаги Какайди массивидан ҳам йилига 3.5 тоннага яқин йод, 81 тонна бром, Термиз туманидаги Учқизил массивидан 1.4 тонна йод ва 33.4 тонна бром моддасини олиш зонаси жойлашган, унда жами йилига 8 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд, бу маҳсулотни тиббий хизмат, саноат, ишлаб чиқариш каби соҳаларда ишлатиш мумкин. Агар ҳудуддаги Жарқорғон туманида жойлашган йодни тўлиқ қазиб чиқариш билан шуғулланадиган корхона ишга туширилса (қуввати 8000х40000=320,0 млн сўмлик маҳсулот) мақсадга мувофиқ бўлади. Корхонанинг ишга туширилиши билан янги иш ўринлари яратилади, республикамиздаги йодга бўлган импорт ҳажми камаяди, бунинг учун сарфланаётган валюта тежалади. Маҳаллий бюджетга солиқ тўлайдиган корхона пайдо бўлади, ҳудуддаги даромад базасининг шаклланиши эса бюджетни мустаҳкамлайди.

Дотация ҳудудий иқтисодиётни ривожлантиришда ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Маҳаллий бюджет даромадларининг харажатларини қоплаш учун етмайдиган қисми доимий равишда бюджет дотацияси орқали қопланиши маҳаллий молия органларида маҳаллий бюджет даромадлар базасини оширишга бўлган қизиқишларини сўндиради ҳамда уларда боқимандалик кайфиятини кучайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов маърузасида баён қилинган талаблардан келиб чиққан ҳолда, 2003 йил иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишлари белгиланди, жумладан, солиқ-бюджет соҳасида ислоҳатларни чуқурлаштириш, бюджет даромадларини такомиллаштириш, давлат харажатларини сарфлаш механизмини мақбуллаштирган ҳолда уларни қисқартириш лозим бўлади.

Шу сабабли қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришни ошириш маҳаллий бюджет даромадлар базаси билан ўзаро боғлиқ ҳамда ушбу соҳаларни ривожлантириш масалалари маҳаллий бюджет даромадларини ошириш ва мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

Агар биз ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланиб маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг энг мақбул ва энг самарали йўлларини топиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш йўлларини кўрсатиб берсак, ҳудуд иқтисодиётининг ўсишига ўзига хос ҳисса қўшган бўламиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджетларни режалаштириш ва ижро этишдаги ҳуқуқларини кенгайтириш лозим. Бизнинг фикримизча, республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ўзаро алоқаларини қонуний асосларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг бутун даври мобайнида ҳар қайси босқичнинг вазифаларига қараб, иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда республика ва ҳудудий бошқарув органларига қўйиладиган талаблар, уларнинг роли ва ўрнини баҳолаш тегишлича ўзгартирилиб турди. Агар бозор иқтисодиёти ислоҳотларининг биринчи босқичида ҳамда бутун ижтимоий ва ташкилий-хўжалик

тузилмасида, бозорга ўтишда миллий моделнинг муҳим тамойилларидан бири «Давлат-бош ислоҳотчи» тамойилини амалга оширишда асосий масъулият марказий органларига тегишли бўлган бўлса, иккинчи босқичда ислоҳотлар худудий давлат бошқарув органлари даражасига ўтмоқда.

Молиявий қарорлар қабул қилишда ваколатларни тармоқ даражасидан ҳудудий даражага бундай ўтказиш бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг қонуний босқичи бўлиб тадбиркорлик муҳити учун табиий ҳисобланган қарорлар қабул қилиш жараёнини номарказлаштириш билан ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сессияларида бу ҳақда таъкидланиб, бошқарувга доир қарорлар қабул қилишни олий даражадан аста секин тармоқ, ҳудудий даражага ўтказиш, кейинчалик эса фуқаролик жамиятининг ўзини-ўзи бошқариш нодавлат органлари (тадбиркорлар, товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчиларнинг ваколатли органлари)га ўтказиш мантиқини ифодалаб берди.

Бюджетлараро муносабатларда ҳам маҳаллий бошқарув органлари ва маҳаллий бюджетларнинг ролини ошиб бориши бу жараёнларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Бу жараёнларда маҳаллий ҳокимиятларга юклатилган вазифаларни бажарилишини таъминлашда уларга тегишли молиявий маблағларни ва айниқса, бюджет маблағларини миқдорларини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда даромадлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда, ҳаракат олиб бориш ўз навбатида талаб қилинаётган харажатларни максимал даражада қондириш ёки бошқача қилиб айтганда тўлиқ молиялаштириш имкониятини яратади.

Шунинг учун ҳудудларда давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий сиёсатини мукаммал тарзда амалга ошириш учун энг аввало ҳаракатни маҳаллий бюджетларни тўла шакллантиришдан бошлаш ҳозирги кунда равшан бўлган масаладир. Ушбу масала ўз навбатида бир қатор бир-бирига узвий боғлиқ бўлган харакатларни ўзида мажассам этади. Бу ҳаракатлар жумласига бюджет маблағларини таъминловчи янги солиқ ва йиғимлар базасини ахтариб топиш, мавжуд солиқ ва йиғимлар тўловчиларни тўлиқ рўйхатдан ўтказиш, уларни солиқ ва йиғимларни тўловчанлик қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда фаолиятни ташкил этиш ва албатта, бюджет маблағлари ёрдамида янги солиқ базалари яратишга қаратилган ҳаракатларни киритишимиз мумкин. Ҳудуднинг ички ва ташқи хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, илмий жиҳатдан асосланган ва қабул қилинган қарорлар ўйлаймизки, маҳаллий бюджетни шакллантиришни оптималлаштириш томон олиб борувчи ягона йўлдир.

Бюджет жараёнларида хокимиятлар тасарруфидаги бюджет маблағлари улушини ошириш зарурлигини таъкидлаб келинаётган бўлишига қарамасдан, кейинги йилларда хокимиятлар ихтиёридаги маблағлар улушини кўпайтириш ва уларни иқтисодий мустақиллигини таъминлаш бўйича муайян ишларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Ислоҳотлар ва ўзгаришлар йўлида фақатгина эришилган марралар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмас.. Иқтисодиётдаги ислоҳотлар ва

ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон ниҳоя билмайди. Бу, энг аввало, бюджет ва солиқ сиёстидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш билан боғлиқдир»[1].

Маҳаллий ҳокимият органларига ижтимоий-иқтисодий сиёсатдаги ислоҳотлар билан боғлиқ функция ва вазифаларнинг ўтиши ҳамда ҳудудларда бюджет маблағлари етарлилигини ташкил этиш мақсадида маҳаллий бюджетлар қуйидаги қўшимча даромад манбаларига эга бўлди.

Жаҳон тажрибасида трансфертларнинг маҳаллий молия учун аҳамияти жуда юқори бўлиб, уларнинг ҳажми маҳаллий бюджет барча даромадларининг ярмига етади. Бу эса, албатта, мамлакатнинг барча ҳудудида ижтимоий соҳадаги умуммиллий андозаларни қўллаб-қувватлаш имкониятини беради. Бошқа томондан, трансфертлар тизими марказлаштиришга таъсир этади ва муносабатларни етарлича ойдинлаштиради ҳамда маҳаллий органларга трансферт миқдорини айнан қандай тарзда аниқланишини тушунишга имкон беради.

Трансфертлар миқдорини аниқлаш учун қўлланиладиган формулалар аҳоли умумий сонини, ўқувчилар сонини, кекса ёшдаги шахсларни, йўллар узунлигини ва бошқаларни ҳисобга олиш мумкин. Мақсадли трансфертларни, масалан, ижтимоий қурилиш лойиҳаларига, ўқитувчилар иш ҳақи фондини шалклантиришга йўналтириш мумкин.

Бюджетларни тенглаштириш механизмини такомиллаштириш ва ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ва табиий иқлим хусусиятлари республика бюджетидан олинадиган қўшимча молиявий маблағлар заруриятини объектив аниқлашга ёрдам берадиган услубиёт асосида амалга оширилади. Шундагина, ҳудуд эҳтиёжига яраша молиялаштириш, ўз бюджетини тўлдириш учун маблағларни қидиришни рағбатлантириш ва республика бюджетидан олинган маблағлардан самарасиз фойдаланиш каби ёндашувларга барҳам берилиши мумкин.

Шу нарсани ёдда тутиш керакки, ҳукумат тузилмалари ўртасидаги ваколатларни вертикал даражада қайта тақсимлаш, яъни бюджетлараро молиявий оқимларни марказ ва ҳудудлар манфаатларига мослашган ҳолда бюджет маблағларини ҳам қайта тақсимлашни билдиради. Шу нуқтаи назардан бюджетлараро муносабатларнинг самарасини ошириш кўп жиҳатдан унинг мақбуллиги ва эгилувчанлиги билан аниқланади.

Ҳудудий бюджет даромадлари маҳаллий солиқлар ва йиғимлар, солиқдан ташқари тўловлар, юқори бюджетдан ажратмалар ҳисобидан шаклланади. Ушбу даромадлар манбалари ўртасидаги мутаносблик ҳудудий бошқарув органларига юклатилган вазифалар, улар томонидан маҳаллий солиқларни йиғиш имконияти, шунингдек, марказий ҳокимият органлари томонидан худудларга молиявий ёрдам кўрсатиш имкониятига боғлиқ бўлади.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг оптимал вариантларини излаб топиш ҳамда қўшимча имкониятларни ишга солиш орқали маҳаллий бюджет даромадлар қисмини имконият даражасида оширишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилинишига қарамасдан, маҳаллий ҳокимиятлар маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтиришдаги имкониятларидан етарли даражада фойдаланмаяптилар. Маҳаллий солиқлардан тушаётган даромадлар маҳаллий бюжет даромадларида имкониятидан паст салмоққа эгадир. Бу нафақат маҳаллий солиқларни жорий қилиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслик билангина

[1] И. Каримов. Мирная жизнь и безопасность страны зависят от единства и твердой волы нашего народа. Узбекистан. НМИУ. 2004. стр 157-158.

эмас, балки маҳаллий бюджетлар даромадларини тартибга солишда қўлланилаётган амалиёт билан боғлиқ. Умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетлар даромадларини тартибга солиш мақсадида ажратмалар ажратиш фоизининг вилоятлар ва йиллар бўйича ўзгариб туриши, ундан маҳаллий бюджет ҳокимитларининг молиялаштиришда уларнинг даромадлар режаси ва бажарилиши билан боғлиқлиги натижасида маҳаллий ҳокимиятларни бюджет даромадларини ошириб боришдаги иқтисодий қизиқишларини чеклаб қўймоқда.

Бюджет ижроси давомида махаллий бюджетларни даромадлар режасини узгартириш оркали махаллий бюджетлар томонидан амалга оширилаётган харажатларни даромадлар билан таъминлаш амалиётидан воз кечиш лозим. Энг асосийси, бюджет даромадларини ривожлантиришда худуднинг соликларни йигиш имкониятини тугри белгилаш мухимдир. Бунда молия органларини бюджет даромадлари тушиши билан шугулланувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиклаштиришдаги хукукларини кенгайтириш лозим, деб хисоблаймиз. Махаллий бюджетлар даромадлари режасининг бажарилмаганлиги натижасида тушмай колган даромадлар урни, факатгина юкори бюджетдан бериладиган ссудалар хисобига копланиши лозим. Умумдавлат соликларидан ажратмалар фоизи, хеч булмаганда 3-5 йилга узгармас булиши керак, бу оркали эса махаллий хокимиятларни ушбу даромадлардан тушадиган даромадларни купайтириб боришдаги манфаатдорлиги оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти бозор иктисодиёти шароитида иктисодий ривожланишнинг хамда махаллий бюджетлар даромадлари самарали ижросининг мухим омили булиб хисобланади. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш яъни корхоналарни ишга тушириш, замонавий технологияларни жорий килиш оркали иктисодий масалаларни, бандликни таъминлаш оркали ахоли даромадларини ошириш натижасида ижтимоий масалаларни хал этиш имконини беради. Шу билан бирга, тадбиркорликни ривожлантириш, бюджет даромадларини оширишда хам мухим ахамият касб этади. Бу йуналишда бизнесни куллаб-кувватлаш катта ахамиятга эга.

Маълумки, маҳаллий хокимиятларни узларига тегишли худудларда тадбиркорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини ошириш максадида, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар маҳаллий бюджетлар ихтиёрига берилган. Махалий бюджетлар даромад базасини янада мустахкамлашда бюджетлараро муносабатларни ислох килишнинг асосий йуналишларидан бири-махаллий хокимиятларнинг солик тушумларини оширишдаги манфаатдорлигини кучайтириш муҳим ахамият касб этади. Бу борада мулкка, ерга, ресурсларга солик солиш ва юкорида курсатилган бошка турдаги тушумлар алохида ўрин тутади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солувчи солиқларни тақсимлаш тизимини ислоҳ қилишдаги биринчи даражали тадбир-бу маълум муддатга ягона барқарор нормативларнинг жорий этилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг назаримизда, маҳаллий хокимият органларининг солиқ йиғимларини кўпайтиришга бўлган қизиқишларини ошириш ва субвенцияларни ҳамда бошқа молиявий ёрдам турларини қискартириш мақсадида режадан ортиқча тушган солиқ суммаларини тақсимлаш механизмини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш керак. Бунда режадан ортиқча солиқ тушумларини маҳаллий бюджетларда қолдириш нормативларини ишлаб чиқиш ва қонуний тасдиқлаш керак.

Хозирги вактда режадан ортикча тушумлар республика ва махаллий бюджетларнинг жорий эхтиёжларидан келиб чикиб, умуман тизимсиз усулда тақсимланмокда. Ягона баркарор нормативлар жорий этилганда субвенцияларнинг ошириш кейинчалик солик тушумларининг хам ошиши билан копланиши мумкин. Ушбу омил маълум вакт тафовути билан амалга ошади, чунки солик тушумларини ошириш бирданига самара берса. худуд солик салоҳиятини ошириш солиқ тушумларини маълум бир вакт ўтгандан кейин кўпайтиради. Ягона нормативларнинг қўлланилиши қўшимча қарама-қарши молиявий оқимларни юзага келтириши мумкин.

Юкоридагиларни умумлаштирган ҳолда, тартибга солувчи солиқларнинг таклиф қилинаётган узоқ муддатли нормативларга асосланган тақсимот тартибидаги қуйидаги афзалликларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- бюджет ошкоралигининг ошиши;
- махаллий бюджетлар даромад қисмини барқарор ва бир маромда шаклланиб боришининг таъминланиши;
- маҳаллий бюджетлар тахминларининг яхшиланиб, янада реаллашувининг таъминланиши;
- солиқ тушумларини кўпайтиришга қизиқишнинг кескин ортиши ва бюджет боқимандаларини қисқартирилиши учун хамда солиқ салоҳиятининг ошиши учун замин яратилиши;
- бюджет параметрларини ишлаб чиқишдаги келишувчилик амалиётининг кескин камайиши учун шарт-шароитнинг яратилишидир.

Шу билан бирга режадан ортиқча солик тушумларини маълум вақт мобайнида тасдиқланган ягона норматив асосида тақсимлаш, бир томондан режадан ортиқча солиқларни йиғишда манфаатдорликни оширади ва иккинчи томондан эса республика ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базаларини мустаҳкамлайди хамда субвенциялар ҳажмини камайтиради.

Юқори иқтисодий ва солиқ салоҳиятига эга бўлган вилоятлар бюджет даромадларининг харажатларидан ошиб кетган қисмини 50:50 нисбатда тақсимланиши қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

- ✓ солиқларни йиғишдан манфаатдорликни юқори даражада сақлаб қолиш, уларни кўпайтиришга ва ҳудудда солиқ базасини янада кенгайтириш;
- ✓ баланслашган бюджетга эга бўлган ёки кичик миқдордаги бюджет тақчиллигига эга бўлган ҳудудларни солиқ тушумларини оширишга бўлган қизиқишларини янада ошириш.

Бизнинг фикримизча, маълум вакт мобайнида умумдавлат солиқларидан махаллий бюджетларга амалга ошириладиган ажратмаларнинг барқарор ягона нормативларини жорий этиш маҳаллий бюджетларнинг молиявий тенглаштириш жараёнини ислоҳ қилишда, уни такомиллаштириб жахон андозалари даражасига кўтаришда муҳим ахамият касб этади. Ҳудудларнинг бюджетдан амалга ошираётган харажатларининг етарли даромадлар билан таъминланмаганлиги, маҳаллий бюджетларни давлат томонидан даромадларни тартибга солишда бирламчи республиака бюджетида йиғилган даромадларни бир қисмини қайта тақсимланишини талаб этади. Бу мақсадда барча давлатлар амалиётида дотация ва субвенциялардан фойдаланилади.

Таянч сўз ва иборалар

Маҳаллий бюджет даромадларинг манбалари, харажатлар мажбуриятлари, гепотеза, бюджет федерализми, субвенция, айланма касса маблағи, маҳаллий бюджет имкониятлари, тартиб солувчи солиқлар.

Назорат учун саволлар:

1. Маҳаллий бюджет даромадларини манбаларини кўпайтириш бўйича нима дея оласиз?
2. Маҳаллий бюджетларда харажатлар мажбуриятларини тақсимланишини тушунтиринг.
3. Хориж тажрибалари асосида «бюджет федерализми» асосларини тушунтиринг.
4. Маҳаллий бюджетлар даромадларини мустаҳкамлаш йўлларини кўрсатинг.
5. Маҳаллий бюджетларга бюджет субвенциялари ва дотациялари ажратилиши масалалари тўғрисида нима дея оласиз?

Тестлар

1. Бюджет ташкилотлари томонидан ижарага берилган воситалар, бинолар учун тушган тушумдан маҳаллий бюджетга қанча ўтказилади?

а) 50%;
в) 90%;
с) 60%.

2. Улгуржи ва чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромад солиғининг табақалаштирилган ставкалари .. тебранади):

а) 20%-16%;
в) 18%-15%;
с) 14%-12%.

3. 2006 йилда коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ер усти сув ресурсларидан фойдаланганлик учун 1 куб. метр солиқ ставкаси (тийин) қанча белгиланган:

а) 527.0;
в) 275.0;
с) 409.0.

4. Маҳаллий бюджетга тушадиган маҳаллий солиқлар бўйича имтиёз миқдорини .. белгилайди:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;
с) бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги маҳаллий ҳокимият органлари.

УЧИНЧИ БЎЛИМ
9-Боб. Маҳаллий бюджетларни тузиш тартиби

9.1. Маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари лойиҳасини тайёрлаш ва кўриб чиқиш босқичлари

Давлат молиявий фаолиятига тааллуқли муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқ соҳаси Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқ тизимидаги мустақил ҳуқуқ соҳаси-молия ҳуқуқини ташкил этади. «Молия ҳуқуқи марказий ва маҳаллий давлат органларининг ўз вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ бўлган, яъни молиявий ресурсларни ёки пул фондларини шакллантириш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуасидан иборатдир»[1].

Бошқа сўз билан айтганда, «Молия ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқ тармоқларидан бири сифатида давлат бюджетини ишлаб чиқиш, қабул қилиш, даромадлар ва харажатлар бўйича ижро этилишини таъминлаш, молия соҳасидаги марказий ва маҳаллий давлат органлари ташкилий тизимини, ваколатларини белгилаш, молиявий соҳада юридик ва жисмоний шахсларни, давлат ва жамоат органлари фаолиятини назорат қилиш тамойиллари ҳамда тартибларини аниқлаш каби вазифаларни бажаради».[2]

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда бюджетдан фойдаланиш махсус мезонлар йиғиндиси мавжуд бўлишини тақазо этади. Бунда ҳуқуқий мезонлар молия ҳуқуқини мустақил бўлишини ташкил этади. Бюджет ҳуқуқи молиявий тизимнинг таркибий бўлаги сифатида бюджетни вужудга келтириш, тақсимлаш ҳамда фойдаланиш юзасидан вужудга келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг бюджет ҳуқуқи деганда Ўзбекистон ҳудудида бюджетни шакллантириш тақсимлаш ва фойдаланиш юзасидан молиявий-ҳуқуқий мезонлар йиғиндиси назарда тутилади.

Бюджет ҳуқуқи мазмуни жумласига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси бюджет тузилиши ва бюджет тизимлари соҳасидаги муносабатлар;
- Ўзбекистон Республикасининг бюджети ва маҳаллий бюджет даромадлар ва харажатлар тузилишини, уларнинг турли бюджет бўғинлари ўртасида тақсимланиши соҳасидаги муносабатлар;
- Ўзбекистон Республикасининг бюджети ва маҳаллий бюджетлар ваколатлари доирасини белгилашга оид муносабатлар;
- бюджет жараёни билан боғлиқ муносабатлар;
- бюджет ижроси устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар.

Юқорида санаб ўтилган муносабатлар бюджет ҳуқуқий мезонлари билан тартибга солиниши натижасида бюджетга оид ҳуқуқий муносабатларга айланади. Бошқа молиявий муносабатлардан фарқли равишда бундай ҳуқуқий муносабатлар бюджет фаолияти натижасида вужудга келади.

---

[1] Йўлдошев М., Турсунов Й. Молия ҳуқуқи. Тошкент. Давлат юридик институти. 2004. -21б.
[2] Ўша манба. -22б.

Бюджет ҳуқуқи мезонлари моддий-ҳуқуқий ёки процессуал бўлиши мумкин. Моддий ҳуқуқий мезонлар бюджет тузилиши, тизимлари, даромад ва харажатлар таркиби ва бошқаларни белгилайди. Процессуал мезонлар эса бюджет жараёнини, унинг қабул қилиниши ва ижро этилиш тартибларини белгилайди.

Бюджет қонунчилиги тақдим этилган бюджет лойиҳасини давлат ҳокимияти вакиллик идоралари томонидан кўриб чиқилиш муддатини белгилайди. Улар кўриб чиқиш натижаларига кўра тақдим этилган ижро лойиҳасини тасдиқлайди ёки тузатиш ва тўлдириш учун қайтариб юборади.

Бюджетни режалаштириш турли даражадаги бюджетларни тузиш ва ижро этиш тартиби, унинг меъёрий ҳуқуқий базаси ва ташкилий асоси тарзида бюджет жараёнини, шунингдек, мамлакат бюджетини тузилишининг назарияси ва услубиёти масалаларини ҳам ўз ичига олади. Бюджет бўйича режалаштириш асослари мамлакат Конституцияси ва қонунлар билан белгиланади.

Бюджет бўйича режалаштириш асослари мамлакат Конституцияси ва қонунлар билан белгиланади. Бюджет жараёни бюджетни шакллантиришнинг асосий шакли сифатида хокимият органларининг давлат бюджети ва унга кирадиган бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш ва кабул қилиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, шунингдек, уларнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботларн тасдиқлаш бўйича қонун хужжатлари билан тартибга солинган фаолиятдан иборат.

Бюджет жараёни бюджет фаолиятининг қуйидаги босқичларни қамрайди:

- бюдждет лойиҳасини тузиш;
- бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- бюджетни ижро этиш;
- бюджетнинг ижросини назорат қилиш;
- бюджет ижроси тўғрисида ҳисобот тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига Қорақалпоғистон Республикаси Взирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бюджет сўрови олинаганидан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағлари олишга буюртмалар тузиш учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўровлари юборади.

Келгуси молия йилига бюджетдан ажратиладиган маблағлар олишга буюртмалар Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилари томонидан жорий йилнинг биринчи июнидан кечиктирмай тегишли молия органларига тақдим қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бюджет Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар бюджетлари давлат бюджети қабул қилингандан кейин икки хафта муддат ичида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши ҳамда вилоят ва Тошкент шаҳар хокимият вакиллик томонидан;

-Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари -Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари

қабул қилинганидан кейин бир хафталик муддат ичида туман, шаҳар хокимият вакиллик органлари томонидан;

-шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туман бўйсинувидаги шаҳарлар бюджетлари-белгиланган муддатларда маҳаллий хокимият юқори турувчи вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тузишга доир ишлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади ва амалга оширилади. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, тегишли ҳокимиятлар молия бошқармалари Қоракалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини тузишга оид ишларини мувофиқлаштиради ва амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси даромадлар ва харажатлар бўйича мамлакат ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри иқтисодиётни ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тузиш жараёнида бюджет даромадларининг уларни ташкил этиш манбалари бўйича келиб тушиши прогнози ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти макроиқтисодий ривожланиш параметрлари лойиҳасида назарда тутилган ҳалқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришда нисбатларга риоя этиш учун харажатлар прогнозини белгилаш таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасида харажатлар назарда тутилган даромадлардан келиб чиқиб, тақчилликнинг чегара миқдори ҳисобга олинган ва уни қоплаш манбаи аниқланган ҳолда белгиланади. Кейинги йил учун мўлжалланган Қорақалпоғистон Республикаси бюджет лойиҳалари, маҳаллий бюджетлар лойиҳаларида назарда тутилган харажатларни қоплаш учун ўтган молия йилида тегишли бюджетлар натижалари бўйича ҳосил бўлган бюджет маблағларининг бўш турган қолдиқлар суммаси ҳам ишлатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тузиш жараёнида республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида маблағларни бюджетлар ўртасида қайта тақсимлаш бўйича юзага келадиган ўзаро муносабатлар, жумладан, тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга ажратиладиган маблағлар миқдори белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида чегараланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий ривожланиш параметрлари лойиҳаси билан назарда тутилган тадбирларни молиялаштиришни таъминлаш вазифалари, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг умумдавлат аҳамиятидаги тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш даражасидан келиб чиқилади.

Давлат бюджети лойиҳасини тузиш жараёни Ўзбекистоннинг амалдаги бюджет қонунчилиги меъёрларида аниқ-равшан белгилаб берилган бир неча кетма-кет босқичларни ўз ичига қамраб олади:

— бюджет сўровини жўнатиш;

— тегишли ҳудудлар бюджетлари ҳамда мақсадли давлат жамғармалари сўровлари ва лойиҳаларини бериш;

— Давлат бюджети ва бюджетномалари лойиҳасини тайёрлаш киради.

9.2.Маҳаллий бюджет лойиҳасини ҳуқуқий органлар томонидан тасдиқланиши

Молия ҳуқуқига оид адабиётларда молия тизими тушунчаси молиявий фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари мажмуи сифатида қўлланилади. Бу маънода молия тизими маҳаллий бошқарув органлари, молия органлари, кредит муассалари, солиқ хизмати органларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, уларга давлат пул жамгармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича тегишли ваколатлар берилган.

Ҳар қандай мамлакат ҳаётида молия умумиқтисодий вазифаларни ҳал қилишга, ижтимоий тараққиётнинг долзарб муаммоларини ечишга имкон беради. Шу сабабли молия тизими ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир этувчи бўғинлар сифатида амал қилади. Ушбу тизимда бюджет тизимини бошқариш, мувофиқлаштириш давлат молиявий фаолияти самарадорлигининг муҳим воситаларидан саналади.

Давлатнинг молиявий фаолиятини бошқаришнинг энг тезкор ва юқори натижа берадиган усуллари, механизмлари сифатида ҳуқуқий нормалар чиқариш, уларни қўллаш орқали бошқариш маъқул деб эътироф этилган бўлиб, бу усул давлат мажбурловини, ҳокимият кучини ўзида мужассамлаштирганлиги учун ҳам мамлакат иқтисодий, молиявий, соҳадаги воқеа-ҳодисалар ва жараёнларга кучли таъсир кўрсатиш, уларни мақсадга мувофиқ тарзда йўналтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси молия тизими ягона, бир бутун механизмдан иборат бўлганлиги муносабати билан Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимиятлар ўз тасааруфида бутун давлат молиясига нисбатан аниқ белгиланган функцияларни бажаради. Масалан, улар ўз ҳудудларида даромадларнинг республика бюджетига келиб тушишини таъминлайди, тасдиқланган бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида давлат эҳтиёжлари учун асосий жамғармалар ва воситаларни олиш ва қайта ишлаш учун капитал харажатларни амалга оширади. «Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимиятлар ўз ваколатлари доирасида тегишли маъмурий-ҳудудий бирликлар молиясига раҳбарлик қилинишини таъминлайди. Ушбу органлар, хусусан, маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини ишлаб чиқади, уларни тасдиқлайди ва ижро этади, шунингдек, мазкур бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди, қонунчиликка мувофиқ равишда маҳаллий бюджетга келиб тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар миқдори ва улар бўйича сарфланадиган бюджетдан ташқари жамғармаларни ташкил этишлари мумкин»[1].

Давлатнинг молиявий фаолиятини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органларининг барчаси иштирок этади, чунки уларнинг ҳар бири молия билан боғлиқ бўлган муайян функцияларни бажаради. Шу билан бирга улар молиявий фаолиятининг хусусияти ва мазмуни бир-биридан фарқ қилиб, бу ушбу органларнинг вазифалари ва ҳуқуқий ҳолатидаги фарқлар билан белгиланади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи органларни бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият ва бошқарув, марказий ва маҳаллий идоралари амалга оширадиган молиявий фаолият улар олдига қўйган мақсад ва вазифаларга, берилган ваколатларга мувофиқ турли шаклда амалга оширилади.

[1] Ли А. Молия ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент Давлат юридик инстититути. 2004. -398б.

Маҳаллий ҳокимият идоралари ҳокимлар, халқ депутатлари кенгашлари ўз ваколатлари доирасида маҳаллий молия фаолиятини амалга оширади.

Маҳаллий давлат хокимият идораларининг молиявий фаолияти молиявий масалалар соҳасидаги қарорлар, фармойишлар чиқариш, тегишли бюджетларни тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш, ўз ҳудудидаги давлат идоралари, корхоналари, ташкилотлар, молиявий фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, тегишли маъмурий ҳудудий бирлик ижтимоий иқтисодий тараққиётни таъминловчи, тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни молиялаштириш, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш каби шаклларда амалга ошади.

Молиявий фаолияти амалга оширувчи барча давлат идоралари қандай даражада бўлишидан, ваколатлари доирасидан қатъий назар мамлакат иқтисодий ва молиявий қудратини ошириш, иқтисодий барқарорликни ва ривожланишни таъминлаш, маҳаллий молияни мустаҳкамлаш йўлида ҳаракат қилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва унинг асосида чиқарилган бошқа қонунларга мувофиқ давлатнинг молиявий фаолияти унинг хокимият, бошқарув ҳамда маҳаллий хокимият идоралари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларга мувофиқ давлат идоралари томонидан молиявий фаолият давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилувчи бир қатор тамойилларга, етакчи қоидаларга мувофиқ равишда олиб борилиши лозим. Бу тамойиллар молия, кредит, солиқ ва банк соҳасидаги қонунларда белгилаб қўйилган.

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ давлатимиз ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини бажаришда бюджет тизими уни ташкил қилиш хамда унинг ҳуқуқий-меъёрий базасини яратишдек муҳим масала турган эди. Шу сабабдан Президентимиз ва соҳа раҳбар ходимлари бошчилигида ушбу масалага катта этибор қаратилди. Чунки жамиятнинг равнақи, аҳолининг фаровонлиги, юртнинг тинчлигини таъминлаш ва бошқа мақсадларни амалга ошириш, давлатимизнинг ҳозирги кунда бюджет ва бюджет сиёсатининг асосий устивор йўналишларидан биридир. Республикада бюджет тизимининг кейинги ривожланишини бошқарадиган қонунчилик хужжатлари қабул қилинди, буларга мувофиқ қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган эди: барча даражадаги бюджетларнинг иқтисодий мустақиллик принципини тарғиб қилиш; уларни алоҳида шаклланишининг меъёрий асосларини белгилаш.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, Буюк Британияда, Японияда бюджет йили 1апрелдан, АКШда 1 октябрдан, Францияда 1 январдан бошланади. Бюджет йили бошланмасдан олдин, бюджет лойиҳаси тузилади. Бу жараён Германияда-6 ой, Японияда 7 ой, Францияда 14 ой, АҚШда 18 ой давом этади. Бу мамлакатларда бюджет лойиҳаси молия вазирлиги томонидан тузилса, АКШда Президентга қарашли Маъмурий бюджет бошқармаси томонидан ишлаб чиқилади. Бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмини ҳисоблашда ва келгуси йил бюджетини тузишда турли хил усулдан фойдаланилади.

Автоматик усулда бюджетнинг ўтган йилги харажатлар ва даромадлар жами янги даврга ўтказилади. Бу усул бюджетнинг алоҳида боблари ва моддалари учун қўлланилади.

Иқтисодий таҳлил усули ўтган йил бюджетини бажарилиши даражаси аниқланади ва фарқлар сабаблари ўрганилади. Бу жорий йил бюджети бажарилиш даражасини белгилайди.

Меъёрий усул асосида моддалар харажатларининг белгиланган меъёри ётади. Натурал бирликни меъёр кўрсаткичига кўпайтириб, харажатларнинг умумий суммаси ўрнатилади.

Экстраполяцион метод-олдинги йиллар ҳисобот маълумотларидан келиб чиқиб, молиявий кўрсаткичлар динамикаси (ўзгариши) асосида уларни молиявий кўрсаткичларни белгилайди ва олинган суммаларни келгуси йилга тадбиқ этади.

Мажорация ва минорация усулида 10-15 йилдан иборат динамик қаторларни статистик ишлаб чиқишга асосланган бўлади. Каторлар тенденцияси аниқланади ва бюджетнинг даромадлар қисми кооректировка қилинади. Агар бунда бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисми миқдори ўсиш суръатлари мавжуд бўлса мажорация усулидан, камайган ҳолда минорация усулидан фойдаланилган бўлади.

Бевосита баҳолаш усули эса реал конюктурани ўрганишга асосланган. Бюджет тузувчилар бевосита баҳолаш усули ёрдамида давлат бюджетининг кутилаётган тушумларини ва бюджетнинг харажатлар қисмининг ўзгаришини аниқлашга харакат қилади.

Кўпгина мамлакатларнинг амалиётида кейинги ўн йилликликда узоқ муддатли бюджетни режалаштириш ва прогнозлаштириш ривож топди. Эндиликда бу занжирли ва сирпанувчан бюджетлар тузишда ўз ифодасини топмоқда. «Занжирли ва сирпанувчан» (скользящих) бюджетлар тузиш асосида шунингдек, умуман бюджетни режалаштиришда бюджетни планлаштириш-прогнозлаштириш услуби ишлаб чиқилди. Бу усул хукуматнинг узоқ муддатли дастурларини амал қилишига асосланган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бюджет даромадлари ва харажатларини ҳисоблашда, бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишда турли услублардан фойдаланилди. Аввал АҚШда кейин бошқа мамлакатларда 1960 йилларгача кенг масштабли молиявий ресурсларни йўналтириш мақсадида, бюджет ишлаб чиқиш жараёнида янада самарали услублардан фойдаланиш мақсадида янги «мақсадли режалаштириш услуби» («програмно-целевой метод») қўлланила бошлади. 1961 йилдан бошлаб АҚШ мудофаа вазирлигида мазкур услуб қўлланилди, 1965 йилдан бошқа вазирликларда ёйила бошлади. Мазкур услубнинг моҳияти шундаки, мамлакатнинг келгусидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишини эътиборга олган ҳолда, унинг иқтисодий дастурлари билан боғлаган ҳолда бюджетнинг жуда кўп вариантлари ишлаб чиқилади. 1973 йилдан бошлаб янги услубга ўтилдики, алоҳида вазирлик ва идораларнинг ишлаб чиққан дастурлари асосида бюджет тузила бошлади.

Бюджет амалиётида «о» га асосланган услуб қўлланилади. Бунда ҳукуматнинг ривожланиш дастурлари ҳар йили кўриб чиқиш тамоилига асосланади, ўтган йили қилинган ҳаражатлар ҳисобга олинмайди.

Францияда бюджет лойиҳаси аввал пастки кейин юқори парламент палатада, АҚШда бир вақтнинг ўзида икки палатада қўриб чиқилади. Бу палаталарда бюджет лойиҳасини даромадлар ва харажатларини алоҳида моддалар бўйича синчиклаб кўриб чиқилади, ўзгартиришлар киритилади ва тузатилади. Парламентда бюджет лойиҳасини кўриб чиқишда «бюджет инициативалари» алоҳида аҳамиятга эга.

Францияда, Буюк Британияда парламент аъзолари бир вақтнинг ўзида хукумат аъзолари бўлса ҳам, бюджет лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида бюджет харажатларини ошириш, янги солиқларни жорий қилиш бўйича таклифларини бера олмайди. 1974 йилги АҚШ Конгрессининг Қонуни Конгресс аъзоларини бюджет жараёнида асосий рол ўйнашларини ҳуқуқий таъминлади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб, иқтисодий ўсиш суръатларининг юқорилиги натижасида давлат харажат-ларининг ҳам ўсиши бир қатор давлатларда ўрта ва узоқ муддатли мўлжалланган истиқбол курсаткичларини ўзида мужассамлаштирган бюджетлар тузилишига олиб келди. Чунки бундай бюджетлар давлатнинг кейинги йиллардаги харажатларига бўладиган эҳтиёжини ўзида акс эттирган. Ушбу бюджетлардаги асосий маълумотлар, табиийки, ўша вақтларда йиллик бюджетларни тузиш ва харажатларни режалаштиришда асосий қурол бўлиб хизмат қилган ва давлат сектори харажатларининг тез ошиб бориши, ўз навбатида ўрта ва узоқ муддатли бюджетларни ривожлантиришда, бюджет харажатларига бўлган талабни ҳам кўрсатишни тақозо қилган.

Истиқбол кўрсаткичлари йиллик бюджетлар учун қандайдир энг юқори чегара базавий нуқта бўлиб ҳисобланган. Яъни харажатларнинг прогноз кўрсаткичлари, келгуси давр харажатлари энг юқори нуқтаси сифатида белгиланиши ҳамда бошқа харажатларни ошириш учун ташаббус ва таклифларга йўл қўймаслик орқали ушбу сиёсатни белгиловчи асос сифатида қабул қилиш бошланган. Айни пайтда АҚШ, Швеция ва Нидерландияда ўрта ва узоқ муддатли бюджетлар прогнозларини жорий бюджет билан мутаносиблигини таъминлашнинг энг муҳим шарти бу уларнинг битта идора томонидан тузилиши бўлган. Ҳозирги пайтда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Дания, Финландияда 3 йиллик, Туркияда 5 йиллик, Швеция, Испания, Португалияда 4 йиллик бюджетлар истиқбол кўрсаткичлари тузилмоқда ва улардан келгуси йил бюджетини тузиш ва уни Парламент тасдиғига киритишда база сифатида фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда кейинги молия йили учун бюджет сўровини қуйидагиларга:

- республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчиларга-улар уч кун давомида бюджет буюртмаларини тузиш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида буйруқ чиқаради;
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар бюджети ҳокимиятига улар томонидан тегишли ҳудудлар бюджетлари лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиш жўнатади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар бюджети ҳокимияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган шакл бўйича тегишли ҳудудлар бюджетлар лойиҳаларини тузади. Бу лойиҳалар қуйидагиларни ўз ичига олади.

1. Даромадлар бўйича- солиқлар, йиғимлар, божлар, ва бошқа мажбурий тўловлар контингенти ҳамда Давлат бюджетига бошқа мажбурий даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар тегишли минтақалар ва даромадларнинг ҳар бири бўйича алоҳида тузилади.

2. Харажатлар бўйича-кўрсаткичларнинг рўйхати, унинг асосида бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратилган маблағларни олиш учун буюртмалар тузиши керак, тармоқлар, штатлар ва контингентлар бўйича кўрсаткичлар тузилади.

Ўзбкистон Республикасида бюджет қонунчилиги ҳозирги вақтда янада ривожланиш босқичида турибди. Мамлакатимиз бюджет тизимининг самарали

ишлаши кўп жиҳатдан белгилаб берувчи меъёрлар унда қанчалик тўлиқ ва объектив акс эттирилишига боғлиқ.

Бюджетдан ажратиладиган маблағларни олувчилар бюджетдан маблағлар ажратилиши учун буюртмаларни белгиланган муддатларда тегишли молия органларига тақдим этади. Демак, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар буюртмаларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар бюджети ҳокимияти молия бошқармаларига жорий йилнинг биринчи июнидан кечиктирмаган ҳолда, республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар буюртмаларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жорий йилнинг биринчи июлидан кечиктирмаган ҳолда жўнатади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар бюджети ҳокимияти кейинги молия йили учун мўлжалланган тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва муддатларда, аммо жорий йилнинг биринчи июлидан кечиктирмаган ҳолда жўнатади.

Бюджет қонунчилигида Давлат бюджетини бюджет маблағларини олувчиларга етказиш билан боғлиқ бўлган бюджет жараёнининг алоҳида босқичи ажратилиши муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бюджет жараёнининг кўриб чиқилаётган босқичи муҳим элемент бюджет кўрсаткичлари ва бюджетни ижро этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни етказиш муддатлари ҳисобланади. Бунда улар бюджет кўрсаткичларини етказиш жараёни режалаштирилаётган молия йили бошлангунига қадар тугалланиши, янги молия йилнинг биринчи кунидан бошлаб бюджетни амалда ижро этишга киришиш учун бюджетни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш муддатлари билан албатта боғланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий малиси томонидан қабул қилиниб, унинг параметлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланганидан кейин Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар, ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимияти, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларига қуйидаги маълумотларни етказади:

⇒ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар бюджети даромадлари ва харажатлари ҳажмлари;

⇒ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар бюджети айланма касса миқдорлари;

⇒ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар бюджети тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари.

Бундай ахборот ва маълумотлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар вакиллик органлари Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин икки ҳафталик муддат ичида тегишли бюджетларни қабул қилишади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар бюджети қабул қилинганидан кейин тегишли молия органлари бир ҳафталик муддат ичида

жойлардаги давлат солиқ хизмати органларига-кўрсатилган бюджетлар тасдиқланган даромадлар ҳажмларини, ушбу бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотларга улар учун белгиланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини маълумот учун етказади. Республика ва вилоятларга қарашли туманлар ва шаҳарлар бюджетлари, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари қабул қилинганидан кейин бюджетлар кўрсаткичлари тегишли солиқ органларига ва тегишли бюджетлардан маблағларни олувчиларига шундай тартибда ва муддатларда етказади.

9.3.Маҳаллий бюджетлар ижроси ва маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисида ҳисоботларни тайёрлаш

Маълумки, жараён атамаси билан муайян натижага эришиш учун амалга ошириладиган кетма-кет харакатлар мажмуи ёки бирор фаолиятини амалга ошириш тартиби билан белгиланди. Бюджет жараёни бюджет ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг моддий бюджет ҳуқуқларини амалга ошириш шакли бўлиб, бюджет ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет тизими тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасига кўра, «Бюджет жараёни-қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган, Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, назорат қилиш, унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш жараёни, шунингдек, Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардир. Бюджет жараёни асосида муайян тамойиллар мавжуд бўлиб, бутун бюджет тизимининг барқарор ва самарали ишлаши учун уларга қатъий риоя этилиши зарур. Шу сабабли бюджет жараёнига бюджет тизими учун хос бўлган барча бюджетларнинг бирлиги, тўлиқлиги, реаллиги, балансилиги, ошкоралиги каби тамойилларнинг хос бўлиши тасодифий ҳол эмас.

Шу билан бирга фақат бюджет жараёнига хос бўлган алоҳида тамойиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларга бюджетнинг ҳар йили такрорланиб туриши, вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари ўртасида ваколатларни чегаралаш, бюджет кўрсаткичларини ихтисослаштириш киради. Бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет кўрсаткичларини ихтисослаштириш тамойили амал қилади. Бу тамойилнинг моҳияти бюджет даромадларини-уларнинг келиб тушиш манбалари бўйича, харажатларни эса улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича аниқлаштиришдан иборат бўлиб, бу бюджет таснифи орқали амалга оширилади.

Бюджет ижроси бюджет жараёнининг асосий босқичи бўлиб, унда даромадлар ҳамда харажатлар бўйича барча кўрсаткичларнинг амалга оширилиши таъминланади. Қонунчиликка кўра бюджет ижросини таъминлаш вазифаси ҳокимиятнинг тегишли ижроия идоралари зиммасига юклатилган. Бюджетларни ижро қилиш тартиби Ўзбекистон Хукумати томонидан белгиланади. Бюджет ижроси жараёнида Ўзбекистон Хукумати, Қорақалпоғистон Республикаси Хукумати ва бошқа тегишли маҳаллий ижроия идоралар тегишли бюджет даромадлари ҳамда харажатлари бюджет таснифига мувофиқ равишда белгилаб қўйилган кўрсаткичлар доирасидан чиқмаган ҳолда ўзгаришлар киритиши мумкин.

Бюджетлар ижроси амалга оширилишида у ёки бу даражада барча марказий ва маҳаллий хокимият вакиллик ҳамда ижроия идоралари, вазирликлар, давлат қўмиталари, тармоқ, бошқарув идоралари, корхона, муассаса, ташкилотлар иштирок этади. Аммо бюджет ижросини таъминлаш бевосита солиқ, молия

идоралари ҳамда кредит муассасалари зиммасига юклатилган бўлиб, жумладан солиқ хизмати идоралари бюджетларнинг даромад қисмларининг ижро этилишини таъминлайди. Ана шу мақсадда солиқ нозирлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ ҳамда солиқдан ташкари тўловларнинг ўз вақтида тўланиши, даромадларни тўғри ва ўз вақтида хисобга олиб борилиши устидан назорат олиб боради, уларга ушбу вазифаларни бажаришлари учун зарур ваколатлар бериб қўйилган.

Бюджетлар ижросининг таркибий қисми бўлиб, уларнинг касса ижроси саналади. Бюджетларнинг касса ижросини таъминлаш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг банк тизимларига юклатилган. Бюджет касса ижроси асосида касса ягоналиги ҳамда тегишли бюджетлар ижросини амалга ошириш пайтида марказий ва маҳаллий давлат идоралари ўртасида бюджетларни тузиш ва ижро этишда ваколатларнинг қатъий тақсимланганлиги қоидаси амал қилади.

Бюджетнинг касса ижроси деганда хар бир бюджетнинг даромадлари мазкур бюджетни ижро этувчи тегишли кассада жамғарилиши тушунилади. Шунингдек, ушбу бюджетдан маблағ билан таъминланувчи барча ташкилотларга пул маблағлари ушбу касса орқали берилади. Бюджетни шакллантиришда унинг ҳам харажатлар қисмини, ҳам даромадлар қисмини белгилаш муҳимдир, чунки бюджетнинг даромадлари ва харажатлари ўзаро бир-бирини тақозо этади, уни тўлиқ ҳисобга олмаслик, нохуш оқибатларни келтириб чиқаради.

Бюджетнинг ижроси бюджет жараёнидаги асосий босқичлардан бири ҳисобланадики, бунда белгиланган истиқбол кўрсаткичлари (прогнозлар), режалар ва дастурлар амалиётга тадбиқ этилади. Бюджет маблағларини иқтисод қилиб ва самарали ишлатилиши давлатнинг бюджет сиёсатининг устивор йўналишларини амалга ошириш имкониятини беради. Бюджет сиёсатининг асосий йўналиши молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, молиявий тизим соҳалари ўртасида қайта тақсимлаш ва республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш мақсадида, давлат ихтиёридаги молия ресурсларини самарали бошқаришдир.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги қонунларда Марказий банкнинг, бошқа вакил қилинган банкларнинг бюджет ижроси соҳасида давлат вакиллик ва ижроия идоралари билан ўзаро муносабатлари асослари белгилаб қўйилган. Бюджет ижросини таъминлашда асосий хужжат бўлиб, бюджет тақсимоти саналади. У тегишли давлат хокимияти вакиллик идораси томонидан тасдиқланади ҳамда унда бюджет даромад ва харажатлари батафсил кўрсатилади. Бюджет даромад қисмини ижро этиш юридик ва жисмоний шахслардан солиқ ва солиқдан ташқари тўловлар ундириш хисобига амалга оширилади. Бюджетларнинг харажат қисмини ижро этиш бюджет ҳисобидан муайян маблағларнинг ажратилиши билан боғлиқ бўлади. Барча даражадаги бюджетлар ижроси хокимият идораларининг мунтазам назорати остида бўлади. Ижроия хокимият идоралари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда бюджет ижросини бориши устидан назорат олиб боради.

Бюджет йил тамом бўлганидан, бюджет якунланганидан кейин бюджет ижроси хақида ҳисобот тузишга киришилади. Бюджет ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Бюджет ижроси ҳақидаги ҳисоботнинг лойиҳаси тегишли молия идоралари томонидан тайёрланиб, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот муҳим давлат тадбири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот-тегишли ҳисобот даври учун маълум тизимга солинган режа ва ҳақийқий кўрсаткичларни умумлаштириш усулидир. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган ягона шакллар бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот тузилади. Ҳисобот мамлакат иктисодиётида давлат бошқаруви воситаси ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси жараёнини тезкор бошқариш учун катта аҳамиятга эга.

Ҳисобот ёрдамида Давлат бюджети ижроси жараёни, бюджет даромадларининг келиб тушиши, тасдиқланган Давлат бюджетида кўзда тутилган тадбирлар учун қилинган маблағларнинг харажат қилиниши устидан назорат амалга оширилди. Ҳисобот асосида молия органлари бюджет ижроси бўйича бюджет ташкилотлари ва банк муассасалари томонидан амалга оширилган ишларни иқтисодий таҳлил қилади. Бухгалтерия ҳисоботи объектив, тўғри, тўла, тушунарли ва аниқ бўлиши, белгиланган шакллар ва унинг тегишли кўрсаткичлари тўла ҳажмда ўз вақтида тузилиши ва такдим этилиши керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ишларида молия органлари, бюджет ташкилотлари ва банк муассасалари қатнашади. Уларнинг ҳар бири бюджет ижроси бўйича унга юклатилган функцияларга доир маълумотлар асосида бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузади. Бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар даврий ва йиллик ҳисоботларга бўлинади, даврий ҳисоботлар ойлик ва чораклик ҳисоботларга бўлинади. Даврий ҳисоботлар йиллик ҳисоботга нисбатан анча қисқа, уларда шакллар ва кўрсаткичлар сони кам, юқори ташкилотларга ва бошқа органларга топшириш муддатлари қисқа бўлади. Йиллик ҳисоботда келтириладиган кўрсаткичлар даврий ҳисобтлардагига нисбатан бюджет ижроси кенгроқ ёритилади.

Маҳаллий бюджетлар тўғрисидаги йиллик ҳисоботларда ойлик ва чораклик ҳисоботларга нисбатан кўп кўрсаткичлар ва бюджет ижроси жараёнининг кенг тавсифи берилади. Юқори сифатда ва белгиланган муддатларда йиллик ҳисоботни тузишгача молия органлари маълум чора-тадбирларни амалга оширади. Молия органлари қуйи молия органлари ва бюджет ташкилотларининг бош бухгалтерлари билан йиллик ҳисобот тузиш масалалари бўйича йиғилишлар ўтказади.

Ҳисоботлар индивидуал ва йиғма ҳисоботларга бўлинади, индивидуал ҳисоботлар Давлат бюджети ижросида қатнашувчи ҳар бир орган томонидан тузилади. Индивидуал ҳисоботларга молия органларининг ўзлари ижро этаётган бюджет ижроси тўгрисидаги ҳисоботлар, бюджет ташкилотлари харажатлар сметаларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар ва банк муассасаларининг республика бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар киради. Йиғма ҳисоботларга бюджет ижроси тўгрисидаги умумлаштирилган маълумотлар бўлади. Йиғма ҳисоботлар молия органлари, бюджет ташкилотлари ва банк муассасаларининг индивидуал ҳисоботлари асосида тузилади.

Барча даражадаги маҳаллий бюджетлар ҳисобрақам-ларидаги бюджет маблағлари қолдиқлари тасдиқланган миқдорда айланма касса маблағи меъёрини шакллантиришга йўналтирилади. Қолдиқларнинг айланма касса маблағи меъёрининг тасдиқланган миқдоридан ортиқ қисми Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда тегишли ҳокимликларнинг қарорига кўра қўшимча харажатларни амалга оширишга йўналтириш мумкин. Бюджет ташкилотларининг

ҳисобрақамларидаги бюджет маблағлари қолдиқлари олиб қўйилмайди ва улар бюджет ташкилотлари-нинг махсус маблағлари ҳисобрақамларига ўтказилади.

«Режага мувофик бюджетдан маблаг билан таъминлаш ҳисобига тушган ва ҳисобот чорагининг охирги иш кунида бюджет ташкилотларни ҳисобрақамларидаги қолган тежаб қолинган (фойдаланилмаган) маблағлар (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларининг «бюджет ташкилотини ривожлантириш жамгармаси»ни шакллантиришга берилади»[1].

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг ҳар бир бўғини у ёки бу ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун мўлжалланган турли пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишга қаратилган ўзига хос вазифаларни бажаради. Қонунчиликка биноан бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботдан даромадлар ва харажатларнинг барча кўрсаткичлари бўйича ижронинг аҳволи батафсил акс эттирилиши лозим. Агар бюджет ижроси юзасидан ҳисобот тасдиқланадиган бўлса, бу ҳақидаги қарорда бюджет даромадлари умумий миқдори тўғрисидаги маълумотлар, бажарилмасдан қолган даромад ва харажат моддалари ва бунинг сабаблари, бюджет камомадининг кўпайиши ёки камайиш даражаси каби маълумотлар ва бошқа турли маълумотлар ўз аксини топиши лозим.

Давлат бюджетини ижро қилиш-унинг даромад қисмида режалаштирилган тўловларнинг ҳар бир манба бўйича ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушишини таъминлаш, шунингдек, унинг харажат қисмида назарда тутилган барча тадбирларни узлуксиз молиялаштиришдир. Ўзбекитон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунга кўра Давлат бюджети ва унинг тузилмасига кирувчи бюджетларни ижро этиш Ўзбекитон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, жойлардаги ижроия органлари ва Молия вазирлиги ваколатига киради. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, жойлардаги ижроия органлари маблағларнинг тегишли бюджетларга тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушиши ҳамда уларнинг белгиланган мақсадларда харажат қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

Давлат бюджетини ижро этишда ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Хукумат комиссияси муҳим аҳамиятга эга. Бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича комиссиянинг асосий функцияларидан бири хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларига тўловлар бўйича боқимандаларининг аҳволини тармоқлар ва республика минтақалари бўйича таҳлил қилиш ҳамда тўланиши лозим бўлган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўлиқ ундириб олинишини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилишдан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджети ва Тошкент шаҳар бюджетларини бевосита ижро этиш молия органлари тизими томонидан амалга оширилади.

Давлат бюджетини ижо этишда бюджетнинг касса ижроси, яъни пул маблағларини қабул қилиш, сақлаш ва бюджетдан ажратилган маблағларни олувчиларга бериш муҳим аҳамиятга эга.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.5-модда. \\ Халқ сўзи. 1999. 4 сентябр.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджети ва Тошкент шаҳар бюджетлари тегишли маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг молия органлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, бюджетлари даромадлари ва харажатлари йиллик режа ҳажмлари-нинг чораклар бўйича тақсимотига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда ижро этилади.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқи бюджетдан ажратиладиган маблағларни олувчиларга қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли молия органларининг молиялаштириувчи бўлимлари харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларида рўйхатга олинган вақтда юзага келади. Давлат бюджетидан молиялаштириладиган харажатларни амалга ошириш учун тегишли маблағлар бюджетдан ажратиладиган маблағларни тақсимловчиларга берилади.

Бюджетдан ажратиладиган маблағларини тақсимловчилар бюджет ташкилотлари, корхоналар ва хўжалик ташкилотлари раҳбарлари ёки уларнинг вазифаларини бажарувчи шахслар бўлиб, уларга тегишли бюджетлар ва харажатлар сметаларида тасдиқланган параметрлар доирасида бюджетдан ажратиладиган маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқи берилган.

Берилган ваколат доирасига кўра бюджетдан ажратиладиган маблағларни тақсимловчилар: бюджетдан ажратиладиган маблағларни бош тақсимловчилар ва қуйи тақсимловчиларга бўлинади.

Бюджетдан ажратиладиган маблағларни бош тақсимловчилар қуйидаги ҳуқуқга эга:

♦ бюджет маблағларини тегишли вазирликлар, идоралар, бошқарув аппаратини сақлаш учун харажат қилиш;

♦ бевосита ушбу органлар томонидан амалга ошириладиган марказлаштирилган тадбирларни амалга ошириш учун харажат қилиш;

♦ берилган бюджет маблағларини тасарруфдаги муассасалар ўртасида тақсимлаш.

Республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни бош тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси вазирлари ва идораларининг раҳбарлари ҳисобланадики, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджети ва Тошкент шаҳар бюджетлари ҳамда шахарлар ва туманлар бюджетлари бош тақсимловчилари эса, тегишли маъмурий-ҳудудий бирликлар ижроия ҳокимияти органларининг тармоқ бўлимлари ва бошқармалари раҳбарларидир. Бюджетдан ажратиладиган маблағларни бош тақсимловчилар бевосита у ёки бу даражадаги молия органларидан ажратиладиган маблағларни олади.

Бюджетдан ажратиладиган маблағларни қуйи тақсимлов-чилари ўзларига берилган ҳуқуқлар доирасига қараб икки гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳга мустақил харажатлар сметасига эга бўлиб, бюджет маблағларини бюджетдан ажратиладиган маблағларни бош тақсимловчиларидан ўзлари бошқараётган ташкилотлар харажатлари учун ва тасарруфдаги ташкилотлар ўртасида уларни тақсимлаш учун оладиган ташкилотлар раҳбарлари киради. Масалан, вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ажратиладиган маблағларни тегишли вазирлик-бюджетдан ажратиладиган маблағларни бош тақсимловчилардан оладиган айрим тузилмалар раҳбарлари кириши мумкин.

Иккинчи гуруҳга индивидуал харажатлар сметасига эга бўлган, бюджет маблағларини бюджетдан ажратиладиган маблағларни бош тақсимловчиларидан фақат ушбу ташкилотнинг эҳтиёжлари учун ишлатадиган ташкилотлар раҳбарлари

киради. Бу гуруҳга масалан, олий ўқув юртлари, даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари киради.

Бюджетдан ажратиладиган маблағларни бош тақсимловчилар Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджети ва Тошкент шаҳар бюджетлари ҳамда шахарлар ва туманлар бюджетларидан олинган маблағларни белгиланган тартибда тасарруфидаги ташкилотлар, муассасалар, корхоналарнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобрақамларига ўтказади.

Бюджет муассасалари, корхоналар, хўжалик ташкилотлари ҳамда бюджет маблағларини олувчи бошқа шахслар бюджет маблағларини харажатлар сметаларида назарда тутилган, ажратилган маблағлар миқдори ва мақсадли йўналишига қатъий риоя этган ҳолда харажат қилишлари шарт. Бюджет маблағларини харажатлар сметаларида назарда тутилмаган тадбирларга йўналтириш ман этилади. Бюджетдан маблағларини олувчиларнинг жорий йил харажатлар сметасида назарда тутилган бюджетдан ажратилган маблағларни харажат қилиш ҳуқуқи жорий молия йилининг 31 деакбрида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижро этилишини назорат қилиш бўйича асосий функциялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоят, туман, шахарлар ҳокимиятларининг молия бошқармалари ва бўлимлари зиммасига юклатилган. Бундай назорат жараёнида улар турли даражадаги бюджетлар ижросининг якунларини кўриб чиқади, солиқ ва божхона органлари ҳамда давлат мақсадли жамғармалари таксимловчи органларидан турли даражадаги бюджетларга маблағларнинг келиб тушиши тўғрисидаги ахборот, маълумотларни олади.

Бюджетдан ажратиладиган маблағларни олувчиларидан бюджет маблағларининг келиб тушиши ва харажат қилиши тўғрисидаги маълумотларни сўраб олади, банклардан бюджет маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни олади, бюджет маблағларини олувчиларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ўз ваколати доирасида тафтиш қилади ва текширади.

Бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш тўғрисида ҳисоботлар тузиб, уларни ўзларини молиялаштириладиган молия органларига тақдим этади. Демак, республика бюджетидан молиялаштириладиган, бюджет маблағларини олувчилар -Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоят, туман, шахарлар бюджетидан маблағ олувчилар тегишли молия бошқармалари ва бўлимларига ҳисобот беради. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва жойлардаги тегишли ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Таянч сўз ва иборалар

Бюджет ҳуқуқи, бюджет лойиҳаси, бюджет жараёни, бюджетларининг ҳуқуқ мажбуриятлари, иқтисодий таҳлил усули, меъёрий усул, бюджет сўровномаси, ўрта муддатли бюджетлар, бюджет ижроси, занжирли бюджетлар.

Назорат учун саволлар:

1. Бюджет ҳуқуқи мазмунини тушунтириб беринг.
2. Бюджет жараёнлари тўғрисида нима дея оласиз?
3. Бюджет лойиҳасини тузиш жараёнларини кўрсатиб беринг.
4. Бюджетдан ажратиладиган маблағларни бош тақсимловчиларининг ҳуқуқларини айтиб беринг**.**

Тестлар

1. Бюджет трансферти – бу .....

а) юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёҳуд республика бюджетидан резидент-юридик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган пул маблағлари;

в) бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёҳуд ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтарилмайдиган пул маблағлари;

с) қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган маблағлар

2. Жавобларни нотўғрини топинг:

а) Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида ва маҳаллий бюджетларда даромадлар ва харажатлар ўртасида пайдо бўладиган вақтинчалик узилиш айланма касса маблағи меъёри ҳисобига, юқори бюджетлардан бериладиган бюджет ссудалари, фойдаланилмаган бюджет маблағлари қолдиқлари ҳисобига қопланади;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида назарда тутилган айрим харажатларни мақсадли молиялаштириш учун қуйи бюджетлар ҳисобига киритиладиган доромадларни республика бюджетига ўтказиши мумкин;

с) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари қабул қилинган кейин уч кун муддат ичида туман, шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

3. Жавобларни нотўғрини топинг:

а) Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида ва маҳаллий бюджетларда даромадлар ва харажатлар ўртасида пайдо бўладиган вақтинчалик узилиш айланма касса маблағи меъёри ҳисобига, юқори бюджетлардан бериладиган бюджет ссудалари, фойдаланилмаган бюджет маблағлари қолдиқлари ҳисобига қопланади;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида назарда тутилган айрим харажатларни мақсадли молиялаштириш учун қуйи бюджетлар ҳисобига киритиладиган доромадларни республика бюджетига ўтказиши мумкин;

с) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари қабул қилинган кейин уч кун муддат ичида туман, шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

4. 2007 йилга тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ҳар бир тиббиёт муассасаси учун ажратиладигна бюджет харажатлари умумий ҳажмининг .. миқдорида тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига маблағлар режалаштирилади(0,25 балл):

а) 20%;
в) 10%;
с) 5%;
д) 15%.

5. Мудофаа, миллий хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш харажатлари қайси бюджетдан амалга оширилади?

а) республика бюджети;
в) республика бюджети ва маҳаллий бюджет;
в) маҳаллий бюджет.

10-Боб. Маҳаллий бюджетларни бошқаришни ташкил қилиш

10.1. Маҳаллий бюджетларни бошқаришда молия органларининг роли

Бюджетлар ижросининг амалга оширилишида молия органлари муҳим ўрин тутади. Жумладан, молия идоралари белгиланган тартибда марказий ва маҳаллий бюджетлар ижросини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан бюджетларга тузатишлар киритади, бюджетлар ижроси устидан назорат қилади, бюджетдан ажратилаётган маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланилаётганлигини кузатиб боради, бюджет ижроси тўғрисида хисоботлар тайёрлайди ва уни вакиллик ва ижроия органларига тақдим этади.

Молия органларининг ҳисоботи-маълум тизимга солинган бюджет ижроси тўғрисидаги режа ва ҳақиқий кўрсаткичларни умумлаштириш ва солиштириш усулидир. Молия органларининг ҳисоботида Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари, банк муассасаларидаги пул маблағлари ва бюджет ижроси натижалари қайд этилади. Молия органлари ижро этаётган бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ўзлари тузади ва бюджет ижросида қатнашувчи бошқа органларнинг ҳисоботларини тайёрлаш ва тузиш бўйича ташкилий ишларни амалга оширади.

Қуйи молия органларининг ҳисобот тақдим этиш муддати ва тартиби юқори молия органлари томонидан йиғма ҳисобот ўз вақтида тақдим этилиши таъминлашини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Ҳар бир молия органи бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботни юқори молия органига ва тегишли ҳокимиятга тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар молия органларининг, республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги йиллик бухгалтерия ҳисоботларига тушунтириш хати илова қилинади. Йиллик ҳисоботга илова қилинадиган тушунтириш хатида бюджетнинг даромадлари ва харажатлари бўйича ижроси тўғрисида қисқача тавсиф берилади.

Бюджет жараёнининг муҳим босқичи бюджетнинг ижроси тўғрисида ҳисобот тузиш ва уни давлат қонун чиқарувчи органларида тасдиқлашдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва ҳудудий молия органлари Давлат бюджетининг ижросини назорат қилишни амалга ошириш чоғида қуйидагиларни амалга оширади:

- турли даражадаги бюджетлар ижроси якунларини кўриб чиқади;
- турли даражадаги бюджетларга маблағлар тушуми тўғрисида солиқ ва божхона органларидан, давлат мақсадли фондларини бошқарувчи органларидан ахборотлар олади;
- бюджет маблағ олувчилардан бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тушуми ва сарфланиши тўғрисида маълумотномалар талаб қилади;
- қонун хужжатларига мувофиқ банклардан бюджет маблағлари ҳаракати тўғрисида маълумотлар олади;
- бюджет маблағларини олувчиларнинг молия-хўжалик фаолиятини ўз ваколатлари доирасида тафтиш қилади ва текширувдан ўтказади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли молия органларига Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

белгилаган муддатларда топширади. Туманларнинг, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятга бўйсинувчи шаҳарларнинг молия органлари шаҳар, туман, бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли ҳокимликларга ҳамда юқори молия органларига Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги белгилаган муддатларда тақдим қилади.

Маълумки, Давлат бюджети ижросининг бухгалтерия ҳисоби мамлакатимиздаги мавжуд бўлган бюджет тузилмаси асосида амалга оширилади. Молия органлари муайян маъмурий-ҳудудий бирликдаги барча бюджетлар ижросининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этади.

Маҳаллий бюджет ижросининг ҳисоби бўйича молия органларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

⇒бюджет даромадлари ҳисобини юритиш ва банк муассасаларига келиб тушган даромадларни бюджетлар ўртасида тўғри тақсимланиши устидан назоратни олиб бориш;

⇒банк муассасаларида сақланаётган бюджетнинг нақд пуллари ҳисобини юритиш;

⇒ бюджет ижроси билан боғлиқ бўлган турли операциялар ҳисобини юритиш;

⇒бюджетларда ташкил қилинадиган фондлар ва захиралар ҳисобини юритиш;

⇒бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш;

⇒қуйи молия органларида ва бюджет маблағларини бошқарувчиларида бухгалтерия ҳисобининг юритилиши, ҳисоботнинг тузилиши ва услуби устидан назорат қилиш;

⇒бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини марказлаштириш ва механизациялаштириш бўйича тадбирларни амалга оширилиши устидан назорат қилиш киради.

Қорақалпоғистон Республикаси Молия Вазирлиги, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар молия органларининг функциялари қуйидагилардан иборат:

- ижро этаётган бюджетларнинг ҳисобини тўғри юритиш ва бу бюджетлар ижроси тўғрисида ҳисоботлар тузиш;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман бюджети ижроси тўғрисида йиғма ҳисоботларни тузиш;
- бюджет ташкилотларининг ҳисоб-ҳисоботларини текшириш ва уларга тегишли кўрсатмалар бериш.

Маҳаллий молия органлари тегишли бюджетлар даромадларини ва харажатларини, уларнинг пул маблағларини, фондларни, ссудаларни, бюджетлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни, бошқа бюджетларга берилган ва улардан олинган маблағларни ва бюджет ижроси натижаларини ҳисобга олади ҳамда улар томонидан молиялаштирилаётган бюджет ташкилотларида ҳисоб ва ҳисоботни ташкил қилинишини текширади. Маҳаллий молия органлари махаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини аналитик ҳисобини олиб боради. Маҳаллий молия органлари республика бюджетини касса ижросининг ҳисоби бўйича ва молиялаштиришга доир операцияларни банклар томонидан бажарилишини назорат қилади.

Молия органлари банк муассасалари томонидан умумдавлат даромадлари ва солиқларини алоҳида олинган бюджетлар бўйича тўғри тақсимланиши, бюджет

бўйича тайинланишига қараб бюджет маблпғларини бошқарувчилар томонидан фойдаланиши устидан назоратни амалга оширади ҳамда бюджет маблағларининг тўлиқлигини таъминлайди.

Бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича режанинг бажарилиши ҳақида маълумотлар билан таъминлаш молия органларининг бюджет ҳисобини асосий вазифасини бўлиб ҳисобланади. Бу маълумотлар асосида бюджет ижроси жараёни устидан назорат қилиш ва тезкор раҳбарлик амалга оширилади. Шу мақсадда молия органлари бюджет даромадлари ва харажатлари, банк муассасаларидаги бюджетнинг пул маблағлари, бюджет бўйича очилган кредитлар ва маблағлар, бюджетлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар, ссудалар ва бошқалар ҳисобини юритади. Молия органлари бюджет ижроси тўғрисидаги ойлик, чорак ва йиллик ҳисоботлар тузади ва бюджет ижроси натижаларини аниқлайди, ўзлари ижро этаётган бюджетлар ижросининг ҳисобини юритади.

10.2. Маҳаллий бюджет маблағларини ишлатилишида молиявий назорат

Бюджет таснифи ҳамма бюджетларни маълумотларини бир ягона давлат бюджетига жамлаш имкониятини яратадиган асосий ташкилий функцияни амалга оширувчи хужжатгина бўлиб қолмай, у катта иқтисодий аҳамиятга эгадир. Таснифда давлат бюджети даромадлари ва харажатлари бир хил хусусиятлари бўйича гуруҳланади ва улар бўлинмалар деб юритилади. Бўлимлар, параграфлар, боблар ва моддалар бюджети таснифи бўлинмалари бўлиб ҳисобланади. Бюджет таснифи қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Турли даражадаги бюджетлар ягона бюджет таснифи кўрсаткичлари доирасида шакллантирилади ва ижро этилади, яъни тасниф объектларига берилган гуруҳлаштириш кодлари бўйича даромадлар ва харажатлар гуруҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Призенти И. Каримов таъкидлаб утганидек, «бошқарувга сарфланадиган харажатларни камайтириш, ижтимоий химоялашнинг табақалаштирилган нома-ном тизимини белгилаш, дотацияларнинг хар хил турларини ва нархларни қоплаш учун маблағ ажратишни тугатиш, моддий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга марказлаштирилгна тарзда маблағ ажратишни кескин чеклаш ҳисобига бюджет харажатларини ўсишини қатъий чегаралаб қўйиш-бюджет етишмовчилигини тугатишнинг асосий манбаларидан биридир»[1].

Маҳаллий бюджетларда бюджет маблағларини самарали ишлатишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мумкин:

⇒ бюджет ташкилотларида коммунал хизматлар бўйича лимитлар назоратини таъминлаш;

⇒ маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган ташкилот ва муассасаларда меҳнатга ҳақ тўлашни таҳлил қилиш;

⇒ маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва улардаги хизматчиларини сонини қисқартириш бўйича инвентаризация ўтказиш;

[1] Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий баркарорлик тўғрисида.Т., Ўзбекистон, 2005. -103б

⇒ турар-жой, коммунал хўжалик ташкилотларини молиялаштириш тизимини ўзгартириш;

⇒ бюджетдан дотация бериш амалиётидан аста-секин воз кечишдан иборат.

Демак, гап маҳаллий бюджет харажатлари ҳақида кетар экан, республикада бюджет қонунчилигини ўзгартиришда қуйидагиларга эътибор берилишини қайта-қайта таъкидлаймиз:

⇒ маҳаллий хокимият органларининг маҳаллий бюджетларни режалаштириш ва ижро этишдаги ҳуқуқларини кенгайтириш;

⇒ маҳаллий бюджетларни давлат бюджетининг таркибий қисми сифатида мустақиллигини оширишга қаратиш лозим.

Бюджет муассасалари бюджетдан олинадиган маблағлардан ташқари бошқа манбалардан ҳам маблағлар олишлари мумкин. Бу маблағлар турли корхона, муассаса, ташкилот ҳамда жисмоний шахсларга турли ишларни бажариб бериш, хизматлар кўрсатиш эвазига олиниши мумкин (масалан, Олий ўқув юртларига шартнома, касалхоналарда пуллик хизматлар). Бу маблағлар жумласига транспорт воситаларини эксплуатация қилиш даромадлари, ижара ҳақлари, бино ва хоналардан олинадиган бошқа даромадлар киради.

Бугунги бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш босқичида бюджет сиёсатида энг муҳим вазифа бюджет тақчиллигига йўл қўймаслик, бюджет даромадларини ошириш, харажатларни оқилона, самарали аниқ мақсадли ва эгали бўлишга эришишдан иборат. Ушбу вазифадан келиб чиқиб молия-бюджет сиёсатида аниқ узоқ муддатга белгиланган, жаҳон андозаларига мослаштирилган асосида иш олиб борилмоқда. Шунинг билан бирга ҳозирги кунда бюджет маблағларидан янада оқилона, мақсадли, тежаб фойдаланиш имкониятларини излаш зарур.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетлар мустақил ҳисобланади, аммо шуни айтиб ўтиш керакки, улар учун қатор чекловлар белгиланган. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар балансли даромадлар ва харажатларга эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасида таъкидланишича, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар тақчилликка йўл қўйилмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетларни қабул қилиш ва ижро этишда:

♦ қонун хужжатларида назарда тутилмаган манбалар ҳисобига жамғармалар ташкил этишга;

♦ маблағ жалб этишни амалга оширишга (юқори бюджетдан бюджет ссудалари олиш бундан мустасно);

♦ бюджетдан ажратилган тасдиқланган маблағдан ортиқроқ маблағ сарфлашга;

♦ бюджет маблағлари ҳисобидан бошқа шахслар фойдасига молиявий кафолатлар ва кафилликлар беришга;

♦ юридик ва жисмоний шахсларга бюджет ссудалари беришга йўл қўйилмайди.

Бюджет ижроси жараёнининг ҳар бир босқичи молиявий назорат билан биргаликда олиб борилади. Бюджет маблағларини ишлатилишини назорати орқали давлат ва маҳаллий бошкарув органлари мунтазам равишда тасдиқланган

бюджетнинг даромад ва харажатлар режаларини тўлиқ ва сифатли бажарилишини назоратга олиш, уларнинг бажарилишига таъсир қилувчи турли салбий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун зудлик билан зарур чора-тадбирлар белгилаш имконига эга бўладилар.

Дастлабки назорат харажатлар режасини тузиш вақтида ўтказилади. Бюджет ташкилотларининг мажбуриятлар ҳисобини юритиш босқичида амалга оширилади ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг кўзда тутилмаган харажатлар бўйича бюджет мажбуриятлари олинишига қаршилик кўрсатилади. Дастлабки назорат-тахминлаштириш, режалаштириш ва лойиҳалаштириш босқичида, молиявий операциялар амалга оширишлишидан аввал ўтказилади, оқилона бошқарув ечимлари қабул қилинишига хизмат қилади, унинг мақсади ноқонуний операциялар, самарасиз харажатларнинг олдини олишдир.

Жорий назорат молиявий операциялар амалга оширилганидан кейин ўтказилади, текширилаётган хужжатларни ва муасссасанинг молиявий фаолияти ўрганилади Жорий назорат ҳам молиялаштириш босқичида амалга оширилади. Бюджет ташкилотлари бюджетни ижро қилувчи органга мажбуриятларни қабул қилинганлик ҳолатини тасдиқлайдиган хужжатларни текширув учун тақдим қилади. Бундан ташқари, аниқ харажатларни тўловига хужжат тайёрлаш қоидасига жавоб берилиши мавжуд талабларига риоя қилиниши керак. Шу босқичда бюджет ташкилотларининг кўзда тутилмаган харажатларига қаршилик кўрсатилади.

Якуний назорат ўтказилишида бюджет мажбуриятларини қабул қилишдаги товарлар ва хизматларнинг реал қийматига товарлар ва хизматлар учун тўланган суммага мувофиқлиги белгиланади. Якуний назорат бюджет лойиҳасини тузиш ва кўриб чиқиш учун жавобгар молия ва назорат органлари, давлат бошқарув органлари, шунингдек, Ҳисоб Палатаси томонидан назорат амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва тегишли ҳудудий молия органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ❖ бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотлардан бюджетни режалаштириш, маблағ билан таъминлаш, тегишли ташкилот томонидан бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш учун зарур бўлган ҳисобот маълумотларини сўраш;
- ❖ кредит муассасаларидан уларнинг уставларига мувофиқ бюджет ташкилотларининг операциялари ва ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- ❖ ташкилотлар томонидан маблағлар ғайриқонуний сарфланганда, бюджет интизоми бузилиши ҳоллари аниқланган тақдирда, шунингдек, илгари ажратилган маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботлар ва бошқа белгиланган ҳисобот тақдим этилмаганда, бу ҳақда тегишли вазирликлар (идоралар), хокимликлар раҳбарларини хабардор қилган ҳолда ташкилотларни бюджетдан маблағ билан таъминлашни чеклаш ва зарур холларда тўхтатиб қўйиш;
- ❖ бюджет ташкилотларининг молиявий фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш;
- ❖ аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар бажарилишини текшириш;
- ❖ амалдаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда текшириш материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш.

Албатта, бюджет маблағларини сарфлашда бюджетдан қилинадиган

харажатларнинг чекланганлиги, бюджет тақчиллигининг мавжудлиги, бюджетда ижтимоий соҳалардан ташқари бошқа харажатларга-аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, иқтисодиёт тармоқларининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ҳам зарурият мавжуд эканлиги ҳисобга олишимиз ҳам керак бўлади. Бюджет маблағларини сарфлашда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни келиб чиқиш сабаби молия ҳамда назорат тафтиш идоралари ходимларининг улар олдида қўйилган асосий вазифа-бюджет интизомига риоя этишни таъминлашга масъулият билан ёндошишни талаб этади. Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ижроси чуқур таҳлил қилиниши, талаб даражасида назорат ўрнатилиши, бюджет ташкилотларида маблағларни мақсадли сарфлаш тўғрисида кенг доирадаги тушунтириш ишлари етарли даражада олиб борилиши лозим.

Бюджет ташкилотларининг харажатларни катта қисмини коммунал хизмат ҳақлари эгаллайди ва улар билан шартномаларни аниқ, тўғри ҳисоблар билан тузиш муҳимдир. Бюджет ташкилотларида коммунал хизматлар (иссиқлик энергияси, иссиқ ва совуқ сув, канализация), газ ва электр энергия сотиб олиш харажатлари лимитларига қатъий риоя этиш талаб этилади. Барча бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси тасдиқланганидан сўнг бир ҳафта ичида коммунал хизматлари кўрсатувчи, газ, ва электр энергияси сотувчи корхоналар билан шартномаларни ушбу хизматларга сметаларида кўзда тутилган лимитлар доирасида тузишни таъминлаш, ҳисоб-китобларни ойма-ой амалга ошириб бориш, лимитдан ортиқча кўрсатилган хизматларга ҳақ тўламаслик муассасаларда ушбу харажатларга масъул бўлган ходимларни буйруқ билан бириктириб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Коммунал хизматлар газ ва электр энегиясини сотиб олишга тузилган икки томонлама шартномаларни ҳудудий молия идораларида назорат-тафтиш бошқармалари текширгандан сўнг рўйхатдан ўтказиш ва бу жараёндаги интизомга, таърифларга ва ҳақиқий эҳтиёжларга қараб харажат қилинишининг доимий мониторинги олиб бориш зарур. Сув, иссиқлик, газ, ва электр энергияси исътемол қилинаётган бюджет ташкилотларида ўлчов асбобларининг тўлиқ ўрнатилишини ва ишлашини назоратга олиш кучайтирилиши яхши натижалар беради.

Ҳозирги вақтда бюджет муассасаларида тегишли мутахассисларни йўқлиги ортиқча маблағ сарфланишига олиб келади. Буни бартараф этиш мақсадида молия бошқармаларида газ, совуқ сув, иссиқ сув, электр энергия тармоқлари бўйича мутахассислар киритилса, шартнома тўғри тузилиши ва бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишини назорат қилиш ва маблағларни иқтисод қилиш мумкин.

Ижтимоий соҳа харажатларини режалаштиришда озиқ-овқат, коммунал хизмат, капитал ремонт бўйича реал қарздорликларни ҳисобга олишни таклиф қиламиз. Коммунал хизматлар бўйича шартномалар тузилиш даврида шартномаларни сифатли ва асосли тузишни таъминлаш мақсадида малакали ходимларни жалб қилиш ва бу мақсадлар учун харажатларни смета харажатларида ҳисобга олишга рухсат берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Барча белгиланган ушбу мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ғазначилик тизимидаги молиявий назорат орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин. Ғазначилик тизими бюджетдан маблағ олувчиларнинг мажбуриятини ижрога қабул қилади ва кейин тақдим қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун ғазначилик уларнинг номидан ва бюджетдан маблағ олувчининг топшириғига

асосан ваколатни ўзига олади ва бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишининг назоратини таъминлаш асосида тўловни амалга оширади.

Ғазиначилик тизимидаги бюджетни ижро қилиш жараёнида барча бюджет маблағларининг миқдори, бюджетдан молиялаштиришнинг кафолатланган лимити, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ҳақиқий тузилган шартномаларнинг ҳажми, тузилган шартномалар асосида берилган аванс тўловларнинг ҳажми, товар-моддий бойликлар ва бажарилган ишлар ҳажми қабул қилинганлиги тасдиқлангандан кейин, шунингдек, тақдим қилинган счёт-фактураларнинг тўғрилигини текширилганидан сўнг тўланадиган иш ҳақи ва бошқа турдаги пул маблағлари суммаси кўрсаткичларни аниқ назорат қилади. Кунлик жорий назорат ғазначилик зиммасига ўтгач, молия органлари ва бюджет муассасаларининг пул маблағлари ва товар-моддий бойликларни сақланиши, улардан тўғри, самарали фойдаланиши, иш ҳақларини тўғри ҳисобланиши ва тўланиши каби масалаларни назорат қилишнинг янги йўллари топилади.

Давлат бюджетидан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобрақамларидан харажатларни молиялаштириш пайтида ғазначилик органлари томонидан дастлабки ва жорий назоратни амалга оширишда барча бюджет ташкилотлари ва муассасалар қамраб олиниши кўзда тутилмоқда. Ҳар куни банк Ғазначилик органига маълумот тақдим этади, ўз навбатида ғазначилик органи ҳар бир ҳисоб бўйича бюджет олувчига маълумот беради, тўлов харажатларининг нусхаларини расмийлаштиради, бу хужжат харажат этилганлиги тўғрисида далолат беради.

Муҳими шундаки, ғазначилик тизимининг фаолияти нафақат давлат молиявий ресурсларни сафарбар қилиш орқали давлат харажатларини мунтазам самарали бошқариш имкониятинигина яратибгина қолмай, улар устидан самарали назорат қилиш имконини ҳам беради.

«Молия органлари раҳбарлари бюджет интизомига риоя қилиниши учун меҳнат, маъмурий ва жиноят қонунчилигида назарда тутилган тартибда шахсан жавоб берадилар».[1]

Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан 1999 йил 4 январда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги назорат-тафтиш Бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Назорат-тафтиш бошқармалари томонидан тафтиш ва текширишларни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома хам жуда муҳимдир. Республика бюджетидан молиялаштириладиган вазирликлар ва идораларда тафтиш ва текширишлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан амалга оширилади. Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, вилоятлар хокимликлари бошқармалари ва бўлимларида ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилувчи бошқа муассасаларда тафтиш ва текширишлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармалари томонидан амалга оширилади.[2]

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори.
[2] Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги назорат-тафтиш Бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахридаги Назорат-тафтиш бошқармалари томонидан тафтиш ва текширишларни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Йуриқнома. 1999. 4 январ.

Йуриқномада молия органлари ишини тафтиш қилишда - Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини тузиш ва ижро этишда амалдаги қонунчиликка риоя қилинишини, назорат ва иқтисодий ишлар режасини бажарилишини, ишлар услубиятини такомиллаштириш бўйича тадбирларни амалга оширишни, Ўзбекистон Республикаси республика ва маҳаллий бюджетларига даромадлар тушумини ўз вақтида ва тўла туширилишини таъминлашни, молия органларини бюджет даромадларини кўпайтириш имкониятларини аниқлаш ва ортиқча харажатларнинг олдини олишни, бюджет муассасаларида молия-бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилишни, бюджет маблағларидан тежамли ва мақсадли фойдаланиш ҳамда бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилишини ва ҳисоботларни тўғри тузилиши бўйича олиб борган ишларини текшириш, бюджет муассасаларини тафтиш қилишда-сметада белгиланган маблағларнинг ҳисоб-китоблари асосланганлигини, смета ва асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ижросини, маблағларнинг тежаб харажат қилингани ва сақлангани, молия-бюджет интизомига риоя этилиши ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари тўғри тузилишини текшириш алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Дарҳақиқат, Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Иқтисодиётни барқарорлаштириш-бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар босқичдир. Мана шу босқичда қуйидагилар энг муҳим ва биринчи навбатдаги чора-тадбирлар сифатида эътиборга олинади: Республика бюджетидаги тақчилликни чеклашга ва уни изчиллик билан камайтиришга қаратилган қаттиқ молиявий сиёсатни ўтказиш, бошқарув аппаратини сақлаш учун давлат маблағлари сарфлашни, зарар кўрувчи корхоналарга дотация ажратишни камайтиришга қаратилган йўл изчиллик билан ўтказилади, бюджет маблағлари сира кечиктириб бўлмайдиган давлат эҳтиёжлари ва ижтимоий эҳтиёжларга ажратилади»[1].

Иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг шароитида «солиқ-бюджет соҳасида ислоҳатларни чуқурлаштириш, давлат харажатларини сарфлаш механизмини мақбуллаштирган ҳолда уларни қисқартириш лозим бўлади.»[2]

Республика ва маҳаллий бюджетларнинг қатъий бажарилиши, харажатларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ ва мақсадли амалга оширилиши устидан доимий назоратни таъминлаш амалдаги қонун-қоидалар ва меърий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари зиммасига юклатилган.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 11 февралдаги 66-сон “Бюджет интизомига риоя килиниши устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши билан молиявий назорат ишлари янада такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари молия органлари, бюджет муассасалари ва тижорат банкларини биринчи навбатдаги сарф-харажатларни маблағ билан таъминлаш ҳамда бюджет муассасалари ходимларига иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендияларни тўлаш муддатларига ва тўлиқлигига риоя қилиш, шунингдек, бюджет муассасаларига кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун накд

[1] И.А.Каримов Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т.: Ўзбекистон 1998. -112б.

[2] Ўзбекистон Республикаси Презеденти И. Каримов маърузаси. 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари. //Ишонч газетаси. 2003 йил 19 феврал.

пул бериш бўйича фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги Низомга кўра назорат-тафтиш бошқармалари зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган:

- штат смета интизомига ва бюджет маблағларини хўжалик эҳтиёжларига сарфлаш лимитларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;

- ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг бюджет жараёнига асоссиз аралашиш ҳолларини олдини олиш;

- давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини, тўловларнинг ўз вақтида ўтишини, ҳисоб-китобларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилиш:

- инвестиция дастурларини амалга оширишга ажратиладиган давлат валюта маблағлари ва марказлаштирилган маблағлардан тўғри ва белгиланган мақсадда фойдаланилишини назорат қилиш.

Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан амалдаги қонунларга мувофиқ молия органлари, бюджет муассасалари ҳамда тижорат банкларининг бюджет интизомини бузган мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини қўлланилмоқда.

Ҳозирги кунда амалиётда маҳаллий бюджет маблағларидан фойдаланишда муассаса ва ташкилот раҳбарлари, бош ҳисобчилари, иқтисодчилари ҳамда молия бўлими ходимлари томонидан етарли даражада назорат ўрнатилмаганлиги сабабли, тафтиш ва текшириш ўтказилган айрим муассаса, ташкилот, корхона ва туман хокимлиги бўлимларида белгиланган лавозим бирликларини ортиқча сақлаш ва улардан фойдаланиш, давлат банкидан олинган нақд пуллардан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик, ишланмаган иш вақтларига ҳақ тўлаш, нафақа пулларидан ортиқча тўлаш, моддий қийматликлардан камомад келтириш, товар-моддий қийматликларни қонунсиз харажатга чиқариш, ҳисобчилик бўлимларида ҳисоб-китоб ишларини харакатдаги йўриқномалар асосида юритмаслик, тижорат банклари томонидан биринчи навбатдаги тўловларни нақд пул билан таъминламаслик ҳоллари аниқланмоқда.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш, уларни олдини олиш мақсадида молиявий назорат ишлари амалга оширилмоқда. Назорат-тафтиш бошқармаларининг фаолияти ҳозирги даврда кенг камровли бўлмоқда, яъни соҳалар бўйича харажатлар сметасини тузилиши, тасдиқланиши, молия органларида рўйхатдан ўтказилиши, ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиши, банклар томонидан ўз вақтида ва тўлиқ нақд пул билан таъминланиши, бюджет муассасалари томонидан молиялаштирилган маблағларни мақсадли сарфланиши, белгиланган харажатлар лимитига, штат-смета интизомига риоя этилиши каби жараёнлар назорат қилинади.

Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан вазирликлар, республика бюджетидан молиялаштириладиган муассасалар, бюджетдан ташқари мақсадли фондларни белгиланган муддатларда тафтиш ва текширишлар ўтказилади. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар ижроси юзасидан белгиланган муддатларда Молия вазирлигининг тегишли бошқармалари мутахассислари иштирокида комплекс тафтишдан ўтказилади.

10.3. Маҳаллий бюджетлар ижросида ғазначиликни жорий этиш масалалари

Давлат бюджети ижросининг янги механизмини амалиётга киритиш бугунги кунда бюджет ислоҳотларининг йирик йўналишларидан бири десак хато бўлмайди, чунки давлат молиясини самарали бошқариш зарурияти мавжуд, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш учун бюджет харажатларининг назоратини кучайтириш талаб этилади.

Давлат бюджети ижросининг янги механизмини амалиётга киритиш бугунки кунда бюджет ислоҳатларининг йирик йўналишларидан биридир. Республикамизда давлат молиясини бошқаришдаги ислоҳотларининг яна бир йўналиши бюджетнинг бажарилишини автоматлаштирилган ғазначилик тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда бюджет тизимининг барча босқичларида ягона ташкилий-ҳуқуқий асослардан, стандарт ва бюджет технологияларидан фойдаланиш, солиқ тўловчиларнинг пулини иқтисод қилиш ва кўзланган мақсадга эришиш учун ғазначилик тизими яратилади.

Ривожланган мамлакатлар амалиётидаги ғазначилик тизимини Ўзбекистонда ҳам жорий этиш ва ривожлантириш, давлатнинг молия ахборот тизимини жорий этиш, давлат молиясининг ҳолати тўғрисида тезкор ва ишончли ахборотлар олиш имконини беради, бу эса давлат молиясини самарали бошқаришни таъминлайди.

Жаҳон тажрибалари кўрсатадики, бюджетнинг кассали ижроси икки усул билан, ғазначилик ва банк тизими орқали амалга оширилади. «Ғазначилик тизимида давлат ғазнаси даромадларни қабул қилади, харажатларни амалга оширади ва қолган маблағлар унинг махсус ҳисобрақамида қолади. Бу тизимнинг ижобий томонлари талайгина.»[1].

Республикамизда иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги каби бюджет тизимида, айнан бюджети ижросида ҳам жаҳон тажрибасига асосланган ижобий ўзгаришларнинг амалга оширилиши бугунги куннинг талабидир.

Ҳар бир бюджет ташкилоти ажратилган бюджет маблағлари чегарасида харажатларни амалга ошириш учун сертификат бериш асосида тўлов топшириқномасини керакли хужжатлар билан биргаликда ўзининг ғазначилик бўлимига тақдим қилади. Харажатларни асослилигини текширилгандан ва ресурсларнинг мавжудлиги тасдиқлангандан кейин Ғазиначилик Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки ёки тижорат банкларига тўлов ҳужжатини йўналтириш билан тўловни амалга оширади.

Турли кўринишдаги харажатларни амалга ошириш учун ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамидан маблағларни ўтказиш механизмлари Ғазначиликнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

Ғазначилик органлари қуйидаги функцияларни бажаради.

[1] Сабанти Б.М. Теория финансов. Учебное пособие. Москва. Менеджер. 1998. 96 стр.

Ғазначилик органларининг функциялари

8-чизма

	Марказлашган Ғазначилик: 10. Ғазначиликнинг бош китобини юритади. 11. Бюджетга тушган тушумларни бошқаради. 12. Харажатларни молиялаштиришга рухсат беради. 13. Бюджет ташкилотларини мажбуриятларини бошқаради. 14. Нақд пулларни бошқаради. 15. Тўловларни бошқаради. 16. Давлат қарзининг ҳисоб-китобини юритади. 17. Бюджет ташкилотларининг активларини ҳисоб-китобини юритади. 18. Молиявий ҳисоботни тайёрлайди.
	Ғазначилик бошқармалари: 19. Бюджетга тушган тушумларни бошқаради. 20. Харажатларни молиялаштиришга 21. Ғазначилик рухсатномаларини беради. 22. Бюджет ташкилотларининг мажбуриятларини бошқаради. 23. Нақд пулларни бошқаради. 24. Тўловларни бошқаради. 25. Бюджет ташкилотларининг активларини ҳисоб-китобини юритади. 26. Молиявий ҳисоботни тайёрлайди.
	Ғазначилик бўлимлари: 27. бюджетга тушган тушумларни бошқаради. 28. Харажатларни молиялаштиришга 29. Ғазначилик рухсатномаларини беради. 30. Нақд пулларни бошқаради. 31. Тўловларни бошқаради. 32. Бюджет ташкилотларининг активларини ҳисоб-китобини юритади. 33. Молиявий ҳисоботни тайёрлайди.

Бугунги кунда «Молия вазирлиги томонидан кўпгина молиявий, аналитик ва бошқарув операцияларни ва уларнинг талабларига жавоб берадиган эгилувчан ва самарали ахборот тизимининг фаолияти амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизими жорий қилинган ресурслардан максимал фойдаланиш, иложи борича, ишловчининг саволларига жавоб бериши, ахборотларни сақлаш учун таркиблаштирилган бўлиши керак. Шунинг учун бундай ахборот тизимини таркиблаштиришда тизим модулларини яратиш

архитектурасини лойиҳалаштириш, энг аввало, ахборот тизимининг фалсафий ва архитектура концепциясини кўриб чиқиш зарур»[1].

Ғазначилик органлари томонидан бажариладиган вазифаларнинг мураккаблиги ва кўп қирралиги шундаки, газначилик фаолиятини жорий қилиш билан ғазначилик органлари ўз ишларида замонавий автоматлаштирилган ахборот технологияларидан фойдаланилади. Бу эса Давлат бюджетининг ижро жараёнида нафақат банк тизимини боғлайди, балки бу жараёнларда турли даражадаги молия органларини, тармоқ идораларни, банк, божхона, солиқ ва бошқа тизимларни ўзаро алоқаси ўрнатилади.

Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимини (ДМБАТ) ташкил этишнинг асосий мақсади қуйидагилар ҳисобига бюджет жараёнларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш мумкин:

- ♦ бюджет жараёнлари ижросида қарор қабул қиладиган шахсларни тўлиқ, ишончли, тезкор, ва деталлаштирилган ахборотлар билан таъминлаш;
- ♦ молия ресурсларини тезкор бошқаришда ахборотлар билан қўллаб-қувватлаш;
- ♦ бюджет кўрсаткичларини шакллантиришда ишончлилигини ва тезкорлигини ошириш;
- ♦ бюджет ижросини прогнозлаштиришнинг ишончлилигини ошириш;
- ♦ бюджет тизимининг турли даражаларида маблағларни мақсадли ишлатилиши ва бюджет ижросини самарали назоратини таъминлаш;
- ♦ бюджет тизимининг турли даражаларида бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни шакллантиришда тезкорликни ошириш.

Республикамизда ташкил этилган ДМБАТни қўлланилиши ягона ҳукуқий, услубий ва ахборот (пространства) асосида бюджет жараёнлари чегарасида амалга ошириладиган ишларни комлекс автоматлаштириш, турли босқичдаги ғазначилик органларининг ўзаро харакатларини таъминлаш ва мувофиқлаштириш, уларни тезкор ахборотлар билан таъминлаш, асосий операцияларни автоматлаштириш, турли ташкилотларни ва бўлимларни фаолияти тўғрисидаги маълумотларни бериш ва алоқа тизимини ташкил этишда янги тузилган этилган ДМБАТни қўлланилади.

ДМБАТни амалда қўллаш қуйидаги вазифаларни амалда ечиш учун йўналтирилади:

- ⇒ ғазначиликни турли даражаларида бюджет маълумотларини ишлашни марказлаштириш;
- ⇒ хужжатларни ишлаш ва маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишда талаб қилинадиган тезкорликни таъминлаш;
- ⇒ ҳисобрақамлардаги қолдиқларга мувофиқ молия ресурсларига бўлган келгуси эхтиёжларни прогнозлаштириш ва оптималлаштириш;
- ⇒ бюджет жараёнларини янада самарали бошқаришни таъминлаш;
- ⇒ маблағларни мақсадли сарфланишини тезкор назоратини амалга ошириш;
- ⇒ аппарат ишларини самарадорлиги ошириш, хатоларни минималлаштириш, аппаратни сақлаш харажатларни қисқартириш;

[1] Принципы организации казначейского испольнения Государственного бюджета Республики Узбекистан. \ Под. ред. Дж. Кучкарова. Ташкент. Мир экономики и права. 2005. -32с.

⇒ давлат бошқарувидаги ваколат берилган шахсларни бюджет ҳолати тўғрисидаги тезкор ахборотлар билан таъминлашдан иборат.

Турли мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш босқичларида молиявий оқимларни, хусусан, бюджет оқимларини бошқаришнинг янги шаклларини танлаш зарурияти туғилди. Бу зарурият қуйидагиларни таъминлай оладиган янги иқтисодий таркибнинг шаклланишига туртки бўлди. Жумладан:

- давлат бюджети ижросини ва турли даражадаги бюджетларни бошқаришни таъминлаш;
- давлат дастурларини молиялаштириш тезкорлигини ошириш;
- давлат маблағларини тушумини ва мақсадли ишлатилишини назоратини кучайтириш;
- бюджетлараро муносабатларни шакллантириш;
- молия ва солиқ органлари ишларини мувофиқлаштириш;
- солиқларни тўлиқ йиғиш ҳисобига бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш;
- солиқ солиш ва уни тўлиқ йиғиш услубини такомиллаштириш;
- ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун маблағларни йўналтириш ва турли даражадаги бюджетларда ижтимоий ҳимояланган моддаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришни таъминлаш.

Ғазначиликни самарали фаолият кўрсатишининг асосий шартларидан бири замонавий комютерлар технологияси ва алоқа тизимидан фойдаланишдир. Шунинг учун бугунги кунда ғазначилик ишини ахборотлар билан таъминлаш тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шуни айтиб ўтиш керакки, ғазначилик органларини замонавий комютерлар технологияси ва алоқа узатиш воситалари базасида ахборотлар билан таъминлашни ғазначиликни жорий этиш билан бирга паралел равишда олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади. «Лекин вилоят, шаҳар ва туман молия бошқармалари ягона ахборот маконига бирлашган тақдирдагина, бу вазифанинг бутун мажмуи ўзаро уйғунликда бўлиши ва ахборот оқимларининг самарали бошқарилишини таъминлаши мумкин бўлади»[1].

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 23 майдаги 72-сон буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Давлат бюджети ғазначилик ижроси услубиётии бошқармаси фаолияти тўғрисида» Низом тасдиқланган.

Мазкур Низомга асосан бошқарманинг асосий вазифалари жумласига бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш ва бошқа давлат бюджетининг ғазначилик ижроси бўйича механизмларни жорий қилиш ҳамда молия органларини бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш бўлимларини мувофиқлаштириш киритилган.

Ресубликамизда «Молия органлрида бюджетдан маблағ олувчилар билан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги Вақтинчалик низом (2005 йил 21 май 1475-сон) қабул қилинди.

Давлат бюджетининг ғазначилик ижросига ўтиш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида Молия вазирлигининг 2005 йил 6 апрелдаги 51-сон буйруғига

[1] Номозов Р. О роли казначейской системы. Рынок, деньги и кредит 2001. №3-4 51-стр.

асосан Молия вазирлигида Давлат бюджети ғазначилик ижроси методологияси, бюджетдан маблағ олувчилар шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, уларнинг харажатлари тўловини назорат қилишни мувофиқлаштириш бошқармаси, Самарқанд вилояти Молия бошқармасида, Самарқанд ва Тойлоқ туманлари молия бўлимларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш бўлимлари, маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларига ҳамда Республика бюджетидан молиялаштирилувчи айрим бюджет ташкилотларига бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш механизми тадбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети ғазначилик ижроси услубиёти бюджетдан маблағ олувчилар шартномаларини рўйхатга олиш ва уларнинг тўловларини назорат қилишни мувофиқлаштириш бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 24 майдаги 74-сон буйруғига асосан 2005 йил 1 июндан бюджетдан маблағ билан таъминланувчи бюджет ташкилотларига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бюджетдан маблағ олувчилар смета харажатларида кўзда тутилган ва режалаштирилган бюджет маблағлари доирасида маҳсулот етказиб берувчилар билан шартномалар тузадилар, шунингдек, қўшимча ва ўзгартиришлар қиладилар. Бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномаларга рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида рақам берилиб, рўйхатдан ўтган санаси кўрсатилган ҳолда ғазначилик бошқармаси тармоқ бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Ғазначилик бошкармаси уч кун ичида шартномадаги маҳсулот нархи, сони, шартноманинг амал қилиш муддати, реквизитлари ва тузилган шартномага асосан тўланиши лозим бўлган сумма бюджетдан маблағ олувчининг харажатлар сметасида кўзда тутилган режалаштирилган бюджет маблағларига мослигини текширади, агарда шартномадаги сумма харажатлар сметасидаги маблағдан ортиқ бўлса, ушбу шартнома ғазначилик бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтказилмасдан бюджетдан маблағ олувчига қайтарилади.

Шартномалар бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинган кундан бошлаб уч кун мобайнида рўйхатдан ўтказилади ва бунда ғазначилик бошқармасининг мансабдор шахси томонидан шартноманинг асли ва нусхасининг биринчи бетига «Рўйхатдан ўтказилди» ёзуви, шартномани рўйхатдан ўтказиш номери ва санаси кўрсатилган ҳолда имзоланиб, ғазначилик бошқармасининг муҳри қўйилади. Шартномаларга тўловлар гарафиги илова қилинади. Рўйхатдан ўтказилгандан сўнг шартноманинг асли бюджетдан маблағ олувчига қайтарилади ва шартнома нусхаси эса ғазначилик бошқармасида ҳисобга олиш ва сақлаш учун қолдирилади.

Шартномаларни рўйхатдан ўтганлигини ҳисобга олишда бюджетдан маблағ олувчилар билан етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш китобида унинг ўтказилган рақам ва санаси кўрсатилиб, бюджетдан маблағ олувчилар ва етказиб берувчиларнинг номи, реквизитлари, шартнома суммаси, унинг номер ива тузилган санаси кўрсатилган ҳолда ғазначилик бошқармаси тармоқ бўлими томонидан қайд қилинади ва юритилади.

Харажатлар тўловини назорат қилиш қуйидаги тартибда амалга ошрилади. Бюджетдан маблағ олувчилар молия органларида ўтказилган шартномалар бўйича

етказиб бериладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харажатларини ҳамда бўнак тўловларни тўлаш учун эртанги кун тўловига бир кун олдин етказиб, бюджетдан маблағ олувчи ва етказиб берувчига битта банк муассасаси томонидан хизмат кўрсатилса тўрт нусхада, бюджетдан маблағ олувчи ва товарларни етказиб берувчига турли банк муассасалари томонидан хизмат кўрсатилса уч нусхада ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган тўлов топшириқномаларни ғазначилик бошқармасига тақдим этади. Товарларнинг етказиб берилганлигини тасдиқловчи счет фактуралар ёки бошқа хужжатларни, бюджетдан маблағ олувчиларнинг етказиб берувчилар олдидаги қарздорлигини ҳамда бюджетдан маблағ олувчининг етказиб берувчига бўнак тўлови ўтказиши лозимлигини тасдиқловчи хужжатларни тақдим этади. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим этилган топшириқномалар талабларига мос келса, тўлов топшириқномасининг биринчи ва тўртинчи нусхаларининг орқа томонига ғазначилик бошқармаси мансабдор шахс томонидан «Текширилди» деган ёзув белгиси қўйилиб, имзоланади ва ғазначилик бошқармаси муҳри қўйилади ва банкка топширилади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси асосида ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг банкдаги бюджет маблағлари учун очилган ҳисобрақамдаги маблағларнинг тегишли харажат гуруҳлари қолдиғи доирасида бўлса, тўлов топшириқномасида кўрсатилган сумма молия органларида рўйхатдан ўтказилган шартномада кўрсатилган тўлов суммасидан ортиқ бўлмаса, товарнинг етказиб берилганлиги тасдиқловчи счет-фактуралар ёки бошқа хужжатлар, бюджетдан маблағ олувчининг етказиб берувчидан қарздорлиги ҳамда бўнак тўловини ўтказиш лозимлиги тўғрисидаги хужжатлар мавжуд бўлганда, тўлов топшириқномасида кўрсатилган етказиб берувчининг номи ва реквизитларига мос келганда, тўлов топшириқномасида бюджет таснифининг тегишли кодлари тўғри кўрсатилганда қабул қилинади.

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим этилган тўлов хужжатлари ва уларга илова қилинган ҳужжатларни текшириш, шунингдек, хизмат кўрсатувчи банкга тўлов топшириқномаларини ижро этиш учун тақдим қилиш, одатда улар тақдим қилинган куннинг ўзида ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилади. Бунда Реестрлар ғазначилик бошқармасининг тармоқ бўлими томонидан бюджетдан маблағ олувчиларга хизмат кўрсатувчи банклар бўйича алоҳида тузилади. Бюджетдан маблағ олувчилар тўлов топшириқномаларининг барча нусхалари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов топшириқномалари Реестрининг икки нусхаси ғазначилик бошқармаси тармоқ бўлми томонидан бюджетдан маблағ олувчиларга хизмат кўрсатувчи банкларга берилади.

Тўловни амалга оширилгандан сўнг хизмат кўрсатувчи банка тўрт нусхада тўлов топшириқномаси тақдим этилганда, биринчи нусхаси Реестр билан кунлик банк хужжатларига тикилади, иккинчи нусхаси етказиб берувчининг шахсий ҳисоб рақамидан банк кўчирмаси илова қилинади. Учинчи нусхаси бюджетдан маблағ олувчининг ҳисоб рақамидан банк кўчирмасига илова қилинади ва бюджетдан маблағ олувчига бериш учун ғазначилик бошқармасига берилади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ғазначилик тизимида қилинаётган харажатларни энг юқори даражадаги «тиниқлиги»га эришилади. Ғазначилик органларининг асосий вазифаларидан бири маҳаллий бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилишини назорат қилиш ҳисобланади.

Бугунга келиб МДҲ давлатларда ушбу тизим жорий қилинди ва айни пайтда мавжуд тизимни такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Мана шу нуқтаи-

назардан қарасак, бизнинг республикамиздаги ғазначилик тизими мукаммал бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Таянч сўз ва иборалар

Маҳаллий бюджетларни бошқариш, молия органлари, ғазначилик тизими, ғазначилик органлари, бюджет жараёни, бюджетларининг ҳуқуқ мажбуриятлари, иқтисодий таҳлил усули, меъёрий усул, бюджет сўровномаси, молиявий назорат.

Назорат учун саволлар:

1. Маҳаллий бюджет ижросини назорат қилишда нималарга эътибор берилади?
2. Маҳаллий бюджет ижросининг ҳисобини юритиш бўйича молия органларининг вазифалари нималардан иборат?
3. Бюджет лойиҳасини тузиш жараёнларини кўрсатиб беринг.
4. Ғазначилик тизими моҳияти ва вазифаларини айтиб беринг.
5. Маҳаллий бюджетларда ғазначилик тизимини жорий қилиш афзалликлари нималардан иборат?

Тестлар

1. 2007 йилнинг 1 июлдан .. маҳаллий бюджетлардаги бюджет ташкилотларида бюджет ижроси ғазначилик тизимига ўтилади:

а) Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Тошкент, Фарғона;
в) Андижон, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Тошкент, Фарғона;
с) Хоразм, Тошкент, Фарғона, Сирдарё, Андижон, Жиззах.

2. Қуйидагилардан давлат бюджети харажатларини таснифини кўрсатинг?

а) вазифа жиҳатидан, иқтисодий, ташкилий;
в) вазифа жиҳатидан, иқтисодий, аралаш;
с) ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш, аралаш.

3. Ўзбекистон Республикаси бюджет сиёсати стратегияси қандай метод асосида режалаштирилади?

а) мақсадли-дастурлаш методи;
в) норматив метод;
с) «О» даражали метод.

4. Маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағи олувчиларга маблағ ўтказиш қайси ҳужжатга асосан амалга оширилади:

а) **с**ертификат;
в) фармойиш;
с) хулоса.

5. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардаги чекловларни кўрсатинг?

а) тақчиликка йўл қўйилмайди;
в) маблағ жалб қилишни амалга оширишга;
с) ҳамма жавоб тўғри.

6. Ғазначиликнинг Бош китоби – бу .....

а) давлат бюджетидан молиялаштиришнинг ўз вақтида ҳисоб-китобини юритишни таъминлайди, давлат ташкилотлари билан бўладиган барча молиявий операцияларни ифодалайди.
в) давлат бюджетидан молиялаштиришнинг ўз вақтида ҳисоб-китобини юритишни таъминлайди.
с) давлат ташкилотлари билан бўладиган барча молиявий операцияларни ифодалайди.

7. Ғазначиликнинг ягона ҳисоб рақамига ..... ўтказилади:

а) давлат маблағларининг миллий валютада ва чет эл валютасида тушган барча тушумлари, солиқли ва солиқсиз тушумлари, давлатнинг мақсадли жамғармаларига тушган тушумлари ва бюджет ташкилотларининг даромадлари;
в) давлат маблағларининг миллий валютада ва чет эл валютасида тушган барча тушумлари
с) солиқли ва солиқсиз тушумлари, давлатнинг мақсадли жамғармаларига тушган тушумлари

8. Бюджет ижросининг ғазначилик усулида шартнома мажбуриятларини назорат қиладиган ва рўйхатдан ўтказадиган органларни кўрсатинг?

а) ғазначилик органлари;
в) солиқ органлари;
с) молия ва ғазначилик органлари.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Т., Ўзбекистон 1992 . -32б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиі Кодекси. Т.: 1999. Адолат. -123 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. \\ Халқ сўзи. 2000. 14 январ.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. \\ Халқ сўзи. 2004. 29 октаябр.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида"ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотнрмаси. №9. 1993.
6. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 5-сон. 1999.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 244-сон Қарори. Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. 2005йил.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 апрелдаги 144-сон «Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш» лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. \\ Халқ сўзи. 2002.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. \\ Халқ сўзи. 1999. 4 сентябр.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 11 февралдаги 66-сон “Бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 610-сон Қарори. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2004йил. 52-сон.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

12. Каримов И. А. Ўзбекистон иітисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995 .- 269 б.
13. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бґcaIасида; хавфсизликка тахдид, барiаворлик шартлари ва тараііиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997 .-326 б.

14. Каримов И. А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш- бош йўлимиз. –Т.: \\ Халқ сўзи, 2002 йил 15 феврал.
15. Каримов И. А. Одамларнинг ташвиш ва орзу-интилишлари билан яшаш фаолиятимиз мезонига айлансин.\\ Туркистон, 2002 йил 20 июл, №88 (14579).
16. Каримов И. А. Ислоҳотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир.\\ Халқ сўзи, 2003 йил 18 феврал, №40.
17. И. Каримов. Мирная жизнь и безопасность страны зависят от единства и твердой волы нашего народа. Узбекистан. НМИУ. 2004.
18. Каримов И.А. «Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳатлар йўлидан изчил бориш-асосий вазифамиз». // Халқ сўзи 2004. 10 феврал.
19. Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий баркарорлик тўғрисида.Т., Ўзбекистон. 2005. -526б.
20. И. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш-устивор вазифа. //Халқ сўзи газетаси. 2006 йил 8 декабр.

V. Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил 2 январдаги 1-сон «2004 йил бюджетда кўзда тутилган харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш ва бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан назоратни кучайтириш ҳақида» ги Буйруғи.
22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 3 январдаги 1-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар параметрларини тақсимлаш, режалаштириш ва ижросини таъминлашдаги молия органлари ва назорат тафтиш бошқармаларининг устивор вазифалари тўғрисида» ги Буйруғи.
23. **Ў**збекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 3 февралдаги 888-сон «Республика ва маҳаллий бюджетларга қарашли бюджет ташкилотларининг смета харажатларини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш тўғрисида»ги меъёрий ҳужжат.
24. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2001 йил 12 апрелдаги 1025-сон “Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларнинг кўзда тутилган даромадлари ва харажатлари йиллик режасининг чоракларараро тақсимланишининг тартиби, бюджетни бажариш жараёнидаги ўзгартиришлар киритиш ҳисоби, бюджетда кўзда тутилган ташкилот ва тадбирларни молиялаштириш тўғрисида”ги буйруғи.
25. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 9 декабрдаги 230-сон “Давлат бюджети харажатлари ва 2000 йил бюджет бланкасининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.

VI. Дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий мақолалар ва монографиялар

26. Ахмеджонов А. ва бошқалар. Амерка Қўшма штатларининг федерал бюджет тизими. Ўқув қўлланма. Фан. 2004. 430б.
27. Андик Ф. Децентрализация и государственные финансы. // Экономическое обозрение. 2002. №10.

28. Ахмеджанов А. Государственные расходы: увеличивать или сокращать? // Экономическое обозрение. 2002. №10.
29. Асамутдинов Х. Ижтимоий соҳаларда ислоҳотлар. // Мулкдор. 2003. 15 август.
30. Бабич А.М., Павлова Л.Н. Государственные и муниципиальные финансы. Учебник. –М.: Финансы. 2001. -687с.
31. Бюджетная система Российской Федерации. Учебник. под редак. Романовская. -М.: ЮРАЙТ. 2000. -615с.
32. Бетин О.И. Бюджетный федерализм В России: проблемы регулирования и управления. –М.: МГУ. 1999.
33. Бюджетный федерализм: проблемы, теория, опыт. -М.: Консорциум по вопросом прикладных экономических исследований. 2001.
34. Ваҳабов А., Бурхонов У., Жумаев Н. Чет мамлакатлар молияси. Янги аср авлоди. 2003. -333б.
35. Ваҳобов А., Бурхонов У., Жумаев Н. Дарслик. Халқаро молия муносабатлари. Тошкент. Шарқ. 2003. 400б.
36. Ваҳобов А.А. Қосимова.Г.А., Жамолов Х.Н., Ўқув қўлланма. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. «Молия». Т., 2004. 296 б.
37. Вахобов А.А. Жамолов Х.Н., Учеб. пособия. Согласование межбюджетных отношений. «Молия». Т., 2002. 267 б.
38. Гизатулин Х.Н., Зарипова И.Р. Формирование и проблемы расширения самостоятельности местных бюджетов в условиях рыночных отношений. 2-изд. Уфа: Институт экономики УрО РАН, 2001. 248с.
39. Дробозина Л. А. Финансы, денежное обращение, кредит. Учебник. М.: Банки и Биржи. Издательское объединение «ЮНИТИ», 1999.
40. Жамолов Х. Н., Иминохунов А. Вопросы совершенствования институциональной структуры доходной базы местных бюджетов \\ Аспирант и соискатель. М.: 2003. №1. 40-41с.
41. Йўлдошев М., Й.Турсунов. «Молия ҳуқуқи». Тошкент. Тошкент Давлат юридик институти. Дарслик. 2004. 240б.
42. Кабулов Х. Факторы и принципы оптимального управления бюджетами территорий. \\ Аспирант и соискатель. М.: 2003. №1. 42-43с.
43. Лексин В., Швецов А. Бюджетный федерализм в период кризиса и реформ.//Вопросы экономики.1998, №3.
44. Ли А. Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқи. Дарслик. Т.: 2004. -398б.
45. Ли В. Проблемы обеспечения устойчивости бюджетных поступлений. // Экономическое обозрение. 2003. №7.
46. Леткемен Н. Бюджет тизимини давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш. // Бозор, пул ва кредит, 2001. июль.
47. Максимова Н.С. О реформировании межбюджетных отношений в Российской Федерации. // Финансы, 1998. №6.
48. Максимова Н.С. Местные финансы и формирование бюджетов муниципальных образований. // Финансы, 1997. №11.
49. Остонакулов М. Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати. Тошкент. Молия. 2005. -338б.
50. Поляк Г.Б. Бюджетная система России. -М.: ЮНИТИ. 1999. -539с.
51. Пыхова И.А. К решению проблем межбюджетных отношений на территории. // Финансы, 1998. №6.

52. Раҳматуллаев Б. Бюджет-давлат иқтисодий қудрати асоси. //Бозор, пул ва кредит, 2001. №7.
53. Роберт Маккэнл. Америка иітисодининг асослари Таржимон Х. Кароматов., Шарқ - 212 б.
54. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. Т.: Консаудитинформ. 2001. -656б.
55. Христенко В.Б. Межбюджетные отношения и управление региональными финнасами: опыт, проблемы, перспективы. М., "Дело", 2002. -608с.
56. Ўлмасов А. Вахобов А. Иктисодиёт назарияси. Дарслик. Шарк. 2006. -480б.
57. Яндиев М.И. Финансы региональных органов власти. М., "Финансовый издательский дом. 1999. -420с.
58. Яҳёев Қ. Солиқка тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. -168б.
59. Яҳёев Қ. Солиқка тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003 йил. -248б.
60. Қосимова Г.А. Ғазначилик фаолиятини ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. «Иқтисод-молия». Т., 2005. -305 б.
61. Г.А. Қосимова. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсати. «Молия». Монография.Т., 2004. 152 б.
62. Қосимова Г. А. Харажатларни бошқариш асоси. Жамият ва бошқарув. 2005йил 1-сон. 31-33 бет.
63. Қосимова Г. А. Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги. Солиқ тўловчининг журнали. 2005йил 5-сон. 47-48 бет.
64. Қосимова Г. А. «Ғазначилик фаолиятининг ташкил этишнинг долзарб муаммолари. «Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислоҳотларни чуқурлаштириш муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент. Банк-Молия Академияси. 2005 йил. 15 июн.
65. Қосимова Г. А. «Бюджет тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари». «Ўзбекистон банк-молия тизими ислоҳатларини чуқурлаштириш муаммолари ва уни иқтисодиётни ривожлантиришдаги таъсирини кучайтириш» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент. Банк-молия Академияси. 2003 йил. 3 июн. 409-411 б.
66. Қосимова Г. А., Тўйчиев М. Ўрта махсус таълимни молиялаштиришнинг янги шакл ва услублари. // Бозор, пул ва кредит. 2003 йил. №10. 45-48 б.
67. Қосимова Г. А. Ижтимоий-маданий соҳалар тараққиётининг молиявий муаммолари. Иқтисодиёт ва таълим. 2003йил 2-сон. 98-106 бет.
68. Қосимова Г. А. Давлат молиясини бошқариш ислоҳотлари. Жамият ва бошқарув. 2003. 4-сон. 46-48 б.
69. Қосимова Г. А. Давлат бюджети солиқли даромадларининг ғазначилик тизимидаги назорати. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизимини ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари. Тошкент Тошкент Молия институти. 2004 йил 11-12 феврал. 60-61б.
70. Қосимова Г. А. Кучли ижтимоий сиёсатнинг устивор йўналишлари.//Бозор, пул ва кредит. 2004 йил. №3.53-55 б.
71. Қосимова Г. А. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни молиялаштириш манбалари. Иқтисодиёт ва таълим. 2004йил 1-сон. 117-125 бет.
72. Қосимова Г. А. Маҳаллий бюджетларни бошқариш. Жамият ва бошқарув. 2004йил 3-сон. 24-25 бет.

73. Қосимова Г. А. Ғазначилик-бюджет ижросини таъминлашнинг янги усули. Иқтисодиёт ва таълим. 2004йил 3-сон. 85-87 бет.
74. Қосимова Г. А. Ғазначилик фаолиятининг ҳуқуқий базасини яратиш масалалари. Хўжалик ва ҳуқуқ. 2004йил 12-сон. 30-31 бет.
75. Қосимова Г. А. Ижтимоий соҳаларни молиялаш жараёнларини эркинлаштириш. // Бозор, пул ва кредит. 2005 йил. №2-8. 25-28 б.
76. Қосимова Г. А., Тўйчиев М. Ўрта махсус таълимни молиялаштиришнинг янги шакл ва услублари. // Бозор, пул ва кредит. 2003 йил. №10. 45-48 б.
77. Қосимова Г. А. Ижтимоий-маданий соҳалар тараққиётининг молиявий муаммолари. Иқтисодиёт ва таълим. 2003йил 2-сон. 98-106 бет.
78. Қосимова Г. А. Маҳаллий бюджетларни бошқариш. Жамият ва бошқарув. 2004йил 3-сон. 24-25 бет.
79. Қосимова Г. А. Маъмурий буйруқбозликдан-иқтисодий усулларга. \\ Солиқ тўловчининг журнали. 2006йил 3-сон. 29-31 бет.
80. Қосимова Г. А. Бюджет маблағи ва унинг самадорлигини ошириш муаммолари. // Мулкдор. 2006 йил. 7 апрель. 14(597)-сон. -7б.
81. Қосимова Г. А., Рихсиева Р., Рихсиев З. Иқтисодиётнинг олтин қоидаси. // Мулкдор. 2006 йил. 14 апрель. 15(598)-сон. -2б.
82. Қосимова Г. А. «Ҳудудларда ижтимоий соҳа ресурсларини бошқариш иқтисодий моделини шакллантириш масалалари». «Кичик бизнес хусусий тадбиркорликни ривожлантириш хорижий тажрибалари ва Ўзбекистонда уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент. Иқтисодиёт Давлат Университети. 2005. 21 октябр. 234-236б.
83. Қосимова Г. А. Соғлиқни сақлаш соҳасида ўз-ўзини молиялаштириш. // Бозор, пул ва кредит. 2006 йил. №4. 41-44 б.
84. Қосимова Г.А. Ижтимоий соҳаларни ривож-лантириш.\\Жамият ва бошқарув. 2006. 1-сон. 62-64 бет.
85. Жумаев Н., Бурхонов У. Молиянинг долзарб муаммолари. Монография.Тошкент. 2003. -385б.
86. Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. Фан. Монография. 2004. 243б.
87. Эгамбердиев О. Бюджетлараро муносабатларнинг умумий тамойиллари. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2003 йил. №5.
88. Эгамбердиев О. Бюджет федерализми масалалари. // Иқтисодиёт ва таълим. 2004 йил. №1.

VIII. Интернет сайтлар

89. http: //www.nalog.ru
90. http: //www.finansy.ru